

Душанба оқшомидаги дарслар



**Муаллиф
Андижон жомеъ масжиди имоми
Абдували қори Ашурали ўғли
Мирзаев**

4

Жуз

(Аллоҳ йўлида вақф)

Нашрга тайёрловчи

Саҳвий

2022 йил

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китоб, Душанда Дарсларининг тўртинчи жуъдидир.

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, мана, Душанба Дарслари туркумидаги, тўртинчи китоб ҳам, бугун Аллоҳнинг мадади ила, ниҳоясига етди. Аллоҳ берган имкону шароит ва мадад билан, бу туркумда жами, тўртта китоб ёзилди. Бу китоб муаллифи аллома, Абдували қоридир. Оққа тушириш, Аллоҳнинг мағфиратидан умидвор банда, каминага насиб бўлди.

2021 йил август ойидан бошланган иш 2022 йил феврал ойида тугалланди. Жами олти ой муддатда, бу улкан иш, Аллоҳнинг мадади ила, битди. Алҳамдулиллоҳ! Дарслар сони жами, 76 та бўлди. (28 дарслик қори ака шогирди томонидан қилинганлиги учун, биринчи тўпламга кирмаган ва шу сон очик қолган.) Демак, бу тўртинчи жуъда, 16 та дарс ва тўртта китобда, жами 75 та дарс жамланди. Иккита дарс, 77 ва 78 дарслар, саҳобалар маноқиблари ҳақида бўлиб, аслида улар Душанба Дарсликларига кирмайди. Улар интернетга булар сафига қўйилиши хатодир. Қори ака, Душанба дарсларида асосан, ақида масалаларидан дарс қилганлар. Баъзи, дарслар охирида, саҳобалар қиссаларидан ҳам гапирганлар. Шулар, бу тўпламга кирган. Душанба кундаги дарсдан ташқари, саҳобалар ҳақида алоҳида дарслари ҳам бўлган. Шундан иккитаси, негадир интернетдаги душанба дарслари жумласига қўшилиб, тарқалган. Булар аслида, Душанба дарсларидан эмас. Шунинг учун, бу туркумга киртилмади. Шунинг учун, интернетда тарқалган душанба дарслари деган, аудио файлдаги дарслар билан бу тўпламдаги дарслар сонидан, фарқлар бор. Хусусан, интернетдаги файлларда пала партишликлар кўп. Баъзида, битта дарсни бошқа нумер билан, яна қайта қўйилган. Баъзиларида битта дарс бошқа номда яна қайта қўйилган. Интернетдаги тарқалган файллар текширилиб, аниқлаб, қўйилган эмас. Хуллас, Душанба дарсларига мансуб охириги дарс, Нидо оятлари туркумидаги бешинчи дарсдир. Бу дарсда Нисо сураси 135 оятига келиб қолган. Шу ерда, у киши қазою қадар бўлиб, йўқ қилинганлар. Ва иншааллоҳ золимлар зулми билан, Аллоҳнинг иродаси билан, шахидлик мартабасига эришганлар деб, умид қиламиз. Шу билан Нидо оятлари туркумидаги дарслар охирига етмай қолди.

У кишининг соф Исломиёй дарслари жамланган, Душанба Дарслари, ва жума маърузаларидаги тафсирлари, ўзбек мусулмонларига, у кишидан қолган, бебаҳо исломий илмий меросдир. Бу меросни авайлаб асраш ва келажак авлодга етказишлик, уни ўқиб, амал қилишлик, бизнинг вазифамиздир. Бу тўрттала китоб ҳам, шу мақсадда нашрга тайёрланди. У кишининг жума кунларидаги, қуръонга қилган тафсирлари, ҳали аудио файлларда қолиб кетаяпти. Буларни ҳам, Аллоҳ насиб қилган бахли инсонлар, оққа кўчириб, қачонлардир, китоб қилишларига ишонаман. Булар бари, вақти келиб, китоб бўлиб, ўзбек китобхонлари уйларига кириб боради. Уларга имону исломдан, таълим беради. Булар энди, келажакда бўлиши умид қилинадиган амаллардир, иншааллоҳ! Бу китобдан тижорат мақсадида фойдаланиш мумкин эмас. Таълим учун фойдаланишда, таъқиқ йўқ.

Аллоҳу таоло, бу амалимни нуқсону хатоларини авф этиб, дунё ва охирагимиз учун манфаатлик қилсин! Ўқувчиларнинг, китоб муаллифига ва ноширга ҳам, яхши дуолар қилишларини, умид қилиб қоламан. Китоб ҳақидаги фикр мулоҳазалар кутиб қоламан.

Саҳвий

22. 02. 2022

60 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 1 қисм

(Тўртта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан дарс қилиб бошланади. Бундан кейинги дарслар то 67 дарсгача, жами 8 та дарс, шу китобдан бўлади. Демак, жами 8 та дарс мавзуси, шу гуноҳи кабираларнинг турларига бағишланади. Бу дарсда, кабира гуноҳлардан тўрттаси, алоҳида шарҳланади. Ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдиришлик, сеҳр қилишлик, намозни тарк этишлик, шарҳланади. Ширк келтиришлик гуноҳининг шарҳида, кичик ширкларга, доир қатор ҳадислар келтирилган. Улар ичида мавзуъ, тўқима ва заиф ҳадислар ҳам келган. Қори ака дарсни ичидаги, барча ҳадислар сиҳоҳи ситтадан келтирилганлиги таъкидлаб ўтганлар. Шунга қарамай, улар ичида, баъзи муҳаддислар мавзуъ деган, ҳадислар ҳам учрайди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамдлар бўлсинки, мана, Аллоҳнинг мадади билан, Душанба кундаги дарсимиз давом этиб келаяпти. Дарсимиз асосан тавҳид устига қурилган бўлди. Дарсимизда иштирок этган кишилар, ўзларига яраша маълумотга эга бўлдилар деб, гумон қиламиз. Тавҳид Исломнинг асоси эканлигига, агар тавҳиддан четланса, ҳар қанча амал бўлса ҳам, манфаати бўлмаслигига, қаноатланарлик даражада илм ҳосил бўлди. Дарсимизда иштирок этган кишилар, ва шу дарсимиздан фойдаланган одамларда, шундай илм ҳосил бўлди. Бугунги дарсимизнинг мавзуси, шу Душанба кундаги дарсларда, иштирок этувчилар, кўпроқ маълумотга эга бўлишини ҳисобга олиб, гуноҳи кабиралар мавзусини ўрганамиз. Бу мавзуда олдинроқ ҳам қисқа сурада, дарслар қилинганди. Лекин, одамларнинг бунга тайёр эмасликларини ҳисобга олиб, тўхтатилганди. Бу дарс мавзусига қайтишлигимиз, ўз ўзидан бўлгани йўқ. Бу мавзуда дарс қилишни ёзма равишда, талаб қилинганлиги ва баъзилар, шуни ёзма равишда бўлса, олиб фойдалансак деб, талаб қилишлари натижасида, иншааллоҳ бугундан бошлаб, неччи кун давом этса, Аллоҳнинг мадади билан, давом эттирамыз.

Мўмин одам учун, гуноҳи кабиралардан сақланишлик, энг муҳим амал бўлмоқлиги керак. Чунки, гуноҳи кабиралардан сақланмасдан туриб, яхши амал қилган одамнинг мисоли шунга ўхшайдики, ювинмасдан туриб, бадани бадбўй, кир бўла туриб, янги либос кийганига ўхшайди. гуноҳи кабиралардан сақланмасдан туриб, яхши амаллар қилишлиги, инсон ҳаётида бир мувозанатсиз ҳолатни пайдо қилади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳобларни, гуноҳи кабиралардан тозалашликка, жуда кўп эҳтимом берганлар. Иншааллоҳ бу дарсни ўрганиш давомида, қуръони карим ва ҳадиси шарифлар, гуноҳи кабиралардан тозаланишликка, қанчалик эҳтимом берганлиги айтиб ўтамиз.

Гуноҳи кабиралар нималар?

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларда, ва салафи солиҳинлардан ривоят қилинган асарларда, келган. Асар нима? Саҳобаи киромлар ва тобеъинлар тарафидан ривоят қилинган нарсалар. Шу учтаси, китобуллоҳ, ҳадиси Расулulloҳ ва салафи солиҳинлардан ривоят қилинган сўзларда, қайтарилган ишлар, гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳи кабиралардан четланган кишиларнинг бошқа гуноҳларини каффорат қилишига ва улуғ даргоҳ, жаннатга олиб киришликка, кафил бўлди.

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلَنَّكُمْ مَدْخَلًا كَرِيمًا
Нисо сураси 31 оят

Агар сизлар қайтарилган гуноҳларнинг катталаридан ўзингларни четга олсанглар, сизларни улуғ гуноҳингларни кечирамиз ва улуғ даргоҳ, жаннатга олиб кирамиз, деяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг мақтаган бандаларининг биринчи сифати, гуноҳи кабирадан четланган кишилар деди.

وَالَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَائِرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ وَإِذَا مَا غَضِبُوا هُمْ يَغْفِرُونَ
Шуро сураси 37 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мақтаган бандалари, гуноҳи кабирадан четланган кишилар ва фоҳиша бузуқ ишлардан четланган кишилар ва ғазабланган вақтида кечирган кишилардир.

الَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَائِرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ إِلَّا اللَّمَمَ
Нажм Сураси 32 оят

Гуноҳларнинг катталаридан бузуқ ишлардан четланган кишилар магар кичкина гуноҳлардан ижтиноб қилолмаслигини, инсон табиатини Аллоҳу таоло баён қилди.

كُلُّ ابْنِ آدَمَ خَطَّاءٌ ، وَخَيْرُ الْخَطَّائِينَ التَّوَّابُونَ
الراوي : أنس بن مالك

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Одамнинг фарзанди бўлса, кўп хато қилиб туради. Кўп хато қилувчиларнинг энг яхшиси, кўп тавба қилувчилардир.

Демак, бизни кичкина гуноҳлардан тийилолмаслигимизни, Аллоҳу таоло билди ва Ўзини мағфирати кенг эканлигини баён қилди.

الصَّلَاةُ الْخَمْسُ، وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ، وَرَمَضَانُ إِلَى رَمَضَانَ، مَكْفَرَاتٌ مَا بَيْنَهُنَّ إِذَا اجْتَنَبَ الْكَبَائِرَ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Беш вақт намоз, жумъадан жумъагача ва рамазон ойи келаси рамазонгача, булар кафоорат бўлади ўз орасидаги ишларга, агар гуноҳи кабирадан четланса.

Гуноҳи кабирага каффорат бўлмаслигига ишора бўлаяпди. Бу ояти карималар ва ҳадислар бизга, гуноҳи кабираларни бирма бир билмоғимиз зарурлигига далолат қилади.

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُوبِقَاتِ. قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا هُنَّ؟ قَالَ: الشِّرْكُ بِاللَّهِ، وَالسِّحْرُ، وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ، وَأَكْلُ الرِّبَا، وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ، وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الرَّحْفِ، وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ.
الراوي : أبو هريرة | المحدث : أبو داود

Баъзи уламолар шу ҳадисни ҳужжат қилиб, гуноҳи кабиралар еттита дейишган. Аллоҳга ширк келтириш. Сеҳр. Ноҳақ одам ўлдиришлик. Рибо емоқ. Етим молини емоқ. Жиҳоддан бош тортиш, Покиза, мўъмина аёллар шаънига, бузуқ иш билан, тухмат қилишлик.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг динида аёлларни қанчалик ҳимоя қилганлигига, шу ҳадиси шариф кифоя қилади. Кечирмайдиган катта гуноҳлар сафида зикр қилганлиги ўзи, кифоя қилади.

عن ابن عباس رضي الله عنه، فقد سئل عن الكبائر سبع هي؟ قال: قال: هي إلى السبعين أقرب. وقال بهذا أبو العالية، وذكر منها الذهبي في كتابه (الكبائر) سبعين كبيرة

Абдуллоҳ ибн Аббос кабира гуноҳлар, еттидан етмиштагача, деган эканлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу ерда, асосий катталарини айтдилар. Гуноҳи кабираларга, асосан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тарафидан, ваъид эълони бўлган гуноҳлар ва ҳадд жазolari белгиланган ва қилувчига лаънат эълон қилинган гуноҳлар, киради. Шулар, кабира гуноҳлардан ҳисобланади. (Энди шу еттита гуноҳни учтаси, бирма бир шарҳланади. Қолган тўрттаси, шу туркумдаги дарсларнинг бошқа қисмларида шарҳланган.)

1. Аллоҳга ширк келтиришлик

Баъзи кабира гуноҳлардан баъзиси устун туради. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳга ширк келтиришни, гуноҳи кабираларнинг энг каттаси, дедилар. Демак, гуноҳи кабиралар ичидаги гуноҳлар, ўзи катта бўлса ҳам, ширкка нисбатан кичикроқ ҳисобланади. Аллоҳу таоло ширкни кечирмайди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا
Нисо сураси 48 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширкдан бошқа гуноҳни, истаса кечирилади. Аммо, ширкни ҳеч қачон кечирмайди. Демак, биринчи гуноҳи кабира, Аллоҳга ширк келтиришликдир. Аллоҳдан бошқага ибодат қилишликдир. Хоҳ бу дарахт бўлсин, хоҳ, тош, хоҳ офтоб, ой, Хоҳ пайғамбар, хоҳ шайх, хоҳ юлдуз, хоҳ фаришта, хоҳ тоғлар ва булоқлар ва ҳаказо бўлсин! Аллоҳдан бошқага ибодат қилишлик, ширкдир. Ширк катта зулмдир.

إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 17 оят

Ширк келтирган одамга, Аллоҳ жаннатни ҳаром қилди.

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ ۚ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ
Моид сураси 72 оят

Бу ҳақда, оятлар жуда кўп. Аллоҳга ширк келтириб мушрик ҳолатда ўлса, жаҳаннам аҳлидан эканлигида, шак шубҳа йўқ! Унинг гуноҳи кечирилмайди. Абадий жаҳаннамда қолади. Ким Аллоҳга имон келтириб, ширк келтирмасдан, мўмин бўлиб ҳаётдан ўтса, бунинг ҳам жаннат аҳлидан эканлигида, шак шубҳа йўқ! Агарчи, гуноҳлари учун, жаҳаннамда куйса ҳам, жаннат аҳлидан эканлигида, шак шубҳа йўқ!

أَلَا أُنبِئُكُمْ بِأكْبَرِ الْكِبَائِرِ قُلْنَا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ، وَكَانَ مُتَكِنًا فَجَلَسَ فَقَالَ: أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ، وَشَهَادَةُ الزُّورِ، أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ، وَشَهَادَةُ الزُّورِ فَمَا زَالَ يَقُولُهَا، حَتَّى قُلْتُ: لَا يَسْكُتُ

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Сизларга гуноҳларнинг катталари қайси эканидан хабар берайми? Дедилар. Уч марта айтдилар шу сўзни. Асҳоблар ҳа, айтинг, дейишди. Аллоҳга ширк келтиришлик ва ота онага оқ бўлишлик, дедилар. Ва суяниб ётган эдилар, ўтириб олдиларда, ало қавлуз зур ва ало шаҳодатиз зуур, деб, ёлғон сўз ва ёлғон гувоҳлик беришлик деб, такрорлайвердилар, биз ҳаттоки, бас қилсалар бўларди, дедик.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига муштоқ бўлган саҳобалар, энди бас қилсалар бўларди, дейдиган даражада, кўп такрорладилар. Ёлғон гувоҳ беришлик билан, биров қатл қилиниши мумкин ва маҳбус бўлиб, зулмда қолиб кетишлиги ҳам мумкин?!

Кичик ширк риё ҳақида

Ширкларнинг яна бир тури риёдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло риё амални қабул қилмайди.

فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا

Каҳф сураси 110 оят

Ким Роббига дуч бўлишни умид қилса, солиҳ амални қилсин ва Роббисининг ибодатига бировни шарик қилмасин!

Қуръони карим ибораси, жуда дақиқдир. Аҳадо, ҳеч кимни. Баъзи бировларга Аллоҳга шарик қилманглар десангиз, улар, биз замони саодатдаги мушрикларга ўхшаб, тошларни шарик қилаётганимиз йўқ, дейишади. Биз авлиёларни шарик қилаяпмиз. Яъни, бизларни яқин қилади деб, эътиқод қилаяпмиз, дейди. Қуръони карим Аҳадо, ҳеч кимни, деяпди. Аҳад калимаси, жонлик мавжудотга айтилади. Роббисининг ибодатига бирор бир кишини, шарик қилмасин!

لا يراء باعمله احدا

Бу оятни, ўзининг амали билан, бировга риё қилмасин, деб, тафсир қилинган.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Сизларнинг устингизда, энг қаттиқ қўрқадиган нарсам, ширки асғардир, Дедилар. Ё Расулуллоҳ, ширки асғар нима, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, бу Риё, дедилар.

إِنَّ أَخَوْفَ مَا أَخَافُ عَلَيْكَ الشِّرْكَ الْأَصْغَرَ قَالَ : وَمَا الشِّرْكَ الْأَصْغَرُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ؟ قَالَ : الرِّيَاءُ يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا جَزَى النَّاسَ بِأَعْمَالِهِمْ أَذْهَبُوا إِلَى الَّذِينَ كُنْتُمْ تُرَاوُونَ فِي الدُّنْيَا فَاَنْظُرُوا هَلْ تَجِدُونَ عَنْدهُمْ جَزَاءً

رواه أحمد

خلاصة حكم المحدث : رجاله رجال الصحيح

Одамларга амалларига яраша жазо ва мукофот берадиган кунда, риё қилганларга, боринглар, ўша риё қилган одамларнинг олдида, қарангларчи, сизларга мукофот бормикан, улар олдида, дейди, Аллоҳу таоло!

قال الله عزَّ وجلَّ : أنا أغنى الشركاء عن الشرك ، فمن عمل لي عملاً أشرك فيه غيري فأنا منه بريء ، و هو الَّذِي أَشْرَكَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح
التخريج : أخرجه مسلم |

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ким бирор амалда, Мен билан бошқани шарик қилса, у амал ўша шарик қилганига бўлади. Мен ундан безорман, дейди.

من سَمِعَ سَمْعَ اللَّهِ به ، ومن يراني يراني الله به
رواه البخاري

Ким бировлар эшитсин деб, амал қилса, Аллоҳу таоло уни, бировларга эшиттиради ва ким бировлар кўрсин деб, амал қилса, Аллоҳу таоло уни, бировларга кўрсатади. Шундан бошқа мукофот бермайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

رَبِّ صَائِمٍ لَيْسَ لَهُ مِنْ صِيَامِهِ إِلَّا الْجُوعُ وَرَبِّ قَائِمٍ لَيْسَ لَهُ مِنْ قِيَامِهِ إِلَّا السَّهَرُ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه
الصفحة أو الرقم: 1380 | خلاصة حكم المحدث : حسن صحيح

Кўп рўза тутувчилар борки, имонан ваҳтисобан, рўза тутмаган учун, рўзасидан топгани очлигу, чанқоқлик бўлади халос. Кўп кечаси бедор бўлиб, ибодат қилувчилар борки, уларнинг топгани уйқусизлик бўлади халос. Уларга ажр бўлмайди, риё қилганлиги учун.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам риёга, қаттиқ зарба бердилар. Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: Риё учун амал қиладиган одамнинг мисоли, маблағ соладиган катмони бор. Уни ичига тошлардан солиб, бозорга кириб кетаётган одамга ўхшайди. Уни кўрган одамлар, жуда катта маблағ билан кириб кетаяпди. Бозордан ҳамма нарса сотиб олишга қодир, деб, ҳамма гапиради. У кўтарган китмони, тўла бўлади. Одамлар уни кўп нарса сотиб олишга қодир деб, ўйлайди. Лекин, у одамларнинг, шу гапидан бошқа маза тополмайди. Уни бу тошларига шуларни олиб, эвазига бир каттароқ тош беринг, десаям, бермайди. Ҳали бир нарса беришлик, у ёқда турсин. Мисоли шунга ўхшайди.

Одамлар, бу одам жуда кўп амал қиляпди, деб, ўйлайдиган одамлар борки, улар охираат бозорига кирганда, кўп нарса олади деб, гумон қилинади. Борганда, ичидан майда тош чиқади халос, биродарлар. Бирор нарса унга берилмайди. Риёкор одамнинг топган мазаси, одамларнинг, шу гапи бўлади, халос.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, Адий ибн Ҳотим ривоят қилган.

يُؤْمَرُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِنَاسٍ إِلَى الْجَنَّةِ، حَتَّى إِذَا دَنَوْا مِنْهَا، وَنَظَرُوا إِلَيْهَا، وَاسْتَنَشَقُوا رِيحَهَا، وَنَظَرُوا إِلَى مَا أَعَدَّ اللَّهُ لِأَهْلِهَا، نَادَوْا أَنْ
اصْرِفُوهُمْ عَنْهَا وَلَا نَصِيبَ لَهُمْ فِيهَا، فَيَرْجِعُونَ بِحَسْرَةٍ مَا رَجَعَ الْأَوَّلُونَ بِمِثْلِهَا، فَيَقُولُونَ: يَا رَبَّنَا لَوْ أَدْخَلْتَنَا النَّارَ قَبْلَ أَنْ تَرَيْنَا مَا أَرَيْنَا مِنْ
ثَوَابِكَ، وَمَا أَعَدَدْتَ فِيهَا لِأَوْلِيَائِكَ كَانَ أَهْوَنَ عَلَيْنَا، قَالَ: ذَاكَ أَرَدْتُ بِكُمْ
هَذَا حَدِيثٌ مَوْضُوعٌ أَخْرَجَهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ (86 / 17) وَالْأَوْسَطُ (366 / 5) وَالْبَيْهَقِيُّ فِي الشَّعْبِ وَابْنُ عَسَاكِرَ (28 / 14) وَأَبُو نَعِيمٍ
فِي الْحَلِيَّةِ وَغَيْرُهُمْ مِنْ حَدِيثِ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ
(Муҳаддислар бу ҳадисни мавзуъ, тўқима ҳадис ва ривоят қилиш жоиз эмас, дейишган)

.....
(Ҳадисни ярмини дарсда ўқилмаган. Шу ярмини бу ерда келтирдим. Бу қисмини мазмуни ўзбекчада айтилган)

كنتم إذا خلوتم بارزتموني بالعظام وإذا لقيتم الناس لقيتموهم مخبتين تراؤون الناس بخلاف ما تعطوني من قلوبكم هبتم الناس ولم
تهابوني وأجلتكم الناس ولم تجلوني وتركتم للناس ولم تتركوا لي فاليوم أذيقكم العذاب الأليم مع ما حرمتكم من الثواب المقيم
(Эслатма: буни сўз ҳадисмас, бу тўқима гап.)

Қиёмат куни бир неча жамоаларни жаннат яқин келтирилади. Улар жаннатнинг ҳидини сезганда, жаннатнинг қасрларини узоқдан кўришганда ва Аллоҳнинг жаннат аҳлига ҳозирлаб қўйган мукофотларини кўришганда, уларни буринглар, буларни жаннатдан насибалари йўқ, деган, хитоб бўлади. Улар мислу йўқ, ҳасрат ва надомат билан, қайтишади. Улар ўтга шу жаннатни кўрмасдан кириб кетганимизда, яхшироқ бўларди. Бунча азоб тортмасдик, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам, яхшилиқни кўриб, у насиб бўлмасдан, ёмонликка киришлик, у мутлақ ёмонликка киришдан, қаттиқроқдир. Ҳадиснинг мазмуни шуки, улар катта амаллар қиляпди деган, сўзларни эшитгани учун, катта роҳатлик жойларни кўзлари билан кўриб, азобга киришликлари, мана бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қалбларидан ҳеч нарса бермаётганига далолат қиладиган ҳадисдир. Одамлардан ҳайбатландинглару, Мендан ҳайбатланмадинглар, дейди, Аллоҳу таоло.

قال أحمد بن منيع: ثنا يزيد هو ابن هارون، أنا الفرّج بن فضالة، عن أبي الحسن، عن جبلة اليحصبي قال: كنا مع رجل من أصحاب النبي صلى الله عليه وسلم فكان فيما حدث: أن قاتلاً من المسلمين قال: يا رسول الله، ما النجاة غدا؟ قال: «لا تخادع الله». قال: وكيف نخادع الله؟ قال: «أن تعمل بما أمرك الله به تريد به غيره، فاتقوا الرياء فإنه الشرك بالله عز وجل، فإن المراني ينادى به يوم القيامة على رءوس الخلائق بأربعة أسماء يا كافر، يا فاحش، يا خاسر، يا غادر، ضل عملك وبطل أجرك، فلا صلاة لك اليوم عند الله، والتمس أجرك ممن كنت تعمل له يا مخادع». قال: فقلت له: أو قلنا له: الله الذي لا إله إلا هو، لأنت سمعت هذا من رسول الله صلى الله عليه وسلم؟ قال: والله الذي لا إله إلا هو، أنا سمعت هذا من رسول الله صلى الله عليه وسلم إلا أن يكون شيئاً لم أتعمده. قال يزيد: أظنه قرأ آيات من القرآن {فمن كان يرجو لقاء ربه فليعمل عملاً صالحاً} الآية و {إن المنافقين يخادعون الله وهو خادعهم} الآية. (المكالمات العالية لابن حجر- والبوصيري في إتحاف المهرة).

قال الشوكاني فتح القدير: أخرجه ابن منيع بسند ضعيف

(Эслатма: бу ҳадисни уламолар, заиф дейишган. Буни ўқиб қўйишлик жоиз.)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдида бир киши келиб, нажот қаерда? деди. Аллоҳни алдамасликда, дедилар. Қандай қилиб. Аллоҳни алдаш мумкин? Деди. Аллоҳ ва Расули буюрган амални қилиб, Аллоҳдан бошқани ризосини талаб қилишинг, Аллоҳни алдашлигинг, дедилар. Риёдан сақлангин! Чунки, бу кичик ширкдир. Риёкор одамлар, қиёмат куни тўртта номда чақирилади. Эё, риёкор, Эй хиёнаткор, Эй Фоҳиша, Эй, зиёнкор, амалинг зойеъ бўлди. Ажринг йўқолди. Сенга бу ерда ажр йўқ! Дейилади. Ажрингни кимга амал қилган бўлсанг, шундан талаб қил! дейилади.

Мана, кўп ҳадисларда келадики, ким амални одамлар учун қилган бўлса, одамлар шундай дегандан кейин, унинг мукофоти тамомдир, биродарлар. Одамлар уни мақтади. Иккинчи Хотамтой деди. Бўлди шу билан.

المخلص عباد الله هو من يكتم حسناته كما يكتم سيئاته

Баъзи уламолар, хатоларини қандай бекитса, яхшилиқларини шундай бекитган одам, мухлис одам, деган эканлар.

وأما ترك بعض الأعمال الصالحة من باب مخافة الرياء فهو: من تلبس الشيطان، وقد عده أهل العلم من الرياء - كما سمعت - فقد قال الفضيل بن عياض - رحمه الله - كما في شعب الإيمان: ترك العمل من أجل الناس رياء، والعمل من أجل الناس شرك، والإخلاص أن يعافيك الله منهما

Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ, айтган эканлар: Одамлар учун, одатда қилиб юрган амалини тарк қилишлик, риё деган эканлар. Одатда бир амални қилиб юрган бўлсангиз, одамлар нима дер экан, деб, шуни қилмай қўйсангиз, бу риё деган эканлар. Одамлар кўрсин деб, амал қилишлик, ширк, деган экан. Ихлос эса, шу икковидан ҳам, Аллоҳ сени саломат қилишлиги, дедилар. Одатда бир амални қилиб юрган амални, одамлар учун тўхтатиб қўймаслик ва Одамлар кўрсин деб, амал қилмаслик, мана шу Ихлосдир, деган эканлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати бўлсин, Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳга, ажиб бир сўз, айтган эканлар. Бир риё деган амални, у киши ширк деяпдилар. Одамлар одатда қилиб юрган бир амални, тўхтатиб қўяди, одамлар учун. Одатда қилиб юрган бир амални, қилаверсин!

2. Ноҳақ одам ўлдирш

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاؤُهُ جَهَنَّمُ خَالِدًا فِيهَا وَغَضِبَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَعْنَهُ وَأَعَدَّ لَهُ عَذَابًا عَظِيمًا

Нисо сураси 93 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ким мўмин кишини қасддан ўлдирса, қотил кимса, мўмин кишини қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам, деди. Жаҳаннамда абадий бўлади. Аллоҳ унга ғазаб қилади ва лаънат қилади ва унга катта азобни ҳозирлаб қўяди.

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ

Фурқон сураси 68 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзининг яхши бандаларининг сифатларини зикр қилганда, улар Аллоҳдан бошқага дуо илтижо қилмайдилар ва Ноҳақ одам ўлдирмайдилар ва зино қилмайдиган одамлар, деб айтди.

مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا

Моида сураси 32 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ким бир одамни ноҳақ ўлдирган бўлса, ёки, ерда бузғунчилик қилса, гўёики, ҳамма одамларни қатл қилибди. Ким бир одамни ноҳақ қатлдан қутқариб қолса, одамларнинг ҳаммасига ҳаёт бағишлагандек, ажрга эга бўлибди, дейди.

بِأَيِّ ذَنْبٍ قُتِلَتْ وَإِذَا الْمَوْءُودَةُ سُئِلَتْ

Таквир сураси 8,9 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қуръони каримда айтади: Тириклайин ўлдирилган қизалоқлар, қайси гуноҳи учун, ўлдирилди? Деб, сўраладиган пайтда, деб, қиёматни зикр қилди. Мавъуда, тириклайин кўмиб юборилган қизалоқ. Яъни, илгариги замони жоҳилийятда, туғилган кўп қиз болаларни, тириклай кўмиб юборилган. Мана бу нарсани, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қиёматнинг даҳшатли воқеълари қаторида зикр қилаяпди. Яъни, қиз болани, тирикликка фойдаси йўқ деб, ёки, орият қилиб, тириклай кўмиб юборилганини, қиёматнинг даҳшатли воқеълари қаторида, зикр қилаяпди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келишларидан илгариги замони жоҳилийятда, қизлар ўлдириларди. Наҳотки, инсон ўзини фарзандини кўмиб юборадими? деб, ҳайратланасиз. У вақтда қизларни кўмишган бўлса, ҳозир, ўғилми қизми, қарамасдан, кўмиб ҳам, ҳурмат қилмасдан, ахлатхонага ташлаб кетаяпди. Моҳирроғи бўлса, ҳожатхонага ташлаб юборяпди. Мана бу, Ислоннинг ҳаётдан жилишлиги билан, ҳар қандай маданият, фазога учишлик ҳам, фойда бермаслигига далолат қилади. Инсон маданияти, инсондаги маънавиятни ўсишлигидир.

Ҳар қанча моддий тарафлама ривожланишлиги билан, Маънавийятнинг ривожланишига асосий нарсаси, имону ислом эди. Мана бу йўқолишлиги билан, ўзини маданий санаган одамдан ҳам, ўзининг фарзандини ўлдиришликки эмас, йиртқич ҳайвон ҳам бажаролмайдиган ишни қилишлик, ҳожатхонага ташлаб юборишлик содир бўлаяпди. Жоҳилийятда, тупроққа кўмиб кетган бўлса, бугун ҳожатхонага ташлаб юборяпди. У ким? Тўққан она ташлаяпди. Онаики, ҳаётда ўзининг асосий сифати, фарзандига меҳрибонлиги билан, машҳур бўлган оналар, боласини нажасга, Ўзининг нажаси тушаётган ерга, ташлаб юборишлиги, бу инсоннинг, исломдан узоқлашганидан кейин, тубанликда ваҳший ҳайвондан ҳам, ўтиб кетганига далолат қилади.

Мана буни Ислом, қиёматнинг даҳшатли воқеъаси қаторида, қиёмат даҳшати, бу ер курраси алангага кириб, сувларнинг тамоми ёниб кетишлиги зикр қилинган қаторда, зикр қилишлиги, туғилган болага, ота онасидан ҳам меҳрибон бўлганлигини, кўрсатади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу меҳрни, исломни жўнатишлиги билан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, бутун оламга раҳмат қилиб жўнатганлигига, далолат қилади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: إذا التقى المسلمان بسيفيهما، فالقاتل والمقتول في النار. فقيل: يا رسول الله هذا القاتل، فما بال المقتول؟! قال: إنه كان حريصاً على قتل صاحبه. رواه البخاري ومسلم

Иккита мусулмон қиличлари билан, бир бирига қарши жанг қилса, иккаласи ҳам, жаҳаннамда дедилар. Сўрадиларки, бу қотил ўлдиригани учун ўтда, лекин, бу ўлдирилган нега жаҳаннамда? дейишди. Шунда, буям шеригни ўлдиришга ҳарис эдида, дедилар.

Иложи бўлганда, бу ўлдирарди. Икки мусулмон, ўртадаги адоват сабаблик, ўзаро қаттиқ жанг қилса, ёки, бир томонга тарафкашлик қилиб, ё дунё мол учун, ё раислик талаб қилиб, мана шу нарсалар учун, жанг қилса, қотил ҳам ва мақтул ҳам, жаҳаннамда бўлади.

Замони саодатни охиридаги, Али ибн Абу Толибга қарши чиққан баъзи, мусулмонлар, у Халифага қарши чиқишлиги, ижтиҳод билан бўлди. Булар унга кирмайди, биродарлар. (Муовия ва Оиша онамиз ва бошқа саҳобалар, Али ибн Абу Толибга қарши чиққанди. Бу Усмон разияллоҳу анҳунинг қотилларини топиб, жазолашни талаб қилишган ва шуни қилмагунча. Унга байъат бермаймиз дейишганди. Қотилларни топиш имкони бўлмади ва орада, низо кучайиб, ўзаро жанг қилишди. Тарихда Жамал жанги деб, айтиладиган бу жангда, икки томонида ҳам, саҳобалардан иборат қўшин жанг қилган.)

Аммо, шуни тушунайликки, Тажовузкорлик асосида, бир одамга ҳужум қилинсаю, у ўзини мудофаа қилиб, қатл содир бўлса, бу айтилган гуноҳга кирмайди. У ўзини мудофаа қилиши керак. Масалан бир қароқчи одам, бир кишини ўлдираман деб, йўлини тўсган вақтда, бу уни ўлдиришликка ҳарис эмасди. Ўзини ҳимоя қилиб турган соатда, қатл содир бўлса, бунга жавобгар бўлмайди. Чунки, у йўлтўсар тийилишлиги билан, бу ўзини йўлида равона бўларди. Бу уни ўлдиришликка ҳарис эмасди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам умматга насиҳат қилиб:

لا تَرْجِعُوا بَعْدِي كُفْرًا، يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ.
الراوي : جرير بن عبدالله | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Мендан кейин, бир бирларингни бўйинларинга қилич билан урадиган, кофир бўлиб, (диндан) қайтиб кетманглар, дедилар.

عن عبد الله بن عمر رضي الله عنهما أن رسول الله : " لا يزال المؤمن في فسحة من دينه ما لم يصب دماً حراماً
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, мўмин банда динидаги эркинлик, кенгликда давом этади, модомики, ҳаром қон тўкмаган бўлса, дедилар.

Яъни, бировнинг қонини ноҳақ тўкмаган бўлса, дини кенглигида давом, этаверади.

في روايته ابن مسعود : أول ما يحاسب العبد عليه صلاته، وأول ما يقضى بين الناس في الدماء
وقال الألباني في صحيح سنن النسائي : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қиёмат куни банда, биринчи бўлиб намозидан сўралади. Одамлар орасидаги нарсалардан, биринчи бўлиб, ноҳақ тўкилган қонлардан сўралади, дедилар.

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَتَلْتُ مُؤْمِنًا أَعْظَمُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ زَوَالِ الدُّنْيَا
الراوي : عبدالله بن عمرو | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح النسائي
الصفحة أو الرقم: 3997 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Бир мўъминни ноҳадан қатл қилинишлиги, Аллоҳнинг наздида, дунёнинг йўқ бўлиб кетганидан кўра, каттароқ, дедилар.

Дунёнинг ҳаммаси йўқ бўлиб кетганидан кўра, Бир мўъминни ноҳадан қатл қилинишлиги, Аллоҳнинг наздида, каттароқ, дедилар.

لَا تُقْتَلُ نَفْسٌ ظُلْمًا، إِلَّا كَانَ عَلَى ابْنِ آدَمَ الْأَوَّلِ كِفْلٌ مِنْ دِمِهَا، لِأَنَّهُ كَانَ أَوَّلَ مَنْ سَنَّ الْقَتْلَ
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Бир киши зулман қатл қилинадиган бўлса, Одам алайҳиссаломнинг ўғлига, ундан бир улуш бориб туради. Чунки, биринчи марта ноҳақ одам ўлдирган, (Қобил) шу киши эди. Одам алайҳиссаломнинг ўғли, ҳасад қилиб, укасини (Ҳобилни) ўлдирган эди. Қиёматгача, ноҳақ одам ўлдирилса, (Қобилга) бунинг гуноҳидан бир улуш бориб туради.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Ислом диёрида яшаб турган зиммийларни, ким қатл қилса, яъни, омонлиги, Аллоҳ ва Унинг расулининг зиммасида бўлган, зиммийни қатл қилса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди, етмиш йиллик масофадан келиб туради, дедилар.

أَلَا مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مَعَاهِدًا لَهُ ذِمَّةُ اللَّهِ وَذِمَّةُ رَسُولِهِ ، فَقَدْ أَخْفَرَ بِذِمَّةِ اللَّهِ ، فَلَا يَرِحُ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ ، وَإِنَّ رِيحَهَا لَتَوَجُّدُ مِنْ مَسِيرَةِ سَبْعِينَ خَرِيفًا
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Ислом диёрида, яшаш учун келиб, рухсат олиб яшаётган кофирлар, Исломга қарши душманлик қилмасликка аҳду паймон қилиб, яшаётган кофирлар, Аллоҳ ва расули томонидан, омонлик берилган кишилар бўлади. Уларнинг омонлиги Аллоҳ ва Расулининг зиммасида бўлади. Шулар жони дахлсиздир. Ким уларга қасд қилса, улар мушрик бўлсада, уларни ўлдирган одам, жаннатга кирмайди, дедилар. Демак, мўмин одамни қатл қилган одамлар, жаннатни ҳидини татиёлмаслигида, шак шубҳа йўқдир!

مَنْ أَعَانَ عَلَى قَتْلِ مُؤْمِنٍ بِشَطْرِ كَلِمَةٍ ، لَقِيَ اللَّهَ مَكْتُوبًا بَيْنَ عَيْنَيْهِ : آيِسٌ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : السيوطي | المصدر : الجامع الصغير
الصفحة أو الرقم: 8452 | خلاصة حكم المحدث : ضعيف
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Аввалги, барча ҳадислар, сиҳоҳи ситтада келтирилган ҳадисларни айтяпмиз, биродарлар.

(Эслатма: Сиҳоҳи ситта деб, олти муҳаддиснинг саҳиҳ ҳадис тўпламларига айтилади. Булар, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Ибн Можжа, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом ан-Насойлардир. Булар тўпламидаги ҳадислар, улар наздида саҳиҳ деб, ҳисобланиб, шу тўпламга киритилган. Лекин, бошқа кўплаб, муҳаддислар татқиқотларига кўра, улар ичида ҳам, заиф ва мавзуъ ҳадислар бор экан. Шунинг учун, қори акаимиз айтган ҳадисларнинг орасида, баъзи заиф ва ёки мавзуъ деб, ҳисобланганлари, учрайди.)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким бир мусулмоннинг қатлига ёрдам берса, яримта сўз билан. Битта сўз ҳам эмас. Баъзида, бир ишора қилиб қўйишлигини ҳам, бировнинг қатлига сабаб бўлиб, қолишлиги мумкин?!

Бир мусулмоннинг қатлига сабаб бўладиган, айғоқчилик қилса, чақимчилик қилса, ё бир нарсга ёзса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога рўбарў бўлганда, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид банда, деб, пешанасига ёзилган бўлади. Шунинг учун инсон, ўлимга рози бўлишлик керак, лекин, бир мусулмоннинг қатлига сабаб бўладиган сўзга, ўтмаслик керак, биродарлар!

3. Сеҳр қилишлик

وَلَكِنَّ الشَّيْطَانَ كَفَرُوا يَعْلَمُونَ النَّاسَ السَّحَرُ
Бақара сураси 102 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда: Шайтонлар кофир эди, бунинг сабаби улар одамларга сеҳрни таълим беришарди, дейди. Шайтони малъуннинг одамларга сеҳр ўргатиши, ўзи билан жаҳаннамда, бирга бўлишлари учунгина, ўргатишган халос.

Эрни аёлидан жинсий тийилиб қолишлигига ҳаракат қилаётганлар, сеҳр билан шуғулланаётган одамлардир. Бир кишини, аёлига муҳаббат қилишига уринаётган кишилар, ёинки, уни ёмон кўриб қолишига уринаётган кишилар, сеҳр қилаётган кишилардир. Эр хотинни бир бирига муҳаббатлик бўлишини, қуръону ҳадислар билан тушунтирмоқлик керак эди. Лекин, буни сеҳргарнинг олдига бориб, ёки, ҳар замонда ҳар хил номлар билан айтиладиган, (Фолбин, коҳин, кинначи, бари моҳияти шу сеҳргар) одамларга бориб, юрганлар, сеҳрнинг олдига борган одам ҳисобланади. Ислонда сеҳргарнинг ҳукми қатл қилишликдир! Чунки, Аллоҳга кофир бўлган одамдир. Умар ибн хаттоб Халифалик даврида, фармон берган эканларки, ҳар бир сеҳргар эркак ва аёлларни, қатл қилинганлар деб, волийларига буюрган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам еттита ҳалок қилувчи деб, санаган гуноҳнинг биттаси шу, сеҳрдир!

لا اله الا انا ليس مني من سحر ولا من سحر له، ولا من تكهن ولا من تكهن له، ولا من تطير ولا من تطير له

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ҳадиси қудсийда, Мен якка Маъбудман, деди. Сеҳр қилганлар ва сеҳрни талаб қилиб борганлар ҳам, Менинг раҳматимга алоқаси йўқ, деди. Бир нарсдан шумланган ва шумлантирганлар ҳам, (ирим сири қилувчи) Фолбинлик қилганлар ва қилдирганлар ҳам, Менинг раҳматимга алоқаси йўқ, деди.

"ثلاثة لا يدخلون الجنة: مدمن خمر، وقاطع رحم، ومصدق بالسحر"
حسن لغيره
التخريج : أخرجه أحمد

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: уч тоифа жаннатга кирмайди. Маст қилувчи ичимликни ичишга муккасидан кетган киши. Қариндошлари билан алоқасини узган киши ва сеҳрни тасдиқлаган киши. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қилганлар.

إِنَّ الرُّقَى وَالتَّمَائِمَ وَالتَّوَلَةَ شُرُكٌ
الراوي : عبدالله بن مسعود
لمصدر : سنن أبي داود

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: дуохонлик қилиш, (қуръон ўқиб эмас) бошқа нарсалар ўқиш, умрида мустаҳаб қилмаган одамлар, ҳозир дуохон бўлиб кетган, биродарлар. Туморлар тақишлик ва тивала, ширқидир, дедилар. Тивала нима? деганда. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтган эканлар, эрни хотиндан ажратувчи нарсалар, сеҳр деган, эканлар. (Тивала, сеҳр деганлар)

Тумор деганда, шуни айтмоқчимиз, жоҳил одамлар, ўзларига, фарзандларига, ва маркабларига осиб олган нарсалар. Даъво қилишадики, бу кўзни тияди, деб. Уни ичида нима бор? Билмайди. Бунга ким эътиқод қилса, бу ширк бўлади.

Қуръон билан ва Аллоҳнинг исмлари билан руқия қилиш, бу рухсат бўлган нарсадир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумога

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُوذُ الْحَسَنَ وَالْحُسَيْنَ ، يَقُولُ : أَعِيذُكُمَا بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ ، مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لَامَّةٍ
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Сизларга етадиган шайтоннинг зараридан ва кўздан ва ҳасаддан ва шунга ўхшаган нарсалардан Аллоҳнинг комил каломи билан, паноҳ сўрайман, деб, дуо қилар эдилар.

Қуръони карим дуолари билан, ва Аллоҳнинг исмлари билан ва ҳадислардан келган дуолар билан, дам солишлик, бу мубоҳдир. Рухсатдир.

(Эслатма: Бу дарсда Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан ўқиб берилган. Бу китобда тўртинчи гуноҳи кабира сифатида намозни тарк этишлик келган. Дарс бошида ўқилган еттита гуноҳи кабира ҳақидаги ҳадисда зикр қилинган гуноҳлардан учтаси бу дарсда йўқ. Улар шу туркумдаги бошқа дарсларда келади. Қолган тўрттаси, етим молини ейишлик, судхўрлик қилиш, покиза аёлга тўхмат қилиш ва жанг майдонидан қочишлик, булар ҳам гуноҳи кабиралар бўлиб, улар Заҳабийнинг Кабоир китобида, бошқа ўринларда зикр қилинади.)

4. Намозни тарк этишлик

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, Ўзининг марҳамат қилган бандаларини зикр қилгандан кейин, улардан кейинги қолдиқларни зикр қилганда, уларнинг биринчи сифати, намозни зойеъ қилувчи кишилар, деб зикр қилди.

فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا

Марям сураси 59 оят

إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا

Марям сураси 60 оят

Бу менинг яхши бандаларимдан кейин, дейди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, шундай қолдиқлар келдики, намозни зойеъ қилувчи, шаҳавотларга берилган кишилар келди. Улар тезда, Ғаййни кўришади. Магар, тавба қилган ва имон келтириб, яхши амал қилганлари, булар мустаснодир деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёмон кимсаларнинг сифатининг биринчиси, намозни зойеъ қилувчилар, деди. Намозни умуман ўқимаганлар эмас, намозни зойеъ қилувчилар, деди.

قال ابن عباس رضي الله عنهما ليس معنى أضاعوها تركوها بالكلية ولكن أخروها عن أوقاتها

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу, шу оятни тафсирида айтган эканларки, зойеъ қилувчи дегани, бутунлай тарк қилишади, дегани эмас, вақтидан кечиктириб ўқишади, деганидир, дедилар.

وقال سعيد بن المسيب إمام التابعين رحمه الله: هو أن لا يصلي الظهر حتى يأتي العصر ولا يصلي العصر إلى المغرب ولا يصلي المغرب إلى العشاء ولا يصلي العشاء إلى الفجر ولا يصلي الفجر إلى طلوع الشمس. فمن مات وهو مصر على هذه الحالة ولم يتب وعده الله بغى وهو واد في جهنم بعيد قعره خبيث طعمه

Саъид ибн Мусайяб, Тобеъинлар имоми бўлган, бу киши айтадиларки, зойеъ қилиш дегани, пешинни то асргача ўқимайди. Асрни то шомгача ўқимайди. Шомни ўқимайди, то хуфтонгача. Хуфтонни ўқимайди, то эрталабки намозгача. Эрталабки намозни ҳам, то кун чиқишига қараб тураверади. Ким шу ҳолатда, тавба қилмасдан ўлиб кетса, Аллоҳу таоло, Ғайй билан қўрқитди. Ғайй жаҳаннамдаги бадбўй бўлган, бир чуқурлиқдир, деган эканлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَاكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ ؕ وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْخٰسِرُونَ
Мунофиқун сураси 9 оят

Эй имон келтирган кишилар, молинглар ва фарзандинглар, сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитиб қўямасин. Ким бу ишни қилса, ҳақиқий зиёнкорлар шулар. Ҳаётини ўзини бой берганлар шулар, деяпди. Муфассирлар шу «Аллоҳнинг зикри» дегандан мурод, беш вақт намоз, деган эканлар. Қайси бир одам, олди сотди билан машғул бўлиб, намозни ўқимай қолса, экинзорига машғул бўлиб, намозга бепарво бўлиб қолса, ё фарзандлари билан оввора бўлиб, намозни таъхир қилса, у зиёнкор бўлишлигида шак шубҳа йўқ, деган эканлар.

قال النبي صلى الله عليه وسلم: " أول ما يحاسب به العبد يوم القيامة من عمله الصلاة فإن صلحت فقد أفلح وأنجح وإن نقصت فقد خاب وخسر

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: қиёмат куни биринчи ҳисоб қилинадиган нарсa намоз. Ким шу намоз имтихонидан ўтса, нажот топади. Ким шундан ўтолмаса, унинг зиёнкор бўлишлигида, шак шубҳа йўқ, дедилар.

Дўзахга кирганлардан қиёмат куни,

ما سلككم في سقر

Сизларни дўзахга нима туширди? деб, сўрашганида,

قالوا لم نك من المصلين

Намоз ўқувчилардан бўлмабмиз, дейишади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

قال النبي صلى الله عليه وسلم: " العهد الذي بيننا وبينهم الصلاة فمن تركها فقد كفر

Биз билан ғайридинлар ўртасидаги фарқ намоз. Ким намозни тарк қилса, куфр, дедилар.

قال النبي صلى الله عليه وسلم: " بين العبد وبين الكفر ترك الصلاة

Бу ҳам шу мазмундаги ҳадис.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وفي صحيح البخاري أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " من فاتته صلاة العصر حبط عمله

Ким аср намозини фавт қилса, амаллари ҳабата бўлибди, дедилар.

وقال صلى الله عليه وسلم: " من حافظ عليها كانت له نوراً وبرهاناً ونجاة يوم القيامة ومن لم يحافظ عليها لم تكن له نوراً ولا برهاناً ولا نجاة يوم القيامة وكان يوم القيامة مع فرعون وقارون وهامان وأبي بن خلف "

Ким намозни муҳофаза қилса, қиёмат кунда, намоз унга нур, бурҳон ва нажот бўлади. Ким намозни муҳофаза қилмаса, унга нур ҳам, бурҳон ҳам ва нажот ҳам бўлмайди. Қиёмат кунда, фиръавн билан, Қорун билан, Ҳомон билан ва Убай ибн Халаф билан бирга бўлади, дедилар. Энг катта мушриклар билан, бирга бўлади, дедилар. Баъзи уламолар, намоздан моли сабаблик ўқимай қўйса, Қорун билан бирга бўлади деганлар. Агар мулкига алданиб, намоз ўқимаса, фиръавн, башарийят тарихидаги энг катта золим билан, бирга бўлади. Ўзининг вазирлиги сабаб, намозни тарк қилса, Ҳомон билан бирга бўлади. Савдоси туфайли намоздан чалғиса, Убай ибн Халаф билан бирга бўлади. Бу Маккада энг катта савдогар бўлган, киши эди.

وقال عمر رضي الله عنه: أما إنه لا حظ لأحد في الإسلام أضع الصلاة

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху айтган сўзи борки, Намозни зойеъ қилувчининг, Ислолда улуши йўқ, деган эканлар.

Айюб Сахтиёний, намозни тарк қилувчи одам, имонда бўлмайди, деган эканлар.

وقال عون بن عبد الله: إن العبد إذا أدخل قبره سئل عن الصلاة أول شيء يسأل عنه فإن جازت له نظر فيما دون ذلك من عمله وإن لم تجز له لم ينظر في شيء من عمله بعد

Авн ибн Абдуллоҳ айтганларки, Банда қабрига кирса, биринчи намозидан сўралади. Агар намози тўғри бўлса. Ундан кейинги амаллари текширилади. Агар намози ўтмаса, ундан кейинги амалига қаралмайди.

(Эслатма: Қуйидаги катта ҳадисдан олинган иқтибосда айтилишича, қабрда учта савол бўлади. Роббинг ким? Дининг қайси? Сизларга жўнатилган киши ким эди? Деган саволлар бўлади. Намоздан қиёмат куни биринчи савол бўлиши ҳадисларда келган. Қабрда намоздан сўралиши ҳақида ҳадис йўқ. Бу асарда келган сўз, ақидага олишга ҳужжат бўлмайди, валлоҳу аълам)

قال : فتعأروا روحه فيأتيه ملكان فيجلسانه فيقولان له : من ربك ؟ فيقول : ربي الله . فيقولان له ما دينك ؟ فيقول : ديني الإسلام . فيقولان له : ما هذا الرجل الذي بُعث فيكم ؟ فيقول : هو رسول الله . فيقولان له : وما علمك ؟ فيقول : قرأت كتاب الله فأمنت به وصدقت . فينادي مناد من السماء : أن صدق عبي , فأفرشوه من الجنة , وألبسوه من الجنة , وافتحوا له باباً إلى الجنة . فيأتيه من روحها وطيبها , ويُفسح له في قبره مدّ بصره

Шунинг учун, намоз ўқимайдиган одамлар, ўзининг дадасига, қўйми, молми, туями, қўтосми, хоҳлаган нарсасини сўйсин. Уларга қараб ҳам қўйилмайди. Хотиржам бўлишсин!

روى أبو داود في السنن أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " مروا الصبي بالصلاة إذا بلغ سبع سنين فإذا بلغ عشر سنين فاضربوه عليها "

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Болаларни етти ёшга етганда намозга буюринглар, дедилар. Ўн ёшда ҳам ўқимаса, уни адаблантиришлик учун, уриб одоб беринглар, дедилар.

" مروا أولادكم بالصلاة وهم أبناء سبع واضربوهم عليها وهم أبناء عشر وفرقوا بينهم في المضاجع "

Фарзандларингни етти ёшда намозга буюринглар. Ва ўн ёшга етганда ўқимаса, уринглар. Ва ётоғини алоҳида қилиб қўйинглар, дедилар. Ўн ёшдан кейин, ўғил болалар ва қиз болалар ётоғи, алоҳида бўлиши керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه قال يوماً لأصحابه: اللهم لا تدع فينا شقياً ولا محروماً ثم قال صلى الله عليه وسلم: أتدرون من الشقي المحروم قالوا: من هو يا رسول الله قال: " تارك الصلاة "

Эй Аллоҳ, бизнинг ичимиздан, бадбахт маҳрумлар қилмагин, дедилар. Кейин, бадбахт маҳрумлар ким, биласизларми? дедилар. Ким улар ё Расулуллоҳ? дейишганларида, намозни тарк қилувчилар, дедилар. Яъни, бадбах ва Аллоҳнинг раҳматидан маҳрумдир. Дунёнинг ҳамма нарсаси унда бўлса ҳам, Аллоҳнинг раҳматидан маҳрумдир.

Намозни сажда ва рукуъларини комил қилмаслик ҳақидаги ҳадислардан ўқиймиз, биродарлар. Худди қарға қон чўқигандек, ўқишлик,

فويل للمصلين الذين هم عن صلاتهم ساهون
Моун сураси 4,5 оятлар

Шу оятларни шунга тафсир қилишган. Рукуъ ва саждани комил қилмаган кишилар ҳолига вой, дейишган.

وثبت في الصحيحين عن أبي هريرة رضي الله عنه: أن رجلاً دخل المسجد ورسول الله صلى الله عليه وسلم جالس فيه فصلى الرجل ثم جاء فسلم على النبي صلى الله عليه وسلم فرد عليه وسلم ثم قال له: ارجع فصل فإنك لم تصل فرجع فصلى كما صلى ثم جاء فسلم على النبي صلى الله عليه وسلم فقال: ارجع فصل فإنك لم تصل فرجع فصلى كما صلى ثم جاء فسلم على النبي صلى الله عليه وسلم فقال: ارجع فصل فإنك لم تصل ثلاث مرات. فقال في الثالثة: والذي بعثك بالحق يا رسول الله ما أحسن غيره فعلمني. فقال النبي صلى الله عليه وسلم: إذا قمت إلى الصلاة فكبر ثم اقرأ ما تيسر معك من القرآن ثم اركع حتى تطمئن راکعاً ثم ارفع حتى تعتدل قائماً ثم اسجد حتى تطمئن ساجداً ثم اجلس حتى تطمئن جالساً ثم اسجد حتى تطمئن ساجداً وافعل ذلك في صلاتك كلها

Бир киши масжидга кирди ва намоз ўқиди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шу ерда ўтиргандилар. Кейин, келиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берди. Саломига алик олдиларда, бор намозни қайтиб ўқи. Чунки, сен намоз ўқимадинг, дедилар. Қайтиб бориб, яна аввалгидек, намоз ўқиди. Кейин, келиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берди. Саломига алик олдиларда, бор намозни қайтиб ўқи, Чунки, сен намоз ўқимадинг, дедилар. Яна қайтиб бориб, яна аввалгидек, намоз ўқиди. Кейин, келиб, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга салом берди. Саломига алик олдиларда, бор намозни қайтиб ўқигин! Чунки, сен намозни ўқимадинг, дедилар.

Шунда, сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасам ичиб айтаманки, ё Расулуллоҳ, мен бундан бошқача намоз ўқишни билмайман, ўргатинг, деди. Айтдиларки, намозга турсанг, такбир айтгин! Кейин, ўзинга муяссар бўлган қуръондан тиловат қилгин. Кейин, рукуъ қилгин, рукуъда хотиржам тургин. Кейин, бошингни кўтаргин. Мўътадил бўлиб, тургин. Кейин, саждага боргин. Саждада ҳам хотиржам тургин. Кейин, иккита саждани ўртасида ҳам, хотиржам тургин, дедилар. Мана бу таъдили аркон, дейилади, фуқаҳолар истилоҳида. Мана шу ҳадисни ҳужжат қилиб, Имоми Шофий раҳматуллоҳи алайҳи, таъдилу арконни фарз дедилар. Чунки, сен намоз ўқимадинг, дедилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам. Абу Ҳанифа комил намоз ўқимадинг, деган маънони олиб, вожиб деганлар. Яъни, қилмаса, гуноҳкор бўлади.

وثبت عنه صلى الله عليه وسلم أنه قال: " أشد الناس سرقة الذي يسرق من صلاته: قيل وكيف يسرق من صلاته؟ قال: لا يتم ركوعها ولا سجودها ولا القراءة فيها " . وروى الإمام أحمد

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ўғриларнинг энг каттаси намоз ўғрисидир, дедилар. Намоздан қандай ўғирлик қилиш мумкин? деб, сўрашди. Рукуъсини комил қилмайди, саждасини ҳам комил қилмайди ва қироатини ҳам чала ўқийди, дедилар. Мана бу, энг катта ўғри, дедилар.

عن سلمان الفارسي رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " الصلاة مكيال فمن وفى وفى له ومن طفف فقد علمتم ما قال الله في المطففين: قال الله تعالى: " ويل للمطففين " . والمطفف هو المنقص للكيل أو الوزن أو الذراع أو الصلاة وعدهم الله بويل وهو واد في جهنم تستغيث جهنم من حره نعوذ بالله منه

Салмони Форсий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Намоз бу ўлчов асбоби, тарозидир. Ким бу ўлчовни комил қилса, унга ҳам комил берилади. Ким енгил берса, ўлчовни енгил берганлар ҳақида, Аллоҳ нима деганлигини, ўзинглар биласизлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло:

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ

Мутоффифин сураси 1 оят

Ўлчовни енгил қилиб берувчиларнинг ҳолига вой, деди. Мана бу, Саломни Форсийнинг тафсири.

(Эслатма: Заҳабий китобида, буни ҳадис деган ва Салмони Форсий ривоят қилган, Деган. Валлоҳу аълам)

وروى البخاري عن حذيفة بن اليمان رضي الله عنه أنه رأى رجلاً يصلي ولا يتم ركوع الصلاة ولا سجودها فقال له حذيفة صليت ولو مت وأنت تصلي هذه الصلاة مت على غير فطرة محمد صلى الله عليه وسلم. وفي رواية أبي داود أنه قال منذ كم تصلي هذه الصلاة؟ قال: منذ أربعين سنة قال: ما صليت منذ أربعين سنة شيئاً ولو مت مت على غير فطرة محمد صلى الله عليه وسلم

Хузайфа ибнул Яманий, бир кишини намоз ўқиётганини кўрди. У рукуъни ҳам, саждани ҳам комил қилмади. Хузайфа ибнул Яманий разияллоҳу анҳу, Сен шу намоз ўқишинг билан ўлиб кетсанг, Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлидан, бошқа йўлда ўласан, дедилар.

Намозни қодир бўлса, жамоат билан ўқимоқлик вожибдир. Қодир бўлиб туриб, ўқимаганлар ҳақида, жуда қаттиқ гап бор. Аввал ҳам айтганмиз, бу ҳадисни мазмунини айтамиз.

ثبت في الصحيحين أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: لقد هممت أن آمر بالصلاة فتقام ثم أمر رجلاً فيؤم الناس ثم أنطلق معي برجال معهم حزم من حطب إلى قوم لا يشهدون الصلاة في الجماعة فأحرق بيوتهم عليهم بالنار " . ولا يتوعد بحرق بيوتهم عليهم إلا على ترك واجب مع ما في البيوت من الذرية والمتاع

Бир кишига буюрсамки, намозга ўтиб беринг десам. Намозга такбир айтилса, Бир неча одамлар билан бирга, ўтин тўпланса, кейин, намозга ҳозир бўлмаган одамларни текшириб туриб, уйларини ёндириб юборсам, деган эканлар.

وفي صحيح مسلم أن رجلاً أعمى أتى النبي صلى الله عليه وسلم فقال: يا رسول الله ليس لي قائد يقودني إلى المسجد وسأل النبي صلى الله عليه وسلم أن يرخص له أن يصلي في بيته فرخص له فلما ولى دعا فقال " هل تسمع النداء بالصلاة؟ قال: نعم قال: فأجب

Имоми Муслимнинг жомеъус саҳиҳларида, бир аъмо киши Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди. Мени масжидга етаклаб олиб борадиган кишим йўқ. Деб, уйимда намоз ўқишга рухсат беринг, деди. Шунда рухсат бердилар. Кейин, кетаётганда чақирдилар, намозга бўлган азонни эшитасанми? дедилар. Ҳа, деди. Унда чақирувга ижобат қил! дедилар.

ورواه أبو داود عن عمرو بن أم مكتوم أنه أتى النبي صلى الله عليه وسلم فقال: يا رسول الله إن المدينة كثيرة الهوام والسباع وأنا ضرير البصر شاسع الدار أي بعيد الدار ولي قائد لا يلائمني فهل لي رخصة أن أصلي في بيتي؟ فقال: " هل تسمع النداء " قال نعم قال " فأجب فإني لا أجد لك رخصة

Бир киши Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдида келиб, Мадинада йиртқишлар кўп. Мени кўзим чала кўради. Уйим узоқ. Етакловчим бору, доим унга етаклаб келиш малол келиб, унамайди. Уйда ўқишга рухсат берасизми? дедилар. Унга азонни эшитасанми? дедилар. Ҳа, деди. Унда чақирувга ижобат қил! Мен сенга рухсат топиб беролмайман, дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу, одам фарзандининг қулоғига қўрғошинни, эритиб қуюлишлиги, азонни эшитиб туриб, ижобат қилмаганидан кўра яхшироқ, деган эканлар. Қўрқув ва касалликни, узр дейишган.

وروى البخاري في صحيحه عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه قال: من سره أن يلقي الله غداً مسلماً يعني يوم القيامة فليحافظ على هؤلاء الصلوات الخمس حيث ينادى بهن فإن الله شرع لنبيكم سنن الهدى وإنهن من سنن الهدى ولو أنكم صليتم في بيوتكم كما يصلي هذا المتخلف في بيته لتركتم سنة نبيكم ولو تركتم سنة نبيكم لضللتم. ولقد رأيتنا وما يتخلف عنها إلا منافق معلوم النفاق أو مريض ولقد كان الرجل يؤتى به يهادى بين رجلين حتى يقام في الصف أو حتى يجيء إلى المسجد لأجل صلاة الجماعة.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтадилар. Ким Аллоҳга мусулмон бўлиб, рўбарў бўлиши уни қувонтирса, беш вақт намозни риоя қилсин! Пайғамбарингларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳидоят йўлини кўрсатди. Жамоат намози, Сунанул худодир. Агар уйларида намоз ўқисанглар, Пайғамбарингларни суннатини ташлаган бўласизлар. Пайғамбарингларни суннатини ташласанглар, адашасизлар. Мен шундай даврларда яшадимки, жамоатдан қолган одамлар, аниқ мунофиқ деб ҳисобланган, одамларгина, қолар эди. Баъзи кишиларни, икки оёғи юрмаганидан, судраб келишарди. То сафга келгунча судраб келишган. Жамоат намози, шунчалик эътиборлик бўлган, деган эканлар.

Рабиъ ибн Ҳайсамнинг бир оёғи, тарафи ишламай қолганди. У киши намозга иккита таёқ билан чиқардилар. Унга, Эй Або Муҳаммад, сизга уйда ўқишга рухсат бўлдию, деганларида, тўғри, мен маъзурман. Лекин, муаззинни намозга кел, нажотга кел, деган сўзини эшитганимда, ҳеч чиқолмаяпман, деган эканлар.

وقال حاتم الأصم: فاتتني مرة صلاة الجماعة فعزاني أبو إسحاق البخاري وحده ولو مات لي ولد لعزاني أكثر من عشرة آلاف إنسان لأن مصيبة الدين عند الناس أهون من مصيبة الدنيا

Хотим ибн Осим, мен бир марта жамоатдан қолгандим. Абу Исҳоқ, менга таъзия билдиргани келди, деган эканлар. Агар мени фарзандим ўлганда, ўн минглаб одамлар келиб, таъзия билдирарди. Одамлар учун, диннинг мусибати, эътиборсиз бўлиб қолди. Менга етган бу мусибатга, ҳеч ким тасалли бермади, дедилар. Битта шу, Абу Исҳоқ Бухорий, менга таъзия билдиргани келди, деган эканлар.

Салафлар айтишганки, ким жамоат намозини тарк қилса, билингки, шу кишидан бир гуноҳ содир бўлган. Шунинг учун, тарк қилган, деган эканлар.

وقال ابن عمر خرج عمر يوماً إلى حائط له فرجع وقد صلى الناس العصر فقال عمر: إنا لله وإنا إليه راجعون فاتتني صلاة العصر في الجماعة. أشهدكم أن حائطي على المساكين صدقة ليكون كفارة لما صنع عمر رضي الله عنه والحائط: البستان فيه النخل.

Умар ўғли Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо айтади: Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, хурмо боғига чиқиб, қайтиб келсалар, аср намозини ўқиб бўлишган экан. Умар келиб, Инно липлоҳи ва инно илайҳи рожиъун, дедилар. Мусибат етганда айтадиган сўзни айтдилар. Гувоҳ қиламан сизларни, шу хурмо боғим ҳаммаси, мискинларга садақадир. Умарнинг шу қилган гуноҳига, каффорат бўлсин, деган эканлар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳунинг ўзларининг шахсий ҳолатларида, тутган ўрни мана бундай бўлган. Эрта намоз билан, хуфтон намозига, эҳтиётроқ бўлиш керак. Ким бу икки намозга боришга эринаётган бўлса, билсинки, мунофиқлик қалбига кириб келаяпди.

عن عبيد الله بن عمر القواريري رضي الله عنه قال لم تكن تفوتني صلاة العشاء في الجماعة قط فنزل بي ليلة ضيف فشغلت بسببه وفاتتني صلاة العشاء في الجماعة فخرجت أطلب الصلاة في مساجد البصرة فوجدت الناس كلهم قد صلوا وعلقت المساجد فرجعت إلى بيتي وقلت: قد ورد في الحديث: إن صلاة الجماعة تزيد على صلاة الفرد بسبع وعشرين درجة فصليت العشاء سبعاً وعشرين مرة ثم نمت فرأيت في المنام كائني مع قوم على خيل وأنا أيضاً على فرس ونحن نستيق وأنا أركض فرسي فلا ألحقهم فالتفت إلى أحدهم فقال لي لا تتعب فرسك فلست تلحقنا: قلت: ولم؟ قال: لأننا صلينا العشاء في جماعة وأنت صليت وحدك.

Убайдуллоҳ ибн Умар ал Қаворирий айтадилар: мендан ҳеч жамоат намози фақт бўлмаганди. Бир куни меҳмон келиб қолди ва шу билан банд бўлиб, хуфтон намози жамоатини фавт қилдим. Басра шаҳрида яшаганлар. Бу кишининг дадалари Абу Убайд жуда катта киши бўлганлар. Тобеъинлардан у киши.

وَلَوْ أَنَّهُمْ صَبَرُوا حَتَّى تَخْرُجَ إِلَيْهِمْ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ ۚ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

Ҳужурот сураси 5 оят

Агар улар сабр қилиб то, улар олдига чиққунингизгача кутиб туришса, ўзлари учун яхши бўларди, деган оятни, ўзларига олиб, ҳеч қачон, бирор олимни уйига бориб, чақирмаган эканлар. Ишлари бўлса, уйни олдида, кутиб турар эканлар. Бу оятда, саҳобаларга, Пайғамбар алайҳиссаломни уйдан чиққунча, кутиб туришлик ҳақида айтилганди. Шунини, олимларга, татбиқ қилган эканлар. Шунчалик, тақводор киши бўлганлар. Шу кишининг ўғли Убайдуллоҳ, хуфтон намозини фавт қилиб қўйди. ШУ киши айтиб бераяпдилар: Кейин, Басранинг ҳамма масжидларига бордим, бирортаси кеч ўқиса, жамоатни топаманми деб, лекин, ҳаммаси ўқиб бўлишган экан.

Уйимга қайтиб келдим. Жамоат билан ўқилган намоз, ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баробар яхши деган ҳадисни эсладимда, хуфтонни йигирма етти марта ўқидим. Кейин ухладим ва туш кўрдим. Тушимда отлиқ одамлар билан, мусобақа ўйнаб кетаяпман. Мен ҳам отимни чоптиряпман, уларга етишлик учун. Лекин, етишни иложи бўлмаяпди. Шунда, биттаси менга қараб, отингни кўп қийнайверма, ҳаргиз бизга етолмайсан, деди. Нима учун? Десам, биз хуфтонни жамоат билан ўқиганмиз. Сен ёлғиз ўқигансан, деди. Жуда ғамгин бўлиб уйғондим, дейдилар. Ҳаётида бир марта, ишоъ намозинини жамоатини тарк қилган, Убайдуллоҳ ибн Умар ал Қаворирийнинг сўзлари.

Бизга саволлар бўлмаслиги учун олдиндан айтиб қўймоқчиман. Баъзилар айтишадики, баъзи имомлар, суннатларни комил қилмайди. Ҳатто, суннатни қилган одамга қарши жанг қилади. Уйда ўқисак бўладими? дейишади. Албатта, таъдили арконни тарк қилган имомга иқтидо қилмаслик керак. Лекин, мен жамоатни тарк қилишга рухсат беролмайман, биродарлар! Қандай бўлса ҳам, жамоат билан, ўқиш керак!

Яна савол бўладики, баъзи имомлар, қироати дуруст эмас, деб. Қироати дуруст бўлмаса, иқтидо қилиш мумкин эмас. Баъзида, қироати дуруст бўлмаса, сўзлар маъноси бузилади. Лекин, мен барибир, жамоатни тарк қилишга рухсат беролмайман, биродарлар!

(Шу ерда баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳи кабиралардан ҳаммамизни, Ўзи сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм ўқиётганларга, илмига ривож берсин! Шу ерда бир гапни айтиб ўтай, бу минбар бир одамни шахсий дуо қиладиган жоймас, Биродарлар. Мен ҳаммага умумий дуо қилдим. Агар саҳобалар ҳам, шунақа хат ёзадиган имконлари бўлганда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам улгурмасди, бу йигирма уч йил муддатда, ҳамма ҳақларни эълон қилиб. Ҳамма одам ўзининг шахсий нарсасини айтаверса. Биз беморларга, умумий дуо қиламиз. Шахсий нарсалар ёзилмасин, биродарлар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга тавфиқ берсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

61 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида

2 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарс ҳам, аввалгиси каби, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар билан таништиришда давом этади. Бешинчи кабира гуноҳ, закот бермаслик гуноҳи олтинчиси, рамазонда, бе узр рӯза тутмаслик ва еттинчиси, Ҳажга қодир бўла туриб, бормаслик, саккизинчиси, ота онага оқ бўлишлик ва тўққизинчиси, қариндошлар билан алоқани узишлик, каби катта гуноҳлар баён қилинади. Олдинги дарсда тўртта ва бу дарсда бешта, жами тўққизта гуноҳ шу икки дарсда баён этилган.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحَمُّدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамдлар бўлсинки,

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло коиноту ерни яратгандан кейин, ер юзида, Ўзининг халифаси бўлмиш инсонни яратди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг халифаси бўлмиш инсонни, мукаррам қилди. Ва Малоикаларга Ўзининг халифаси бўлмиш Одамга сажда қилишга буюрди. Бу таҳийя, салом саждаси бўлди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг халифаси Одам мукаррам бўлди, ихтиёри билан. Бу ихтиёр, одамдан бошқага берилмагандир. (Жинларга ҳам берилган. Яъни, жинлар ҳам синов ҳаётида яшашади.) Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг халифаси бўлмиш инсонни, Ўзининг неъматлари билан, мукаррам қилди. Одам авлодига, шу Одам авлодидан бўлган, ўзларидан чиққан, шулар ичида ўсган кишилардан, элчилар, тайин қилди. Башарийят тарихида, шу элчи бўлган кишилар, шу ваҳйни қабул қилиб, унга бирор нарса қўшмасдан ва олмасдан, ва шу ваҳйни етказишликда, маломатчининг маломатидан қўрқмасдан, агарчи ер юзида бирор бир киши, Аллоҳнинг пайғамбарига, шу ваҳйга эргашмаган бўлса ҳам, шу даъват қилишлик сифатини, йўқотмадилар.

Улардан баъзиларига, бирор бир киши эргашмаган, деган, сўзимизга мисол, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, менга умматлар кўндаланг қилинди, дедилар. Пайғамбарлар кўрсатилди. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, умматлари кўп эди. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, озроқ. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, умматлари бармоқ билан санарлик. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, умматлари жуда кам, саноқлик. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, битта уммати бор. Баъзи Пайғамбарларни кўрдимки, уммати йўқ, эди, дедилар. Бу нарса шуни кўрсатадики, Пайғамбарлар, маломатчининг маломатидан қўрқмасдан, агарчи ер юзида, бирорта одам эргашмаса ҳам, ўзларининг ҳақ даъватларини заррача ўзгартиришмаганлар. Аллоҳ тарафидан бўлган энг катта омонат, ваҳйни қандай келган бўлса, шундай етказганлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг неъматлари ичидаги энг катта неъмат, Пайғамбарларни бизга элчи қилиб, жўнатишлигидир. Бу неъмат қанчалик қадрли бўлсада, инсоният тарихида, энг қадрланмаган неъмат ҳам, шудир биродарлар. Аллоҳ билдирганларгина, бу неъматнинг катталигини билади.

Охирги пайғамбар, бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар. Бу киши ҳам, аввалги биродарларининг йўлини давом эттириб, такомиллаштирдилар. Ўтган Пайғамбарлар мўъжиза билан, Аллоҳ тарафидан қувватланишди. Ўзларинг замонидаги кишилар тушунадиган, мўъжизалар билан, Аллоҳ тарафидан қувватланишди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатлари, охирги рисолат эди. У кишидан кейин, рисолатга муҳр босилди. У кишидан кейин, бошқа пайғамбар йўқ эди. Шунинг учун, у кишига берилган мўъжиза, абадий мўъжиза бўлди. Бу мўъжиза, қуръон мўъжизаси бўлди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси мубораклари, мана шу қуръон мўъжизасининг изоҳи, шарҳидир.

Муҳаммад алайҳиссалом қайси бир нарса яхшилик бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг элчиси вазифасини ўтаб, шунга буюрдилар. Қайси нарса ёмонлик бўлса, шундан қайтардилар. Муҳаммад алайҳиссалом элчилик вазифасини ўтаб, буюрган нарсаларининг энг муҳими, тавҳиддир. Қайтарган нарсаларининг ичида, энг қаттиқ қайтаргани, ширкдир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Исломнинг асосларига, рукнларига буюрдилар. Исломнинг асоси бешта бўлди. Тавҳиддан кейин, намозга буюрдилар. Закотга буюрдилар. Рамазон ойида рўза тутишликка, буюрдилар. Қодир бўлган кишини, Ҳаж қилишликка, буюрдилар. Гуноҳи кабиралардан қайтардилар.

Гуноҳи кабираларни биз дарс қилишимизнинг, асосий сабаби ҳам шуки, одам ўзини нопок нарсалардан тозаламасдан туриб, покиза бўлишлиги мумкин эмасдир!

Гуноҳи кабиралардан ўзини тиймасдан туриб, яхши амаллар қилаётган одамнинг мисоли шунга ўхшайдики, ҳамма бадани кир ва нажас бўла туриб, янги либос кийиб олган одамга ўхшайди. Гуноҳи кабиралар дарсини, давом эттираммиз. Олдинги дарсда, биз тўртта гуноҳи кабираларни санаб ўтдик. Бешинчи гуноҳи кабира, закот бермасликдир.

5. Закот бермаслик

Моли нисобга етиб, закот бермаган одам, гуноҳи кабира қилган, ҳисобланади. Яъни, Аллоҳнинг фарзини бажармаган ҳисобланади. Закотни бермаслик, молда содир бўладиган гуноҳларга киради. Гуноҳи кабиралар баъзида, молда, баъзида, ақидада ва баъзида баданга дохил амалларда ва баъзида, баъзи (инсоний) сифатларда бўлади. Иншааллоҳ ўзини жойида, ишора қилиб ўтаммиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қаерда намозга буюрган бўлса, ёнида закотга ҳам буюрди.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ
Бақара сураси 31 оят

Биз бу дарсимизда, нималарга закот фарз бўлишлиги ва қайси молдан, қанча закот беришлик масаласида, тўхталиб ўтирмаймиз. Бу ҳақида, алоҳида дарс қилганмиз. Бу дарсда фақат, закотни бермасликнинг гуноҳи ҳақида, тўхталамиз.

وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا ءَاتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۚ هُوَ خَيْرٌ لَّهُمْ بِئِنَّ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ ۖ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخُلُوا بِهِ ۚ يَوْمَ الثَّغِيمَةِ ۚ وَاللَّهُ مِيرَاثُ السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضِ ۚ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ
Оли Имрон сураси 180 оят

Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг фазлидан берган молга, бахиллик қилаётган одамлар, яъни, закотни бермаётганлар деб, тафсир қилинган тафсирларда, бу бермаслигим яхши менга деб, гумон қилмасин! Яъни, қирқдан бир бўлаги, молим ёнимга қолди. Молим озаймади, бу мен учун яхши, деб, гумон қилмасин! Балки, бу закотни бермаслиги ёмонлиқдир. Кимга ёмонлик? Аллоҳами? Фақирларгами? Бу закотни бермаслиги, кимга ёмонлик?!

بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ
Оли Имрон сураси 180 оят

Ўзларига ёмонлик! Улар аввалда, закотни бермаётган одамлар, бу бермаслигим яхши деб ўйлаётганмиди? Буни яхшилик деб, ўйламасин! Бу ёмонлик бу! Ломи таъкид билан, ўзларига хос бўлган ёмонлик бу.

سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخُلُوا بِهِ ۚ يَوْمَ الثَّغِيمَةِ
Оли Имрон сураси 180 оят

Араб тилида, келаси замонда бўладиган нарсани, музореъ феъли билан келтирилади. Агар келаси замон феълининг аввалида, син ҳарфи келса, яқин келажакни билдиради. Савфа калимаси келса, сал узоқроқ келажакни билдиради. Ютоввақуна феълига, син калимаси қўшилиб келаяпти. Яқин келажакда, бахиллик қилган нарсалари, бўйниларига тавқ, халқа қилиб, осиб қўйилади.

وَوَيْلٌ لِلْمُشْرِكِينَ الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ هُمْ كَافِرُونَ
Фуссилат сураси 7 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳолига вайл бўлган, мушрикларнинг сифатини зикр қилинганда, закот бермайдиган мушриклар ҳолига вайл, деяпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло закотни бермасликни, мушрикларнинг биринчи сифати қилиб, зикр қилаяпти. Наҳотки, инсон молини бермаслик билан, мушрик бўлса, деган фикр бўлади, инсонда. Моддий фалсафалар хусусан, шу диёрда ҳукмрон бўлиб келган фалсафа, иқтисодни илоҳ қилиб олган фалсафа эди. Юнонлар сувга илоҳ, қуруқликка илоҳ, шамолга илоҳ, дарахтларга илоҳ, булоқларга илоҳ, ва шунга ўхшаган ҳар бир нарсага ўзига хос илоҳларни тайин қилиб олишган эдилар. Аммо, юнонлар ҳам, мушрикларнинг устози бўлган юнонлар ҳам, молни (пулни) илоҳ қилиб олишган эмас эди. Аммо, Аллоҳни бутунлай инкор қилган бу (дахрийлик) фалсафаси, молни (пулни) ўзига илоҳ қилиб олди. Закотни беришлиги, бу ўзи сиғиниб турган илоҳни, қўлдан чиқариб юборишлик бўлади.

وَوَيْلٌ لِلْمُشْرِكِينَ الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ الزَّكَاةَ
Фуссилат сураси 7 оят

Закот бермайдиган мушрикларнинг ҳолига вайл бўлсин, деяпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Вайл ҳақида жуда кўп маънолар билдирилган. Шулардан биттаси жаҳаннамдир.

وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ
يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فُتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وظُهُورُهُمْ
هَذَا مَا كُنْتُمْ تَكْنِزُونَ

Тавба сураси 34,35 оят

Мана бу оятда, закотни бермаган кишиларга, аламлантирувчи азоблар хабарини беришликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни буюряпди. Бу азобни ҳиссий (моддий) суратда тасвирлаб кўрсатиляпди.

Уларнинг закот берилмаган моллари, ўтда қиздирилади. Дунёнинг ўтидамас. Жаҳаннам ўтида қиздирилади. Бу қиздирилган моллари, уларнинг дунёда фақирларга рўбарў бўлганда, (ёқтирмаганидан) малолланиб, тиришган жойларига босилади. Нима учун жибохуҳум дейилган? Пешанасига босилади, дейилган? Чунки, улар камбағалларни кўрганда, уларга закотини бериб, қувониши керак эди. Бу уларни кўриб, пешанаси тиришган. Шу пешананинг тиришган ерини, гўёки, ёзиб (текислаб) қўйишлик учун, жаҳаннам ўтида қиздирилади.

Бўлиб ҳам, малолат белгиси, биринчи пешанада кўринади.

Кўрўони каримнинг мўъжизаси бу,

فُتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وظُهُورُهُمْ

Тавба сураси 35 оят

Уларнинг пешанасига босилади ва биқинларига босилади. Малолатнинг иккинчи белгиси, шу бурилишда бўлади. Улар фақирларни кўрганда, пешанаси тиришиб, бурилиб кетишганди. Ана шу бурилиб кетган биқинларини тўғрилаб, ўзларининг молларидан жаҳаннам ўтида қиздирилган, тамғалар босилади. Ва орқаларига босилади. Улар камбағалларга орқаларини кўрсатиб кетишганди. Улар муҳтожларга рўбарў бўлиб қарашмасди. Доим, орқаларини ўгириб кетишарди. Шунинг учун, уларнинг пешанасига босилади ва биқинларига босилади ва орқасига босилади. Ва яна хитоб қилиб туриладики, мана бу, сизлар закотини бермаган молларинг деб, айтиб турилади. Ажабланманглар бунга, шу ўзингларни закоти берилмаган молинглар, дейилади. Агар закот бермасликка, биродарлар, шу оятдан бошқа ваъид бўлмаганда, шунинг ўзи закот беришликка, кифоя қилган бўларди.

وقال صلى الله عليه وسلم: أول ثلاثة يدخلون النار أمير مسلط وذو ثروة من مال لا يؤدي حق الله تعالى من ماله وفقير فخور

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Жаҳаннамга аввал кирадиган учта тоифа бор. Зўравон амир. Бу халқлар устига пешволикни, султонликни омонат деб, билмасдан, зўравонлик билан ҳаётини ўтказган амир, жаҳаннамга кирадиган уч тоифанинг биринчиси, дедилар. Иккинчиси, кўп молу давлати бўлгану, Аллоҳнинг ҳаққини ўтамаган. Учинчиси, ўзи фақир, доим, молим кўп деб, керилиб юради. Ҳозир биродарлар, шу учала тоифа ҳам, кўпайиб кетганга ўхшайди. Ҳатто, фақир, ўзи муҳтож одам, камбағал, бу ўзича жуда мутакаббир. Бошқа ривоятларда, ва оилун мустакбирун, дейилган. Ўзи камбағалу, мутакаббир, Жаҳаннамга аввал кирадиган, учта тоифанинг биридир. Бизнинг дарсимиз мавзусидаги, кўп молу давлати бўлгану, Аллоҳнинг ҳаққини ўтамаган, шу учта тоифанинг, иккинчисиدير.

Абдуллоҳ ибн Аббос айтган эканларки, валлоҳу аълам, молининг закотини ўтамасдан ўлган одам, дунёга яна тирилиб қайтиб борсам дер, экан, деганларида, эй Абдуллоҳ, кофирлар дунёга қайтаргин деб айташадику? Бу закотни ўтамаган одамга ҳам, шу гапни айтишга хужжатинг нима? дейишганда, мана шу оятни ўқиган эканлар.

وَأَنْفِقُوا مِنْ مَّا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَا أَخَّرْتَنِي إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِّنَ الصَّالِحِينَ

Мунофиқун сураси 10 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтяпдики, сизларнинг битталаринга ўлим келиб қолиб, эй Роббим, мени яна, озгина муддатга дунёга қайтарсанг эди. Молимни садақасини берсам ва солиҳлар жумласидан бўлсам эди, деб, айтадиган бўлиб қолишдан илгари, молларингиздан инфоқ эҳсон қилинглари! деб, Айтган Аллоҳу таоло, деб, айтган эканлар, Абдуллоҳ ибн Аббос.

Баъзи, уламолар оятдаги, Молимни садақасини берсам ва солиҳлар жумласидан бўлсам эди, деган ерини, шарҳлаб, закот бермаганлар, эй Роббим, мени яна озгина муддатга дунёга қайтарсанг эди. Молимни садақасини берсам, дейишади ва моли етарли бўлиб, Ҳажга бормаганлар, эй Роббим, мени яна озгина муддатга дунёга қайтарсанг, Ҳаж қилиб, солиҳлар жумласидан бўлсам эди, деб айтади, деб, тафсир қилишган.

6. Рамазонда беузр рўза тутмаслик

Биз айтиб ўтдикки, Ислом асослари бештадир. Тавҳиддан кейин, намоз ўқишлик ва закотни ўташлик ва рамазонда рўза тутишликдир. Рамазонда рўза тутишлик фарз амаллардандир. Бу фарзга амал қилмаган киши, гуноҳи кабира қилган ҳисобланади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ
Бақара сураси 183 оят

أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ ۚ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ ۗ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامُ مِسْكِينٍ ۚ فَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ
لَّهُ ۚ وَأَن تَصُومُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ
Бақара сураси 184 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рамазон ойида, рўза тутишликни фарз қилди. Бу фарзни бажармаган киши, гуноҳи кабира қилган бўлади.

وثبت في الصحيحين عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال: " بني الإسلام على خمس: شهادة أن لا إله إلا الله وأن محمداً رسول الله وإقام الصلاة وإيتاء الزكاة وحج البيت وصوم رمضان

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Ислом беш асос устига қурилгандир, дедилар.

1. Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ деб, гувоҳлик беришлик,
2. Намозни барпо қилишлик,
3. Закотни ўташлик,
4. Байтуллоҳни Ҳаж қилишлик,
5. Рамазонда рўза тутишлик.

Бу бешта фарзнинг бири, рамазонда рўза тутишликдир. Кимда ким, рамазонда рўза тутмаган бўлса, гуноҳи кабира қилган бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қасддан бир кун рўзани очган кишига, каффоратига, икки ой пайдар пай рўза тутишликка буюрди. Икки ой рўза тутган билан ҳам, у рамазондаги бир кунлик рўзанинг ажрига баробар, ажрга эга бўлмайди, дейилган баъзи асарларда. Шунинг учун, рамазон ойида рўза тутишлик, улуг фарзлардандир. Рамазон ойида рўза тутмаслик, гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

7. Ҳажга қодир бўлиб туриб бормаслик

وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا ۚ وَمَنْ كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعٰلَمِيْنَ
Оли Имрон сураси 97 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло учун, одамлар устида, Байтуллоҳга Ҳаж қилишлик ҳаққи бордир! Аллоҳ фарз қилган. Ҳаммага эмас. Йўлга қодир бўлганларга. Йўлга қодир бўлиш нима? Деганда, Зоди роҳила, маркаб ва етарлик нарсалар, дедилар.

وقال عمر بن الخطاب رضي الله عنه لقد هممت أن أبعث رجلاً إلى هذه الأمصار فينظروا كل من له جدة ولم يحج فليضربوا عليهم الجزية وما هم بمسلمين

Умар ибн Хаттоб айтган эканларки, мен шаҳарларга одамларни юбориб, давлати бўлган кишиларни текшириб, Ҳажга қодир бўлиб бормаган бўлсалар, уларга жузъя солиғи солишликни, хаёл қиламан, деган эканлар. Жузъяни кимга солинади? Мусулмон бўлмаган ҳолда, Ислом диёрида яшаётган кофирларга солинади. Уларга солиқ солмоқчи бўламан. Чунки, улар менинг наздимда мусулмонмас, деган эканлар.

وقال النبي صلى الله عليه وسلم: " من ملك زاداً وراحلة تبلغه حج بيت الله الحرام ولم يحج فلا عليه أن يموت يهودياً أو نصرانياً وذلك لأن الله تعالى يقول: " والله على الناس حج البيت من استطاع إليه سبيلاً

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Кимки, байтуллоҳга бориб келишга етадиган Зоди Роҳилага эга бўлсаю, Ҳаж қилмаса, у энди ихтиёри ўзида, хоҳласин яҳудий бўлиб ўлсин, хоҳласин насройний бўлиб ўлсин, деган эканлар. Ҳажга қодир бўлиб бормагани учун, молида ва жасадида осийлик қилган ҳисобланади.

8. Ота онага оқ бўлишлик

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا
Исро сураси 23 оят

Роббингиз фақат Ўзигагина ибодат қилишликка буюрди. Ота онага яхшилик қилишликка буюрди.

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا ۚ إِمَّا يَبْتَغَِنَّ عَنْكَ الْكِبَرَ أَخَذَهُمَا أَوْ كَلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا
Исро сураси 23 оят

Сизнинг олдингизда икковларидан биттаси ёки, иковлари улуғ ёшга етган бўлса, дейди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Одатда ҳар кимга, улуғ ёшда ота онасини топиш, насиб бўлавермайди. Шунинг учун оятда, аҳадухумо сўзи, муқаддам бўлаётган бўлса керак, валлоҳу аълам? Кўпроқ одамга битталарини қариган ҳолда топиш, насиб бўлади. Ёки, икковларини улуғ ёшга етган, қариган ҳолда топиш, насиб бўлса, уларга уфф демагин ва уларни қайтармагин, дейди, Аллоҳу таоло. Уфф калимаси инсон малолланган вақтда, озғидан беихтиёр чиқиб кетади.

Маслаҳат билан чиқмайди, бу калима. Бир шу сафар уфф дейин, демайди, ҳеч ким. Ўз ўзидан, озғидан беихтиёр чиқиб кетади бу калима. Хоҳ ўзбек бўлсин, хоҳ бошқа миллат бўлсин, Ўз ўзидан, озғидан беихтиёр чиқиб кетади бу калима. Қуръони карим ибораси жуда диққатлидир. Доим чиқмайди бу калима. Хурсандлик пайтида, уфф дейишлик учун, бир куч керак бўлади, биродарлар. Ота онасининг олдида, доим одоб сақлаб юрган одамнинг озғидан ҳам, чарчаган вақтида, бу калима чиқиб кетмайди. Лекин, ниҳоят даражада қийин соатда, чиқиб кетади, бу калима. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни яратган. Яратувчи Зот, ўзининг яратганини яхшироқ билади.

Шу охирги, ихтиёрдан ташқари чиқиб кетадиган, тўсатдан чиқиб кетадиган нарсани ҳам, уфф деманг демаяпди, Аллоҳу таоло. Лекин, ота онангизга уфф деманг, деяпди. Уфф калимасини ота онангизга айтманг, деяпди. Мана бу нарса, жуда биз диққат берадиган нарса бу. Моддий фалсафада улғайган ёшларга, бу нарса бегонадир, биродарлар. Моддий фалсафа катталари, оилани қолоқлик деб, оила инсоннинг дунёқарашини шу оиласига боғлаб қўяди, деб тушунтирган. Шундай ботил, нажас фалсафа ҳукм сурди, қанча вақтлар?! Шунинг учун, бошқа ажнабий халқларнинг таъсири, мусулмон халқларга кириб келди. Бошқа ажнабий халқларнинг кўрсангиз, ота онадан хорроқ тоифа йўқ, биродарлар. Энг хор тоифа, ота онадир, биродарлар. Мана булар таъсири, мусулмон халқларга кириб келди. Ёшлар, мана шу фалсафа таъсирида ўсишди.

Мусулмонлар бу таъсиротлардан пок бўлмоқликлари керак.

Ота онасининг олдида, ниҳоятда чарчаган вақтида, ихтиёрдан ташқари чиқиб кетадиган, тўсатдан чиқиб кетадиган, Уфф калимасини айтишлиқдан қайтарди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

وَلَا تَنْهَرُهُمَا

Исро сураси 23 оят

وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ

Зуҳо сураси 10 оят

Сўровчига зажр қилманг деди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Зуҳо сурасида. Сўровчи одам сўраб келса, сизга малол келадида, зажр қилиб (маън қилиб) юборасиз. Бу оятдан биламизки, ота она биздан кўп нарса, сўраб қолиши мумкин?! Яъни, бизга берган нарсасининг минг минглардан бирини, сўраб қолиши мумкин? Ўзи муҳаббат билан берган нарсасини, хижолат бўлиб, сўраб қолишлиги мумкин. Бизга бераётганда, муҳаббат билан ихлос билан, ҳаётини беришга тайёр бўлган.

Биз бераётганда, бериб турмасам, ўтиб кетиб қолмасидан деб, туриб берамиз. Биз, топганимда бериб қолай деб, берамиз. Бу беришлик муддатим оз муддат деб, билиб туриб берамиз. Аммо, бизга берган вақтида, бизни улғайишимиз ва камол топишимиз, биз хурсанд бўлмайдиган нарсага, хурсанд бўлаверади. Ўзини шунча қийинчиликлар билан, машаққат тортганини унутиб, бизни тандуруст бўлганимизга қувонаверади. Биз учун бу, ҳеч нарсамас, биродарлар.

وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ

Зуҳо сураси 10 оят

Оятидаги вало танҳар, шу ота онани зажр қилманг, дейилган. Сўраб турган вақтда. Лекин, ота онага мурувват қилинадиган ёшда бўлсак ҳам, ота она бизга бериб турган нарсанинг озлигига зажр қилиб юборади, ҳозир. (Бу оят, ота онага хосмас, умуман сўраб келганни рад қилиб, қайтарманг, деган маънода.)

Бу нарса, ажнабий миллатларнинг таъсири, бизга кириб келганидандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда кўп ота онага, яхшилик қилишликка буюрди. Фарзандга яхшилик қилишликка буюрмади. Ота онани, фарзандга яхшилик қилишликка, буюришга ҳолат йўқ эди. Буюрсаям буюрмасаям, яхшилик қиладиган табиатни бериб қўйди. Аммо, фарзанд бўлса, ота онани эсидан чиқариб қўяди. Фарзанд бўлса, ота онани унутиб қўяди. Ўзининг фарзандларини ўйлаб, ота онасини эсидан чиқаради. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ота онага яхшилик қилишликка (фарзандни) буюрди.

وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا

Исро сураси 23 оят

Қавлан лаййинан, мулойим латиф сўзларга, таъвил қилинган. Яхши сўзлар, ҳам мулойим, ҳам нуфуслик сўзлар билан, хитоб қилишликка Аллоҳу таоло буюрди уларга, дейилган.

وَاخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا
Исро сураси 24 оят

Хорлик қанотини ота онангизга паст қилинг.

Доим тавозеъ билан, хитоб қилишликка, Аллоҳу таоло буюрди. Ва доим, икковларини раҳматингдан маҳрум қилмагин, худди менга раҳмлари келгандек, Сенинг ҳам уларга раҳминг келсин, деб, дуо қилишликка буюрди.

Камо раҳимоне сағиро, демади, Камо раббаёни сағиро, деди. Бу тарафдан қуръони карим бир ажиб ибораларки, яъни, гўдакликда тарбия қилиш, фарзандни, бу фарзандга раҳм қилишликдир. Яъни, гўдаклик вақтида тарбия қилмаслик, фарзандга раҳмсизлик эканига ишора бўлаяпди. Фарзандига гўдакликда тарбия қилишга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюряпди. Ва шу гўдакликда тарбия қилганлар, фарзандига раҳм қилган ота оналар, деяпди.

أَنْ أَشْكُرَ لِي وَلَوْلَا ذِكُّكَ إِلَيَّ الْمَصِيرُ
Луқмон сураси 14 оят

Ўзининг минг минг неъматларига шукр қилишлик билан, ота онага шукр қилишликни, ёнма ён зикр қилди.

قال ابن عباس رضي الله عنهما: ثلاث آيات نزلت مقرونة بثلاث لا تقبل منها واحدة بغير قرينتها أي إحداهما

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу уч оят, уч нарсa билан ёнма ён зикр қилинди. Улардан биттаси қабул бўлмайди, агар ёнида иккинчиси ҳам, бўлмаса, деган эканлар.

Биринчиси:

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ
Оли Имрон сураси 132 оят

Агар бир киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга итоат қилмасдан, Аллоҳга итоат қиламан деса, у итоати қабул бўлмайди. Аллоҳ ва Расулига бўлган итоат, ёнма ён зикр қилинди.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ
Бақара сураси 31 оят

Иккинчиси, намозни барпо қилинглaр ва закотни ўтанглaр, деди. Закотни ўтамаслик, намозни қабул бўлмаслигига ишорадир.

أَنْ أَشْكُرَ لِي وَلَوْلَا ذِكُّكَ إِلَيَّ الْمَصِيرُ
Луқмон сураси 14 оят

Учинчиси, Аллоҳ буюрди, эй инсон, менга шукр қил ва ота онанга шукр қил, деди. Икковини, ёнма ён зикр қилди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога шукр қилсаю, ота онасига шукр қилмаса, Аллоҳ унинг шукрини қабул қилмаслигига ишора бўлаяпди. Ундан ташқари, ота онасига шукр қилолмаган одам, Аллоҳга ҳам шукр қилолмайди.

من لم يشكر الناس لم يشكر الله
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : ابن حجر العسقلاني

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Одамларга шукр қилолмаган одам, Аллоҳга ҳам шукр қилолмайди. Ўз ота онасига шукр қилолмаган одам, Аллоҳга ҳам шукр қилолмаслиги аниқ бўлиб қолади. Демак, ота онага оқ, яъни осий бўлишлик, гуноҳи кабиралардандир.

وفي الصحيحين أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " ألا أنبئكم بأكبر الكبائر: الإشراف بالله وعقوق الوالدين

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: ота онага осий бўлишликни Аллоҳга ширк келтиришлик қаторида, зикр қилдилар. Яъни, ширкни қаторидаги гуноҳи кабиралардандир.

Ҳозирги вақтда, Исломни ҳаётга татбиқ қилишликни хоҳламасдан, ота онага ҳурмат кўрсатиш ҳақида сўз очаётган кишилар, хаёлпараст кишилардир. Исломни ҳаётга татбиқ қилишликни хоҳламасдан, ота онага ҳурмат кўрсатадиган авлод етиштиришни хоҳлаётган кишилар, ҳаракатлари бекор кетади.

(Форсча байт айтадилар) Эй саҳройи, сен Ҳажга кетаяпман дейсану, бу кетаётган йўлинг, Ҳажга бормайди. Бу кетишда Туркистонга борасан.

Исломни ҳаётга татбиқ қилишликни хоҳламасдан, Исломни ҳукмларини ҳаётдан четлатиб туриб, ота онага ҳурмат кўрсатадиган авлод етиштиришни хоҳлаётган одам, Каъбага кетаяпман деб, Туркистонга кетаётган одам у. Бу йўлида, у Туркистонга боради. Ошпаз мантипазлик қилса, йигирма тангага бўз чиққандек, бўз чиқади. Ҳеч қачон, Исломни ҳукмларини ҳаётдан четлатиб туриб, ота онага ҳурмат кўрсатадиган авлод етишиб чиқмайди, биродарлар.

ثلاث دعوات مستجابات لا شكّ فيهنّ ؛ دَعْوَةُ الْمَظْلُومِ ، ودَعْوَةُ الْمَسَافِرِ ، ودَعْوَةُ الْوَالِدِ عَلَى وَلَدِهِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: учта дуо рад қилинмайди. Мазлумнинг дуоси. Мусофирнинг дуоси. Ота онанинг фарзандига бўлган дуоси. Бу уч дуони ижобатлигида, шак шубҳа йўқ, деган эканлар. Аввалги дарсимизда айтганимиздек, амри маъруф ва наҳй мункар юриб турган ерда, дуо қабул бўлади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдига ота она шикоят қилиб келишди. Эри айтдики, бу менинг фарзандим. Аёл айтдики, бу менинг фарзандим. Мен қийналиб буни кўтариб юрганман. Ва қийналиб туққанман. Ва икки йил тўла кўксимдан овқатлантирганман, деди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам таъъан, фарзандни онага ҳукм қилдилар. Яъни, битта фарзанд бўлиб, эр хотин ажралмоқчи бўлиб, болани ким олишини сўраб келганда, онага бердилар.

وفي الصحيحين أن رجلاً جاء إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم فقال يا رسول الله من أحق الناس مني بحسن الصحبة؟ قال أمك. قال ثم من؟ قال أمك. قال ثم من؟ قال أمك. قال ثم من؟ قال أبوك ثم الأقرب فالأقرب

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдига бир киши келиб, менинг энг яхши суҳбатимга ҳақдорроқ одам ким, деб сўради. Онанг дедилар. Кейин, ким? деди. Онанг дедилар. Кейин, ким? деди. Онанг дедилар. Кейин, ким? деганда, тўртинчисида, даданг дедилар. Кейин, яқин қариндошларинг, дедилар. Онанинг ҳаққини, отадан уч баробар кўп тайин қилдилар. Савол бўладиги, ота она маъсиятга буюрса, нима қиламиз?

لا طاعة لمخلوق في معصية الخالق
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳга осий бўладиган ишда, ота онага итоат қилинмайди.

Ота онага итоат қилмаслик, қандай бўлади деган, савол бўлади.

وسئل كعب الأحبار عن عقوق الوالدين ما هو؟ قال: هو إذا أقسم عليه أبوه أو أمه لم يبر قسمهما وإذا أمره بأمر لم يطع أمرهما وإذا سألاه شيئاً لم يعطهما وإذا انتمناه خانهما.

Каъб ал Ахбордан ота онага оқ бўлиш қандай бўлади? деб, сўрашди. Ота ва онаси уни ҳаққида қасам ичса, у бунни оқламайди. Агар Ота ва онаси, бир шаръий ишни қиламан деб, қасам ичган бўлсаю, қилолмай қолиб, шу сен бажариб қўй десаю, у қасамни бажармаса, осий бўлган ҳисобланади. Иккинчи, шариатга мувофиқ бўлган, бир буюриққа буюрса, уларга итоат қилмайди. Агар бир нарсаси сўрасалар, бермаслик ҳам осийлик, деган эканлар. Агар бир нарсани омонат қўйишса, хиёнат қилишлик ҳам, осийлик деган экан.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ҳатто, бир киши ота онасидан берухсат жиҳодга кетаман деганда, унга ота онангни хизматини қилиб, жиҳод қил, деган эканлар.

قال النبي صلى الله عليه وسلم: " رضى الله في رضى الوالدين ، وسخط الله في سخط الوالدين خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳнинг ризоси ота онанинг ризосида ва Аллоҳнинг ғазаби, ота онанинг ғазабида, деган эканлар.

9. Қариндошлар билан алоқани узишлик

وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ
Нисо сураси 1 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Аллоҳдан қўрқинлар ва қариндошлар билан алоқани узишликдан қўрқинлар, деди. Аллоҳдан қўрқинлар деган калимага, атф қилиняпди, қариндошлар билан алоқани узишликдан қўрқинлар, сўзи.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қариндошлар билан, алоқани узишлик, Аллоҳнинг лаънатига сабаб бўладиган гуноҳи кабиралардан эканини, баён қилаяпди.

فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتَقَطَّعُوا أَرْحَامَكُمْ
أُولَئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَرَهُمْ
Муҳаммад сураси 22,23 оятлар

Аллоҳнинг буюриғидан бурилсанглар, ерда бузғунчилик қилишни бошлайсизлар. Қариндошлар билан алоқани узишликни бошлайсизлар. Аллоҳнинг буюриғидан бурилишнинг аломатларидан иккитаси, биттаси фасод, ерда бузғунчилик қилиш ва иккинчиси, Аллоҳ алоқа қилишга буюрган қариндошлар билан, алоқани узишлик.

Аллоҳ ерда бузғунчилик қилган ва буюрган қариндошлар билан алоқани узган кишини, Аллоҳ лаънат қилган ва қар қилган ва кўзларини кўр қилган кишилардир, деяпди.

الَّذِينَ يُوَفُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَلَا يَنْقُضُونَ الْمِيثَاقَ
وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ

Раъд сураси 20,21 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг бандаларини мактаб, Улар Аллоҳга берган аҳдига вафо қилган кишилар ва одамлар билан аҳду паймонларини бузмаган кишилар ва Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқани боғлаган кишилар ва Роббиларидан қўрқиб, қиёматдаги ёмон ҳисобдан қўрққан кишилар, деяпди.

Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқани узган кишиларни, бошқа оятларда фосиқлар дейилган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам:

" وفي الصحيحين أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " لا يدخل الجنة قاطع رحم

Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқани узган кишилар жаннатга кирмайди, дедилар.

وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُصِلْ رَحِمَهُ
رواه البخاري

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқада бўлсин! дедилар.

Алоқада бўлишлик қандай бўлади? Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

ليس الواصلُ بالمكافيء ولكنَّ الواصلَ الذي إذا انقطعت رحمته وصلَّها
الراوي : عبدالله بن عمرو
خلاصة حكم المحدث : صحيح | التخریج : أخرجه البخاري

Сиздан хабар олса, сиз ҳам хабар олиб қўйсангиз бу алоқа қилиш дейилмайди. Улар борди келди қилмаса ҳам, бу борди келди қилмаган кишини, алоқа боғлаган киши, дейилар экан.

Саволлар бўладик, шариатга зид ишлар қилса, булар билан қандай алоқа қиламиз? деган, мен умумий жавоб бераман. Шариатга зид ишлар қилса, алоқани узинг. Сизни алоқага буюрувчи шариат, биродарлар. Бу шариат, Сизни алоқага буюриш қаторида, маст қилувчи ичимликни ичмасликка буюрган. Шариатга зид нарсаларни, қилмасликка буюрган. Бошқалар тийилмаса, у мажлисларда иштирок этмасликка буюрган ҳам, шариатдир, биродарлар!

Шунинг учун қуръони карим, қариндошлар билан алоқа қилишликкагина буюраётгани йўқ. Балки, Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқа қилишликка буюряпди.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу суҳбат қилишдан олдин, қариндошлар билан алоқасини узган кишилар, менинг олдимда ўтирмасин. Ҳозир қаттиқ гапларни гапираман дер, экан. Чиқиб кетсин, дер эканлар. Шунда, нега ундай қиласиз? деб сўрашганда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитганманки,

لا تَنْزِلُ الرَّحْمَةُ عَلَى قَوْمٍ فِيهِمْ قَاطِعٌ رَحِمٍ
خلاصة حكم المحدث : إسناده ضعيف جدا

(Муҳаддислар бу ҳадисни иснодини жуда заиф дейишган)

Аллоҳ алоқа қилишга буюрган, қариндошлар билан алоқани узган одам, бўлган жамоага, Аллоҳнинг раҳмати тушмайди, деганлар.

Иншааллоҳ гуноҳи кабиралар дарсини давом эттирамиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, гуноҳи кабиралардан сақласин!

عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: لَا صَغِيرَةَ مَعَ الْإِصْرَارِ، وَلَا كَبِيرَةَ مَعَ الْاسْتِغْفَارِ.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтадилар: Бир одам гуноҳи кабира қилган бўлса, ундан қаттиқ тавба қилиб, воз кечган бўлса, уни гуноҳи кабираси бор, дейилмайди. Аммо, бир одамни гуноҳи сағираси бўлса, бу кичкина гуноҳ деб, давомли қилаётган бўлса, буни кичкина гуноҳ дейилмайди. Бу катта гуноҳ бўлади.

(Саволларга қисқа жавоблар берилади)

Аллоҳумма саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи васаллам.

اللهم انا نسألك العفو والعافية في الدنيا والآخرة
ربنا لا تجعلنا فتنة للقوم الظالمين
وَنَجِّنَا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

Юнус сураси 85,86 оятлар

اللَّهُمَّ افسِهِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا يَحُولُ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تَبْلُغُنَا بِهِ جَنَّتَكَ ، وَمِنْ الْيَقِينِ مَا تُهَوِّنُ بِهِ عَلَيْنَا مُصِيبَاتِ الدُّنْيَا ،
وَمَتِّعَنَا بِاسْمَاعِنَا وَابْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا ، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا ، وَاجْعَلْ ثَأْرَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا ، وَانصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا ، وَلَا تَجْعَلْ
مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا ، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا ، وَلَا مَبْلَغَ عِلْمِنَا ، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا
وصححه الألباني في " صحيح الترمذي

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

61 дарс тугади.

62 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида

3 қисм (Тўртта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, аввалгиси каби, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар билан таништиришликда давом этилади. Ўнинчи кабира гуноҳ, зинокорлик гуноҳи ўн биринчиси, баччавозлик, ва ўн иккинчиси, судхўрлик ва ўн учинчиси, етим молини ейишлик каби, катта гуноҳлар баён қилинади. Бу дарсда тўртта ва олдинги дарслардаги билан, уч дарсда, жами ўн учта гуноҳ ҳақида, маълумотлар берилди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا ضَلَلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога инсонни яратиб, ўз ҳолига қўйиб қўймади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни, аввало мукаррам қилиб яратди. Мукаррам қилганлиги, унинг ҳаётини икки қисм қилиб, бир қисмида, инсон хоҳласин, хоҳламасин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога бўйсуниб яшайди. Мисол учун, юраги қон вазифасини ўтаса, ўпкаси нафас олиш жиҳози ҳисобланса, кўзи кўришлик вазифасини ўтаса, қулоғи эшитишлик вазифасини ўтаса, ва ҳаказо аъзолар, хоҳласин хоҳламасин, Аллоҳ томонидан буюрилган вазифа ўтайди.

Бирор киши айтолмайдики, кўп йиллар кўзим билан кўрдим. Энди бирор йил кўзим билан эшитиб, қулоғим билан кўриб яшай, деёлмайди. Бундай ихтиёр унга берилганмас. Бунда инсон бошқа коинотдаги махлуқотлар каби, бўйсуниб яшайди. Лекин, инсонга ихтиёр берилдики, бунда у ихтиёрлик. Хоҳласа, Аллоҳнинг шариатига бўйсуниб яшайди. Хоҳламаса наузан биллоҳ, бўйсунмай яшайди. Мана шу сифати билан, инсон мукаллаф махлуққа айланди. Ихтиёри билан, итоат қилиб, Аллоҳнинг мислсиз даражотларига, кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган ва инсон қалбию, ҳаёлига келмаган жаннатдаги неъматларга эришади. Дунё жаннатига ҳам инсон, шариат қонунига эргашиб эришади. Шунда у, ҳақиқий инсонлик номига муносиб бўлган ҳаётни, бошидан кечиради.

Мана шу сифати билан, шариатига бўйсунмаса, у дунёда шармандаларча ҳаёт кечиришдан ташқари, кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган ва инсон, ҳаёлига келмаган ўт азобига гирифтор бўлади.

Шунинг учун ҳам биз, шариатдаги буйруқларни ихтиёримиз билан қиламиз ва ёки, шариатдаги буйруқлардан ихтиёримиз билан чекланамизда, аввалги суратда, катта даражотга эришамиз. Кейинги суратда, Аллоҳ сақласин, жуда ҳам қаттиқ азобга дучор бўлинади. Гуноҳи кабира дарсларимизни иншааллоҳ, давом эттирамиз. Инсон шаънига доғ тушурувчи ва наслларни йўқотишга олиб боровчи ва шариатда жазоси қатл қилишлик бўлган гуноҳи кабира, Зинодир.

10. Зино қилишлик

وَلَا تَقْرَبُوا الزَّانِيَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا

Исро сураси 32 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло зинога яқин борманглар, деди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло зинодан четланинглар демасдан, зинога яқин борманглар, деди. Демак, зинога сабаб бўладиган ҳар бир нарсага яқин бормасликка, мўмин киши, ўзининг Яратувчиси тарафидан, маъмурдир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам зинога яқин бўладиган ҳамма нарсадан, ўзини четга олишликка йўлланма берганлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аёлларни, ҳижоб билан мукарамма қилди. Ҳижоб, аёл киши ўзининг зийнатларини бекитишлиги учундир. Ҳижоб, аслида, аёлларнинг манфаати эканлигини, яхши тушунишлари керак эди, аёллар. Лекин, исломга қарши бўлган фалсафа, буни аёлларга беҳурматлик деб, тушунтирилган.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамдлар бўлсинки, ҳижобни аёлларнинг манфаати эканлигини, ҳозирги замоннинг, ўзини маданий санаган жамоалар ҳаммаси тан олаяпти. Бир киши ўзининг оиласи билан, иттифоқ яшайди. Бир киши оиласи билан иттифоқ яшайди. Болалар ота онасини меҳрини кўриб яшашади. Тўсатдан отасининг, бу оилани ташлаб, нопок йўлга кетганлиги, қулоққа чалиниб қолади. Нима учун? Сабаб? Ўзининг оиласидан кўра, зийнатлироқ, зийнати ҳаромга кўрсатган бир аёлни, кўрганлиги сабаблик, ўзининг оиласидан кўнгилсиз бўла бошлайди. Шу сабаб билан, бузуқ иш содир бўладию, болаларга бўлган меҳри ҳам йўқолади. Оиланинг бузулиш даври бошланади.

Оилада иттифоқсизлик, жамиятнинг биринчи ғишти бўлган оила, парчалана бошлайди. Шу оилаларнинг бузилиш сабабини текшириб кўрилса, бир ҳижобсиз аёл, ўзининг зийнати, ажнабий эркакка кўрсатгани сабаб бўлади. Аёллар буни ўзларининг оиласига манфаат эканини тушунган бўлганларида эди, бу ҳижобни улуғ амал эканини билишган бўларди. Бундан ташқари ҳижобни манфаатларини гапирётган тоифалар бор. Бу бизнинг дарсимиз мавзуси бўлмаган учун, буни эшитувчилар ўзлари билиб олишига, ҳавола қиламиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло зинога яқин бўлмасликка буюрди. Демак, зинога сабаб бўладиган нарсаларнинг ҳаммасидан четланишга буюрди. Кўзнинг зиноси, шаҳват билан, маҳрам бўлмаган аёлга қарашдир. Қулоқ зиноси шаҳват билан, зинога тааллуқлик нарсаларни эшитишлик. Кўзнинг зиноси, зинога сабаб бўладиган тамошоларни ёки, бошқа нарсаларни кўришлик_ ёки, ўқишлиқдир. Оёқнинг зиноси, зинога сабаб бўладиган ерларга боришлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло зинога яқин борманглар, деб, ҳар бир аъзони, зинога яқин боришдан, эҳтиёт қилишликка буюрди.

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ

Фурқон сураси 68 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг бандаларини мақтаган ўринда, улар ширк келтирмайдиган ва ноҳақ одам ўлдирмайдиган деб, бевосита зино қилмайдиган бандалар деб, атади. Зино калимасини, одамни ноҳақ ўлдиришлик қаторида, зикр қилди. Бу нарсас, аввалги даврларда, баъзи бир кишиларга тушунарлик бўлмаса ҳам, ҳозирги даврларда ниҳоятда тушунарлик бўлди. Зинони одам ўлдиришга алоқадорлиги, бизнинг даврга келиб, маълум бўлаяпти, биродарлар. Болага энг меҳрли одам, онадир. Бундан ортқи меҳр (инсонда) бўлиши мумкин эмас. Бу меҳр ҳамма меҳрларга, зарбулмасал қилинган меҳрдир. Аммо, мана шу зино сабаблик, мана шу меҳр йўқолиб, ўзининг фарзандини ўлдираётган оналар, ҳозирги вақтда бор. Зино, шунга сабаб бўлган. Зинодан бўлган болани, йўқотишлик пайига тушиб, йўқотолмагандан кейин, бир пастқам чеккага, ташлаб кетаяпти.

Моҳирароқ бўлса, олий табақадан бўлса, олий билимларни эгаллаган бўлса, бу она, махфийроқ қилиб, ҳожатхонага ташлаб юбораяпти. Соддароғи бўлса, ахлатхонага ташлаб кетаяпти. Ундан ҳам, илми кучайганроқ бўлиб, ўзини маданийлашганини, кўпроқ даъво қилган бўлса, ҳожатхонага тушадиган бўлмасидан, йўқотиб ташлаяпти. Агар, инсон ўзининг фарзандига, шундай шафқатсизлик қилади деса, бунга ҳеч ким ишонмаган бўларди. Аммо, исломнинг ҳаётдан четланиши, мана бундай, ўзини маданий санаган, «онанинг» вужудга келишига, сабаб бўлди.

Қуръони каримнинг мўъжизаси яна бир бор. исбот бўлаяптики, ноҳақ одам ўлдирмайдиганлар ёнида, бевосита зино қилмайдиганлар зикр қилинапти. Демак, ноҳақ одам ўлдириш билан, зинони ёнма ён келишлиги, қуръон мўъжизаларининг биттасидир. Замони жоҳилиятда, қиз болаларни камситиб, тириклай кўмиб юборилган бўлса, шу нарсани зикр қилинса, одамлар ажабланади. Лекин, ҳозирги вақтда, қизу ўғиллигига қарамасдан, онасининг ўзи кўмиб юбораяпти. Мана бу ўрмондаги йиртқичлар ҳам, қила олмайдиган ваҳшийликдир, биродарлар. Демак, инсониятнинг ривожланиши, бу моддий юқориликмас, маънавий юқорилик эканини, яхши билишлигимиз керак. Шунинг учун ҳам, қуръонда ноҳақ одам ўлдириш билан, зинони ёнма ён келишлиги, зино одамларни ноҳақ ўлдиришига ишорадир. Ундан ташқари, ҳозирги вақтда, аксар одам ўлдиришларнинг сабаби текширилса, зино сабаблик вужудга келаётгани ҳам, сир эмас биродарлар.

الزانية والزاني فأجلدوا كل واحد منهما مائة جلدة ولا تأخذكم بهما رأفة في دين الله إن كنتم تؤمنون بالله واليوم الآخر وليشهد عذابهما طائفة من المؤمنين

Нур сураси 2 оят

Зинокор аёл ва зинокор эркак жазоси, агар далил билан исботланса, ёинки, ўзлари бу гуноҳга иқроор бўлса, Ислом ҳукми жорий бўлиб турган диёрларларда, ҳар бирига юз дарра уришликдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳар бирини, юз дарра уринглар, деяпти. Сизларни Аллоҳнинг динида, Аллоҳнинг ҳудудини барпо қилишликда, қалбинглардаги меҳрибонлик олиб қолмасин, агар Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлсанглар, деяпти. Уларнинг азобига бир тоифа мўминлар, ҳозир бўлсинки, ибрат бўлсин, бу нарсас.

Шу оятда, диққатга сазовор бўлган калима, биринчи зинокор аёл, зикр қилинди, зинокор эркакдан илгари. Бу аксар зинога сабаб бўлувчилар, аёллар эканига, ишорадир. Бу турмуш қилмаган йигит ва қиз зино қилгандаги жазо, шудир. Аммо, турмуш қурган эркак ва аёл зино қилган бўлса, Ислом ҳукми жорий бўлиб турган диёрларларда, тош бўрон қилиб ўлдирилишликдир.

Дарра уришлик бўлсин, тош бўрон қилишлик бўлсин, ҳикматларидан бири валлоҳу аълам, ҳаромдан лаззатланган ҳар бир баданидан, шу лаззатларни йўқотиб ташлайдиган жазо тайинланган.

كما ورد أن الزبور مكتوباً: إن الزناة معلقون بفروجهم في النار يضربون عليها بسياط من حديد فإذا استغاث من الضرب نادته الزبانية أين كان هذا الصوت وأنت تضحك وتفرح وتمرح ولا تراقب الله تعالى ولا تستحي منه

Забурда битилган эканки, зинокорларни авратидан осиб қўйилади. Уларни ўтдан бўлган қамчилар билан урилади. Зарбанинг кучидан фарёд чеккан вақтида, жаҳаннам посбонлари нидо қиладики, сен бу дод фарёдингни илгари қилсанг бўлмасмиди? Сен бу зинони қилаётганда, кулиб, хурсанд бўлиб, мириқиб, зино қилган эдинг. Аллоҳни борлиги ҳеч ҳисобга олмаган эдинг. Аллоҳдан ҳаё қилмаган эдинг.

(Забурдаги сўзни саҳиҳлигига далил топилмади. Бу сўз Китобул Кабоирда келган. Исноди аниқмас. Буни далил қилишга жоизмас. Агар Забурда шундай сўз бўлсада, у китоб, бу умматга ҳужжат ҳисобланмайди. Валлоҳу аълам.)

، لَا يَزْنِي الزَّانِي حِينَ يَزْنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَشْرِبُ الْخَمْرَ حِينَ يَشْرِبُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَسْرِقُ حِينَ يَسْرِقُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 2475 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: зинокор зино қилаётганда, мўмин бўлмайди. Ўғри ўғирлик қилаётганда, мўмин бўлмайди. Имони чиқиб туради ташқарига. Маст қилувчи ичимликни ичувчи киши, мўмин ҳолда ичмайди. Имони чиқиб туради ташқарига, деган эканлар.

وفي صحيح البخاري في حديث منام النبي صلى الله عليه وسلم الذي رواه سمرة بن جندب وفيه أنه صلى الله عليه وسلم جاءه جبريل وميكائيل قال: فأنطلقنا فأتينا على مثل التنور أعلاه ضيق وأسفله واسع فيه لغط وأصوات قال فاطلعنا فيه فإذا فيه رجال ونساء عراة فإذا هم يأتيهم لهب من أسفل منهم فإذا أتاهم ذلك اللهب ضوضوا أي صاحوا من شدة حره فقلت من هؤلاء يا جبريل قال هؤلاء الزناة والزواني يعني من الرجال والنساء فهذا عذابهم إلى يوم القيامة

Узун ҳадис бу. Аввалги дарсларимизда айтиб берганмиз. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Жаброил ва Микоил билан (тушларида) бир ерга бордик. Тандирга ўхшаган нарса турибди. Оғзи тор ва ичи кенг. Ичидан шовқин суронлар чиқиб турибди. Шу тандирга қарадим. Ичи яланғоч аёллар ва эркаклар билан тўла. Пастидан аланга келаяпди, Шунда шовқин сурон бўлиб, улар тепага кўтарилади. Тандирни оғзигача келиб, қайтиб кетишади. Мен эй Жибрил, булар кимлар? Деб, сўрадим. Булар зинокор эркаклар ва аёллар. Булар қиёматгача шундай азобланишади, деди. (Демак, бу азоб, барзах ҳаётидаги азобдир.)

لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِكُلِّ بَابٍ مِنْهُمْ جُزْءٌ مَقْسُومٌ
Ҳижр сураси 44 оят

Жаҳаннамнинг еттита дарвозаси бор. Ҳар биридан, бир тоифа киради. Шу оятнинг тафсирида, Ато раҳимаҳуллоҳ айтган эканларки,

عن عطاء قال أشد تلك الأبواب غماً وحرّاً وكرباً وأنتنها ريحاً للزناة الذين ارتكبوا الزنا بعد العلم

Шу еттита дарвозанинг энг ғамлиси, машаққатлиси, иссиғи қаттиқроғи ва энг бадбўй сассиғидан, зинокорлар ўтади, деган эканлар. Ёмонлигини билиб туриб қилган зинокорлар ўтади, деган эканлар. (Тобеъинлар сўзи, ғайбий нарсаларга далил бўлмайди.)

عن مكحول الدمشقي قال: يجد أهل النار رائحة منتنة فيقولون ما وجدنا أنتن من هذه الرائحة فيقال لهم هذه ريح فروج الزناة

Мақхул Дамашқийдан ривоят қилинган асарда, айтиладики, Жаҳаннамда бир ҳид келадики. Жаҳаннам аҳли чидаб туролмайдилар. Жаҳаннамда роҳат йўқ, биродарлар. Ҳамма ёқ азоб. Ўзининг йирингини овқат қилади. Қайнаган сув ичирилади. Шундай жойда турганлар чидолмайдиган, сассиқ ҳид сезишади. Бундай сассиқ ҳид йўқ эдию, Бу қаердан келди? дейишганда, Бу зинокор аёлларнинг, фаржидан келаётган ҳид, дейилади. Ислон бу гуноҳнинг жазосини қаттиқ қилган. Чунки, наслларни тамоман йўқотишлиқдир бу. Яна мавзуга қайтамыз. Зино калимасини, одамни ноҳақ ўлдиришлиқ қаторида зикр қилингани сабабларидандир, Зинодан вужудга келган бола, бир умр ўзининг отасининг кимлигини биллолмай яшайди. Дунёда бундан кўра, қаттиқ мусибат йўқдир, биродарлар. У отасининг кимлиги, маълум бўлган кундан бошлаб, уни йўқотишликка ҳаракат қилади.

Шундай нопок ишни қилганлиги учун. Мана бу, бир одамни қатл қилганликка, баробар эканлигига далолат қилади, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу гуноҳи кабирадан ҳаммамизни, аҳли исломни, Ўзи сақласин!

11. Ливотагарлик (Баччабозлик)

وَلَوْطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ إِنَّكُمْ لَأَتَّاتُونَ الْفُحْشَةَ مَا سَبَقَكُمْ بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِنَ الْعَالَمِينَ
Анкабут сураси 28 оят

أَنَّا كُنْتُ مِنَ الصَّادِقِينَ
Анкабут сураси 29 оят

Лут алайҳиссаломни, пайғамбар қилиб жўнатдик. У киши қавмларига айтдиларки, шундай бузуқ ишни қиласизларми? Бу ишни сизлардан илгари, инсон зоти қилганмас, дедилар. Инсон Аллоҳнинг шариатидан четга чиқишлик билан, моддий қулайликлар унга фойда бермайди. Аксинча, зарар беради. Ислом ахлоқларидан четга чиққан жамият мисоли, бир қаноти чириб тамом бўлган, иккинчи қаноти бақувват қушнинг мисолидадир. У қуш ҳеч қачон, бир қадам ҳам, учишга қодир бўлмайди. Эр кишининг эр киши билан, жинсий алоқада бўлишлиги, бу гуноҳ Лут алайҳиссалом давригача, бўлган эмас. Шулардан бошланган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни қаттиқ азоби билан, азоблади.

فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا جَعَلْنَا عَلَىٰهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهَا حِجَارَةً مِّن سِجِّيلٍ مَّنصُوبٍ
Худ сураси 82 оят

Лут алайҳиссаломни масхара қилишди. Буни ва унга эргашганларни чиқариб ташланглар, булар жуда покиза бўлиб кетишибди, деб, масхара қилишди. Ҳозир ҳам, одамларни гуноҳдан тийсангиз, бузуқ ишлардан воз кеч, кашандаликлардан воз кеч, маст қилувчи ичимликни ичма, десангиз, сен жуда озода бўлиб кетибсан, дейди. Лут алайҳиссалом уларни маъсиятдан тийган вақтларида, буларни шаҳардан чиқариб ташланглар, булар жуда покиза бўлиб кетишибди, дейишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг азоби келди. Лут алайҳиссалом қавми яшаётган ернинг усти, паст қисм ва пасти устки қисм, бўлиб қолди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ерни айлантириб қўйди. Устига лой аралашган тошни, ёмғир қилиб ёғдирди. Ниҳоятда қаттиқ бир азоб билан, азоблади, Аллоҳу таоло.

قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَنْظُرُ أَعْلَى بِنَاءٍ فِي الْفُرْيَةِ فَيَلْقَى مِنْهُ ثُمَّ يَتَّبِعُ بِالْحِجَارَةِ كَمَا فَعَلَ بِقَوْمِ لُوطٍ

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтдилар: Ким шу ишни қилса, шаҳардаги энг баланд бинони тепасидан улоқтирилади ва устига тош ташланади. Лут алайҳиссалом қавми яшаётган ернинг, усти паст қисм ва пасти устки қисм бўлиб қолгандек. Устига лой аралашган тошни, ёмғир қилиб ёғдирилгандек. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буни қиёматгача ибрат қилиб қўйди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда бу азобни, бир неча ўринларда зикр қилди.

Лекин, ҳозирги асрнинг, энг ривожланган давр деб, эътибор қилинаётган, одамларнинг оғзининг суви келаётган баъзи диёрларда, бу амални қилувчилар, расмий йўл билан никоҳдан ўтаяпди. Данияда мана шундай нопок инсонлар, вужудга келган. Улар фарзанд қилиш ва уларга нафақа беришдан воз кечган, «маданий» инсонлар вужудга келди. Бу бизга ибратки, Ислом неъмат, қандай неъмат эканлигини, биз билмоқлигимиз керак, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буни, хабис амал эканлигини ва ҳалолдан ҳаромга тажовуз қилиш эканини, бир неча сурада, ёд қилди.

أَتَأْتُونَ الذُّكْرَانَ مِنَ الْعَالَمِينَ وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ أَرْوَاحِكُمْ ۚ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ

Шуаро сураси 165, 166 оятлар

وَلَوْ طَآءَتْهُ حَكْمًا وَعِلْمًا وَنَجْنِيَّتُهُ مِنَ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ تَعْمَلُ الْخَبِيثَ ۖ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمٌ فَسِيقِينَ

Анбиё сураси 74 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жамиятларни, мана бундай нопок ишдан пок қилсин!

12. Судхўрлик

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً ۖ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Оли Имрон сураси 130 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Эй, имон келтирган кишилар, рибо сабабли молларингизни кўпайтириб, еманглар деб, буюрди.

الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ

Бақара сураси 275 оят

Рибо ейдиган кишилар, жин тегиб, беҳуш қилиб қўйгани каби, алаҳсираган ҳолатда, қиёмат кунни туришлигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хабар берди.

Бунинг сабаби нима? Улар айтишгандики,

ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا

Бақара сураси 275 оят

Байъ ҳам рибога ўхшаганда, деб, рибони, байъга (савдога) ўхшатишганди. Қуръон фасоҳати дақиқки, рибони баъга ўхшаган деб, уни байъдан ҳам ортиқ, ҳалол деб, эътиқод қилишган эди. Баъйда ҳам, бир киши бир нарсани олиб, шуни сотиб, фойдаланади. Рибони ҳам, пулни бериб, устига пул олиб, фойдаланишади. Шунинг учун савдога ўхшаш дедилар. Шу сабаблик улар, қиёмат кунни жин теккандек, довдираб туришади.

ورأيت رجالاً بطونهم بين أيديهم كالببوت فيها حيات وعقارب ترى من ظاهر بطونهم فقلت: من هؤلاء يا جبريل فقال هؤلاء أكلة الربا

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: (Тушларини гапираётиб) Кейин биз бир ерга келдикки, у ерда одамларнинг қоринлари уйдек бўлиб, олдиларида шишиб турибди. Бунинг ичида, илону чаёнлар бор. Улар ташқаридагиларга кўриниб турибди. Мен сўрадимки, Ё Жибрил, булар кимлар? Булар судхўрлар деди.

وقال صلى الله عليه وسلم: " ما ظهر في قوم الربا إلا ظهر فيهم الجنون ولا ظهر في قوم الزنا إلا ظهر فيهم الموت وما بخس قوم الكيل . " والوزن إلا منعهم الله القطر .

Абу Довуд ривоят қилган.

ما ظهر في قوم الزنا والربا ؛ إلا أحلوا بأنفسهم عذاب الله .

الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترغيب

Бу ҳадис шу маънодаги саҳиҳ ҳадис.

Қайси жамиятда рибо ошкора қилинса, жиннилар кўпаяди. Илгари аждодлар айтишича, мажнунлар жуда кам бўлган. Ҳатто, одамлар фалончи мажнун бўлган деб, санаб улгуришарди. Ҳозир санаб улгурмаяпти. Рибо кўпайган жамиятда, жиннилик кўпаяди. Қайси қавмда зино кўпайса, ўлим кўпаяди. Қайси қавмда тарозидан уриб қолишлик кўпайса, Аллоҳ ёмғирни тўсиб қўяди. Қўрғоқчилик кўпаяди.

وجاء في حديث فيه طول: إن أكل الربا يعذب من حين يموت إلى يوم القيامة بالسباحة في النهر الأحمر الذي هو مثل الدم ويلقم الحجارة وهو المال الحرام الذي جمعه في الدنيا يكلف المشقة فيه ويلقم حجارة من نار كما ابتلع الحرام الذي جمعه في الدنيا هذا العذاب له في البرزخ قبل يوم القيامة مع لعنة الله له

Рибо ейувчи одамлар ўлганидан бошлаб, қиёматгача, қон дарёсида сузиб, азобланади. (Барзах ҳаётида) Унинг оғзига доим, тош тикиб турилади. Бу дунёда рибо билан топган мол дунёсидир. Яна ўтдан бўлган тошни юттириб турилади. Худди, дунёда рибодан топиб, ютган каби. Бу қиёматдан илгари, қабрдаги азоби, шундан иборат. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло лаънат қилганлигидан шундай бўлишган. . Лаънат эълон қилинган тоифалардан биттаси, судхўрлардир.

. أَرَبَعَ حَقٍّ عَلَى اللَّهِ أَنْ لَا يُدْخِلَهُمُ الْجَنَّةَ ، وَلَا يُذِيقَهُمْ نَعِيمَهَا : مُدْمَنُ خَمْرٍ ، وَآكِلُ الرِّبَا ، وَآكِلُ مَالِ الْيَتِيمِ بِغَيْرِ حَقٍّ ، وَالْعَاقُ لَوَالِدَيْهِ . الراوي : أبو هريرة | المحدث : السيوطي | المصدر : الجامع الصغير | الصفحة أو الرقم : 922 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Тўрт тоифа борки, уларни жаннатга киргизмасликка ва неъматидан тоттирмасликка, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққи бор.

1. Мудминул хамр. Маст қилувчи ичимликни, тўхтамасдан ичганлар.
2. Судхўрлик қилганлар.
3. Етимлар молини, ноҳақ еганлар.
4. Ота онасига оқ бўлганлар.

Тавба қилганлари, бу азобдан қутуладилар. Биродарлар рибони тури кўп. Баъзиларига ишора қилиб ўтаминиз. Абдуллоҳ ибн Масъуд айтганлар:

عن ابن مسعود رضي الله عنه قال: إذا كان لك على رجل دين فأهدى لك شيئاً فلا تأخذه فإنه ربا

Агар сен бир одамга қарз берган бўлсанг, у сенга ҳадя берган бўлса, олмагин, деган эканлар. У рибодир, деганлар.

Ҳатто, саҳобаларни ривоят қилишадикки, бировга қарз берган бўлсалар, уйининг олдидаги соябондан ҳам, фойдаланмас эканлар.

وقال الحسن رحمه الله: إذا كان لك على رجل دين فما أكلت من بيته فهو سحت

Улуғ тобеъинлардан Ҳасанул Басрий айтган эканларки, агар сени бир одамда қарзинг бўлса, уни уйдан таомланган бўлсанг, рибони ташвиши бор, деган эканлар.

Мана бу нарсаларда, бизнинг тақволаримиз йўқлиги учун, биродарлар, дуоларимиз ижобат бўлмайди. Бир одам, Аллоҳ йўлида қарз берган бўлса, бундан фойдаланмасликка, ҳаракат қилишлиги керак.

13. Етимлар молини ейишлик

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَى ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا
Нисо сураси 10 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло: Етимларнинг молларини зулм билан еяётган кишилар, қоринларига ўт еяётган кишилардир. Улар яқин келажақда, жаҳаннамга киришади, деди.

وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ
Анъом сураси 152 оят

Етимнинг молига яқинлашманглар, то камолот ёшига етгунча, магар яхши ниятда бўлса, яқинлашинглар, деди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тушларини баён қилган узун ҳадисда,

وعن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال في المعراج: " فإذا أنا برجال وقد وكل بهم رجال يفكون لحاهم وآخرون يجبنون بالصخور من النار فيقذفونها بأفواههم وتخرج من أديبارهم فقلت: يا جبريل من هؤلاء قال: الذين يأكلون أموال اليتامى ظلماً إنما يأكلون في بطونهم ناراً. رواه مسلم

Бир неча кишиларни кўрдим, уларнинг жағларини, бир неча киши ёраяпти. Ўтдан бўлган тошларни олиб келиб, уларни оғзиларига ураяпти. Тош кетидан чиқиб кетаяпти. Мен Эй Жибрил булар кимлар? дедим. У

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا
Нисо сураси 10 оят

Етимларнинг молларини зулм билан еяётган кишилар, қоринларига ўт еяётган кишилардир. деди. (Яъни, шу оятни ўқиди)

Ана улар, ҳаётда, етимларнинг молларини зулм билан еяётган кишилар, ўтни еяётганини ҳозир билишмаса, яқинда жаҳаннамда, оғизларидан кириб, орқаларидан чиқиб кетаётганда билишади. Биродарлар, биз кўзимизни очишлигимиз керак. Бизларни, дин душманлари деб, такрор айтаман, етимлар қолган хонадонларда, динимизга киргизилган бидъат амалларни, динда йўқ нарсаларни қилишни ва шу йўл билан, етимлар молини ноҳақ ейишга йўл очиб беришган. Етимлар бор хонадонларда, уларга ёрдам бериш ўрнига, у ердан таом еб, чиқишлик, бу етим молини ейишликнинг бир тури бу, биродарлар!

Душманлар устига ҳукмрон бўлади. Кейин, булар дуо қилади, дуолари ижобат бўлмайди. Мустамлакачилар хоҳласа пишириб ейди. Хоҳласа хом ейди, бу одамларни. Улар Аллоҳга йиғлаган сари, Аллоҳдан узоқлашаверади. Агар кимда ким, етимларнинг хонадонларидаги нарсани, эҳсон деса, қуръонни оёғини тагига қўйиб, босиб, ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини оёғини тагига қўйиб босиб, туриб, шу гапни айтсин! Бу бекор десин!

Имондан ажралади шуни айтса! Бу Имоми Муслимни жомеъус саҳиҳларида келтирилган ҳадис. Оят, сураи Нисода келган. Ҳозирги вақтда, на ақлан ва на диндан беҳабар одамлар, маҳаллаларга пешво бўлиб қолган. Уларнинг ошқозонлари, ҳаромни кўп ейиш натижасида, ҳалолни ҳазм қилолмайдиган бўлиб қолган. Уларнинг ошқозонлари, мабодо бир ҳалол таом келиб қолса, ҳайрон бўлиб қолади. Бу қанақа таом? деб. Ҳаромдан бошқа нарсани танимайдиган ошқозони бор, одамларгина, бу нарсани эҳсон дейди. Бу гуноҳи кабиралардан, рибо қаторида зикр қилинган.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло етимни жуда қаттиқ ҳимоя қилди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг йўлланмаларида, жуда қаттиқ ушладилар. Етимларни қарамоғида сақлашликка, кўп йўлланмалар бердилар.

عن سهل بن سعد رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: أنا وكافل اليتيم في الجنة هكذا، وأشار بالسبابة والوسطى، وفرّج بينهما. رواه البخاري

Етимга кафил бўлган одам, қиёмат кун, мен билан ёнма ён туради деб, кўрсаткич бармоқлари билан, ўрта бармоқлари орасини сал очдилар.

Шунда, етимларни, ҳамма қарамоғига олди. Ислом олами, махсус етимхона қуришга, ҳожати қолмади. Ҳар бир мўмин одам, ўзининг вазифаси деб билди, етимни қарамоғига олишни. Етимхона қураётганлар, бизга мақтанишмасин! Улар етимга қарайдиган одамнинг йўқлигидан, етимхона қуришган. Бизнинг Ислом оламида, етимхона қурилмаган. Чунки, етим бўлишлиги билан у, чек билан мусулмонлар хонадонига кирган. Ҳамма уни ўзининг хонадонига бўлишини, орзу қилган.

Етимхоналар кўпайгани, у жамиятнинг ўнганганига, далолат қилмайди. Бузилганига далолат қилади. Шу сабаблик асҳоблар, етимларни тарбия қилишардилар. Тарбия қилаётганда, баъзи етим боланинг, мерос қолган моли бўларди. Баъзи саҳобалар камбағал эдилар. Улар етим боланинг молидан унга овқат тайёрлаб беришарди. Улар овқатни ҳаммасини емаганидан кейин, уни ўзлари ҳам емасдан, ташлаб юборишарди. Етим молидан эҳтиёт бўлишарди.

وَابْتَئُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ ۖ وَلَا تَأْكُلُوهَا إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبَرُوا ۚ وَمَنْ كَانَ غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ ۚ وَمَنْ كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِالْمَعْرُوفِ ۚ فَإِذَا دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ فَأَشْهَدُوا عَلَيْهِمْ ۚ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ حَسِيبًا
Нисо сураси 6 оят

Ким давлатманд бўлса, етимни молидан ўзини тийсин. Қаровчи одам, камбағал бўлса, етимнинг моли бўлса, унинг молидан ўртача миқдорда, ейишга ҳаққи бор, дейилди. Қараб турганлиги учун.

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْيَتَامَىٰ ۖ قُلْ إِصْلَاحٌ لَهُمْ خَيْرٌ ۚ وَإِنْ تُخَالِطُوهُمْ فَإِخْوَانُكُمْ ۚ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ الْمُصْلِحِ ۚ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَأَغْنَتْكُمُ ۚ إِنَّا اللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ
Бақара сураси 220 оят

Ким ислоҳ мақсади тарбия қилаяпди. Ким уни молидан фойдаланиш мақсадида, тарбия қилаяпди, Аллоҳ билиб туради. Ислоҳ мақсадида бўлсанглар, бу овқатларни ташлаб юборманглар, бундан истеъмол қилсангиз мумкин, деди. Яъни, саҳобалар тақвоси шу даражага чиқдики, улар бу ишига фақат, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёнида жаннатда, бирга туришдан бошқа нарсани, орзу қилишмади.

Бизларни ҳозирги етимларга қилаётган ишимизни, исломни билган одамлар қилаётган ишни, биродарлар, ҳеч ким қилмайди. Ҳозир бир хонадонда етим пайдо бўлиши билан, унинг мулкига тажовуз бошланади. (Изоҳ: бир киши вафот этса, унинг вояга етмаган болалари етимга айланади. Бизда эса, уч, етти, қирқ, ва ҳаказо номларда, турли хил бидъат маросимлар қилиб, етимларга қолган мерос молни ейишади. Шуни ҳаромлиги назарда тутилган.) Агар қуръони каримда, шу оятлар ва бу мавзуда шу ҳадислар бўлмаганда ҳам, бу нарсани қилмаслигимиз керак эди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, етимни молини ейишни, еттита ҳалок қилувчи гуноҳи кабиралардан биттаси, дедилар. Еттита ҳалок қилувчи нарсадан сақланинглар дедиларда, биттаси, етимнинг молини ейишлик, дедилар.

فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم إن أردت أن يلين قلبك فأدنِ اليتيم منك وامسح رأسه وأطعمه من طعامك فإن ذلك يلين قلبك وتقدر على حاجتك

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига, бир киши келиб, менинг қалбим қаттиқ, нима қилсам, қалбим юмшайди? деганда, Агар қалбингни мулойим бўлишини хоҳласанг, етимни бошини силагин ва таом едиргин, дедилар. Яъни, ўзингни таомингдан едиргин, дедилар. Етимни уйига бориб, таомидан егин, демадилар.

عن بعض السلف قال كنت في بداية أمري مكياً على المعاصي وشرب الخمر فظفرت يوماً بصبي يتيم فقير فأخذته وأحسننت إليه وأطعمته وكسوته وأدخلته الحمام وأزلت شعثه وأكرمته كما يكرم الرجل ولده بل أكثر فبِت ليلة بعد ذلك فرأيت في النوم أن القيامة قامت ودعيت إلى الحساب وأمر بي إلى النار لسوء ما كنت عليه من المعاصي فسحبته الزبانية ليمضوا بي إلى النار وأنا بين أيديهم حقير ذليل يجرونني سحباً إلى النار وإذا بذلك اليتيم قد اعترضني بالطريق وقال: خلوا عنه يا ملائكة ربي حتى أشفع له إلى ربي فإنه قد أحسن إلي وأكرمني. فقالت الملائكة: إنا لم نؤمر بذلك وإذا النداء من قبل الله تعالى يقول: خلوا عنه فقد وهبت له ما كان منه بشفاعة اليتيم وإحسانه إليه. قال: فاستيقظت وتبت إلى الله عز وجل وبذلت جهدي في إيصال الرحمة إلى الأيتام

Бу китобда келган, салафларнинг баъзи асарлари бор, саҳиҳми саҳиҳ эмасми валлоҳу аълам. Шу китобда келган учун, ўқиб кетаман. Саҳиҳ бўлса, амал қиламиз. Саҳиҳ бўлмаса, ибратланамиз. Мазмунини айтиб кетаман.

Мен кўп маст қилувчи ичмлики ичишликка, муккасидан кетган эдим, дейди, салафлардан биттаси. Бир куни, бир камбағал, етим гўдак бола учраб қолди. Унга таом едириб. Ҳаммомга олиб кириб ювинтириб, яхши либослар кийдириб, тўзиган сочларини яхшиладим. Худди, ота ўз фарзандини ҳурмат қилган каби, ёки, ундан кўпроқ ҳурматладим. Кейин у хурсанд бўлиб кетди. Кейин, ухлаб, бир туш кўрдим. Қиёмат қойим бўлибди. Мени ҳисобга чақиришди. Мен кўп гуноҳлар қилганим сабаблик, жаҳаннамга улоқтиришга буюрилдим.

Посбонлар мени судраб, ўтга олиб кетишяпти. Мен қўлимдан ҳеч нарса келмаган ҳолда, судралиб кетаяпман, уларнинг қўлида. Тўсатдан йўлда, шу етимни кўрдим. У келиб, Эй роббимнинг фаришталари, бу одамни холи қилинглار деди. Мен Роббимга илтижо қиламанки, унга ўтдан нажот беришликни. Чунки, менга кўп яхшилик қилиб, ҳурматлаган эди, деди. Фаришталар, биз буни жаҳаннамга улоқтиришга маъмур бўлганмиз, дейишди. Шунда бир нидо келдида, буни холи қилинглар, етимга қилган яхшилигига, унга кўп марҳамат бердим, деган. Уйғонсам тушим экан. Шу вақтдан бошлаб, ҳаётим бўйича етимларга яхшилик қилиб, Гуноҳлардан ўзимни тийдим, дейдилар. Бу ривоят мазмуни Ислом руҳига мос келади, биродарлар.

ولهذا ثبت في الصحيحين عن رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه قال: " الساعي على الأرملة والمسكين كالمجاهد في سبيل الله

Тул қолган аёллар ва мискинларнинг ҳолатини чиқаришлик учун, ҳаракат қилиб юрган киши, Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳидлар, кабидир. Чунки, у мискинлар, ўзи билан оввора бўлиб, сизни кўпам дуо қилмаслиги мумкин. Тул аёллар ҳам, яхшилигингизни билмай қолиши мумкин? Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳидлар кабидир, дедилар.

Одамлар билиши учун, кўп яхшиликлар қилгансиз. Умрингизда бир марта, Аллоҳ билишлиги учун ҳам, бир яхшилик қилиб қўймоқлик керак.

وَالْقَائِمُ لَا يَفْتَرُ وَكَالصَّائِمِ لَا يَفْطُرُ

Баъзи ривоятда, кечқурун ухламасдан ибодат қилиб, чиққан одам ва кундузи рўза тутган одам кабидир, дейилган. (Яъни, Тул қолган аёллар ва мискинларнинг ҳожатини чиқаришлик учун ҳаракат қилиб юрган киши,)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга етимларга яхшилик қилишликка тавфиқ берсин! Етимлар молини ейишликдан, Аллоҳ сақласин! Ўтган ҳаётимизда, етимлар молини еган бўлсак, Аллоҳ кечирсин! Биродарлар. Агар шу оятлар ва шу ҳадислар таъсир қилмаса, бу қалбимиз, етимлар молини еб, қорайиб кетган, бошқа гапни таъсири бўлмайди, биродарлар!

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ҳақ йўлига, ҳидоятига йўлласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм ўқиётганларга, амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошига мусибат тушганларни, мусибатларини осон қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга офият берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло офатлардан сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

62 дарс тугади

63 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 4 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар мавзусида навбатдаги тўртинчи дарс давм этади. Бу дарс аввалида, ўн тўртинчи гуноҳи кабира бўлмиш, Кизб, ёлғон сўзлашдан бошланади. Ўн бешинчиси, жиҳод майдонидан қочишлик ва ўн олтинчиси, Амирлар халқига соф бўлмаслиги ва зулм қилишлиги ва ўн еттинчиси, кибр қилишлик ҳақидадир. Ўн саккизинчиси, ёлғон гувоҳлик беришлиқдир. Бу дарс шу силсиладаги тўртинчи дарсдир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

14. Кизб, ёлғон сўзлаш

Гуноҳи кабиралардан биттаси, кизбдир. Ёлғон сўзлаш ва ёлғон муомила қилишдир. Аммо, кизбнинг энг каттаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога нисбатан, ёлғон тўқишдир. Расулига нисбатан, ёлғон тўқишдир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وعن أبي أمامة - رضي الله عنه - قال : قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم : " يطبع المؤمن على الخلال كلها إلا الخيانة والكذب " .
رواه أحمد

Мўмин киши ҳар бир нарсага ўрганиши мумкин. Аммо, хиёнат ва ёлғонга ўрганмайди. Табиатланмайди.

Агар ёлғонга ўрганиб бораётган бўлса, билсинки, мўминлик сифати, йўқолиб бораёпти. Мўмин киши, ҳеч қачон, хиёнат ва ёлғонга ўрганмайди.

Аллоҳга ва расулига ёлғон тўқиш, гуноҳи кабиралардандир. Инсон деган махлуқда, ўзининг яратувчисига ёлғон тўқиш ва ўзининг пайғамбарига ёлғон тўқиш сифати топилгандан кейин, бошқа мўминларга ёлғон тўқилганида, сабр қилмоқлик керак.

Одамлар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ва Расулига озор беришди. Аллоҳнинг аёли бор ва фарзанди бор, дейишлиги, бу озор берганидир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, бирор бир ёлғон сўзлаганини ва ёлғон муносабатда бўлганини ашаддий душманлари ҳам, мисол қилиб келтириша олмаган. Шундай бўлса ҳам, у кишига тухмат қилиб, ёлғончи дейишди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Аллоҳ шаънида, ёлғон тўқиганлар юзлари, қиёматда қора бўлишини хабар берди.

وَيَوْمَ الْقِيَمَةِ تَرَى الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى اللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسْوَدَّةٌ أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْمُتَكَبِّرِينَ
Зумар сураси 60 оят

Аллоҳга ёлғон нисбатлаганларни, қиёматда юзлари қорайганлигини, кўрасиз.

Уламолар иттифоқи билан, кимки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтмаган сўзни айтди деса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзни айтди, деса, билиб туриб, қасддан шуни айтса, имондан чиқади!

Аллоҳга бўлган кизб жумласидандир, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаром қилган нарсани, ҳалол деб, айтишлик. Ёинки, ҳалол қилган нарсани, ҳаром деб, айтишлиқдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга нисбатан, ёлғон тўқиш ҳақида, қаттиқ ваъидлар келган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ بَيِّنَةٍ لَهُ بَيِّنَةٌ فِي جَهَنَّمَ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ким менга ёлғон нисбатлаган бўлса, жаҳаннамда унга уй қурилади.
Бошқа ҳадисда:

مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ.
أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ

Ким менга ёлғон нисбатлаб гапирган бўлса, дедилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, жойини жаҳаннамдан ҳозирлаб олсин!

Мана, бу ҳадиси шарифларга биноан, асҳоблар, ҳадисларни ривоят қилишлиқда, ниҳоятда эҳтиёт бўлдилар. Баъзи саҳобалар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, кўп суҳбатдош бўлганликларига қарамасдан, ҳадис ривоят қилмадилар. Саҳобаларнинг битталари, куфр билан оғир жанга рўбарў бўлган вақтда, бир ҳадис ривоят қилдилар. Мазмуни шуки, ким ислом билан куфр ўртасидаги жангда, орқага чекинмасдан, шаҳид бўлса, жаннат унга вожиб бўлади, деган мазмундаги ҳадисни, ривоят қилдилар. Кейин, жанга кириб кетдилар. Жангда ғолиб бўлдилар. Кейин, айтдиларки, агар шу жангда ғолиб бўлишимизни билганимда, шу ҳадисни ривоят қилмасдим, дедилар.

Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ким менга ёлғонни нисбатлаб гапирган бўлса, жойини жаҳаннамдан ҳозирлаб олсин! Деган эдилар. Шунинг учун, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган бирорта сўзни, шу ҳадисга қўшиб юборсам, шу ваъидга кириб қолмайин, деб, кўрққан эканлар, саҳобалар. Шунинг учун, ҳадисни ривоятини айтаётган вақтда, ровийси ким? Қайси тўпламда келтирилган? Деб, иборасини қараб ўқиб беришликка, ҳаракат қилмоғимиз керак! Чунки, бирор бир харфни, бузиб қўйса ҳам, шу ваъидга тушиб қолишдан, кўрқмоқлигимиз керак.

Муҳаддис уламолар, шунчалик эҳтиёт бўлишганки, бу сўз бугунги кизб ва ёлғон тўла дунёда яшаётган одамларга, муболағадек туюлиши мумкин? Аҳмад ибн Ҳанбал бир ҳадисни, саҳиҳ силсила билан ривоят қилганлигини билганларидан кейин, яна бошқа йўл билан ҳам, ривоят қилинганлигини билдилар.

Кейин, шу одамнинг олдига, шу ҳадисни сўраш учун бориб, қарасалар, бу ҳадисни ривоят қилган киши, қочиб кетган отини, этагига ем солгандек қилиб, алдаб, чақираётганини кўрдилар. Этагини қарасалар, ем йўқ экан. Шу ҳадисни, шу кишидан ҳам ривоят қилингани учун, шу ҳадисни айтмаган эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига эҳтимом, шуналик қаттиқ бўлган, биродарлар.

Кейинги даврларда, ислом душманлари, шу саҳиҳ китоблар орасига, сохта ҳадисларни олиб киришга, ҳаракат қилишди. Назорат сусайди ва ислом душманлари кириб олди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзлар, бу китоблар ичига, кириб кетди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган ҳадислар, одамлар ўртасида вужудга келиб қолди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Сиҳоҳи ситта соҳиблари ва саҳиҳ тўплам соҳиблари, Аллоҳнинг мадади билан, саҳиҳ ҳадисларни тўплаб, жамладилар. Шу билан саҳиҳ ҳадислар, бизгача етиб келди.

Мана шу билан биз, ҳадисни ўрганамиз. Шу сиҳоҳи ситтага, таққослаймиз. Бунда топилмаган ва бошқа саҳиҳ китобларда топилмаган ҳадисларни, биз эътиборга олмаймиз. Шунинг учун ҳам, ҳадисни ким ривоят қилганлигини қараб, ўқиб беришга одатланганимизнинг сири ҳам шудир, биродарлар! Дарсларимизга эътибор берган бўлсангизлар, ким ривоят қилганига ва қайси саҳиҳда келганига қараб, ўқиб берилади, биродарлар! Чунки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга тўхмат қилишликка, сабаб бўлиб қолмаслиги керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога кизб, бўхтон қилишликнинг бир тури, оятларни маъносини, ўзининг мақсадига буришдир, биродарлар. Бир киши ўзининг манфаатига ва жамоасининг манфаатига қараб, оятга маъно беришлик, Аллоҳ айтмаган сўзни, айтди, дейишлик, жумласидандир. Аллоҳ асрасин, ҳозирги вақтда, шундай таъвил қиладиган одамлар, кўпол қилиб айтганда, ёлланма аҳли илмлар, пайдо бўлган. Аллоҳ ва Расули айтмаган сўзни айтди, дейишлик, гуноҳи кабиралардандир.

Буни авомуннос тарафидан содир бўлишлиги, ажабланарлик эмас, эди. Чунки, авомуннос қуръон нима, ҳадис нима, билмайди. Аммо, қуръон ва ҳадис ҳақида, маълумоти бўла туриб, Аллоҳнинг бу оятдан мақсади, нима эканини билиб туриб, матои дунё учун, ё бир мартаба учун, Аллоҳу Расулининг сўзини бузишлик, бу Аллоҳу Расулига, кизб тўқишлик бу! Бу гуноҳи кабиралардандир. Эртага қиёмат куни, буларнинг юзлари қорайишлиги муқаррардир. Юзи қорайганда ҳам, Аллоҳнинг ҳузурида, расулининг ҳузурида, ҳамма пайғамбарлар ҳузурида, ҳамма башарийят ҳузурида, юзи қораяди. Бу насс билан, собитдир. Биз бу, гуноҳи кабирадан эҳтиёт бўлмоғимиз керак!

Агар бир нарсани билмасак, мен билмайман деб, билмаслигимизни айтмоғимиз, керак.

من يقل عني ما لم أقله فليتبوأ مقعده من النار

Мен айтмаган нарсани, менинг тарафимдан, ким айтса, яъни, мен айтмаган нарсани, мени номимдан гапирган бўлса, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, жойини жаҳаннамдан ҳозирлаб олаверсин!

(Юқоридаги ҳадис матни, исноди кимлиги топилмади. Ўша мазмундаги саҳиҳ ҳадисни қуйида илова қилдим)

وَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعِدًّا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Бу гуноҳи кабирани тарқалишига, исломда йўқ нарсаларни, китобларда пайдо бўлиши, сабаб бўлгандир. Исломда йўқ нарсаларни, вужудга келишини асосий сабаби, китобу суннатда йўқ нарсаларни, одамлар, Муҳаммад алайҳиссалом айтганлар деб, тухмат қилиши натижасида, вужудга келган.

15. Жиход майдонидан қочиш

Ислом билан куфр ўртасида жиходга чақирилганда, шундан қочишлик, гуноҳи кабиралардандир.

وَمَنْ يُؤَلِّهِمْ يَوْمَئِذٍ دُبُرَهُ إِلَّا مُتَحَرِّفًا لِقِتَالٍ أَوْ مُتَحَيِّزًا إِلَىٰ فِتْنَةٍ فَقَدْ بَاءَ بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ وَمَأْوَاهُ جَهَنَّمُ ۖ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ
Анфол сураси 16 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу оятни, бир ажиб суратда, тасвирлаб бераяпти. Асҳоби киромлар, жиходга чиқишда, ҳисоб қиладиган девонлари бўлмаган. Улар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг чақирувига, лаббай деб, чиқиб кетишган. Ҳанзала разияллоҳу анҳу, ғасилул Малоика деб, лақабланади. Малоикалар ювган киши, ҳисобланади. Турмуш қилган кунлари Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жарчилари, жиходга чақирган вақтда, ғул қилсам, таъхир бўлади деб, ғул қилмасдан чиқиб кетганлар. Жангдан кейин, Ҳанзала разияллоҳу анҳуни, топишолмай қолганлар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, Жибрилул Амин ваҳй олиб келди. Ҳанзала бир қудуқни ёнида ётибди, дедилар. Саҳобаларни жўнатдилар олиб келишликка. Олиб келишганда, юзлари, ҳамма ёқлари сув эди. Шунда, оилаларидан сўраганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жарчилари, жиходга чақирган вақтда, ғул қилсам, таъхир бўлади деб, ғул қилмасдан чиқиб кетганлар, дедилар. Малоикалар ғул қилдириб қўйганлиги учун, Ҳанзала разияллоҳу анҳу, ғасилул Малоика деб, лақабланади. Қиёматгача, шу лақаб билан, қолдилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу оятда, чекинишликни қаттиқ қоралапти. Ким мушрикларга, жиходда ўзининг орқа тарафини бурган бўлса, агар бошқа бир (жанг қилаётган) гуруҳга қўшилишлик учун бўлса, у мустасно, аммо, Ислом билан куфр ўртасидаги жиходдан чекинган бўлса, сариҳ оятни айтиш керак. Ким думбасини бурса, дейиляпти. Яъни, чекинишликни тасвирлаб, орқасини бурса, уларга думбасини қаратса, дейиляпти. Ниҳоят даражада, шармандалик ҳолатни кўрсатяпти.

Аллоҳ тарафидан бўлган ғазаб билан, қайтади. Уйига қуруқ қайтмайди. Аллоҳ тарафидан бўлган ғазаб билан, қайтади. Унинг жойи жаҳаннамдир. Қандай ҳам ёмон жойдир, бу?!

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم " اجتنبوا السبع الموبقات " قالوا وما هن يا رسول الله قال " الشرك بالله والسحر وقتل النفس التي حرم الله إلا بالحق وأكل الربا وأكل مال اليتيم والتولي يوم الزحف وقذف المحصنات الغافلات المؤمنات "

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан, сақланинглари дедилар.

1. Ширк келтириш.
2. Сеҳр қилиш.
3. Ноҳақ одам ўлдириш.
4. Судхўрлик.
5. Етим молини ейишлик.
6. Ислом жиходида жанг майдонидан қочишлик.
7. Покиза муъмина аёлга, тухмат қилиш.

Ислом аввалида,

إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ يَغْلِبُوا مِائَتَيْنِ ۚ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ يَغْلِبُوا أَلْفًا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ
Анфол сураси 65 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло агар сизлардан, йигирма собир киши бўлса, икки юз кишига ғолиб бўлади деб, ўн баробар кўпроқ, бўлган душмандан чекинган кишини, Аллоҳнинг ғазаби билан қайтадиган киши деб, эътибор қилди. Чунки, саҳобалардаги имон, мана шундай эди.

لَمَّا خَفَّفَ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمْ ضَعْفًا ۚ فَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ صَابِرَةٌ يَغْلِبُوا مِائَتَيْنِ ۚ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَلْفٌ يَغْلِبُوا أَلْفَيْنِ بِإِذْنِ اللَّهِ
وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ
Анфол сураси 66 оят

Кейин, бу оят нозил бўлди. Эндиликда, Аллоҳ сизлардан енгиллатди. Сизларда заифлик борлигини билди. Энди сизлардан юз киши бўлса, икки юз кишидан чекинмайди. Яъни, икки баробар одамдан чекинмаслик, шарт бўлди. Агар сизлардан минг киши бўлса, икки минг кишига ғолиб бўлади. Аллоҳнинг изни билан. Аллоҳ собирлар билан биргадир, деган, оят нозил бўлди.

لَمَّا نَزَلَتْ: {إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ يَغْلِبُوا مِائَتَيْنِ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةٌ} [الأنفال: 65]، فَكَتَبَ عَلَيْهِمُ أَلَّا يَفِرَّ وَاحِدٌ مِنْ عَشْرَةٍ [وفي رواية]: أَلَّا يَفِرَّ عَشْرُونَ مِنْ مِائَتَيْنِ- ثُمَّ نَزَلَتْ: {إِلَّا أَنْ خَفَّفَ اللَّهُ عَنْكُمْ} [الأنفال: 66] الآية، فَكَتَبَ أَلَّا يَفِرَّ مِائَةٌ مِنْ مِائَتَيْنِ. [وزاد في رواية]: نَزَلَتْ: {حَرَضَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَابِرُونَ} [الأنفال: 65]
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Аллоҳ фарз қилди, юз кишини икки юз кишидан чекинмаслигини. Чунки, имон, Аллоҳ тарафига йўналиш ва ўлганидан кейин, жаннат тарафига бориш, деган эътиқод, мўмин киши қалбида, муқаррар бўлмоқлиги керак. Охират, жаннат ё жаҳаннам. Мўминлар жаннатга ва имондан маҳрум бўлганлар, жаҳаннамга. Мана шу нарса, асҳоби киришган олдидидаги бирламчи, ҳақиқат бўлган! Жангда бир кофир саҳобалардан бирини қилич билан урди. Шунда, саҳоба, Рабб таолога қасамки, мақсадга эришдим, деди. У кофир ҳайрон бўлди, сўрадики, нимага эришдинг? Деди. Жаннатга эришдим, деди. Бу нарса, унинг исломига сабаб бўлди.

16. Амир халқига ғашлик қилиши ва зулм қилиши

Пешвонинг, ҳокимнинг халққа зулм қилишлигидир.

«عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السِّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا، وَمَنْ عَشَنَّا فَلَيْسَ مِنَّا»
صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким бизга ғашлик қилса, соф муносабатда бўлмаса, бизданмас, дедилар.

اتَّقُوا الظُّلْمَ ؛ فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
خلاصة حكم المحدث : صحيح | التخریج : أخرجه مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Зулм, қиёмат кунида зулумотдир, дедилар.

أَيُّمَا رَاعٍ غَشَّ رَعِيَّتَهُ فَهُوَ فِي النَّارِ
(Бу ҳадис топилмади.)

Қайси бир ҳоким ўзининг халқига, соф муносабатда бўлмаса, у жаҳаннамда, дедилар.

ما من عبد استرعاذ الله رعية، فلم يحطها بنصيحة، إلا لم يجد راحة الجنة.

الراوي : معقل بن يسار | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري

Агар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир кишини, халқларга роий қилиб қўйган бўлса, уларни ўзининг холислиги билан ихота қилиб, қамрамаса, Жаннатни ҳидини ҳам ҳидламайди.

ما من حاكم يحكم بين الناس إلا ويبعث يوم القيامة ومالك أخذ بققاه حتى يوقفه على شفيع جهنم، ثم يلتفت إلى الله مغضباً، فإن قال: ألقاه، ألقاه في المهوى أربعين خريفاً.

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Одамлар ўртасида ҳукмронлик қилган ҳоким, қиёматда ҳибс қилиб қўйилади. Бир фаришта унинг елкасидан, ушлаб туради. Агар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло улоқтир, деса, жаҳаннамга улоқтиради. Жаҳаннамга қирқ ҳариф миқдорда, улоқтирилади.

ليأتين على القاضي العدل يوم القيامة ساعة يتمنى أنه لم يقض بين اثنين في ثمرة قط.

الراوي : عائشة أم المؤمنين | المحدث : الألباني | المصدر : ضعيف الترغيب

(Бу ҳадисни албоний заиф деган)

Адолатлик қозига қиёматда бир соат келадики, ўзи адолат билан, иш қилган эди. Лекин, ҳолим қандай бўлар экан деган, бир ташвишли соат келадики, адолатлик қозига, золим тамом дегани бу, биродарлар. Орзу қиладики, шу соатда, иккита одам ўртасида, бир хурмо устида ҳам, ҳукм чиқармасам бўлар экан, дейди.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

اللهم من ولي من أمري شيئاً فشق عليهم فاشقق عليه، ومن ولي من أمر أمري شيئاً فرفق بهم فارقق به

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Аллоҳим, Ислом умматининг ишига, ким бош бўлган бўлса, уларга меҳрибонлик қилган бўлса, сен ҳам унга меҳрибонлик қилгин. Уларга шафқат қилган бўлса, Сен ҳам унга шафқат қилгин! Деган эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

من ولأه الله عز وجل شيئاً من أمر المسلمين فاحتجب دون حاجتهم، واحتجب الله عنه دون حاجته وخلّته، وفقره

لمحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ислом умматининг ишига ким бош бўлган бўлса, уларнинг эҳтиёжлари, фақирликлари олдида, уларга кўринмасдан, бекиниб олган бўлса, унинг муҳтож ва фақирлик пайтида, Аллоҳ ҳам унга кўринмайди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олган саҳобалар, кейинчалик, Қози ва Амирлик лавозимларида ниҳоят даражада, адолатлик бўлдилар.

Абу Зарр ал Ғифорий разияллоҳу анҳу, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, бирор вилоятга волий қилиб қўйишни сўраганларида, унга айтдилар: Эй Абу Зарр сиз заифсиз. Волий бўлишлик бу омонат. Яқин кунда бу, надомат бўлади, деган эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олган саҳобалар, волийликдан ўзларини четга олишарди. Бу нарсa масъулият эди. Волий ўзига касб қилишга имкони бўлмайди. У умрини умматнинг ишига бағишлаши керак. Унинг маоши ўртача яшайдиган одамнинг маошидан, ортиқ бўлмайди. Унинг ҳар бир қилаётган иши, оммага маълум бўлиб туради.

Агар волий бўлмаса, хоҳлаган либосини кийиб, хоҳлагандек маскан қуриб яшайверади. Волий буни қилолмайди. Ислон унинг эҳтиёжига, ўртача миқдорда кифоя қилади.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, хутба ўқимоқчи бўлиб, қулоқ солинглари деганида, Бир киши турдида, (Салмони Форсий) эшитмаймиз ҳам, итоат ҳам қилмаймиз, токи, Устингиздаги либосни, пастки қисмини, қаердан олганингизни айтмагунча, деди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, эй Абдуллоҳ деб, ўғлини чақирди. (масжидда ўтирганди) шу либосни сен менга бердингми йўқми? Гапир, деди. Ҳа мен бердим, ҳадийя қилиб, деди. Унда итоат қиламиз ва қулоқ соламыз деди. (Салмони Форсий) Шунда, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Умарнинг қўл остида, Аллоҳнинг шундай бандалари борлигига, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, деган эканлар. Ислонда волийлик, омонатдир.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, волийларни Ҳаж мавсумида, (Маккада) ҳозир бўлишликка буюрар эканлар. Жарчиларга эълон қилдиран эканларки, қайси одам шу волийлардан зулм кўрган бўлса, менинг олдимга келсин, шу Ҳаж мавсумида, бутун халқни олдида, қасос олиб бераман, дер эканлар. Шунинг учун, волийлар халқидан қўрқар экан биродарлар, зулм қилиб қўйсам, Умар мендан қасос олади деб. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, шунчалик ҳассос бўлганлар. Йилда бир волийларни чақириб, қари туя сўйиб, зиёфат қилар эканлар. Туя гўшти ўзи қаттиқ. Қариган бўлса, янада қаттиқ бўлади.

Қайси бири, иштаҳа билан емаётган бўлса, шуни бўшатар эканлар, маишатпараст бўлиб кетибди деб. Волийларидан бири ҳикоя қилади. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, волийларни чақириб, зиёфат уюштирдилар. Гўшт ниҳоятда ёқимсиз эди. Ўзимни иштаҳа билан, еяётган қилиб кўрсатдим. Менга завқ билан, қулиб қараб қўйдилар. Билардимки, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, волийларни маишатга берилиб кетса, шу вақтда бўшатарди. Мана бу ҳадиси шарифдан биламизки, Волийларнинг раҳм шафқатларини ҳам, қаттиқ назоратга олардилар. Саҳобалардан биттаси Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, ҳузурига кирдилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, от бўлиб, набираларини биттасини, елкасига миндириб турган эканлар.

Волийлари кўрганда, титраб турадиган, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуни кўриб, ҳайрон қолдида, Эй Умар, сиз уйда шундаймисиз? деди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, унга, сен қандайсан? дедилар. У волий мен уйга кирсам, ҳамма ёқ супурилган тоза бўлади, деди. Ўзининг оиласига меҳрибонлик қилолмаган одам, халққа қандай меҳрибонлик қилади? Зулм қилиб қўйибман, халққа деб, шу вақтда, волийликдан бўшатган эканлар. Ислондаги ҳар бир нарсани текшириб кўрсак, бизнинг бошқалардан ўрнат олишимизга ҳолат йўқ, биродарлар.

Биз айтсакки ҳозир, биринчи марта болаларга нафақа ажратган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, бўлади десак, одамлар ажабланишса керак? Болаларга пул беришлик, йигирманчи асрда, вужудга келган эдию, деб, ўйланишса керак? Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан илгари ҳам, болаларга маош ажратилган. Лекин, саҳобалар, эмиб турган болага маош ажратишга ҳолат йўқ, деб, билишганлар. Чунки, у овқат емайди. Сут ичади. Шунга, у то сутдан чиқиб, овқатга киргандан кейин, маош ажратганлар.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, кечалари, ўзини танитмасдан, (Мадинани) кезиб юрар эканлар. Халқлар борганда, қабул қилмасликмас, ўзи халқларнинг олдига борар экан. Халқлар олдида ўзлари ҳақида, нима сўзлар бўлаётганини, текширар эканлар.

Шаҳардан ташқарида, бир қапа тикилиб қолган экан. Шу ерда, булар чодир ёнида бир саҳоба билан, намозга машғул бўлдилар. Шунда, шу қапа ичидан, гўдак боланинг йиғиси эшитилди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, қапага бориб, у ердаги аёлга, сен бу боланинг юпатсанг бўлмайдами? дедилар. Аввалига хўп, деди. Лекин, боланинг йиғиси тўхтамади. Шунда яна келдилар. Шунда аёл, боламини сутдан чиқаряпман, шунга юпанмаяпди, деди. Ҳаммамизга маълумки, бола сутдан чиқаётганда, қийналади.

Шунда, боланг неччи яшар, дедилар. Бир яшар бўлди, деди. Бир яшар бўлса, боланинг ўттиз ойлик ҳаққи бор! Нега буни эрта сутдан чиқаряпсан? деганларида, у аёл, Умарни танимасдан, Халифа Умар сутдан чиққан болага, маош беради.

Шунга, эртароқ сутдан чиқаряпман, деди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, болаларга зулм қилиб қўйганликларини ҳис қилдиларда, эълон қилдиларки, ҳамма волийларга, баъзи оналар, маош олишга ишқивоз бўлиб, боласини эрта сутдан чиқаришини билдиларда, болаларни хоҳлаган вақтида сутдан чиқаришсин. Туғилган кунидан бошлаб, болаларга маош берилади, деб, эълон бердилар. Ислоҳ волийларидан биттасини мисол келтиряпмиз, биродарлар. Улар ҳар хил гулларга ўхшайдики, бир биридан бўйи бошқача. Бу нарсалар ҳаммаси, Ислоҳ тарбияси остидадир, биродарлар. Ислоҳ пешвосини халққа зулм қилишлиги, гуноҳи кабиралардандир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам агар, бизнинг ичимиздаги пешво одам, фуқароларга ғашлик қилса, софлик қилмаса, биздан эмас, дедилар.

رواه البخاري وقال عليه الصلاة والسلام: " ثلاثة لا يكلمهم الله يوم القيامة: فذكر منهم الملك الكذاب

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: учта тоифа борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни, гапирмайди уларга, дедилар. Каззоб амирни ҳам, шу уч тоифанинг биттаси, дедилар. Ваъда қилади, бажармайди. Мақсади алдаш. Каззоб волийларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни гапирмайди. Қарамайди, хорлайди. Чунки, улар халқнинг дардига, қулоқ солмаганлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантиргандилар:

رواه البخاري وقال عليه الصلاة والسلام: : إنكم ستحرصون على الإمارة وستكون ندامة يوم القيامة

Саҳобалар волийликка ва амирликка ҳарис бўлишмасди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: сизлар келажакда, волийликка ва амирликка ҳарис бўласизлар, дедилар. Бу сизларга қиёмат куни, надомат бўлади, дедилар.

وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: يا كعب بن عجرة أعاذك الله من إمارة السفهاء أمراء يكونون من بعدي لا يهتدون بهدي ولا يستنون بسنتي

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Эй Каъб ибн Ужра, нодон амирлардан, Аллоҳ сизни сақласин! дедилар. Улар мендан кейин келадилар, улар менинг ҳидоятим билан ҳидоятланишмайди. Менинг суннатим билан, суннатланишмайди, дедилар.

Амирликни қаттиқ гуноҳларга сабаб бўлиши қаторида, адолатлик амирларга, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, башорат ҳам бердиларки, қиёмат куни, Аршнинг соясида турадиган етти тоифанинг биринчиси, адолатлик имом, яъни, пешво, дедилар.

17. Кибр қилиш

Кибр, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир! Дунёда биров ўзини мутакаббирман демайди. Одамларнинг сўзига қарасак, ер юзида бирорта одам, мен муткаббирман демайди. Шунинг учун, одамларнинг сўзи билан ўлчамаслик керак. Бу ўлчов, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўлчовлари билан, бўлмоғи керак! У киши ҳаводан гапирмайдилар. Кибр, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир! Шайтон бу кибр билан, жаннатдан чиққандан кейин, инсон бу кибр билан, жаннатга кирмайди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: кимнинг қалбида зарра мисоли кибр бўлса, жаннатга кирмайди.

عن عبدالله بن مسعود، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لا يدخل الجنة من كان في قلبه مثقال ذرة من كبر، قال رجل: إن الرجل يحب أن يكون ثوبه حسناً، ونعله حسنة. قال: إن الله جميل يحب الجمال، الكبر: بطن الحق، وغمط الناس؛ رواه مسلم

Зарра, ҳозирги замон олимлари айтишича, милён донасини олиб келганда, бир сантиметр ерни эгаллайди, дейишади. Шунчалик майда кибр, қалбида бўлган одам, жаннатга кирмайди, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Саҳобалардан битталари сўрадики, Ё Расулуллоҳ, саллоллоҳу алайҳи васаллам, менинг либосимдан, бошқа одамнинг либоси ўтиб кетмаслигини хоҳлайман. Оёқ кийимимни ҳам, тоза бўлишини хоҳлайман. Шу кибрми? деди. Кибр, ҳақни инкор қилиш ва одамларни масхаралаш, дедилар. Аллоҳ ва Расули тарафидан келган сўз, ҳақ сўздир. Шу ҳақ сўз келганда, қабул қилмаслик, кибр, дедилар. Одамларни ихтиёрида йўқ бўлган, сифатлари билан камситишлик, дедилар.

Бир одамнинг бўйи узунроқ, новча деб камситиш, Бир одамнинг бўйи калтароқ, буни калта деб, камситиш, Бир одамнинг шакллари, ҳар хил. Бу унинг ихтиёри билан, бўлганмас. Агар ихтиёрида бўлганида, ҳамма ўзини, энг гўзал шаклда қилиб олган бўларди. Одамларнинг ихтиёрида йўқ бўлган сифатлари билан камситишлик, кибр, дедилар. Иккала сифат ҳам топилса, ҳақиқий мутакаббир бўлади. Шунинг учун, ҳақ сўз келган вақтда, дарров қабул қилмоқни ўрганиш керак, биродарлар. Ҳозирги вақтда, шунақа мутакаббирлар кўпайиб кетган, биродарлар. Ҳақ сўзни айтсанг, қабул қилмайди. Лекин, ҳақ сўз, бу менинг ё, сизнинг сўзингиз эмас. Бу Аллоҳу Расулининг сўзидир.

وفي صحيح البخاري عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " ثلاثة لا ينظر الله إليهم يوم القيامة ولا يزكيهم ولهم عذاب أليم المسبل والمنان والمنفق سلعته بالصلف الكاذب

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: уч тоифага Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қарамайди ва уларни покламайди ва уларга аламли азоб бор. Мусбил, Изорини (кибр қилиб) тўпиғидан пастга, тушириб юрадиган одам, Яхшилиқ қилиб миннат қиладиган одам, молини ёлғон қасам ичиб, бозорда сотадиган одам.

ما كان أسفل من الكعبيين فهو في النار
خلاصة حكم المحدث : سكت عنه

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ошиқнинг пастига тушган изор, бу ўтдадир.

Баъзилар, буни кибр мақсадида қилса, деб, шунга таъвил қилишганлар. Яъни, кибр билан мусбил бўлган кишига, тааллуққидир. Ўтган аждодлар, бу ҳадисларга амал қилишган, биродарлар. Кейинги вақтда, бошқа фалсафалар таъсири остида, мана шунга амал қилишлик йўқолган.

لا يدخل الجنة من كان في قلبه مثقال ذرة من كبر
المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: кимнинг қалбида, зарра мисоли кибр бўлса, жаннатга кирмайди.

Кибр, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир! Бу сифатни, Аллоҳу таоло билан тортишган бўлади.

18. Шаҳодати зур Ёлғон гувоҳлик беришлик.

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا
Фурқон сураси 72 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг бандаларини мақтаб, уларнинг сифатларини зикр қилиб, ёлғон гувоҳлик бермайдиган бандалар деб, мақтади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

ويقول النبي ﷺ في الحديث الصحيح المتفق عليه: ألا أنبئكم بأكبر الكبائر ثلاثاً، قلنا: بلى يا رسول الله! قال: الإشراك بالله، وعقوق الوالدين، وكان متكئاً فجلس فقال: ألا وقول الزور ألا وشهادة الزور، فما زال يكررها حتى قلنا: ليته سكت

Сизларга гуноҳи кабиралардан учтасини айтайми? дедилар. Айтинг, дейишди. Аллоҳга ширк келтиришлик ва ота онага оқ бўлишлик ва ёнбошлаб ётган эдилар, туриб ўтирдиларда, Шаҳодати зууур ва Қавлуз зууур деб, ёлғон гувоҳлик беришлик ва ёлғон гапиришлик деб, такрорлайвердилар, биз ҳатто, жим бўлсалар эди, деб қолдик.

Бу ёлғон гувоҳлик бериш, бир одамнинг умрбод ҳалок бўлишига сабаб бўлади, биродарлар. Ёлғон гувоҳлик беришликдан, эҳтиёт бўлмоқлик керак. Лекин, ёлғон гувоҳлик беришлик учун, маош олиб ишласачи? Жаҳаннамнинг ўтини бу одам. Ёлғон гувоҳлик беришликдан, сақланишлик керак. Бу одамни, мен ёмон кўраман. Лекин, бу одам, ундай одаммас, деб айта олишимиз керак! Ҳар қандай ёмон кўрган одамимизни, унда йўқ бўлган феълни гапирилаётганда, бу одам шундайми? деса, йўқ, Бу одамни мен ёмон кўраман. Лекин, бу одам, ундай одаммас, деб айта олишимиз керак! Ичимизга кириб олиб, жосуслик қилиб, маош олиб, ёлғон сўзласачи? Жаҳаннамга ўтин бўлишлигида, шак шубҳа йўқ, бу одамни! Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, олимлардан битталарини кўргани борганимда, менга шуларни айтганди. Мен шуни, шу ўринда айтишни ўринли деб, биламан.

Йиғладилар, Аллоҳнинг ҳузурига кетаяпмиз, дедилар. Аллоҳнинг ҳузурига олиб борадиган деярлик, қилган бир амалим йўқ, дедилар. Лекин, бир амалимдан умид қиламан, дедилар. Қийин даврларда, (Лаънати Сталин даврида) бир киши бизни, бодринг сайлига айтди. Бу биттаимизни тўхмат қилиб, қамаш учун уюштирилган иш экан. Биз уч киши бўлиб бордик. У деҳқон, ҳеч нарсадан хабари йўқ, холис одам экан. Лекин, ичимиздан биттаси, айғоқчи бўлиб, бизга тайинлаб қўйилган экан. Шунда, бир сайёра ўтиб қолди. Шунда, гапириб турган гапимизни тўхтатиб турайлик, мана бунинг шовқини ўтсин, деб, биттаси айтди. Ўтиб кетгач, гапини давом эттирди. Шу халос. Шундан кейин, мени ҳам, уни ҳам чақириб, талаб қилишдики, шу одамни, ривожланиш ва тараққиётга қарши одам деб, ёзиб берасизлар, дейишди. Йўқ, у ерда ҳеч гап бўлмади. Шу саёра ўтиб кетгунча, жим турдик.

Кейин, гаплашдик. Бу одам, олим одам бу. Унақа тараққиётга қаршимас, деб, шундай дедим. Бўлмасам, сиз маҳбус бўласиз, деди. Мен маҳбус бўлсам бўламанки, лекин, бу сўзни ёзмайман. Бу одам, бундай дегани йўқ, дедим. Мен ўн йилга, маҳбус бўлдим. Тўққиз йилда келдим. Аллоҳнинг ҳузурида, ёлғон гувоҳлик беришликдан қўрқиб, ўн йилга рози бўлдим. У вақтда маҳбус бўлганларга, ўлим муқаррар эди. Мен ҳамма билан, хайрлашиб кетган эдим. Келдим ва яшадим. Мана шу амалим учун, Аллоҳ мени кечирса, ажабмас. дедилар. Бошқа бир деярлик, Аллоҳ учун қилган амалим йўқ, деб, йиғладилар. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, шу вақтда, мени ёлғон гувоҳлик беришдан сақлаган экан, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, деб, такрорлайверганларининг сири ҳам шуки, бир марта ёлғон гувоҳлик бериш билан, бир одам ҳалок бўлиб кетаверади, биродарлар. Озгина дунё ва бориб, жаҳаннамга ўтин бўлади, бу одам! Шуни айтганликлари, ҳеч эсимдан чиқмайди. Аллоҳ учун қилган амалим йўқ, шу амалимдан бошқа. Аллоҳ буни қабул қилар? Қийналганимга, минг минг розиман. Аллоҳнинг ҳузурига олиб боришга, мана шу амалимдан бошқа амалим бор, дея олмаяпман, деган эдилар.

Яқин кунда, биз ҳам дунёдан, кўз юмамиз, биродарлар. Бу дунё озгина вақтда, ўтиб кетади. Мана бу, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг, ёлғон гувоҳлик беришлик ва ёлғон гапиришлик деганлари, маъноси жуда чуқурдир. Инсоннинг бир марта, ёлғон гувоҳлик беришликдан сақланишлиги, ажабмаски, нажотига сабаб бўлиб кетса?! Абдий саодатга эришишга сабаб бўлса?! Шунинг учун, фарзандларни ҳам, шундай тарбиялаш керакки, сен бу қорин учун, дунёга келган эмассан! Бунга ҳалол муносабатда бўл! Сен савоблик иш қилолмасанг, бировга зарар етказадиган ишдан, ўзингни сақлагин! деб, тарбия бермоғимиз керак!

Мана, кўп дарсимизда такрорлаганмиз. Ҳозир ҳам, шу ўрнида, яна такрорлаймиз. Агар бир золим, маст қилувчи ичимликни ичасан ёки, тўнғиз гўштини ейсан, бўлмаса ўлдираман деса, ўлдиришга қодир бўлса, биз шуни ичамиз ва еймиз, ҳаётни сақлаб қолишлик учун. Чунки, бу Аллоҳ билан банданинг ўртасидаги гуноҳдир. Аммо, золим айтсаки, фалончини уйига ўт қўясан. Ё зарар етказасан, шу мўминни зарарига гапирасан, деса, агар буни (қилмагани учун) ўлдириб юборса, унда билинги, бу шаҳид бўлиб кетади.

Аммо, ҳалиги тўнғиз гўшти билан, маст қилувчи ичимликни ичасан, ейсан деса, бўлмаса, ўлдираман деса, ўлдиришга қодир бўлса, шуни ичмасдан емасдан, ўлиб кетса, гуноҳкор бўлади. У еб ичиб, ҳаётини сақлаб қолиши керак эди. Аммо, мўмин одамнинг зарарига бўладиган иш бўлса, у шаҳид бўлиб кетади. Ҳаётини сақлаб қоламан деб, (Шу ишни) қилса, қаттиқ гуноҳкор бўлиб кетади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ёлғон гувоҳлик беришлик ва ёлғон гапиришлик деб, саҳобалар бас қилсалар бўларди, дегунча такрорлаганликлари сабаби ҳам, шу бўлса керакки, ёлғон гувоҳлик берган каззоб, муттаҳамларнинг дастидан, олам остин устун бўлади, биродарлар! Аммо, ёлғон гувоҳлик беришликдан шундай сақлансалар, унда бировга душман бўлишлик ҳам, зарар қилмайди.

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, Ҳурмузонга айтдиларки, у мусулмон бўлишидан илгари, Умар ибн Хаттобни укасини қатл қилганди. Унга айтдиларки, мен сени ёмон кўраман. Сени кўрсам, укам эсимга тушади, дедилар. Шунда, Ҳурмузон, сизни ёмон кўришингиз, менга нисбатан, адолат қилмаслики сабаб бўладими? деди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, ундан хотиржам бўл, дедилар. Мен доим, адолат қилишга буюрилганман, дедилар.

Ундай бўлса, бу ёмон кўришликни, менга ҳеч қандай зарари йўқ, экан деди. Бунақа ёмон кўришликка, аёллар хафа бўлади, деди. Албатта, сенга зарари йўқ, табиатан ёмон кўраман. Қалбимга кучим етмайди, дедилар. Ана, ёлғон гувоҳлик беришликдан сақланиш, шу даражада бўлган, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга ёлғон гувоҳлик беришликдан сақланишга тавфиқ берсин!

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм ўқиётганларга, амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дунёдаги барча мустазъафинларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Зарар етказётганларга кифоя қилсин! Аллоҳ кифоя қилсин деб, ёлворилган бошқа бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, биродарлар. Аллоҳ кифоя қилса, ўзи ҳамма ёққа кифоя қилади. Барбод қилади, ҳамма ёғини.

Шучун, амри маъруф ва наҳй мункар қилиб, дуо қилишни ўрганмоқлигимиз керак! Амри маъруф ва наҳй мункар қилмасдан қилинган дуо, ижобатмас, биродарлар! Шунинг учун, амри маъруф ва наҳй мункар қилиб, дуо қилишни ўрганмоқлигимиз керак! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизнинг Жомеъдаги кичкина жамоанинг ишларига, Ўзи нажот берсин! Шу ерга ёрдам бераётганларга Аллоҳ Ўзи ёрдам берсин! Хонадонларини обод қилсин! Шу ерга зарар етказаман деганларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи кифоя қилсин!

رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ
وَنَجِّنَا بِرَحْمَتِكَ مِنَ الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ

Юнус сураси 85,86 оятлар

اللَّهُمَّ اِفْسِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا يَحُولُ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تَبْلُغُنَا بِهِ جَنَّتَكَ ، وَمِنْ الْيَقِينِ مَا تُهَوِّنُ بِهِ عَلَيْنَا مُصِيبَاتِ الدُّنْيَا ، وَمَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْبَبْتَ ، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا ، وَاجْعَلْ ثَأْرَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا ، وَانصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا ، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا ، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا ، وَلَا تَبْلُغْ عَلَيْنَا ، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا

وصححه الألباني في " صحيح الترمذي

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

63 дарс тугади

64 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 5 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, ўн тўққизинчи гуноҳи кабира бўлмиш, маст қилувчи ичимлик ичиш ва йигирманчи гуноҳи кабира, қиморвозлик қилиш ва йигирма биринчи кабира гуноҳ покиза, мўъмина аёллар шаънида, бўхтон қилишлик ва кейингиси ғаниматларга хиёнат қилишлик ва ўғирлик қилиш ҳақида дарс қилинади. Бу дарс, шу силсиладаги бешинчи дарсдир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

19. Маст қилувчи ичимликни ичишлик

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Моида сураси 90 оят

оятини нозил қилди.

Маст қилувчи ичимликни ичишлик ҳаромлиги ҳақида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бирданига оят нозил қилмади. Маст қилувчи ичимлик ҳақидаги биринчи оят, мана будир.

وَمِنْ ثَمَرَاتِ النَّخِيلِ وَالْأَعْنَابِ تَتَّخِذُونَ مِنْهُ سَكَرًا وَرِزْقًا حَسَنًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ
Наҳл сураси 67 оят

Бу оятда, Маст қилувчи ичимликни яхши ризқ эмаслигига ишора қилинди.

Маст қилувчи ичимликни ичиш, жоҳилийят даврида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб жўнатилишидан олдин, ҳар бир одамнинг фаҳри эди. Худди, ҳозирги жоҳилийят даврида, ҳар бир одамнинг фаҳри бўлганига ўхшаган.

Маст қилувчи ичимликни думалаб қолгунча ичиш, Маст қилувчи ичимлик кўйиб, зифатлар ўтказиш ва шу билан, бутун ҳаётини шунинг устига қуришдан иборат эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло биринчи, бир ишора қилиб қўйди.

وَمِنْ ثَمَرَاتِ النَّخِيلِ وَالْأَعْنَابِ تَتَّخِذُونَ مِنْهُ سَكَرًا وَرِزْقًا حَسَنًا
Наҳл сураси 67 оят

Ва хурмо меваларидан сизлар, Маст қилувчи ичимлик оласизлар ва яхши ризқ оласизлар. Маст қилувчи ичимлик, яхши ризқ эмаслигига, ишора бўлди.

Имон қалбларига кирган одамларнинг қалблари уйғонди. Маст қилувчи ичимликни ичишлик дурустмикан ўзи? деб, сўраб бошлашди.

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا أَكْبَرُ مِنْ نَفْعِهِمَا
Бақара сураси 219 оят

Эй Муҳаммад алайҳиссалом, сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади, деб, баён қиляпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

Мен шу ерда бир нарсани эслатмоқчиман. Ҳозирги вақтда, Маст қилувчи ичимликни ичишликнинг, фойдаси ҳақида гапирадиган, файласуфлар кўпайган. Буни манфаати бор. Буни фан исбот қилди, дейдиган, одамлар бор. Биз уларга айтамизки, буни манфаатини бизга гапирманг. Буни сиз кашф қилмагансиз. Буни Роббимиз қуръонда баён қилган. Бир нарсанинг ҳаром бўлиши, манфаати йўқлиги учун эмас. Манфаати бўлиб ҳам, ҳаром бўлади. Зарари манфаатидан кўпроқ бўлгани учун, ҳаром бўлади деймиз.

Аслида биз, ҳалол ва ҳаром қилишлик, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳаққи деб, биламиз. Ҳеч кимнинг, хоҳ кўпчилик бўлсин, хоҳ ўзини олий санасин, бир нарсани ҳалол ҳаром қилишга, ҳаққи йўқдир! Мана бу оятда, хамр ва қимор ҳақида гапирилган. Баъзи қиморвозлар, қиморда ютган одамлар, етимларга ёрдам бераяпди. Баъзи бир, яхши ишларни ҳам қиляпдию, деб, гапирадиган файласуфлар, аввал ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади. Сиз жавобига айтингки, катта гуноҳ бор, денг. Ва одамларга манфаат ҳам бор денг. Лекин, гуноҳи, фойдасидан кўпроқдир, денг.

Мана бу иккинчи оят бўлди. Кейинчалик,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ
Нисо сураси 43 оят

Эй имон келтирганлар, намозга маст ҳолингизда яқинлашманг! Ҳатто, сизлар нима ўқиётганингизни билмагунча, Ояти нозил бўлди.

Бир кечаю кундузда, беш вақт намоз бор. Бу оят тушгандан кейин, кундузи маст қилувчи ичимликни ичишлик мумкин бўлмай қолди. Ичишдан ўзини тўхтатолмаганлар, кечки намоздан кейин, ичиб, эрталабгача, сал ўзига келадиган бўлиб қолди.

Мана бу оят, аввалги ишорани ҳисобга олмаганда, иккинчи оят. (Ёки, учинчи оят бўлди)

Кейин, эса, охирги ҳоким оят нозил бўлди. Бу оят аввалги оятлар ҳукмини, мансوخ қилди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رَجَسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Моида сураси 90 оят

Бу оят билан, қатор нарсалар ҳаром қилинди.

Эй имон келтирганлар, Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимор ўйнашлик, бутлар, (Хоҳ сурат, хоҳ ҳайкал, хоҳ бошқа ибодат қилинадиган шаклни олган бутлар) фол очишлар, булар ҳаммаси рижс, нопок нарса, нажас нарса, шайтоннинг иши, бундан четланишлар! Шунда нажот топасизлар, деди.

Шайтон бу нарсалар туфайли сизлар орангизда адоват, ва бир бирларингни ёмон кўришликка ҳаракат қилиб, шуни мақсад қилади. Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қиморда хусусан. Ҳаётнинг ҳамма жанжалини, адоватларини ва келишмовчилигини вужудга келишини текширинг, Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимордан вужудга келган.

Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қиморга, рухсат бериб туриб, одам ўлдиришни олдини олмақчи бўлганларга, одамнинг кулгиси келади. Бунинг мисоли шунга ўхшайдики, бир одамнинг қўлига қурол бериб, унга ўқ отишни ҳам ўргатиб туриб, одамни қатл қилма, деганга ўхшайди. Қайси жамиятда, Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимор шойеъ бўлар экан, одамни қатл қилишлик, бу жамиятда кўпаяди. Ўзининг оиласини ҳам, қатл қилаверади. Такрор айтамыз, йигирма тийинга атлас чиқмайди, бўз чиқади. Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимор одамларни, Аллоҳнинг зикридан, намоздан маън қилади.

Ҳамма намоз ўқимайдиган одамларни текширсангиз, маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимор билан машғул бўлган одамлардир. Мана бу оятда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Тийилдинглари? деди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу шу оят тушганда, Фа ҳал антум мунтаҳун? деганда, интаҳайно Роббано, интаҳайно Роббано, дейишди. Тийилдинглари? деганда, тийилдик, Роббимиз, тийилдик, Роббимиз, дейишди.

Маст қилувчи ичимликни ичишликни тўхтатиш учун, ислом жамияти, пул сарф қилмади. Ҳозирги жамиятлар унинг зарарини баён қилаётган, бирон нарсани, баён қилмади. Биринчи, қалбларни имон билан тўлдирди. Учинчи тушган оят билан, (Ёки, тўртинчи) жамиятда энг кўп тарқалган, маст қилувчи ичимликни ичишлик билан, қиморни барбод қилиб ташлади. Шу оят нозил бўлганда, Мадинанинг кўчаларидан маст қилувчи ичимлик, ариқ бўлиб оқди. Ҳамма олиб чиқиб, тўкиб ташлади. Жамиятдаги мункарни, бузуқ нарсаларни йўқотишлик, имон асосига суянмас экан, иқтисодий танглик учун, уларни йўқотишга ҳаракат бўлар экан, бу амаллар фойда бермайди. Булар йўқ бўлмайди. Буни ҳозирги вақтда, тажрибада ҳам кўрдик. маст қилувчи ичимликни йўқотишга, қаттиқ ҳаракат бўлди. Лекин, иқтисодий танглик учун, йўқотишга қаттиқ ҳаракат бўлди. Бу нарса фойда бермади. (Горбачев давридаги, сухой закон, деб аталган, спиртли ичимликка қўйилган таъқиқ назарда тутилган)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга оят нозил бўлса, жарчиларига бир нарсасини берардилар, ё асоларини ё, оёқ кийимларини ёки, бошқа бир нарсани бериб, жарчилар уни олиб, одамларла кўрсатиб, мен Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларидан келаяпман деб, шуни кўрсатиб, нозил бўлган оятни ўқиб берарди. Шу оят тушганда, саҳобалардан биттасининг уйида, маст қилувчи ичимлик, ичишликка тайёр қилиб қўйилган эди. Ҳаммалари ичишга тайёрланиб турганди. Баъзилар қўлига олган эди. Баъзилар идишга қуяётувди. Баъзилар лабига олиб борганди.

Баъзилар, ҳўплагандию, ютмаган эди. Жарчи улар олдига келиб, оятни етказганда, қўлида ушлаб турганлар, шуни ичиб олай демади. Қуяётганлар, шундан кейин, амал қилай демади. Лабига теккизиб турганлар, шу сафаргидан кейин, амал қилай демади. Ҳўплаганлар ҳам, ютиб олай демади. Тупуриб ташлади. Маст қилувчи ичимликни ичишлик, мана шу кундан бошлаб, ҳаром бўлди. Қиёматгача ҳаромдир. Қимор ҳаром бўлди. Маст қилувчи ичимлик билан қимор, эгизак нарсадир. Қаерда буниси бўлса, униси ҳам бўлади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وقال النبي صلى الله عليه وسلم: " اجتنبوا الخمر فإنها أم الخبائث فمن لم يجتنبها فقد عصى الله ورسوله واستحق العذاب بمعصية الله ورسوله

Маст қилувчи ичимликни ичишлиқдан сақланинглар. Чунки, у хабис, нопок нарсаларнинг онасидир. Ким бундан четланмаса. Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди. Ва азобга сазовор бўлибди.

وَمَنْ يَعَصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ
Нисо сураси 14 оят

Чунки, қуръони каримда, айтилган: Ким Аллоҳ ва Расулига осий бўлса, Унинг ҳудудидан ўтса, ҳаром деб, чизиб қўйган чизиғидан ўтса, уни дўзахга киргизади, абадий бўлган ҳолатда. Унга хорловчи азоблар бор, деб, мана қуръони каримда, баён қилинган.

وعن ابن عمر رضي الله عنهما قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " كل مسكر خمر وكل خمر حرام ومن شرب الخمر في الدنيا ومات ولم يتب منها وهو مدمنها لم يشربها في الآخرة .
رواه مسلم

Ҳар бир маст қилувчи ичимлик, хамрдир. Қуръонда, маст қилувчи ичимликни, хамр дейилади. Хамр, бекитувчи дегани. Ақлни бекитувчи нарса. Бу ичса, ақл бекилади. Мажнунга айланади. Пул сарфлаб, жинни бўлади. Ҳар бир хамр, ҳаромдир. Ким хамрни дунёда ичса, муккасидан кетиб ичиб, тавба қилмай ўлиб кетса, Аллоҳу Субҳонаху ва таоло жаннатда абадий зиёфат қилади, мўминларни, ҳалол шароблардан, шулардан маҳрум бўлади, дедилар. Маст қилувчи сифати бўлган ичимлик, ҳаммаси ҳаромдир. Мана бу ҳадис очиқ сариҳ ибора билан келган. Ҳар бир маст қилувчи нарса, хамрдир.

Маст қилувчи ичимликни муккасидан кетиб, ичувчи кишиларни, бутпараст одамлар билан баробар қилинган.

رواه الإمام أحمد في مسنده من حديث أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " مدمن الخمر كعابد الوثن

Маст қилувчи ичимликни муккасидан кетиб, ичувчи кишилар, бутпараст одамлар кабидир, деганлар.

روى النسائي من حديث ابن عمر أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " لا يدخل الجنة عاق ولا مدمن خمر

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Маст қилувчи ичимликни муккасидан кетиб, ичувчи кишилар, ва ота онасига оқ бўлганлар, жаннатга кирмайди, дедилар.

ثَلَاثَةٌ قَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِمُ الْجَنَّةَ : مُدْمِنُ الْخَمْرِ، وَالْعَاقُ، وَالذَّيُّوْتُ الَّذِي يَقْرُ فِي أَهْلِ الْخَبَثِ

Уч тоифа жаннатга кирмайди: Маст қилувчи ичимликни муккасидан кетиб, ичувчи киши ва ота онасига оқ бўлганлар, ва даюслар жаннатга кирмайди, дедилар.

Даюс, аёлининг очиқ юришига эътибор бермайдиган, кўринишда эркак бўлган, ғайрати йўқ даюс, жаннатга кирмайди, дедилар.

Бир ҳадис мазмунини айтамиз, Маст қилувчи ичимликни ичувчи, мўмин бўлган ҳолда ичмайди, дедилар. Имони чиқиб туради. (Шу ҳадисда келганлардан яна биттаси, ўғри ва биттаси зинокор)

Маст қилувчи ичимлик туфайли, кўп тоифаларга лаънат эълон қилинган, биродарлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар. Мен эшитдимки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

ورواه الإمام أحمد من حديث ابن عباس قال سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: "أتاني جبريل عليه السلام فقال: يا محمد إن الله لعن الخمر وعاصرها ومعتصرها وبائعها ومبتاعها وشاربها وأكل ثمنها وحاملها والمحمولة إليه وساقيا ومستقيها

Жибрил алайҳиссалом келиб, айтдилар: Ё Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳ лаънат қилди хамрни, уни таёрловчини, тайёрлаб беринг деб, борган одамни, булар ўзлари ичмаслиги мумкин? Лекин, малъун одам. Сотувчисини, ўзи ичмаслиги мумкин? Беш вақт намоз ўқийди. Маст қилувчи ичимлик сотиб, тирикчилик қилади. Малъун одам. Сотиб олувчи, ўзи ичмайди. Бу ҳам малъун. Ичувчиси, кейинда келаяпти. Мана шу, мараз одамларнинг ичишига сабаб бўлади. Ичувчини ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло лаънатлади. Уни сотиб, пулини ейувчиларни ҳам, лаънатлади.

Уни сотиб пулини олиб келиб берса, маишат қилаётган ота оналар бор. Пулини еяётганларни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло лаънатлади. Булар ичмайди. Ичгани алоҳида лаънатланган. Кўтариб олиб боргани ҳам, лаънатлади. Ва кўтарилиб олиб борилгани (идишларни) ҳам, лаънатлади. Уни қуйиб берган одамни ҳам, лаънатлади. Бу ўзи ичмайди. Ичса, унда лаънат, қатор қатор бўлиб кетади. Қуйиб беришликни талаб қилган одамни ҳам, лаънатлади. Хамрни ўзини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўн биттасига лаънат эълон қилинди. Хамрни ўзидан ташқари, ўнта одамга лаънат эълон қилинди.

عن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما قال " لا تعودوا شراب الخمر إذا مرضوا
(Бу асарни иснодига доир маълумот топилмади)

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал Осс разияллоҳу анҳу «Маст қилувчи ичимликни ичувчи киши, касал бўлса, зиёратига борманглар» дедилар.

Кўп одамлар ҳозир, ҳаром нарсаларни ичса бўладими, шифо учун деб, сўрайдиган бўлиб қолган. Умму Салама онамиздан ривоят қилинган ҳадисда,

إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَجْعَلْ شِفَاءَكُمْ فِيَمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمْ
الراوي : أم سلمة أم المؤمنين
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Ва яна, Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисларда келганки,

إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَجْعَلْ شِفَاءَكُمْ فِيَمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمْ
الراوي : عبدالله بن مسعود
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларнинг шифоингларни, сизларга ҳаром қилган нарсаларда қилмади, деганлар.

Баъзилар айтишадики, фалон нарса шифо бўлди деб. Мумкин, унга шифо бўлган бўлса?! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизларга дедилар, яъни, умматларига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло менинг умматимнинг шифосини, ҳаром нарсаларда қилмади, деганлар.

Ким Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга уммат бўлса, Аллоҳ ҳаром нарсаларда, унга шифо йўқ. Умматдан бошқаларга, мумкин, шифо бўлишлиги?! Ҳаром нарсаларни диндан узоқ одамлар, шифо деса, ажабланарлик эмас. Чунки, уларда дин йўқ. Уларда ҳалол ҳаром йўқ. Ҳалол ва ҳаром, Аллоҳнинг ягона Маъбудлигига унаган ва Расулини пайғамбарлигига унаган кишилар учундир. Бўлмаса, Аллоҳга унамаган ва охират кунига унамаган одамга, бу ҳалол ҳаром деган, нарсанинг мезони йўқ.

Маст қилувчи ичимликни таркибида, шундай моддалар борки, булар инсон ақлини йўқотади. Жисмни нобуд қилади. Унинг инсонлик хусусиятини йўқотиб боради. Афюн, қора дори, булар ҳаммаси, хамр тахтига дохил бўлади. Чунки, ҳар бир маст қилувчи нарса, ХАМР дейилди. ХАМРни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаром қилди. Маст қилувчи бўлган, кашандаликка боғлиқ бўлган нарсалар ҳам, ҳаромдир. (наша чекиш ва ҳидлаб маст бўладиган нарсалар шунга киради) Чунки, ҳар бир маст қилувчи нарса, ХАМР дейилди.

20. Қимор ўйнашлик

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلُمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Моида сураси 90 оят

Маст қилувчи ичимликни ичиш, ва қимор ўйнашлик, иккаласи бир оятда, ҳаром қилинган. Қиморнинг ҳамма тури, ҳаромдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло «Шайтон шу нарсалар туфайли, сизларнинг орангизда адоват, ва бир бирларингни ёмон кўрдиришликка ҳаракат қилади,» деди. Бу, молни ноҳақ йўл билан ейишлиқдир.

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ
Бақара сураси 188 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўртангларда молларни, ноҳақ йўл билан еманглар, деди.

Қимор услубида бўладиган ўйинлар, ҳаммаси ҳаромдир. Қимор оддий нарсалардан бошланиб, катта амалларга ўтади. Қиморга олиб борадиган нарсалардан, ёшларни эҳтиёт қилмоғимиз керак. Аввали бу оддий нарсалардан бошланиб, келажакда бу қиморга айланади. Бу ҳақда, мана шу оят кифоя қилишлиги керак! Қимордан ҳосил бўлган пул, ҳаромдир. Одамлар бизларга қимордан ютиб, етимхоналарга ёрдам бераяпман деб, айтмасин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло насс билан, майсирни ҳаром қилди. Майсир қимордир. Бизнинг диёрлардаги турлари, нарда бўлсин, ё бошқа бўлсин, ҳаромдир! (Пулга ўйнашлик ҳаромдир)

مَنْ لَعِبَ بِالنَّرْدِ فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ
الراوي : أبو موسى الأشعري
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ким нарда ўйнаса, Аллоҳ ва Расулига осий бўлибди, дедилар.

مَنْ لَعِبَ بِالنَّرْدِ شِيرٍ، فَكَأَنَّمَا صَبَغَ يَدَهُ فِي لَحْمِ خَنْزِيرٍ وَدَمِهِ
الراوي : بريدة بن الحصيب الأسلمي | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
الصفحة أو الرقم: 2260 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким нарда ўйнаса, қўлини тўнғизнинг гўштига ва қонига булғабди, дедилар.

Мўмин киши, тўнғиз гўштига қўлини теккизишни ўйласа, титраб кетиши керак.

Бу калима, тўнғиз гўштини оғзига солаётган одамларга, ибрат бўлиши керак.

21. Покиза аёллар шаънига тухмат қилишлик

Эркак одамга тухмат қилишлик ҳам, Гуноҳи кабира бўлади. Лекин, эркаклар ўзини ҳимоя қилиб, Исбот талаб қилиб, курашиши мумкин? Аёллар ожиза бўлганлиги учун, Аллоҳ ҳимоя қилди, уларни.

إِنَّ الَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ الْغَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ لُعْنُوا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ يَوْمَ تَشْهَدُ عَلَيْهِمْ أَلْسِنُهُمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

Нур сураси 23,24 оятлар

Покиза, ғофила, муъмина аёллар шаънига тухмат тошини отган кишилар, дунё ва охирада малъун бўлган одамлардир. Уларга катта азоб, ҳозирлаб қўйилган. Уларнинг тиллари, қўллари, оёқлари, қиёматда куни уларга қарши, гувоҳлик беради.

وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

Нур сураси 4 оят

Покиза, муъмина аёллар шаънига тухмат тошини отган ва кейин, тўртта гувоҳ келтира олмаган кишиларни, саксон дарра уринглар ва кейин, гувоҳликларини, ҳеч қачон қабул қилманглар, деди. Имоми Шофий айтганларки, умрининг охиригача гувоҳлиги ўтмайди.

Бир киши бир аёлга тухмат қилиб, дарраланган бўлса, никоҳда иккита гувоҳ керак бўлади. Буни олиб келинган бўлса, буни чиқариб юборинглар, гувоҳлиги ўтмайди, дейди. Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ агар тавба қилса, ўзини покласа, унинг тавбаси қабул, деганлар.

Покиза, ғофила, муъмина аёллар шаънига тухмат тошини отиш, гуноҳи кабиралардан биттасидир. Покиза эркаклар шаънига ҳам, тухмат қилишлик, гуноҳи кабиралардандир. Ҳозирги вақтда, тухмат қилувчилар кўпайган, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сақласин, бировлар шаънига тухмат қилишлиқдан.

22. Ғаниматларга хиёнат қилиш

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغْلُ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَمَةِ

Оли Имрон сураси 161 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади: Пайғамбар учун, ғаниматни бекитиб олишлик мумкинмас. У кишида, бундай хато бўлиши мумкинмас. Ким ғаниматни бекитиб олса, қиёмат куни кўтариб келади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳобларни, шундай тарбия қилдиларки, ғанимат турган ерда қулф йўқ эди. Тўғри, посбон турарди. Ислон билан куфр орасидаги жангларда тушган ғаниматни, тақсим қилинмагунча, биров тегмасди.

وعن أبي هريرة قال: خرجنا مع رسول الله صلى الله عليه وسلم إلى خيبر ففتح علينا فلم نغتم ذهباً ولا ورقاً غنمنا المتاع الطعام والشراب ثم انطلقنا إلى الوادي يعني وادي القرى ومع رسول الله صلى الله عليه وسلم عبد وهبه له رجل من بني جذام يدعى رفاعه بن يزيد من بني الضبيب فلما نزل الوادي قام عبد رسول الله صلى الله عليه وسلم يحل رحله فرمي بسهم فكان فيه حتفه فقلنا هنيئاً له بالشهادة يا رسول الله فقال رسول الله: كلا والذي نفسي بيده أن الشملة لتلتهب عليه ناراً أخذها من الغنائم لم تصبها المقاسم. قال ففرع الناس فجاء رجل يشراك أو شراكين فقال أصبت يوم خيبر. فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم شراك أو شراً كان من نار متفق عليه

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан Хайбарга чиқдик. Аллоҳ бизларга, катта зафар берди. Олтин кумуш эмас, таом ва либослар ғанимат олдик. Кейин, бир водийга бордик. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юрган, Бани Жизом деган қабиладан бир киши, ҳадя қилган, бир хизматкор кул бор эди.

Исми Рифоат ибн Язид эди. Водийга тушганда, шу хизматкор бола келиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўтирган, туянинг арқонини бўшата бошлади. Шунда, душман томонидан отилган ўқ келиб, шу болага тегди ва унинг ўлимига сабаб бўлди. Ҳаммамиз унга шаҳидлик муборак бўлсин, дедик. Йўқ, дедилар, (Ғанимат тушган ўлжалар орасидан) у яширинча, олиб олган шамла, озгина кийимлик мато, ўт бўлиб ёндириб турибди уни, дедилар. Ҳали ғаниматлар тақсим қилинмасдан туриб, олиб олган эди, дедилар. Шаҳид бўлиб кетган одамнинг елкасида, бу турибди, дедилар.

Одамлар кўрқиб кетди, бу сўздан кейин. Оёқ кийимини боғлайдиган битта ип, баъзилар иккита ип, кўтариб келишди. Манави ипни олувдим мен, деб. Хайбар кунида мен олувдим деб, баъзилар иккита ип кўтариб келишди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам битта ип ҳам, иккита ип ҳам, ўтдан бўлган, дедилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарбиялари шу даражада бўлди. Ғаниматнинг ўғриси қолмади. Тўғри, Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бир ўғрини ушладилар. У ҳам, шайтон эди. Тарбиялари шу даражада бўлди. Ғаниматларда, ҳисобсиз қоровуллар йўқ эди, биродарлар. Чунки, рақобат ва назорат, қалбларда ўрнаган эди.

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَغُلَّ وَمَنْ يَغْلُ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ الْقِيَمَةِ
Оли Имрон сураси 161 оят

Ким ғаниматни бекитиб олса, қиёмат куни кўтариб келади.

Елкасида ўт бўлиб туради, деган сўз, ўзи кифоя қилди. Аллоҳнинг каломи, ислом жамиятини шундай бошқарди, биродарлар! Минг афсуслар бўлсинки, бизларгаки, биз мусулмонлар, ўзимизнинг китобимиздан, заррача таъсирланмасдан яшайпмиз.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг сўзлари бор экан. «Мен текшириб кўрсам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икки кишининг жанозасини ўқимаган эканлар. Ғаниматлар тақсимланмасдан туриб, олиб олган одамнинг ва ўзини ўзи ўлдирган одамнинг жанозасини ўқимаган эканлар.» деганлар.

Бошқалар бу ҳадисларни эшитганда, бу ҳақиқатмикан деб, ўйланиб қолишлари мумкин? Чунки, уларнинг тарихларида, бирорта, бунақа нарса ўтганмас. Ва ўтмайди ҳам. Қиёматгача ўтмайди. Аммо, Ислом тарихи, бунақа ҳақиқатлар билан, бойдир.

23. Ўғирлик қилиш

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جَزَاءُ بِمَا كَسَبَا نَكَالًا مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ
Моида сураси 38 оят

Ўғри киши ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Қилган ишига жазоси шу, деди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Аллоҳ тарафидан жазодир қилган амалларига. Аллоҳ азиз, қудратлик ва Ҳақим, Ўзининг ишида, ҳикматлик Зотдир.

Ўғри киши ва ўғри аёлнинг қўлларини кесиш ҳукмини, исломнинг ашаддий душманлари ҳам, жорий қилмасак бўлмайди, дейишмоқда. Аллоҳнинг бу ҳукмдаги ҳикматини билиш учун, минг йиллар керак бўлди.

Шу оятни ўқиганда, эр киши ўғри бўлиши мумкин. Аёл киши ҳам ўғри бўлармикан? Деган савол ўйлантиради. Ҳозирги жиноят қидирув ҳайъатлари, ўғри аёл кўпроқ эканини маълум қилишяпти.

وعن عائشة رضي الله عنها قالت: كانت مخزومية تستعير المتاع وتجده فأمّر النبي صلى الله عليه وسلم بقطع يدها فأتى أهلها أسامة بن زيد فكلّموه فيها فكلّم النبي صلى الله عليه وسلم فقال له النبي صلى الله عليه وسلم: "يا أسامة لا أراك تشفع في حد من حدود الله تعالى ثم قام النبي صلى الله عليه وسلم خطيباً فقال: "إنما أهلك من كان قبلكم أنهم كانوا إذا سرق فيهم الشريف تركوه وإذا سرق فيهم الضعيف قطعوه والذي نفسي بيده لو أن فاطمة بنت محمد سرقت لقطعت يدها". فقطع يد المخزومية

Махзумийя қабиласи, Қурайшнинг энг улуғ қабиласи ҳисобланарди. Шу қабиладан чиққан бир аёл, ўғирлик қилди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шу улуғзода бўлган аёлни, қўлини қирқишликка буюрдилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам энг яхши кўрган киши, Усома ибн Зайд эди. Уни ниҳоятда яхши кўрардилар. Унинг дадасини ҳам яхши кўрардилар. (Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тутинган боласи, Зайднинг ўғли эди) Бу нарса саҳобалар орасида, фош эди. Умар ибн Хаттоб Халифалик даврларида, Усома ибн Зайдга, кўпроқ маош берган эдилар.

Шунда, ўғли Абдуллоҳ ибн Умар келиб, нима учун Усомани маоши меникидан кўпроқ? Сабаби нима? деганларида, Унинг дадаси сенинг дадангдан кўра, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга суюмлюроқ эди. Ўзи ҳам сендан кўра, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, суюмлюроқ эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатини, ўзимнинг муҳаббатимдан ортиқ кўриб, унинг маошини ортиқ қилдим, дедилар.

Мабодо, яхши кўрган кишининг сўзи билан, ўзгарганларида, Усома ибн Зайднинг сўзи билан ўзгарган бўлардилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам. Махзумийя қабиласи, унинг олдида келишди. Махзумийя қабиласидаги аёлнинг қўлини кесмасликка, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан илтимос қилишликни ундан сўрашди. Усома ибн Зайд кириб, шуни илтимос қилди. Шунда айтдиларки, ЭЙ Усома, Аллоҳнинг ҳудудида, сени илтимос қилиб келган ҳолатда кўрмай, дедилар. Кейин, масжидга чиқиб, хутба ўқидилар. Сизлардан илгариги одамларни ҳалок қилган нарса, шарафлик кишилар ўғирлик қилганда, яъни, жиноят қилганда, уни қўйиб қўйишган.

Катта одамнинг фарзанди ё, катта оиладан деб, заиф одамлар жиноят қилса, қўлини қирқишган. Нафсим кўлида бўлган Зотга, қасам ичиб айтаманки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима ўғирлик қилса, қўлини кесаман, дедилар. Аллоҳнинг ҳукми, ҳаммага бир бўлмоқлиги керак. Аллоҳнинг ҳукми, бир даврда бойларга юмаса, бир даврда фақат бойларнинг устида юрди. Ҳамма йўқсиллар, улуғ одамга айланди. Ҳамма бой одам, ҳалол касб қилиб топган бўлса ҳам, ёмон одамга айланди. Бойни риоя қилиш қанчалик хато бўлса, камбағални риоя қилиш, хатода бундан каммас, биродарлар!

Ҳозирги бизнинг жамоадаги кишилар қалбига ҳам, камбағалпарвар бўлишлик руҳи кириб қолган. Нима учун, камбағал доим ҳақ бўлади? Нима учун, бой доим ноҳақ бўлади? Ислом камбағалпарвар эмас, бойпарвар ҳам эмас, ҳақпарвардир. Ҳақ кимда бўлса, шунинг тарафини олади. Иккита хусуматчи, бири бой ё бири камбағал бўлса, бой одам ҳақ бўлиши мумкин?! Ёки, камбағал одам ҳақ бўлиши ҳам, мумкин?! Бизнинг қалбимиздаги камбағалпарварлик, ноҳақ гапиришга сабаб бўлмаслиги керак! Бойпарвар бўлишлик ҳам, ноҳақ гапиришга, сабаб бўлмаслиги керак! Шу гуноҳи кабиралардан Аллоҳ сақласин ҳаммамизни.

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дуо сўраган одамга ҳам, солиҳ ва солиҳа фарзандлар берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло илм ўқиётганларга, ижтиҳод насиб қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга ҳақиқатни билдирсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

64 дарс тугади

65 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 6 қисм

(Еттита гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, йигирма учинчи кабира гуноҳ, ўғирлик қилиш ҳақида, яна қайта дарс қилинади. Бу мавзу, олдинги дарснинг охирида бошланган эди. Йигирма тўртинчи кабира гуноҳ, йўлтўсарлик. Йигирма бешинчи кабира гуноҳ, ёлғон қасам ичиш. Йигирма олтинчи, зулм билан, одамлар молини ейиш. Йигирма еттинчи, одамлар молини ноҳақдан олишлик. Йигирма саккизинчи, ҳаром ейишлик. Йигирма тўққизинчи, ўзини ўзи қатл қилиш ва ўттизинчи гуноҳи кабира, гапининг кўпида кизб гапириш ҳақида, бўлади. Бу дарс шу силсиладаги, олтинчи дарсдир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон билан жинни фақат, Ўзига ибодат қилишлик учун яратди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ
Зориёт сураси 59 оят

Инсон ва жинни фақат, Ўзимга ибодат қилишликлари учун яратдим деб, мана бу оятда, марҳамат қилаяпди.

Ибодат турлари ҳаммамизга маълум.

Биринчи, биз соф ақидани, ўзимизда мужассамлаштирмоғимиз керак. Яъни, якка Маъбудга ибодат қилиб, унга ҳеч нарсани шарик қилмасликка, маъмурмиз.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло биринчи, буюрган нарсанинг энг каттаси, тавҳиддир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, қайтарган нарсанинг энг каттаси, ширкдир. Модомики, инсонда, тавҳид мавжуд бўлмасдан туриб, унинг қилган амаллари, мақбул бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хоҳлаган гуноҳларни кечиради. Аммо, ширкни кечирмайди. Ундан бошқа гуноҳни, хоҳласа кечиради. Аммо, ширкни мутлақо кечирмайди. Бу ҳақдаги насс,

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

Нисо сураси 116 оят

Мана бу оят шунга далолат қилади.

Демак, биз тавҳид ақидаси эгаси бўлишликка, маъмурмиз. Биз саҳиҳ ақидани қалбимизда жойланган нарса деб, тушуниб қолмаслигимиз керак. Саҳиҳ ақида ҳаётга боғланган ақидадир. Мана бу, биз дарс қилиб келаётган, гуноҳи кабиралар мавзуси ҳам, саҳиҳ ақидани ҳаётга боғланишига, битта далилдир. Саҳиҳ ақида ҳаётга боғланганда, Аллоҳнинг буйруқларини бажаришлик ва қайтарган нарсаларидан қайтишлик, инсонда мужассамлашади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тавфиқ неъматини бериб, баъзи кишиларни, Ўзи буюрган буйруқларини бажаришликка ва қайтарган нарсаларидан қайтишликка, муваффақ қилади. Баъзи кишилар, имон мартабасини, бу чўққисига чиқолмайдида, буюрган буйруқларини аксарини бажаради ва қайтарган гуноҳи кабиралардан қайтади. Мана шундай кишиларга, гуноҳи кабиралардан қайтган кишиларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошқа гуноҳларини кечиришни ваъда қилаяпти.

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ تُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَتُدْخِلَكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا

Нисо сураси 31 оят

Агар сизлар, қайтарилган гуноҳларнинг катталаридан қайтсангизлар, сизларни бошқа гуноҳларингизни каффорат қиламиз ва карим бўлган масканга, жаннатга киритамиз, деяпти, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Шунинг учун ҳам, саҳиҳ ақида, гуноҳи кабиралардан, ислом ўлчовидаги катта гуноҳлардан, тийилишликка боғланган ҳаётдир. Саҳиҳ ақида эгасининг аломати, унинг ҳаётида гуноҳи кабиралардан, тийилишликда мужассамлашади. Шунинг учун ҳам биз, дарсимизни гуноҳи кабираларга боғладик. Ўғирлик, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайтарган гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

23. Ўғирлик қилиш

Бошқа низомлар, шахсларга нисбатан ўғирликни, унчалик эътиборга олмайди. Давлат мулкига нисбатан ўғирлик қилган кишиларга нисбатан, қаттиқ жазо қўллайди. (СССР давлати назарда тутилган) мабодо бир киши, ҳалол меҳнат билан бойлик орттирган бўлса, унга нисбатан бўлган ўғирликни, унчалик эътиборга олмайди. Аммо, Ислом ўғирликни қаттиқ гуноҳ деб, ҳисоблайди.

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا جَزَاءً بِمَا كَسَبَا نَكَالًا مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

Моид сураси 38 оят

Ибн Шихоб шу оятнинг тафсирида, айтадики, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу оятда, Ўғри киши ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар, деб, буюряпти. Суннат, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йўлланмалари ва амалий суннатлари, ўғрининг, биринчи марта ўғирлик қилса, ўнг қўлини кесишликка, кўрсатма беради. Қўлларини кесинглар, қилган ишига жазоан. Аллоҳ тарафидан бу уларга азоб. Аллоҳ қудратлик, яъни, Ўзининг ҳалол меҳнат билан топган бандаларининг мулкига, тажовуз қилувчи кимсалардан, ўч олувчи Азиз ва Қудратлидир. Ва Ҳаким, Аллоҳ Ўзининг ишида, ҳикматлик Зотдир.

Мана бу амал ҳикматлик эканини, дунё олимлари, тан олишга мажбур бўлиб келмоқда. Ўғри киши ва ўғри аёлнинг қўлларини кесиш ҳукмини, исломнинг ашаддий душманлари ҳам, тан олишга мажбур бўлмоқда. Иншааллоҳ, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларнинг бурнини ерга ишқаб бўлса ҳам, бу ҳукми ҳақ эканини, тан олишга мажбур қилади.

Чунки, қўлланилган жазолар, ўғрининг қўпайишига хизмат қилаётганини сезишмоқда улар. Ислом ўғрининг қўлини чопишликка, дарров кўрсатма бермади.

Биринчи, унинг қалбини имон билан, обод қилди. Аллоҳдан қўрқишликни ўргатди. Қалбига Аллоҳнинг давлатини кўрди. Унинг назоратчиси, Аллоҳ эканлигини таълим берди. Аллоҳ уни ҳар бир дақиқада кўриб, эшитиб турувчи деган, ҳақиқатни жойлади. Ва унинг қорнини тўйдирди. Ислом низоми, фуқароларни овқат билан таъминлашга мажбурдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида, очларни таъминлаш, Ислом низоми, вазифаси бўлди. Мен буни айтишлиқдан мақсад, кўп Исломни тушунмаган кишилар, Ислом низомини кўз олдига келтирганда, қўли йўқ бўлган шахсларни, кўз олдига келтиришади.

Чунки, ҳозирги вақтдаги ўғриларнинг кўплигидан, ҳаммасини қўлини қирқиб ташланса, қўлсиз жамият вужудга келиши, уларни қўрқитади. Чунки, ўғрилар кўп. Бу оятда келган, ўғри аёл дейиши, бир мўъжизаки, Инсонни, мулойим табиатлик, аёл киши ҳам ўғри бўлармикан? Деган, савол ўйлантиради. Ҳозирги жиноят қидирув ҳисобларига қарасак, ўғриларнинг аксари аёллар эканини, маълум қилишяпти. Ўғри киши ва ўғри аёл, дейиши, қуръоннинг мўъжизаларидандир.

Умар ибн Хаттоб даврида, бир вилоятда, очарчилик содир бўлганда, ўғрини қўлини чопишни маън қилган эканлар. Очликни таъминлай олмаганликлари учун, очлик сабаблик, овқат ўғирлаган одамни, қўлини кесмаган эканлар. Икки ходим бировни туясини ўғирлагани маълум бўлди. Умар ибн Хаттоб олдига олиб келдилар. Нима сабабдан ўғирладинглар? деганда, очлик, дейишди. Текширсалар, ҳақиқатданда очлик. Умар ибн Хаттоб Аллоҳ рози бўлсин у кишидан, шу ходимни пешвосини чақириб, туяни бозордаги нархи нима? дедилар. Шунча, дейилганда, икки баробар нархини икковига бўлиб бердилар. Ислом низомидан кишилар қўрқмасин!

Ислом низоми аввал уларнинг қалбини обод қилиб, қоринларини овқат билан тўйдириб, ундан кейин, ўғирлик қилган кишининг, қўлини кесади. Ислом низоми татбиқ қилинган тўрт юз йил муддат ичида, олтига ўғрининг қўли кесилганлиги, тарихда қолган. Яъни, Ислом жамиятида, тўрт юз йилда, олтига ўғри вужудга келган. Ислом низоми аввал кишиларнинг қалбини имон билан обод қилади. Аллоҳнинг назоратини тиклайди. Болаларни гўдакликдан тарбия қилади.

Мударрислар ҳассос бўлади. Ўзининг тарбия қилаётган болаларга, Аллоҳ доим кўриб турувчи эканлигини ўргатади. Болалар оиладаги таълимдан кейин, шу мадрасаларда таълим олишади.

Мисол қилиб айтсак, мана бу ўқувчи билан мударрис ўртасидаги воқеъа ҳам, шунга далолат қилади. Мударрисларнинг биттаси, ҳеч ким кўрмаган ерда, биттадан товуқ сўйиб келишга буюрди. Болалар сўйиб келишади. Биттаси тирик товуқни олиб келди. Унга сен нега сўймадинг? Деса, у мен ҳеч ким кўрмайдиган жой тополмадим, дейди. Сени ким кўрди? Деса, ҳаммадан бекитсамда, Аллоҳдан бекитолмадим, дейди.

Менга буюрилган нарсаси, ҳеч ким кўрмаган ерда, товуқни сўйиб келишлик эди. Бу имконият менда йўқ, деди. Аллоҳ ҳамма ерда кўриб туради, деди. Бу мударрис ўзининг ўқувчиларига, Аллоҳ ҳамма ерда кўриб туришни билдирмоқчи бўлганди. Мана, бу таълим мадрасада бўлади. Бу таълимдан кейин, ҳам очлик бўлса, қўл кесилмайди. Очлик билан таъминланганидан кейин ҳам, ўғирлик қилса, у разил одамдир. У қўли кесилишликка лойиқ бўлган одамдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг ҳукмида ҳикматлидир.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " لعن الله السارق الذي يسرق البيضة فتقطع يده ويسرق الحبل فتقطع يده

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўғрини лаънатладилар: Аллоҳ ўғрига лаънат қилсинки, ўғирлик қилиб, қўли кесилади.

Бир бармоғи оғриганда, бутун молу мулкни бериб, уни даволатишга рози бўладиган инсонни, шу ўғирлик, озгина нарса учун, қўлидан ажралишга ва яна лаънат олишига сабаб бўлади. Ундан ташқари қўл доим очиқ, кўриниб туради. Қўлсиз одамни кўрсангиз, ўғри эканлиги билинади. Одамлар умрбодлик хижолатни, кўтариб юради. Ўзининг авлодига ҳам, қўйиб кетади. Бунинг тагида, биз билмаган кўп ҳикматлар бордир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг ҳукмида қудратлик ва ҳикматлик бўлган Зотдир.

وعن عائشة رضي الله عنها قالت: كانت مخزومية تستعير المتاع وتجده فأمر النبي صلى الله عليه وسلم بقطع يدها فأتى أهلها أسامة بن زيد فكلّموه فيها فكلّم النبي صلى الله عليه وسلم فقال له النبي صلى الله عليه وسلم: " يا أسامة لا أراك تشفع في حد من حدود الله تعالى ثم قام النبي صلى الله عليه وسلم خطيباً فقال: " إنما أهلك من كان قبلكم أنهم كانوا إذا سرق فيهم الشريف تركوه وإذا سرق فيهم الضعيف قطعوه والذي نفسي بيده لو أن فاطمة بنت محمد سرقت لقطعت يدها " . فقطع يد المخزومية

Махзумийя қабиласи Қурайшнинг энг улуғ қабиласи, ҳисобланарди. Шу қабиладан чиққан бир аёл, ўғирлик қилди. Бу аёлни қўлини қирқишликдан илгари, уни бошқа жазога алмаштиришга ҳаракат қилдилар. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари, у кишининг Низоми қанақа эканлигига, далолат қилади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам энг яхши кўрган киши, Усома ибн Зайд эди. Уни ниҳоятда яхши кўрардилар. Унинг дадасини ҳам, яхши кўрардилар. (Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тутинган боласи, Зайднинг ўғли эди) Бу нарса саҳобалар орасида фош эди. Мана, бу кишини танлашди. Ҳамма вақтдаги каби, бирор бир нарсани ҳукмини бузишлик учун, яқинроқ одамни танлаганга ўхшаган. Мабодо, яхши кўрган кишининг сўзи билан ўзгарганларида, Усома ибн Зайднинг сўзи билан, ўзгарган бўлардилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам. Усома ибн Зайд кириб, шуни илтимос қилди.

Шунда айтдиларки, Эй Усома, Аллоҳнинг ҳудудида, сени илтимос қилиб келган ҳолатда кўрмайин, дедилар. Кейин, масжидга чиқиб, хутба ўқидилар. Сизлардан илгариги одамларни ҳалок қилган нарса, шарафлик кишилар ўғирлик қилганда, яъни, жиноят қилганда, уни қўйиб қўйишган. Катта одамнинг фарзанди ё, катта оиладан деб, заиф одамлар жиноят қилса, қўлини қирқишган. Нафсим қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима ўғирлик қилса, қўлини кесаман, дедилар. Фотима деганда, бошқа Фотима тушуниб қолинмасин деб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи, Фотима ўғирлик қилса, қўлини кесаман, дедилар. Кейин, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлни, қўлини қирқишликка буюрдилар.

24. Йўлтўсарлик

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда, Йўлтўсарликни қоралади ва жазосини ҳам қаттиқ қилди.

إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِنْ خَلْفٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ ۚ ذَلِكَ لَهُمْ جُزْءٌ فِي الدُّنْيَا وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ

Моида сураси 33 оят

Йўлтўсарликни, Мўминларга тажовуз қилишликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзига ва Расулига қарши тажовуз деб, ҳисоблади. Аллоҳ ва Расули билан жанг қилаётган кишилар жазоси, ерда бузғунчилик қилаётган кишиларнинг жазоси, жасадларини қирқиб қатл қилинишлик, ёки, осиб ўлдиришлик, ёки, қўл оёқлари алмашган ҳолатда кесилишлиги ёинки, ердан сургун қилишлиқдир. Уламолар турлича тафсир қилишганлар. Агар одамларнинг молларини олиб, қатл қилган бўлса, жасадлари қаттиқ қирқилиб, қатл қилинади. Бошқа жазолар ҳам, қилмишининг оғир енгиллигига қараб, ижро қилинади.

Хаббоб ибн Арат разияллоҳу анҳу кўп азоб тортган пайтида, (Маккадаги пайтлар) Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларга келиб, Каъбанинг олдида, чопонларини бошларига қўйиб ётгандилар, ё Расулуллоҳ, бу мушриклар кўп азоб бераёпти. Бизларга дуо қилинг, Аллоҳ ёрдам берсин, деганларида, ўринларидан туриб ўтирдиларда, унга қараб, сизлардан илгаригилар, бундан қаттиқ синовларга сабр қилишган, дедилар. Темир тароқ билан баданларини тирнаб, гўштлирини суякларидан ажратиб ташланида, сабр қилишган. (Яъни, диндан қайтмасдан, ўлиб кетишган) Бошларидан арра тортиб, бўлиб ташлашганда, сабр қилишган. (Яъни, динидан қайтмасдан, ўлиб кетишган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг ҳақ динига ёрдам беради, дедилар. Ислом адолати ёйилади. Энг даҳшатлик йўлтўсарлар билан тўла бўлган, Хазарул Мавт билан, Санов орасидаги масофада, киши бемалол молу мулки билан кетаверади. Аллоҳдан кўрқади, қўйи бўлса, Бўри еб қўйишидан кўрқади халос, дедилар. Буни башорат бердилар. Ислом адолати билан, шундай покиза ҳаёт вужудга келди, биродарлар. Ислом тарихи бунга далолат қилади. Қўйи бўлса, Бўри еб қўйишидан кўрқади халос, дедилар. Қўй ва Бўри шариатга бўйсунмайди. Яъни, инсонлар ўртасида зулм қолмайди, ҳайвонлар орасида қолади халос, дедилар.

25. Ёлғон қасам ичиш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда,

إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ لَا خَلَاقَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

Оли Имрон сураси 77 оят

Аллоҳ номига ичган қасамини ва берган аҳдини озгина молга сотганлар, булар охиратдан улуши йўқ одамлар, деди. Булар охиратдан маҳрум бўлган одамлар, деди. Қиёмат кунида, Аллоҳ уларга гапирмайди, ва қарамайди ва покламайди ва уларга аламлантирувчи азоб бор, деди.

Ёлғон қасам, эгасини гуноҳга чўктириб юборадиган гуноҳдир.

Ёлғон қасам, нима учун ичилади? Бирорта жасадига етадиган азобдан кўрқиб ичади. Ёки, молу мулкни қўлга келтиришлик учун, ичади. Ёинки, ўзининг нотўғри ҳаётини, тўғри деб, кўрсатишлик учун, қасам ичади. Ислом унинг зоҳирига кифояланади. Қасамни, ҳаммадан талаб қилинмайди. Икки киши қози ҳузурига, хусумат қилиб келса, даъвога ҳужжат талаб қилинади.

Менинг фалончида ҳаққим бор, деса, ҳужжат сўралади. Ҳужжатим йўқ, гувоҳим ҳам йўқ, деса, униси инкор қилса, шунда қасамга буюрилади. Мўмин одам, ёлғон қасам нималигини тушунади. Шу ерда, ёлғон қасам ичса, гуноҳ дарёсига чўкиб кетишини, охиратдан маҳрум бўлишини, Қиёмат кунида, Аллоҳ унга гапирмаслигини ва қарамаслигини ва покламаслигини, унга аламлантирувчи азоб борлигини билади.

Шу ўринда қасам ичишликдан бош тартади. Ҳаққи бор менда, бераман, дейди. Ҳужжати бўлса, қасам ичишга ҳожат бўлмайди. Баъзиларда, бу ҳозирги кунда, қасам ичишликдан осони йўқ. Бизнинг ҳақларимиз зойеъ бўлиб кетаверар эканда? деган фикр келади. Ислом бир одамга ҳақни беришдан илгари, китобат қилишни ва иккита гувоҳ ҳозирлашликни буюрган. Бу буйруқни қилмагандан кейин, айби ўзида. Далили бўлмаса, бош тортган одамга қасам берилади. Иккови ҳам қасам ичса, унда, икковларини ҳам, охиратда ҳал бўлади деб, қўйиб юборилади. Иккиовингиздан биттангиз ҳақсиз. Лекин, бу бизга номаълум деб, қўйиб юборилади. Қиёматга қолади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам

وعن عبد الله بن مسعود قال سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: " من حلف على مال امرئ مسلم بغير حق
" لقي الله وهو عليه غضبان "

Ким бир мусулмоннинг молини ноҳақдан олиш учун, Аллоҳ номига ёлғон қасам ичган бўлса, Аллоҳни унга ғазаб қилган ҳолда учратади, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тўртта кабира гуноҳни санаганларида, биттаси шу, ёлғон қасам ичишлик, дедилар.

وقال صلى الله عليه وسلم: " الكبائر الإشراف بالله وعقوق الوالدين وقتل النفس واليمين الغموس " . أخرجه البخاري في صحيحه

1. Аллоҳга ширк келтиришлик.
2. Ота онага оқ бўлишлик.
3. Одамни ноҳақ ўлдиришлик.
4. Ёлғон қасам ичишлик.

Ёлғон қасам ичишлик, Одамни ноҳақ ўлдиришлик қаторида, зикр қилинди.

Қасам Аллоҳнинг номига ичилади. Пайғамбар номига, Фаришталар номига, Каъба, осмон, дарё ва бошқа нарсалар номига, қасам ичилмайди.

رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: " من حلف بغير الله فقد كفر وأشرك " . رواه الترمذي وحسنه ابن حبان في صحيحه

Ким Аллоҳнинг номидан, бошқанинг номига қасам ичган бўлса, мушрик бўлибди, дедилар.

26. Зулм қилиш билан одамлар молини ейиш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади:

وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَفْلًا عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ
Иброҳим сураси 42 оят

Инсон бу ҳаётдаги зулмларни кўриб, Аллоҳ кўриб турибдимикан? деган, хаёлга келиб кетади. Ўзининг дўстларига, золимлар зулм қилиб, масхара қилаётганини кўриб туриб, булар Аллоҳнинг буйруғини қилаётган бўлсаю, бу Аллоҳнинг душмани бўлсаю, Аллоҳ бундан ўч олмаяпди, деб, ҳайрон бўлиб қолади. Лекин, бу имоннинг сустлигидир, биродарлар. Имон, албатта, имтихонланишлиги керак!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади: Одамлар имон келтирдик дегач, шу билан жасадларигаям, молларига ҳам, зарар етмасдан, имтихон қилинмасдан ташлаб қўйиламиз деб, (жаннатга тўғри кириб кетамиз деб,) ўйлашадими? Биз улардан аввалгиларни ҳам имтихон қилганмиз. Буларни ҳам имтихон қиламиз. Ким имонида содиқ ва ким имонида козиб, бу нарсани ҳам, маълум қилиб қўямиз, дейди.

Жамоатлар кўп бўлаверади. Имони имтихон қилинганда, жамоанинг кўпи тушиб қолади. Яна имтихон оғирлашганда, яна бир қисми тушиб қолаверади. Охири, жаннатга кирадиган саф қолади. Лекин, оқибат, (ғалаба) барибир, ҳақ йўлдаги кишиларники бўлади. Бу Аллоҳнинг суннати. Бу суннат, ҳеч қачон ўзгармайди. Узоқ ва яқин тарихга назар ташланг! Ёмғирлик кундаги қўйга ўхшаб қолган саҳобалар, зикри қиёматгача йўқолмай қолди. Ҳар жума кунда хутбаларда, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин деб, дуолар қилинади.

Аллоҳ йўлидаги кишиларни, инсонлар ўз даврида танимаган бўлсаларда, уларнинг авлодлари, дадаларини эсдан чиқарса ҳам, уларни эсидан чиқармайди. Аждодлари уларни қатл қилган. Уларнинг айблари фақат, Аллоҳга чақириш бўлган. Мана буларга зулм қилган золимлар қиёматгача малъун бўлиб қолди. Авлодлари ҳам, иснод билан яшашади. Қиёматгача шундай бўлади. Тарихда, ҳар бир кишига бўлган зулмга, кўп кишилар (ўлмасидан олдинроқ) ҳаётда билиб қолганлар (қилмишига) аттанг қилганини. Имоми Бухорий ҳадис илмининг имоми. Инсон тарихи ҳадис илмида, ҳали бунақа кишини учратгани йўқ, биродарлар! Қиёматгача учрайдими? Аллоҳ билади.

Бу кишни Самарқанддан чиқариб ташланди. Бухорога киргизмасликка буйруқ бўлди. Шу киши ўзининг даврида, шундай бўлди. Ер юзи мусулмонларининг устози бўлиб қолди, бу киши. Бу киши дуолари ижобат эди. Ижобат бўлган дуоларини золимларнинг йўқ бўлишига қилмадилар. Аллоҳнинг ҳузурига кетишликни сўрадилар. Шу вақтда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло у кишининг руҳини олди. Бу кишини дафн қилган кишилар, уни танимадилар. Дафн қилишлиги билан, қабрларидан хушбўй ҳид тарқалиб кетди. Қабрларини кейин топиш қийин бўлди.

Ҳаммалари бир ҳовучдан, тупроқ олиб кетдилар. Бу золим қавмдан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қаттиқ қасос олди. Ўзининг шариат пешвосини шаҳарга сиғдирмай турган вақтида, тамошо қилиб турган халқдан, қаттиқ қасос олди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу оятда, золимлар қилаётган ишдан, Аллоҳни ғофил деб, ҳаргиз ўйламанг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, деяпти.

Иншааллоҳ, ҳақ йўлда, бир киши, бир кун яшаса, у тарих саҳифасида қолади. Уни авлодлар билади. Уни доим дуо қиладилар. Зулм қилган одам, лаънатланади. Авлодлари ҳам, лаънатланади. У шу дунёнинг ўзида, лаънатхона ичида қолади. Охиратда эса, зулм, қиёмат кундаги қоронғуликлардир. Мана бу нарса, Аллоҳнинг суннати. Бу суннати ўзгармайди. Қаранг яқин ва узоқ тарихни, қайси золим яхши зикр билан қолди? Ҳамма золим лаънатланиб қолди. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога ҳамд айтиш керакки, мўмин одам, золим бўлиб қолмаганига.

Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эшикни очиб, чиқишлари билан, Эй Аллоҳ Сендан паноҳ истайман тойиниб (адашиб) кетишлиқдан, ё бировни тойинтириб қўйишлиқдан. Ё бировга зулм қилишлиқдан, ё биров менга зулм қилишидан, паноҳ истайман, дер эканлар. Шунинг учун, мўмин киши, эшикни очиб, ҳаётга чиқиб кетаётганида, бировга зулм қилишлиқдан, паноҳ истайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг дўстларига, кўп зулмлар етишининг ҳикматини Ўзи билади. Ўзининг ҳузурига покиза қилиб олади, дўстларини. Буларга шу зулмларни тортишлиги билан, эни коиноту ерча келадиган жаннатда бўлишлигини, ирода қилади. Ва шу золимни, ўзининг танасидан оққан йирингни ейишликка, сазовор қилади, шундай пок дўстига зулм берганлиги билан. У ҳам, жаҳаннамга тайёрларлик кўришлиги керак! Жаҳаннам ўтини бўлишлик ҳам, осонмас. Аллоҳнинг дўстларига зарар етказишлиги керак у.

Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда, зулмни қаттиқ айтилганидек, бошқа нарса айтилганмас, биродарлар. Золимлар қиёмат куни, Эй роббимиз, бир озгина муҳлат бўлса ҳам, ҳаётга қайтаргин! Сенинг чақиригинга ижобат қилайлик. Пайғамбарларни ижобат қилайлик. Шуларга эргашайлик. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, сизлар золимларнинг оқибатини билгансизлар ҳаётда, дейди. Шу ерда турган ҳаммамиз, ва золимлар ҳам, билишадики, ҳаётда золимларнинг оқибати нима бўлганини билмайдиган одам йўқ, биродарлар!

Баъзи одамларнинг тарихи, ҳаётда махфий қолса ҳам, золимларники махфий қолмайди. Золимлар ҳаммага маълум бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга, сизлар золимларнинг оқибатини билгансизлар ҳаётда, дейди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳадиси қудсийда айтади:

وقال صلى الله عليه وسلم عن ربه تبارك وتعالى: أنه قال: يا عبادي إني حرمت الظلم على نفسي وجعلته بينكم محرماً فلا تظالموا

Эй бандаларим, Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим. Сизларнинг ўрталарингда ҳам, зулмни ҳаром қилдим. Бир бирларинга зулм қилманглар! дейди.

Аллоҳ ҳеч бандаларига зулм қилмайди. Ҳатто, бирор ҳайвон инсон тарафидан, ноҳақ озорланган бўлса, Аллоҳу таоло уни, энг қувватлик шаклда тирилтиради. Ва у шу золимдан қисос олади. Кейин, тупроққа айланиб кетади. Зулмларнинг биттаси, заиф бўлган одамларга зулм қилишлик. Оилаларига зулм қилишлик. Фақиру етимларга зулм қилишлик. Молларини ейишлик билан, зулм қилишлик. Жасадларига зарар етказишлик билан, зулм қилишлик. Зулмлардан биттаси, беришга қодир бўлиб туриб, қарзини кечиктириб беришлиқдир. Яъни, сизни бировдан қарзингиз бор эди. Буни топдингиз.

Шуни фойдаланиб олай деб, кечиктириб беришингиз зулмдир. Қарзини бермасликмас, кечиктириб беришингиз, зулмдир. Иқтисод илоҳи ҳужум қилганида, мана буни унутмаслик керак. Ҳозирги кунда, ҳаёт иқтисод, тижорат деган маънони, ҳамманинг қалбига куйишликка, ҳаракат бўлаяпти. Бадавлат одамнинг қарзини кечиктириб бериши, бу зулмдир. Аллоҳу таоло ундан баракотни кўтаради. Аллоҳ бу золимлар қилаётган ишдан ғофилмас. Шуни яхши билиб қўймоқлигимиз керак! Зулм жумласидандир, золимга ёрдам беришлигимиз.

حديث صحيح شرحه النبي ﷺ، قال ﷺ: انصر أخاك ظالماً أو مظلوماً، وهذه كلمة تقولها العرب، وكان العرب عندهم تعصب ينصرون أصحابهم وإن ظلموا، واشتهر عندهم هذا: (انصر أخاك ظالماً أو مظلوماً)، فلما قاله النبي ﷺ قالوا: يا رسول الله! كيف أنصره ظالماً؟ قال: تحجزه عن الظلم فذلك نصرك إياه،

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: биродаринга золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам, ёрдам бер. Асҳоблар сўрашдики, Ё Расулуллоҳ мазлум бўлсаю, хўп, ёрдам берамиз, золимга қандай ёрдам берамиз? дейишди. Зулмдан тийиб қўйгин! дедилар. Шу унга ёрдамингдир, дедилар.

Аммо, зулмига ёрдам беришлик, бу зулмдир. Биз бундан қайтарилганмиз!

وقال سعيد بن المسيب رحمه الله: لا تملأوا أعينكم من أعوان الظلمة إلا باتكار من قلوبكم لنلا تحبط أعمالكم الصالحة

Саид ибн Мусаййаб айтган эканлар: Кўзларингни золимларнинг ёрдамчиларига қаратманглар, магар инкор билан қаратинглар, токи қилган яхши амалларинг ҳабата бўлиб қолмасин!

27 Золимга ёрдам беришлик

Араб тилида Маккос дейилади. Маккос дегани, Золимга ёрдам берувчилар. Яъни, ўзи ҳам золим. Бу бировлар молини ноҳақ олади ва ноҳақ одамга беради. Мукс, Ислонда катта гуноҳлардандир. Бунга бир мисол, зинокор аёлни тошбўрон қилинганда, Холид ибн Валидни кийимига қон сачради. Шунда, у киши сўкиб юбордилар. Шунда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, тилингни тий, эй Холид, бу маккос бўлганда ҳам, кечириладиган тавба қилди, дедилар. Яъни, бу аёлни тавбаси шунчалик бўлдики, агар у Мукс эгаси бўлса, бировлар молини ноҳақ олиб ва ноҳақ одамга берадиган бўлса ҳам кечириладиган бўлди, дедилар. Бу ерда, бу гуноҳни катталигига ҳам, ишора бор.

Бундай одамлар кимлиги, ҳаммамизнинг кўз олдимизга келиб турибди, биродарлар. Бировлар молини ноҳақ олиб ва ноҳақ одамга берадиган кишилар, кабира гуноҳ қилувчилардир. Бир одам ҳалол касб қилди. Ҳаммага келишилган нарсасини берди. Бунинг молидан олишликка, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ким олса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг жазосини олади. Бировлар молини ноҳақ олиб ва ноҳақ одамга берадиган кишилар ҳаётини текширинг, ўзи ҳам хор бўлган ва авлодлари ҳам хор бўлишган. Бу Аллоҳнинг суннати. Иншааллоҳ, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло хор қилади, бу одамларни.

Лекин, шундай одамлар, баъзи имони заиф кишиларни ажаблантиради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бундай ажабланишликдан, жуда катта одамлар ҳам, саломат қолмаслигини баён қилаяпти. Инсон ҳатто, ҳавас қилиб ҳам қолади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдек зотга хитоб қилиб,

قُلْ لَا يَسْتَوِي الْخَبِيثُ وَالطَّيِّبُ وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ الْخَبِيثِ
Моида сураси 100 оят

Эй Муҳаммад алайҳиссалом, нопок нарса билан, пок нарса баробар бўлмайди, деб айтинг! Агарчи, сизни бу нопок одамнинг молининг кўплиги, ажаблантирса ҳам.

Сизни деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга айтяпти. Демак, биз ҳам ажабланиб қоламиз. Ҳавас пайдо бўлади. Мана шу вақтда, ҳар қанча, унинг кўплиги сизни ҳавасингизни келтирса ҳам, «нопок нарса билан, пок нарса баробар бўлмайди, буни билинг!» деяпти Аллоҳу таоло!

28 Ҳаром ейишлик

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتَذَلُّوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِإِثْمٍ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ"
Бақара сураси 188 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир бирларингни молингларни ноҳақ еманглар, деяпди. Молни ноҳақ ейишлик, ҳаёт майдонларини кўпини, ўз ичига олади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Анас ибн Моликка айтган эканлар:

وعن أنس رضي الله عنه قال قلت يا رسول الله: أدع الله أن يجعلني مستجاب الدعوة فقال صلى الله عليه وسلم: " يا أنس أظب كسبك تجب دعوتك فإن الرجل ليرفع اللقمة من الحرام إلى فيه فلا يستجاب له دعوة أربعين يوماً

Эй Анас, касбингни покиза қил, дуоинг ижобат бўлади. (Ҳадиснинг давоми: Киши ҳаром луқмани оғзига олиб борса, унинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмайди)

Дуоларнинг қабул бўлмаётгани сабаби шундандир, биродарлар.

وروى البيهقي بإسناده إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " إن الله قسم بينكم أخلاقكم كما قسم بينكم أرزاقكم وأن الله يعطي الدنيا من يحب ومن لا يحب ولا يعطي الدين إلا من يحب فمن أعطاه الله الدين فقد أحبه ولا يكسب عبد مالا حراماً فينفق منه فيبارك له فيه ولا يتصدق منه فيقبل منه ولا يتركه خلف ظهره إلا كان زاده إلى النار. إن الله لا يحو السيء بالسيء ولكن يحو السيء بالحسن

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳу таоло сизларни хулқингларни тақсимлаб қўйди, худди ризқларингни тақсимлаб қўйгандек.

Бунинг маъноси, бир одам бир ишни, тезлик билан ҳал қилади. Бир одам мулойимлик билан, бир одам мурувват қилиб, эҳсон билан ҳал қилади. Бир одам, муҳтожлик, сабри билан ҳал қилади. Бу хулқлар тақсимланган, биродарлар. Худди ризқларимиз тақсимлаб қўйилгандек. Мулойим табиат одам, ҳамма ишни мулойимлик билан ҳал қилади. У шиддат билан ҳал қилмайди. Аллоҳу таоло дунёни яхши кўрганига ҳам беради. Яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Дунё инсонни, Аллоҳ яхши кўрганига далолат қилмайди, биродарлар! Аллоҳу таоло дунёни яхши кўрганига ҳам беради. Яхши кўрмаганига ҳам бераверади.

Динни фақат, яхши кўрганига беради. Бир одам диндор бўлса, Аллоҳнинг буюрганига ижтиҳод қилса, қайтарганидан қайтиб юрса, мана бу уни, Аллоҳ яхши кўрганига далолат қилади. Инсон ҳаром молни топса, уч нарсадан бошқа нарса қилолмайди. Ё уни ўзига сарфлайди. Аллоҳ ундан баракотни кўтаради. Ҳаром молда баракот бўлмайди. Ё уни бировга садақа қилиб юборади. Аллоҳ уни қабул қилмайди. Бундан бошқа нима қилади? Ортида қолдириб кетади. Қолдириб кетса, охиратга олиб кетадиган, ўт бўлади. Бу учовидан бошқа нарса қилишни иложи бўлса, айтинг! Бошқа нарса қилишни иложи йўқ!

Демак, ҳаром молни ўзига ишлатса баракот бўлмайди. (Ўшандан кутган натижага эришмайди) Садақа қилса, Аллоҳ уни қабул қилмайди. Қўйиб кетса, жаҳаннамга ўт бўлади. Ўзи билан жаҳаннамнинг ўтини олиб кетади.

Садақотлар гуноҳларга каффорат бўлади дедик. Мана бу ҳадисда айтяпди, Аллоҳ нопок нарсани, нопок нарса билан ювмайди. Нопок нарсани, пок нарса билан покланади. Ҳеч эшитганмисиз, кир бўлган либосни, ахлат аралашган сув билан, ювилганини?!

Худди, кир либосни, покиза сув билан ювишга, биз ҳаракат қилганимиздек, кир бўлган гуноҳимизни ювиш учун, ҳалол касб билан топган пулдан, эҳсон қилмоғимиз керак! Ўзимизга сарф қилсак, баракот бўлади. Садақот қилсак, Аллоҳ қабул қилади. Қўйиб кетсак, покиза мерос бўлади.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لا يدخل الجنة جسد غدي بالحرام

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ҳаром озиқланган жасад, жаннатга кирмайди, дедилар.

Жасадга ҳаромдан гўшт ўсиб чиқса, Аллоҳу таоло буни жаҳаннамда куйдиради, деган ҳадиси шарифлар бор.

Абу Бакр Сиддиқнинг бир ғуломлари бор эди. У кишига таом олиб келарди. Бир куни таом олиб келганида, едилар. Шунда, у сўради, нима олиб келдим, Билдингизми? Деди. Шунда, у айтдики, мен жоҳилият даврида фолбинлик қилардим. Бир кишига фол очганимда, у ҳеч нарсга бермай кетувди. Шундан кўриб қолдим. У ўшани ҳаққини берди. Шу пулга таом олиб келдим, деди. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу қўлларини оғизларига солиб, қоринлари холи бўлгунча қайт қилиб, чиқариб ташладилар. Шу озгина овқатга, ўзизни шунча қийнайсизми? дейишганда, агар шу овқат, жоним билан бирга чиққанида ҳам, чиқариб ташлардим, дедилар.

كان لأبي بكر غلام يخرج له الخراج أي قد كاتبه على مال وكان يجنيه كل يوم بخراجه فيسأله من أين أتيت بها فإن رضي به أكله وإلا تركه. قال فجاءه ذات ليلة بطعام وكان أبو بكر صائماً فأكل منه لقمة ونسي أن يسأله ثم قال له: من أين جئت بهذا؟ فقال: كنت تكهنت لأناس بالجاهلية وما كنت أحسن الكهانة إلا أنني خدعتهم. فقال أبو بكر: أف لك كدت تهلكني ثم أدخل يده في فيه فجعل يتقيأ ولا يخرج فقيل له: إنها لا تخرج إلا بالماء فدعا بماء فجعل يشرب ويتقيأ حتى قاء كل شيء في بطنه فقيل له: يرحمك الله كل هذا من أجل هذه اللقمة فقال رضي الله عنه: لو لم تخرج إلا مع نفسي لأخرجتها. إني سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: " كل جسد نبت من سحت فالنار أولى به ". فخشيت أن ينبت بذلك في جسدي من هذه اللقمة

Мен Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитганманки, ҳар бир жасад, ҳаромдан унган бўлса, ўт унга лойикроқдир, деганларини эшитганман, дедилар. Агар шу овқат, жоним билан бирга чиққанида ҳам, чиқариб ташлардим, дедилар. Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ана шундай, тақводор бандалардан бўлганлар.

Мумкин, ҳозирги асрда, одамлар диндан беҳабар даврда, тарғиб учун бир айтиб қўйиладиган гап бу, дейишлари мумкин?! Лекин, биз ҳақ деб, биламиз бу нарсани. Ўзимизнинг тарихимизда бўлган. Тўғри, улар ишонмасликка ҳаққи бор. Уларнинг тарихида бунақа нарсанинг, бўйи ҳам бўлганмас. Уларнинг тарихи, нопокликлар билан тўла. Шунинг учун, ишонмасликка ҳаққи бор. Лекин, аҳли Ислом, ўзларининг тарихини билишади.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу, саҳобалар ва тобеъинларни билишади ва улар билан фахрланишади ва улар чиққан чўққига чиқишга, ҳаракат қилиб яшашади. Биз ҳеч кимнинг тарихини билишликка, ҳожатимиз йўқ. Ислом ўзининг тарбияси билан, буюк инсонларни юзага чиқарган. Мана булардан биз, ибрат олмоғимиз керак!

29 Ўзини ўзи қатл қилиш

لَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا * وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ عُدْوَانًا وَظُلْمًا فَسَوْفَ نُصْلِيهِ نَارًا وَكَانَ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرًا

Нисо сураси 29,30 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзингизни ўзингиз ўлдирманг! Аллоҳ сизларга меҳрибондир! Ким ҳаддидан ошиб, зулм қилиб, ўзини ўзи ўлдирса, уни келажақда жаҳаннамга киргизамиз, дейди.

Ўзини ўзи ўлдиришлик бу. Имон ва ислом аҳлидан содир бўлиши мумкинмасдир, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бундан, ҳамма мусулмонларни сақласин!

30 Гапининг кўпида кизб гапириш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаётини кизб ва ёлғон билан ўтказаётганларга ва Аллоҳу Расулига нисбатан ёлғон сўзлаётганларга, лаънат эълон қилди.

أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَيْهِ إِنْ كَانَ مِنَ الْكَاذِبِينَ
Нур сураси 7 оят

Золимларга ва кофирларга лаънат эълон қилингани қаторида, кизб билан гапирувчиларга ҳам, лаънат эълон қилди.

وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا ۖ أُولَٰئِكَ يُعْرَضُونَ عَلَىٰ رَبِّهِمْ وَيَقُولُ الْأَشْهُدُ هَٰؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَىٰ رَبِّهِمْ ۚ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى
Худ сураси 18 оят

فُقِيلَ الْخَرَّاصُونَ:
Зориёт сураси 10 оят

Тахмин билан ёлғон сўз гапирувчилар ҳалок бўлди.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ
Ғофир сураси 28 оят

Ҳаддан ошиб, ёлғон гапирувчи кимсани, Аллоҳ тўғри йўлга ҳидоят қилмайди.

Ҳадиси шарифларда:

وفي الصحيحين عن ابن مسعود قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم " إن الصدق يهدي إلى البر وإن البر يهدي إلى الجنة وما يزال الرجل يصدق ويتحرى الصدق حتى يكتب عند الله صديقاً. وإن الكذب يهدي إلى الفجور وإن الفجور يهدي إلى النار وما يزال الرجل يكذب ويتحرى الكذب حتى يكتب عند الله كذاباً

Тўғри сўз яхшиликка йўллайди, ва кўп яхшиликлар жаннатга йўллайди. Киши бирданига, эртасига тўғри гапирадиган бўлиб қолмайди. Киши тўғри гапириб бораверади, бирма бир тўғри гапириб бораверадида, Аллоҳнинг ҳузурида, тўғри гапирувчилар ва тўғри муомила қилувчилар сафидан, ўрин олади. Ёлғон гуноҳга йўллайди. Гуноҳ жаҳаннамга йўллайди. Инсон эрта билан турганида бирдан каззоб бўлиб қолмайди. Битта битта кизбни гапириб бораверадида, Аллоҳнинг ҳузурида, каззоблар жумласидан ўрин олади.

Кизбни энг ёмони, Аллоҳга кизб қилишлик. Қуръон оятларини, Аллоҳнинг бу оятдан бўлган маъносини, ўзининг мақсадига буриб гапиришлик. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзни, айтди дейишлик, Аллоҳ сақласин, бу энг катта гуноҳлардандир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ким, менга ёлғон сўзлаган бўлса, жойини жаҳаннамдан тайёрлаб, кейин гапирсин, дедилар.

Ҳадисни айтувчи биродарларга ҳам, айтаманки, мабодо ҳадис айтмоқчи бўлсанглар, шу ҳадисни ким ривоят қилганлигини китобга қараб ўқиб беринглар. Мабодо, хато бўлиб қолса ҳам, шу ривоят қилувчининг масъулиятида бўлади. Бу ҳадис қаердан олинган? Имоми Бухорийми, имоми Муслимми, мана бу нарсани айтишлик, бу ҳам эҳтиёткорлик жумласидандир. Шунинг учун ҳам, мана Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, ҳар бир ҳадисни ким ривоят қилган ва қайси китобдан, буни айтишимизнинг сири шуки, кўрқамизки, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзни, айтди деб, қўйишлиқдан. Ислом оламнинг вайрон бўлиши, мана шундандир, биродарлар.

Яҳуд ва насоролар, ислом оламининг китобларига, текширув ва назоратдан бепарво бўлган соатларда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтмаган сўзни, айтди деб, қўшиб юборганлар. Ислом оламидаги ҳар хил афсона ва тўқима гаплар, вужудга келиб қолишлигининг сири шу. Шунинг учун, ҳар бир ҳадиснинг қаердан олинганини айтиб, ўқишга биз маъмурмиз, биродарлар!

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга ёрдам бераётганларга ёрдам берсин! Зарар етказаётганларга кифоя қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

65 дарс тугади

66 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 7 қисм

(Саккизта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, ўттиз биринчи гуноҳи кабирадан то ўттиз тўққизинчигача, дарс бўлади. Ўртада хатолик бўлиб, битта ўттиз бешинчи сонли гуноҳи кабира айtilмай кетилган. (Имоми Заҳабийнинг китобида 35 чи гуноҳи кабира, аёлнинг розилигисиз мажбурлаб никоҳланиш» дейилган.) Қори ака 34 дарсдан кейин, 36 дарсга ўтиб кетганлар. Жами бу дарсда саккизта гуноҳи кабира, зикр қилинади. Бу дарс шу силсиладаги, еттинчи дарсдир)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ хидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни хидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда:

إِنْ تَجْتَبِئُوا كِبَائِرَ مَا تَنْهَوْنَ عَنْهُ نَغْفِرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلْكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا
Нисо сураси 31 оят

Агар сизлар қайтарилган гуноҳи кабиралардан тийилсанглар, бошқа гуноҳларингни кечирамиз ва улуғ даргоҳ, жаннатга олиб кирамиз дейди.

Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларнинг ичида, гуноҳи кабираларни тайин қилганлигини, мана бу оятда, бир очиқ эълон беради. Демак, бу гуноҳи кабиралардан тийилишлигимиз, бошқа гуноҳларга каффорат эканлиги муқаррардир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони тўғри танишлик, бу ақидани воқеъга боғланишлиги, гуноҳи кабиралардан тийилишликка сабаб бўлади. Воқеъга боғланмаган ақида, бу ақидамас. Аллоҳнинг дўстини дўст тутмаган ва душманини душман тутмаган ҳаёт, бу саҳиҳ ақида устига қурилган ҳаётмас. Аллоҳ маън қилган нарсалардан тийилмасдан туриб, саҳиҳ ақидани даъво қилишлик, бу ҳам тўғримас, биродарлар. Аллоҳ буюрган нарсаларни қилмасдан туриб, саҳиҳ ақидани даъво қилишлик, бу нотўғри даъводир.

Ақида воқеъга боғланмаган бўлса, уни саҳиҳ ақида деб, атамаймиз биродарлар. Демак, гуноҳи кабиралардан тийилган ҳаёт, бу тўғри ақида устига қурилган ҳаётдир! Ислон душманлари, ҳаётдан ажралган тушунчани, бизга Ислон деб, кўрсатган. Инсон беш вақт намоз ўқигандан кейин, ҳаётда хоҳлаган нарсасини қилиб яшаши мумкин эмас.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир ҳукми қилар экан, модомики, инсон имонни даъво қилар экан, бу ҳукми қилиш ё, қилмасликда, ихтиёри бўлиши мумкин эмас.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا
Аҳзоб сураси 36 оят

Мўмин киши ва мўмина аёл бўлсин, Аллоҳ ва Расули бир ҳукми қилган бўлса, унда ихтиёри бўлиши мумкин эмас. Яъни, хоҳласа қилиб, хоҳласа қилмаслиги мумкинмас, модомики, Мўмин киши ва мўмина аёл бўлса?! Ким Аллоҳ ва Расулига осий бўлса, очиқдан очиқ адашибди.

Шунинг учун биз, буюрилган ва қайтарилган ҳукмларни, қабул қилишликка мажбурмиз. Мухтормасмиз. Модомики, имонни даъво қилар эканмиз?! Мана шу тушунчани йўқлиги, бизни замони саодатдаги исломдан узоқлаштирди. Мана шундай тушуниб амал қилишлик, саҳобаларнинг ва уларга эргашганларнинг сифати бўлди. Шу билан Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга нусрат берди. Дунё ва охиратда саодатлик бўлдилар. Мана шу тушунчани йўқлиги учун, биз дунёда бахтсиз бўлдик. (Яъни, динни ҳукмлари амалий суратда, ҳаётимизда топилмагани учун, бахтсиз бўлдик.)

Бизда, Исломни исмигина қолди. Ислом фақат меҳробда бўлиб, меҳробдан кейин, хоҳлаган нарсани қиладиган ва ўзини мусулмон деб, айтайдиган кишилар вужудга келди. Мана шу тушунчанинг йўқлиги, бизни Исломдан узоқлаштирди. Биз гуноҳи кабиралардан дарс қилаяпмиз экан, бу гуноҳи кабиралардан тийилишлигимиз, саҳиҳ ақида устига қурилган ҳаётни, вужудга келтирмоқлиги керак.

31 Адолатсиз Қози, адолатсиз ҳукм чиқариш

Бир кишига Аллоҳ ҳукм чиқариш мартабасини берган бўлса, шу мартабадан суистеъмол қилиб фойдаланса. Хоҳ икки киши ўртасида ва хоҳ жамиятда. Аллоҳнинг ҳукмини қилмаса, бу гуноҳи кабиралардандир.

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ
Моид сураси 44 оят

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ
Моид сураси 45 оят

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ
Моид сураси 47 оят

Хоҳлаганини танлаб олсин.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "القضاة ثلاثة قاض في الجنة وقاضيان في النار قاض عرف الحق فقاضى به فهو في الجنة وقاض عرف الحق فجار متعمداً فهو في النار وقاض قضى بغير علم فهو في النار". "قالوا فما ذنب الذي يجهل؟ قال: "ذنبه أن لا يكون قاضياً حتى يعلم"

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Қозилар уч хил бўлади. Бир тоифаси жаннатда ва икки тоифаси жаҳаннамда, дедилар. Биринчиси, ҳақни билган ва шу ҳақ билан, ҳукм қилган. Бу жаннатда. Иккинчиси, ҳақни билган ва ҳақ билан ҳукм қилмаган. Бу жаҳаннамда. Учинчиси, билмасдан ҳукм қилган ва у ҳам жаҳаннамда, дедилар.

Сўрашдики, билмай ҳукм қилганни айби нима? У билмасдан туриб, қози бўлиб олгани, айбидир, дедилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من جعل قاضياً فقد ذبح بغير سكين "

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким қози қилинган бўлса, пичоқсиз сўйилибди.

Шунинг учун ҳам, кўп улуғ кишилар бу мансабдан бош тортишган, агарчи ҳукмини билиб, кўп тақволик бўлсалар ҳам. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ, қозилик мансабидан бош тортган кишилардан бўладилар. Ўзлари фикҳда шунчалик моҳир бўлсалар ҳам, қозилик мансабидан бош тортганлар. Шу сабаб билан, жон таслим қилганлар. (Халифа калтаклаб, қамаб қўйган. Ва зиндонда вафот этган)

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وعن عائشة رضي الله عنها قالت: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: " يؤتى بالقاضي العدل يوم القيامة فيلقى من شدة الحساب ما يود أنه لم يقض بين اثنين في ثمرة "

Қиёмат куни адолатли қозини олиб келинади. Ҳисобнинг қаттиқлигидан шундай соат келадики, бир хурмо ҳақида, иккита одам ўртасида ҳукм қилмасам бўлар экан, деб, орзу қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бу йўлланмаси, Исломдаги шундай қозиларни тарбияланишига сабаб бўлдики, машҳур қозилардан бири, Шурайх разияллоҳу анҳу эдилар. (Қози Шурайх ибн Ҳориса ўттиз ёшида имон келтирган. Кўфада олтмиш йил қозилик қилган. 108 ёшида 78 ҳижрий йилда, вафот этган.) Аммо, Ислом ҳукмларини ҳаётдан узоқлашиши, инсонлар эмас, ҳатто ҳайвонлар ҳам, хижолат бўладиган ҳукмларни вужудга келтирди. Адолат мутлақо кўтарилди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам биринчи кўтариладиган нарсаси, омонатдир, деган эканлар.

32 Пора олишлик

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبُطْلِ وَتُدْخُلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لَتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِإِثْمٍ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ

Бақара сураси 188 оят

Ўзаро ноҳақлик билан молингларни еманглар. Шу молни ҳокимларга олиб борманглар. Одамларнинг молларини бир қисмини, гуноҳ билан ейишлик учун.

Инсон нима учун, пора беришликка мажбур бўлади. Бир дунёвий манфаатни қўлга киритиш учун, мажбур бўлади. Ўзининг фикрича мажбур бўлади. Бу нарсаси, одамларнинг молларини гуноҳ билан ейишликка, сабаб бўлади. Қуръони карим ибораси, жуда дақиқдир. Ўртангларда молингларни, ноҳақ еманглар. Шу молни ҳокимларга, олиб борманглар. Одамларнинг молларини бир қисмини, гуноҳ билан ейишлик учун. Молни нима учун, олиб боради? Пора қилиб олиб боришлик, Одамларнинг молларини ноҳақ ейишлик учун қилади. Шу нарсани, билиб туриб қилади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وعن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " لعن الله الراشي والمرتشى في الحكم

Ноҳақ ҳукм чиқариш учун, пора олувчи ва берувчига, Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

Лаънат эълон қилинган тоифалардан бири, пора олувчи ва берувчидир. Ар Роший, бу пора берувчи. Мурташий дегани, порани олувчи киши. Инсон ўзига етаётган зулмни қайтариш учун, бераётган нарсани, пора деб, айтилмайди.

Мисол учун айтганимизда, ўзи унга бир зулм етаяпди. Шу зулмдан қутулиш учун, молини ишлатса, буни пора дейилмайди. (Бу ерда, адолатсиз жамиятдаги, пули эвазига, ноҳақ қамалишдан қутулиб кетишликни, пора эмаслиги, назарда тутилмоқда) Бирор мусулмоннинг зарарига ёки, ўзини ҳаққи бўлмаган нарсага эришиш учун, хоҳ у мартаба бўлсин, хоҳ мол дунё бўлсин, ҳуллас, ўзини ҳаққи бўлмаган нарсани, қўлга киритиш учун берилган нарсани, пора дейилади. Ё бир мусулмонни озорига сабаб бўлиш учун, берилган нарсани, пора деймиз. Лаънат эълон қилинган пора олувчи ва берувчилар, мана шулардир.

33. Эркак ўзини аёлга ўхшатиши ва аёл ўзини эркакка ўхшатиши

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жамиятни эркак ва аёлдан, иборат қилди. Эркак кишини ўзига хос, хусусият билан яратди. Жисмоний кўринишда ҳам, ахлоқда ҳам, табиатда ҳам, зоҳирий ва ботиний кўринишда ҳам, ўзига хос хусусият билан яратди. Аёл кишини ҳам, жисмоний ва руҳий жиҳатидан, ўзига хос хусусият билан, яратди. Аёл кишининг ўзини эркакка ўхшатиши, эркак кишининг ўзини аёлга ўхшатишлиги, бу гуноҳи кабиралардандир.

في الصحيح أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: لعن الله المتشبهات من النساء بالرجال والمتشبهين من الرجال بالنساء"

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: ўзини аёлга ўхшатишган эркакларга ва аёл ўзини эркакларга ўхшатган аёлларга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат калимасини айтган тоифаларнинг биттаси шулардир.

صنفان من أهل النار لم أرهما قوم معهم سياط كأذناب البقر يضربون بها الناس ونساء كاسيات عاريات مائلات مميلات رؤوسهن كأسنمة البخت المائلة لا يدخلن الجنة ولا يجدن ريحها وإن ريحها ليوجد من مسيرة كذا وكذا
أخرجه مسلم

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, икки тоифа жаҳаннам аҳлидандир, мен уларни кўрмадим, дедилар. Яъни, ўзларининг даврларида кўрмаганларига ишорадир. Валлоҳу аълам. Биринчи тоифа. Қўлларида қамчи бор, худди, молнинг думига ўхшаган, шу билан одамларни уришади. Иккинчи тоифа, аёллар, буларни кийими бор деса ҳам, бўлади. Лекин, кийим киймаган деса ҳам, бўлади. Яъни, бутун фитналик жойларини кўрсатиб тургани учун, кийим киймаган деса ҳам, бўлади.

Ғализ авратлари бекилган учун, кийими бор деса ҳам, бўлади. Мойилотин мумилот. Ўзини эрига хос ҳолатда, қиладиган муомилани, бошқаларга қилади. Бошқаларни оилаларини бузадиган қилиқларни қилади. Бошлари худди, туяларнинг ўрқачига ўхшайди. Жаннатга булар кирмайди. Жаннатнинг ҳидини ҳам, топмайди. Жаннатнинг ҳиди, шунча масофадан билиниб туради, дедилар. Бу ҳадис, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидандир. Мен кўрмадим, дедилар. Ўзларининг даврларида кўрмадилар.

Қиёматгача бўлган даврда, шу икки тоифани келишини ва булар жаҳаннам аҳли бўлиши, муқаррар эканини хабарини бердилар.

34 Даюслик

Даюс дегани, оиласига ғайрати, рашки йўқ. Оиласининг бузуқ, фоҳиша ҳолатига эътибор бермайди. Унда ружулат ғурури йўқ. Ҳаё йўқ, орият йўқ, мана бу ҳам гуноҳи кабиралардандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи сақласин! Бу сифат эркак кишида топилиши, мумкин бўлмаган сифатдир. Бу сифат аёл киши ҳам, ёқтирмайдиган сифатдир. Аёл кишилар болалар тарбияси учун, сиёсатлик турмуш ўртоғи бўлишини орзу қилади. Бирорта енгилтаклик содир бўлса, қаттиқ сиёсатлик, турмуш ўртоғи бўлишини орзу қилади.

Бу нарсага мисоллар, ҳаётда ҳам кўп учрайди. Баъзи саволларга жавоб бериб турган кишилар, бунга кўп гувоҳ бўлишган. Бир оиланинг турмуши бузиладиган бўлганида, қариндошлари таклиф қилишганда, мен шуни ислоҳ қилишга борганман. Аёл кишининг сўзи менга жуда таъсир қилди. «Мен бу турмуш ўртоғимда, бирорта хатони билмайман. Шаръан хатоси йўқ. Ислонинг буйруқларини қилади. Ислон қайтарган нарсалардан қайтади. Лекин, мен баъзи бир. Ислонга зид ҳолатларда юрсам ҳам, менга сиёсат қилмайди. Шу камчилиги бор, дейди. Иккита фарзандим бор.

Келажакда яна кўп фарзандлар кўрарман. Менку, Аллоҳдан қўрқиб, ўзимни сақлаб қоларман. Қизларимни, ислонга зид юрган вақтида, уларга сиёсатдон бўлмаслиги, буларнинг келажакини, жуда хатар ҳолатга қўяди. Бундан бошқа айби йўқ. Лекин, мен ажралишга муқаррарман», деди. Аёл кишининг ўзига хос, табиат билан яратган. У ўзининг турмуш ўртоғи, ғайур бўлишлигини талаб қилади. Баъзи хатоларига, қаттиқ огоҳлантиришини истайди.

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ

Нисо сураси 34 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло эр кишиларни, аёлларга раҳбар қилиб қўйди.

Бу дегани, унга зўравон қилиб қўйди, дегани эмас. Бошқалар тарихи зўравонликлар билан тўла бўлса, Ислон тарихи, оилада ҳақиқий раҳбар бўлган, эркаклар тарихи билан тўладир. Тўғри, мусулмонлар ичида ҳам, Ислон ахлоқига зид иш қилиб, оиласига зулм қилган, кишилар топилиши мумкин? Лекин, бу Ислоннинг айби эмас. Ислон уларга зўравонликни ўргатгани йўқ.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига баъзи аёллар, турмуш ўртоғларидан шикоят қилиб келганларида, одати шарифалари юзларига айтмасдилар, Минбарда хутба қилиб айтдиларки: менинг ҳужрамнинг олдида, баъзи аёллар, турмуш ўртоғларидан шикоят қилиб келдилар. Шу эрлар, ўзларининг оилаларига яхши муносабатдаги кишилар эмас, деб, эълон қилдилар.

وفي الاثر ايضا: ما أكرم النساء إلا كريم ولا أهانهن إلا لئيم

(Бу осор, ҳадис эмас)

Аёлларни улуғ кишиларгина ҳурмат қилади ва хор одамларгина хорлайди деб, ўзларини йўлланмаларини бердилар. (Бу сўз ҳадис эмас.)

Чунки, инсон ўзидан кучли одамни, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, ҳурмат қилади. Бошқа иложи йўқ. Лекин, ўзидан заиф одамни ҳурмат қилишлиги, бу одамнинг комиллигининг белгиси бўлади. Чунки, у ўз ихтиёри билан, яхши муносабатда бўлади.

Испом, шариатининг ҳукмлари поймол қилинган вақтда ҳам, безътибор қараб туришликни, гуноҳи кабиралардан деб, санади. Бу оилаларни пакроканда бўлишига сабаб бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло эркакларга берган, ғажурлик сифатига зиддир бу!

(Эслатма: Имоми Заҳабийнинг китобида 35чи гуноҳи кабира, аёлнинг розилигисиз мажбурлаб никоҳланиш, дейилган. Қори ака, негадир бундан кейингисига, ўтиб кетганлар)

36. Сийдиқдан сақланмаслик

Бавлдан сақланмаслик, насороларнинг табиатидир.

فَطْهَرُوثِيَابِكَ

Муддассир сураси 4 оят

Қуръони каримда Аллоҳу таоло, Либосингизни покланг! деди.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар:

وعن ابن عباس رضي الله عنهما قال مر النبي صلى الله عليه وسلم بقبرين فقال: إنهما ليعذبان وما يعذبان في كبير أما أحدهما فكان يمشي بالنميمة وأما الآخر فكان لا يستبرئ من البول أي لا يتحرز منه. مخرج في الصحيحين وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " استنزهوا من البول فإن عامة عذاب القبر منه ". رواه الدارقطني

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам икки қабр орасидан ўтдилар. Ва айтдилар: Бу иккаласи азобланяпти. Аммо, кабира гуноҳ учун эмас, дедилар. Баъзи ривоятда, кейин, йўқ, кабира гуноҳлар учун, азобланаяпти, дедилар. Биттаси одамлар ичида, чақимчилик қилиб юрарди. Иккинчиси, сийдиқдан покланмас эди.

Бу ҳадиси шариф ажиб бир нукталики, инсоннинг чақимчиликдан эҳтиёт бўлмаслигини, бавлдан эҳтиёт бўлмаслик билан, ёнма ён келтириляпти. Бавлдан либосини эҳтиёт қилмаган одамга ўхшайди, оғзини чақимчиликдан эҳтиёт қилмаган одам. Чақимчилик билан бавлни, баробар манзилатга қўйди. Мана бу чақимчилик, қанчалик нажас нарса эканига ишорадир. Қабр азобига далолат қилувчи, кўп ҳадислардан биттасидир бу!

يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ

Иброҳим сураси 27 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларни дунёда ва охиратда қавли собит билан, собит қилади.

Шу оятни, охиратда деган, ерини, қабрда деб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари тафсир қилдилар. Қабрдаги азоб ҳақида, ҳадис айтиб, мана бу далил деб, шу оятни ўқиб қўйганлар.

(Эслатма: Бу ерида қори ака, қабр азобининг ҳақлигига, озроқ ҳужжат келтириб ўтганлар. Заҳабийнинг китобида бу масалада, бу оят келмаган)

مخرج في الصحيحين وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " استنزهوا من البول فإن عامة عذاب القبر منه ". رواه الدارقطني

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бавлдан сақланинглар. Азоби қабрнинг кўпи, шу бавл сабаблик бўлади, дедилар.

Яҳуд ва насоролар бавлдан эҳтиёт бўлмади. Шунга, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамма ҳаракатлари, шунга қурилгандир. Ҳатто у киши, учи темирдан бўлган таёқлари бор эди. Таҳорат синдирмоқчи бўлсалар, шу билан ерни ўйиб туриб, таҳоратни синдирардилар. Саҳроларда, шунчалик эҳтиёт бўлардилар.

37. Риё

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, риёни мунофиқларнинг белгиси сифатида, зикр қилган.

يُرَاوُنَ النَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا
Нисо сураси 142 оят

Одамларга риё қилишади ва Аллоҳни кам ёд қилишади. Мунофиқларнинг белгиси намоза дангасалик билан туриб, риё қилишади.

فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ الَّذِينَ هُمْ يُرَاوُونَ وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ
Моун сураси 4,5,6,7 оятлар

Намозидан бепарво бўлган намозхонлар ҳолига, вайл эълон қилинди. Намозни ўқимайдиганлар ҳолига муқаррар у вайл. Бепарво бўлишлик белгиси нима? Риёкорлик қиладилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло риё билан бўлган садақотларни бекор қилишлигини, хабарини берган.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ ءَآخِرِ
Бақара сураси 264 оят

Эй имон келтирган кишилар, садақотларингни миннат ва озор бериб, йўққа чиқарманглар, худди, одамларга риё учун молини инфоқ қилган кимса каби, дейди.

Демак, Риёкор одамни садақоти бекор экани шубҳасиз, миннат қилувчиларни ҳам, садақоти риёкорларникига ўхшаб, бекор бўлишига ишора бўлаяпти.

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌ وَحْدٌ فَمَن كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ ۚ أَحَدًا
Каҳф сураси 110 оят

Ким Роббисига рўбарў бўлишдан умид қилса, яхши амал қилсин ва Роббисининг ибодатига бировни шерик қилмасин. Шу мана, риё қилмас деб, тафсир қилинган.

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " إن أول الناس يقضى عليه يوم القيامة رجل استشهد في سبيل الله فأتى به فعرفه نعمه فعرفها قال: فما عملت فيها قال: قاتلت فيك حتى استشهدت قال: كذبت ولكنك فعلت ليقال هو جريء. وقد قيل ثم أمر به فسحب على وجهه حتى ألقي في النار. ورجل وسع الله عليه وأعطاه من أصناف المال فأتى به فعرفه نعمه فعرفها. قال: فما عملت فيها قال: ما تركت من سبيل تحب أن ينفق فيها إلا أنفقت فيها لك. قال: كذبت ولكنك فعلت ليقال هو جواد فقد قيل ثم أمر به فسحب على وجهه حتى ألقي في النار. ورجل تعلم العلم وعلمه وقرأ القرآن فأتى به فعرفه نعمه فعرفها. قال: فما عملت فيها قال تعلمت العلم وعلمته وقرأت فيك القرآن. قال كذبت ولكنك تعلمت ليقال هو عالم وقرأت ليقال هو قارئ ثم أمر به فسحب على وجهه حتى ألقي في النار ". رواه مسلم

Бу ҳадисни, аввалги дарсларимизда ҳам ўтганмиз. Қисқачароқ айтиб ўтаман. Қиёмат кунида учта тоифани, жаҳаннам ўтини олдиға, олиб келинади. Биринчиси, жиҳодда шаҳид бўлган одам. Иккинчиси, кўп нарсаларни инфоқ қилган киши. Учинчиси, қуръонни ёдлаган одамни, олиб келинади.

Биринчисига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шажоатни берганлигини ва бошқа неъматларини танитади ва у ҳам танийди. (Тан олади) нима амал қилдинг? деса, Сенинг йўлингда жиҳод қилиб, шаҳид бўлдим, дейди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, сен одамлар паҳлавон десин деб, жиҳод қилинг. Одамлар сени паҳлавону, қаҳрамон деб, кўп мақтади. Мукофотингни олгансан деб, жаҳаннамга улоқтирилади.

Иккинчиси, давлатманд одам, Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилган. Бидъатга сарф қилмаган. Маст қилувчи ичимликлар билан, дор ўйнатиб, унақа тўй қилмаган. Фақат Аллоҳнинг йўлида сарф қилгану, шуни одамлар мақтасин деб, қилган. Биз диққат билан ҳадисни эшитмоғимиз керак! Шариат буюрган ерга, сарф қилган.

Лекин, одамлар Хотамтой деб, мақтасин деб қилган. Номим чиқсин деб қилган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга неъматларини, танитади ва у ҳам танийди. Менинг йўлимда нима қилдинг? дейди. У молимни Сенинг йўлингда сарф қилдим, дейди. Аллоҳу таоло унга, бекор айтибсан, сен одамлар, сени сахий дейишлари учун сарф қилдинг. Одамлар сени хўп мақташди. Мукофотингни олдинг деб, буюради, уни ҳам жаҳаннамга улоқтирилади.

Мана учинчиси, қуръон ўқиб, илм ўрганган одам, буни ҳам олиб келинади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга неъматларини, танитади ва у ҳам танийди. Менинг йўлимда нима қилдинг? дейди. У илм ўргандим ва ўргатдим, дейди. Ёлғон айтибсан, сен илмни олим дейишлари учун ўргандинг. Қори дейишлари учун ўқидинг. Сени одамлар хўп мақтади. Мукофотингни олгансан, нима мақсадинг бўлса, дунёда олгансан деб, жаҳаннамга улоқтирилади.

Демак, дунёдаги амалнинг энг кучлиси ва яхшиси шу учови бўлса, бу нарсалар тўғри ўрганилган ва молини тўғри сарфлаган ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, шаҳид ҳам бўлган. Лекин, риё бўлса, тўғри бўлишига қарамасдан шу нарса, одамлар учун қилинган бўлса, унинг жазоси жаҳаннам бўлса, бундан катта гуноҳ йўқ деб, билишлигимизга шу кифоя қилади!

وقال صلى الله عليه وسلم: " أخوف ما أخاف عليكم الشرك الأصغر

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: мен сизларнинг устингизда кўрқадиган нарсаларнинг энг кўрқинчлиси, кичик ширкдир, дедилар.

فقليل: وما هو يا رسول الله قال الرياء

Кичик ширк нима? деб сўраганларида, Риё деган эканлар.

قال الفضيل بن عياض رحمه الله ترك العمل لأجل الناس رياء والعمل لأجل الناس شرك والإخلاص أن يعافيك الله منهما

Фузайл ибн Иёз айтганларки: одамлар учун бир амални тарк этишлик риёдир. Одамлар учун бир амални қилиш ширкдир! Ихлос, шу икковидан Аллоҳ сени саломат қилишлигидир!

38 Дунё учун илм ўрганиш ва илмни бекитиш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ
Фотир сураси 28 оят

Аллоҳдан фақат, уламолар қўрқади, деди.

Демак, инсоннинг илми, Аллоҳдан қўрқишликка олиб бормаса, бу илм эмас биродарлар.

وقال الربيع بن أنس من لم يخش الله فليس بعالم

Рабиъ ибн Анас айтганлар: Ким Аллоҳдан қўрқмаса, у олим эмасдир. Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло: Аллоҳдан фақат олимлар қўрқади, деди.

وقال مجاهد والشعبي: العالم من خاف الله تعالى

Мужоҳид ва Шаъбий айтган эканларки, Аллоҳдан қўрққан киши, Олимдир!

Илмни дунё учун ўрганиш деганни, биз тушуниб олишимиз керак.

وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من تعلم علم مما يبتغي به وجه الله لا يتعلمه إلا ليصيب به عرضاً من الدنيا لم يجد عرف الجنة . يعني ربحها "

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Кимки Аллоҳнинг ризоси талаб қилинадиган илмни, дунё топиш учун ўрганса, жаннатни ҳидини ҳам тотиёлмайди.

Яъни, бир киши бир касбни ўрганди. Шу касбни, ё дунёвий илмларни, дунё топай деб, ўрганса, бу жуда яхши. Бу дунёни қўлга келтирадиган илм. Аммо, Аллоҳнинг ризоси талаб қилинадиган илмни, шариат илмини, Аллоҳ ва Расулининг сўзи, Китобу Суннатни, Аллоҳнинг ризоси учун ўрганилади. Мана бу илмни, дунё топишлик учун ўрганса, жаннатни ҳидини ҳам тотиёлмайди.

Бир киши дунёвий илмларни, дунё топай деб, ўрганса, бу жуда яхши. Айтайлик, масалан бир одам қаҳрабо (Электрик) илмини ўрганди, дунё топишлик учун, бу жуда яхши. Яна бир одам нажжорлик (дурадгорлик) илмини ўрганди, дунё топишлик учун, бу жуда яхши. Аммо, Аллоҳнинг ризоси талаб қилинадиган илмни, дунё топишлик учун ўрганса, жаннатни ҳидини ҳам тотиёлмайди.

Юқорида айтган, уч кишидан бири, илм ўрганган ва ўргатган, одамларга риё учун бўлганлиги учун ҳам, Аллоҳнинг ризоси учун бўлмаганига, оқибатда жаҳаннам ўтини бўлгани, бу гуноҳни қанчалик катталигини билишга, кифоя қилади. Илмни бекитишлик ҳақида:

وقال صلى الله عليه وسلم: " من سئل عن علم فكتمه ألجم يوم القيامة بلجام من نار

Бир киши бир илмдан сўралса, уни бекитса, қиёмат куни ўтдан бўлган жуган билан жуганланади. (Юган, деб, от ва эшакларни арава тортганда бўйнига осиб қўядиган нарсага айтилади. Қори ака шевада юганни, жуган дедилар.)

Шариат илмини бир киши билса, шуни бекитмасдан айтиб беришга маъмурдир.

وقال صلى الله عليه وسلم: " من ابتغى العلم ليباهي به العلماء أو ليماري به السفهاء أو تقبل أفئدة الناس إليه فإلى النار

Ким илм талаб қилса, олимлар билан фахрланишлик учун, ўзини катта олим қилиб устун қилишлик учун, ёинки, нодонлар билан жанг қилишлик учун, (Баҳслашиш учун) Кечқуруни билан китоб кўрса, худди жанга тайёрланаётган одамдек, мана бундек, нодонлар билан жанг қилишлик учун ўрганган бўлса, ё одамлар унга иқбол қилсин деб, халқни ўзига қаратишлик учун, илм ўрганган бўлса, у жаҳаннамда, дедилар.

Мана булар, Аллоҳнинг ризоси талаб қилинадиган илмни, дунё топиш учун ўрганиш ва илмини бекитишлик, гуноҳи кабиралардан эканига, далолат қилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уламолардан аҳд олдики, илмни бекитмайсизлар ва одамларга баён қиласизлар деб, аҳд олди. Мана булар Сураи Оли Имронда бор.

39. Хиёнат қилишлик

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган мўминларга нидо қилиб, Аллоҳ ва Расулига ва ўзингларга қолдирган омонатга, билиб турган ҳолатда, хиёнат қилманглар деди. Муфассирлар бу оятни, Абу Лубоба ҳақида нозил бўлган, дейишади. (Эслатма: Хандақ жангида, Мадинани, Макка мушриклари ва Мадинадаги яҳудий қабилалари биргаликда қамал қилишди. Бу учаласининг орасидаги иттифоқни бузишга, ҳаракат қилиб, уларга одамлар жўнатилди. Орага совуқлик тушгач, Макка мушриклари қайтиб кетишди. Кейин, мусулмонлар уларга хиёнат қилиб, тинчлик келишувини бузиб, аҳдга хиёнат қилиб, Макка мушрикларига қўшилган, яҳудийларнинг Бани Қурайза қабиласи устига, юриш қилдилар.

Яҳудлар ожиз қолиб, таслим бўлишди. Улар устидан жазо ҳукмини чиқаришни, Саъд ибн Маозга топширишга рози бўлишди. Саъд ибн Маоз Мадинадаги, Авс қабиласи раиси эди. Булар Исломдан олдин, Мадинада бирга қўшни бўлиб яшашган эди. Шу кишини ҳукмини кутиб турган вақтда, улар олдига Абу Лубоба бориб қолади. Қори ака дарсда, адашиб, Саъд ибн Убода деб, айтганлар. Бу киши Саъд ибн Маоз эдилар.)

Абу Лубоба ал Ансорийнинг бола чақаси, шулар орасида турарди. Яҳудлар, Эй, Абу Лубоба Саъд биз ҳақимизда қандай ҳукм чиқаради? деб сўраб қолишди. Абу Лубоба, қўли билан томоғини кўрсатиб, бошларинг кесилади, дегандек, ишора қиладилар. Яъни, яҳудларга чиқарилажак ҳукми, олдиндан уларни хабардор қилиб, қўйганлари учун, қайтиб келиб, масжидни бир устунига ўзини боғлаб, Аллоҳ ва Расули, менинг устимдан ҳукм чиқармагунча, жойимдан жилмайман, деб, туриб олган эканлар. Шу пайтда, мана шу оят нозил бўлган экан. Яъни, шу қилган ишларини хиёнат деб, билган эканлар.

Аллоҳ ва Расулига хиёнат турларидан яна биттаси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтмаган сўзни, айтди дейишлик, Аллоҳга хиёнатдир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга хиёнат қилишлик, у киши айтмаган сўзни, айтди дейишлик.

Омонатларга хиёнат қилишлик, дегани, биринчи илм, Аллоҳ тарафидан келган илмга, хиёнат қилишлик, бу илмни одамларга таълим бермасликдир, биродарлар. Агар саҳобалар ва тобеъинлар, бу илмни таълим бермаганда, бизнинг диёрларга шариат илми, етиб келмаган бўларди.

Умар ибн Абдулазиз илмни фош қилинглари, дедилар. Илм фош бўлмай, маҳфий бўлса, йўқолиб кетади. Хиёнат, бу нифоқ аломатларидан биттасидир. Мунофиқнинг аломати саналганда, улардан биттаси, омонатга хиёнат қилади, дейилган.

آية المنافق ثلاث: إذا حدث كذب، وإذا وعد أخلف، وإذا أوتمن خان

Мунофиқнинг аломати учтадир. Ҳеч ким ўзини мунофиқман, демайди. Лекин, шу белгиси билан, уни таниймиз. Гапирса ёлғон гапирди. Ваъда берса, хилоф қилади. Омонатга хиёнат қилади.

Шу уччала сифат, тўла топилса, аниқ мунофиқ бўлади. Агар биттаси топилса, мунофиқча бўлади. Биз бу ҳадисни биродарлар, бировнинг шу сифатларини топиб, мунофиқлигини исботлаш учун, ўрганмаслигимиз керак! Биз шу сифатлар менда бормикан? Менга мунофиқлик сифатлари кириб келмаяпдими экан? деб, ўрганмоқлигимиз керак! Минг афсуслар бўлсинки, илмни биз, бировларга дашном беришлик учун, ўқишлигимиз, бизни бузилишлигимизга сабаб бўлади. Сен ёлғон гапирдинг ё, ваъдага хилоф қилдинг, сен мунофиқсан, дейишлик учун, ўрганмаслигимиз керак. Ўзимизни тузатишлик учун, ўрганмоқлигимиз керак.

يطبع المؤمن على كل شيء ليس الخيانة والكذب
Имоми Аҳмад ривояти

Мўмин киши, хиёнат ва кизбдан бошқа, ҳамма нарсага табиатланиши мумкин. Ўрганиши мумкин. Яъни, мўмин киши, турли нарсага ўргатилса, Ўрганиши мумкин. Хиёнат ва кизбга ўрганмайди. Мўмин кишида, бу икки сифат бўлмайди.

Агар кимда шу сифатлар топилса, билсинки, имон йўқолиб бораётганини белгисидир. Мўмин одамни, ўғирликка ўргатиб қўйишлик мумкин. Бошқа ҳар қандай хулққа, ўргатишлик мумкин. Хиёнат ва кизбга, агар ёшлик бошлаб ўргатишса ҳам, ёпишмас экан. Мана бу биз учун, кўрқинчлик бўлган сўзлардандир.

" أول ما يرفع من الناس الأمانة وآخر ما يبقى الصلاة، ورب مصل لا خير فيه
وضعه الألباني في السلسلة الضعيفة
(Бу сўз ҳадис эмас, осор ва Албоний уни заиф деган)

Биринчи кўтариладиган нарса, омонат. Охирида қоладигани намоз. Кўп намозхонлар борки, уларда яхшилик йўқдир!

Билиб қўйишимиз керакки, Намозни барпо қилмаслик, бизда яхшилик вужудга келмаслигига, сабаб бўлади. Намозни барпо қилишлик, Исломий ахлоқларга мустаҳиқ бўламиз, исломга зид бўлган хулқлардан, покиза бўлишга, сабаб бўлади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳи кабиралардан ҳаммамизни, Ўзи сақласин!

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади. Шулардан битта саволга, жавобни илова қилдим.)

Бу ерда биттаси сўраяпди, бир киши яҳуд оиласида туғилган бўлсаю, исломга кирса, нима бўлади?

Бу Исломни билмайдиган одамнинг, саволи экан. Ўзи иккита миллат бор. Бири ислом миллати ва бири куфр миллати. Ҳар қандай инсон, қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар, Исломни билса, имон келтирса, у мусулмон бўлади. Аҳли жаннат бўлади. Агарчи у, ҳар қандай оиладан бўлса ҳам! Аммо, қайси одам, Исломни қабул қилмаса, Ислом ҳукмларини инкор қилса, араб бўлса ҳам, ўзбек бўлса ҳам, жаҳаннамга кетади. Шундай тушунишлик керак. Исломни қабул қилган одам, бизнинг биродаримиз. Биз уни биродаримиз деб, биламиз.

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳақ йўлда, барқарор қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дарсга амал қилишликка тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳи кабиралардан сақланишликка, ўзимизга ва авлодларимизга тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

67 Дарс

Гуноҳи кабиралар ҳақида 8 қисм

(Қолган ўттизта гуноҳи кабирадан, йигирматаси қисқача дарс қилиб ўтилади)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, Абу Фирос ал Ҳамадонийнинг арабча тўртлиги ўқилади. Шу рубоий 10 дарсда ҳам келган эди. Қирқинчи гуноҳи кабира, миннат қилишлик ҳақида, дарс бўлади. Шундан то 56 чи гуноҳи кабирагача дарс қилиб бориб, кейин, ўнта ташлаб, 66 чи, кабирага ўтилади. Кейин яна оралаб, охириги 70чи гуноҳи кабира, саҳобаларни сўкишлик ҳақида бўлади. Ўттизта гуноҳи кабирадан, йигирматадан кўпроғи, қисқача дарс қилинади. Имоми Заҳабийнинг китобидаги гуноҳи кабиралар сони 70 тадир. Қори аканинг саккизта дарсида, элликтадан кўпроғи, дарс қилинди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ تَحَمُّدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Гуноҳи кабираларни санаб ўтилаётганлиги, булар фақат шунга чекланган, деган, сўз эмас. Уламоларнинг китобу суннат асосида, гуноҳи кабиралардан деб, санаган гуноҳларни санаб ўтаяпмиз. Буларни билишлик, бошқа гуноҳи кабираларни ҳам, муфассал сураатда билишга ёрдам беради. Гуноҳи кабираларни билмасдан туриб, ундан сақланишлик мумкинмас. Ёмонликни, ёмонликдан сақланишлик учун, ўрганмоқлик керак. Шоир айтганидек:

عَرَفْتُ الشَّرَّ لَا لِلشَّرِّ
رَ لَكِنْ لِتَوَقُّيهِ
وَمَنْ لَمْ يَعْرِفِ الشَّرَّ
مِنَ الْخَيْرِ يَقَعْ فِيهِ

أبو فراس الحمداني

(Бу ерда Абу Фирос ал Ҳамадонийнинг арабча тўртлиги ўқилади)

Ёмонликни танидим, уни қилиш учунмас,
Уни кўрган пайтимда, ундан сақланиш учун.
Ким агар ёмонликни, танимаса, билмаса,
Яхшилик қилиб, унга кириб қолади, бир кун.

Абу Форис Ҳамадоний
(Саҳвий шеърӣ таржимаси)

40 Яхшиликни миннат қилиш

Миннат, гуноҳи кабира бўлишига қарамасдан, кўпчилик бу нарсага гирифтордир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ ءَآخِرِ
فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا لَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا ؕ وَاللّٰهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ
Бақара сураси 264 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни, ўзларининг садақотларини, миннат бериб, озор билан йўққа чиқармасликка, буюряпди. Миннат ва озор, қилган садақотларни ҳаммасини бекор қилиб ташлайди, деяпди. Бунга тамсил бериб, молини риёкорлик билан сарфлаган одамларни, Риёкор ҳақида, биз айтиб ўтдик. У кўриниши яхшиликка ўхшаган ишлари билан, ҳеч қандай савобга эга бўлмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзларининг садақотларини, миннат қилиб, ва берган одамига озор берган одамларни ва молини риёкорлик билан сарфлаган одамларнинг мисолини, шунга ўхшатадики, катта бир тош бор ва унинг устида, юпқа тупроқ бор. Уни узоқдан кўрган одам, бу ер ёмғир ёғса, кўп ҳосил берса керак, деб ўйлайди. Чунки, текис, баландлик ва шабада ва устида тупроқ бор, бир адирликни, унумдор бўлишлигида, шак шубҳа йўқ. Бу лекин, силлиқ тошки, унда чуқурча ҳам йўқ, тупроқ кирадиган. Силлиқ тошни устида, юпқа тупроқ бор. Устига қаттиқ ёмғир ёғса, шип шийдам қилиб қўяди. Ҳеч нарса қолмайди. Садақотларини, миннат қилиб, ва берган одамига озор берган одамларни ва молини риёкорлик билан сарфлаган одамларнинг мисолини, худди шунга ўхшайди, дейди Аллоҳу таоло! Кўринишда риёкор одамлар амали ҳам, яхши нарсага ўхшаб тураверади. Лекин, охиратга борганда, ҳеч нарса бўлмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзларининг садақотларини, миннат қилиб, ва берган одамига озор берган одамларни, золим деяпди. (Оятда кофир дейилди) Миннат, бировга қилган яхшилигини, доим айтиб юришлик. Озор беришлик, шу яхшилик қилган одамга, шуни қилдим, буни қилдим, сен билмадинг, деб айтиб юришлик. Бундан Аллоҳ сақлаганларгина, саломат қолган, биродарлар. Бу оятни эшитганлар, шу бугундан бошлаб, яхшилик қилсам керак деб, ўйлаб қолишлари мумкин?! (Яъни, шу пайтгача қилгани, миннат билан, йўқ бўлиб кетганини англаб) Одамларга яхшилик қилсангиз, билмай кетишади. Шу вақтда, миннат дарвозасини очади одам. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло миннат, садақотларни бекор қилади деяпди. Садақотларини, бекор қиладиган амал, албатта гуноҳи кабиралардандир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни, уч тоифа одамга қарамайди, гаплашмайди ва уларни покламайди ҳам. Шулардан биттаси, миннат қилувчилар деб, ҳадиси шарифларда кўрсатилган.

وفي الصحيح أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " ثلاثة لا يكلمهم الله ولا ينظر إليهم يوم القيامة ولا يزكيهم ولهم عذاب أليم
Имоми Муслим ривояти

Уч тоифа жаннатга кирмайди дейилган ҳадиси шарифда ҳам, биттаси миннат қилувчи деб, кўрсатилган.

وفي الحديث أيضاً: " ثلاثة لا يدخلون الجنة العاق لوالديه والمدمن الخمر والمنان
Имоми Насоий

41. Қадарни инкор қилиш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаётда ҳар бир нарсани, миқдор билан яратди. Қадарни тақиб қилишлик, имон келтирмаслик, бу гуноҳи кабиралардандир. Бутун амалларни ҳабата қиладиган ширк ҳам, гуноҳи кабиралардан. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ
Қамар сураси 49 оят

Ҳар бир нарсани, қадар билан яратдик, деб, баён қиляпди.

Баъзи биродарлар, қадар ҳақида шубҳаларини ёзиб, шу мавзуда дарс қилишликни сўрашган. Ҳозирги дарсимиз қадар ҳақидамас, биродарлар. Биз қадарни тақиб қилишлик, гуноҳи кабира эканлигига доир, баъзи маълумотларни бериб кетамиз халос. Биз қадарга имон келтирамиз.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган асарда, сизларнинг битталаринг, Уҳуд тоғича олтинни эҳсон қилса, қабул бўлмайди, то қадарга имон келтирмагунча, дедилар.

Қадарга имон келтириш имон рукнларидан биттасидир. Қадарга имон келтиришни, ўзининг ноқис ақли етмагани учун, кизб қилишлик, бу гуноҳи кабиралардандир. Биз буни қисқа суратда тушунмоқ учун, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг сўзларига тўхталиб ўтаман.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ шундай деганларки, (Қуйида Имоми Аъзамнинг Фикҳул Акбар китобидаги, Қадар ҳақидаги ўн бешта жумладан иккитаси келтирилган)

يقول الإمام أبو حنيفة: «وكان الله تعالى عالماً في الأزل بالأشياء قبل كونها

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло оламдаги ҳамма нарсани, бўлишидан олдин, азалдан билган деб, эътиқод қилишга, мўмин одам мукаллафдир.

وقال: «يعلم الله تعالى المعدوم في حالة عدمه معدوماً ويعلم أنه كيف يكون إذا أوجده، ويعلم الله تعالى الموجود في حال وجوده موجوداً ويعلم كيف يكون فناؤه

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло вужудга келмаган нарсани, вужудга келмаган пайтдаги, ҳолатини ҳам билади. Ва вужудга келса, қандай бўлишини ҳам билади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло вужудга келган нарсани, қандайлигини билади ва у йўқ бўлса, қандай йўқ бўлишини ҳам билади.

Инсон ўзининг ноқис ақли билан, бунга ақли етмасдан, довдираб қолишидан эҳтиёт бўлмоқлик керак. Қадар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг сиридир. Ғайб сирларидандир. Биз қадарга имон келтирамиз. Ғайбга имон келтириш ғаризасини тушунишлик учун, ғаризаларга мурожаат қилсак. Бизда емоқ ғаризаси бор. Уни бир нарса емасдан туриб, қондирилмаймиз. Ширин сўзларни айтиб беришлик билан, емоқ ғаризамиз қонмайди.

Уйқу ғаризаси бор. Ухламасак, бошқа нарсa билан, бунинг ўрнини бостириб бўлмайди. Жинсий ғариза, турмуш қуришлик билан инсон, бу ғаризасини қониқтиради. Инсондаги ҳамма ғаризани, ўзининг тўғри кўрсатмаси билан, фақат Исломгина қондирган. Емоқ ғаризасини, ҳалол таом билан қондирмаса, ҳаром таомларни еб, қондиришга ҳаракат қилади. Ислом буни ҳалол таом билан қондирган.

Қўрқиш ғаризаси, биз буни Аллоҳдан қўрқиш билан қондирмасак, барибир бу ғариза беқарор бўладида, қўланкамиздан қўрқиш билан бўлсада, қондиришга ҳаракат қиламиз. Ислом буни Аллоҳдан қўрқиш билан қондирди. Аллоҳдан қўрқиш билан биз, бошқадан қўрқмас, довюрак инсонга айланамиз. Мана бу, тўғри йўл билан қўрқишлик. Умид ғаризаси. Буни Аллоҳдан умид қилиш билан қондирамиз. Шунга ўхшаган, инсондаги ҳамма ғаризани, Ислом, ўзининг тўғри кўрсатмаси билан, қондирган.

Шулар ичида, сирли нарсаларни билишга интилиш, ғаризаси бор. Аллоҳу таоло бизни, махлуқотлар ҳақида, фикрлашга буюрди. Бу ғаризани, Ислом, ўзининг тўғри кўрсатмаси билан, қондирди. Ақлни қайси йўналишда ҳаракат қилишини, кўрсатиб берди. Қуръонни ўқишлик билан инсон, Аллоҳнинг махлуқотлари ҳақида, фикрга эга бўлади. Шу билан бирга, кўп нарсани билмайман экан, деб, тан оладида, шу билан, ўзини билишликка бўлган ғаризасини қондиради. (Ҳамма нарсани) Билиб бўлмайди деб, билишликка бўлган ғаризасини қондиради. Бир инсон, ҳамма нарсани мен биламан деса, ҳамма унга, дунёдаги энг нодон инсон, сенсан, дейди.

Дунёдаги ҳеч нарсани билмайман деса, инсон ҳеч нарсани билмайдиган махлуқмас, инсон ўрганса билиши мумкин, деб, ўзининг ичидан товуш эшитади. Аммо, инсоннинг билмайдиган нарсалари, биладиган нарсаларидан кўра кўпроқ, деса, ана энди ўзинга келдинг деб, унинг ғаризаси қониқади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ана шундай, инсоннинг билмайдиган мавжудотини ўрганишликка, ва ер юзида яратилишидан бўлган мақсад, Аллоҳнинг Халифаси бўлишлик вазифасини, ўташлиқда фойдаланишликка ва инсонларнинг манфаати йўлида фойдаланишликка, буюрди.

Аммо, билмайдиган нарсасини, ғайб хабарларини беришлик билан, мана бу ғайбларни билмайман деб, инсон ўзининг ғаризасини қониқтиради. Қадар ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг сирридандир. Бўлажак нарсаларни билишлиги, ва инсон ҳақидаги кўп нарсалар, китобат қилинганига имон келтирамиз ва бунинг сирини ҳақида баҳс юритмаймиз.

Бу нарсаларнинг сиррини билмайман деб, инсон билмайдиган нарсалар бор экан деб, билган ғаризамизни, шу билан қондирамиз.

Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ шундай деганларки, қадарга қаровчи одам, худди, офтобнинг нурига қаровчи одамга ўхшайди. Офтобни нурига қараган сари. Кўришлигинг камайиб бораверади. Қадар ҳақида баҳс юритган сари, билмаслигинг кучайиб бораверади, деган эканлар.

Хуллас, ўзининг заиф ақлига баъзи нарсаларни тўғри келтиролмай, қадарга имон келтирмаслик, бу гуноҳи кабиралардан

Қадар ҳақида, баъзи кишилар ўз ақли билан, китобат қилган нарсаларни ўқишдан, эҳтиёт бўлмоқлик керак.

42. Одамларни сирини очишлик

Бир одамнинг айбини текшириб, жосуслик қилиб, унинг мақсади нималигини суриштириб, фош қилишлик гуноҳи кабиралардандир. Одамларнинг айбини бир ерларга етказиш ва уларни қора қилиб, гапириш, булар гуноҳи кабиралардандир.

وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَحِيمٌ
Хужурот сураси 12 оят

Жосуслик қилманглар. Бир бирларингни айбингни текширманглар, деган оят, бизга кифоя қилади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Бировнинг айбини билиб туриб, бекитган одамга, қиёмат кунида, Аллоҳ унинг айбини бекитишини, хабарини бердилар. Бировни айбини бекитишга, куч сарф бўлмайди. Куч сарфламасангиз, бекилиб қолаверади. Уни фош қилишга, куч сарфланади. Бориш керак, гапириш керак, турли ёлғон сўзлар билан ўраш керак, ёрдамчилар жалб қилиш керак, шунча уринишлардан кейин, фош қиласиз. Аммо, бекитишга куч сарф қилинмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида, унинг айбини бекитишини ваъда қилди. Ким бир мўминни айбини бекитса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида, ниҳоятда шарманда бўладиган кунда, унинг айбини бекитади. Тажассус, бировлар сўзини эшитишга ҳаракат қилиш, улар бу одам, эшитишини хоҳламаса ҳам, эшитишга ҳаракат қилишдир.

وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " من استمع إلى حديث قوم وهم له كارهون صب في أذنيه الآنك يوم القيامة ". أخرجه البخاري خلاصة حكم المحدث : إسناده حسن

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: ким одамларнинг сўзини эшитишга ишқивоз бўлса, улар буни эшитишини хоҳлашмасди. Уларнинг ўзларига хос бўлган сўзлар эди. Унинг икки қулоғига, қиёмат куни қўрғошин қуйилади, дедилар.

وقيل لابن مسعود: هذا الوليد بن عقبة تقطر لحيته خمرًا قال: إنا نهينا عن التجسس فإن يظهر لنا شيء نأخذ به

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳуга, Валид ибн Уқбани соқолидан, хамр томиб турибди, дейишганда, биз жосусликдан қайтарилганмиз, бизга зоҳир бўлган нарсга бўлса, жазолаймиз, деган эканлар. (Текшириб юрмаймиз, деганлар) Жосусликдан шунчалик тийилишган эканлар.

43. Чақимчилик

Чақимчилик, Одамлар ўртасида, уларнинг орасини бузишлик учун, гап ташиб юришлик, бу гуноҳи кабиралардандир. Агар орасини ислоҳ қилиш учун бўлса, бу яхшидир.

وَلَا تَطْغَى كُلُّ خَلْفٍ مَهِينٍ هَمَّازٌ مَشَاءٌ بِنَمِيمٍ
Қалам сураси 10,11 оят

Машшоин бинамимдан мақсад, чақимчидир.

قال صلى الله عليه وسلم : لا يدخل الجنة نمام

Имоми Бухорий ва Имоми Муслим ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: чақимчи жаннатга кирмайди.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар:

وعن ابن عباس رضي الله عنهما قال مر النبي صلى الله عليه وسلم بقبرين فقال: إنهما ليعذبان وما يعذبان في كبير أما أحدهما فكان يمشي بالنميمة وأما الآخر فكان لا يستبرئ من البول أي لا يتحرز منه. مخرج في الصحيحين وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " استنزها من البول فإن عامة عذاب القبر منه ". رواه الدارقطني

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам икки қабр орасидан ўтдилар. Ва айтдилар: Бу иккаласи азобланяпти. Аммо, кабира гуноҳ учун эмас, дедилар. Баъзи ривоятда, кейин, йўқ, кабира гуноҳлар учун, азобланяпти, экан, дедилар. Шу пайтда ваҳй келдида, у киши йўқ, гуноҳи кабира дедилар. Биттаси сийдиқдан покланмас эди. Иккинчиси, одамлар ичида, қақимчилик қилиб юрарди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга, ота онадан ҳам меҳрибон эдилар. Ота онамиз ўргатмаган нарсани, таҳоратхонадаги одобни ҳам, бизга бизга ўргатганлар.

Бошқа ажнабий миллатларда, бирор бир, бу нарсани тарбияси бўлмади, биродарлар. Бизнинг масжидларимизда, минбарда бунинг тарбияси бўлаверади. Нима учун? Чунки, бу азоби қабрга сабаб бўладиган нарсадир. Ажнабийларда юзига пардоз қилиш хусусида, баҳс бўлади, халос. Мўмин одамнинг ҳамма аъзоси пок бўлганидек, либоси ҳам пок бўлади. Кейин, ҳўл новдани олиб, икки қабрга санчиб қўйдилар. Сабабини сўралган вақтда, булардан азоб енгиллаб туради, шу новдалар қуригунча, дедилар.

Чақимчилик билан бавлни баробар қўйдилар. Чақимчилик маънавий бавлга ўхшаган нарсадир, мана.

44. Лаънат айтишлик

وقال صلى الله عليه وسلم: " لعن المؤمن كفتله ". أخرجه البخاري في صحيح
Имоми Бухорий ривояти

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Мўмин одамга лаънат айтишлик, уни қатл қилган билан баробардир, дедилар.

وفي صحيح مسلم عن رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه قال: " لا يكون للعانون شفعاء ولا شهداء يوم القيامة

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Лаънат айтувчи кишилар, қиёмат куни шафоат қилувчи бўлмади ва умматларга гувоҳ бўлмади.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وقال عليه الصلاة والسلام: " لا ينبغي لصديق أن يكون لعاناً

Аллоҳни тасдиқловчи мўмин киши, лаънат айтувчи бўлмади. (Содиқ кишилар, лаънатловчи бўлмади)

وعن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " إن العبد إذا لعن شيئاً صعدت اللعنة إلى السماء فتغلق أبواب السماء دونها ثم تهبط إلى الأرض فتغلق أبوابها دونها ثم تأخذ يميناً وشمالاً فإذا لم تجد مساعاً رجعت إلى الذي لعن إن كان أهلاً لذلك وإلا رجعت إلى قائلها
Абу Довуд суанларида келтирилган

Кимки лаънат айтса, лаънат осмонга кўтарилади. Осмон дарвозалари бекилади. Кейин, ерга тушади. Ер ҳам, лаънатни йўлини тўсади. Кейин, ўнг ва чап тарафга юради. Кейин, лаънат айтилган одамнинг олдига келади. Агар ҳақиқатда шунга лойиқ бўлса, шу ерда тўхтади. Бўлмаса, лаънат айтувчига қайтиб келади, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда лаънат айтган ва Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат айтган кишилар кимлигини ўргандик.

أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ
Худ сураси 18 оят

Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, деди.

ثُمَّ نَبَّأَهُمْ فَتَجَعَلَ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَى الْكَذِبِينَ
Олди Имрон сураси 61 оят

Каззобларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, деди.

"عن رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه قال: "لعن الله آكل الربا وموكله وشاهده وكتابه

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, рибони ейувчи, едирувчи, гувоҳ бўлувчи ва котиблик қилганларга, лаънат айтдилар.

" وإنه قال: "لعن الله المحلل والمحلل له
رواه أحمد والنسائي والترمذي وصححه

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, (уч талоқ қилинган аёлни) ҳалоллаб берувчига ва ҳалоллатиб олувчига, лаънат айтдилар.

وأنه قال: "لعن الله الواصلة والمستوصلة والواشمة والمستوشمة والنامصة والمتنمصة

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, соч уловчи ва улатувчи ва баданга шакл чизувчи ва чиздирувчи, юзидаги тукларни олдирувчи ва олувчи аёлларга лаънат айтдилар.

وأنه صلى الله عليه وسلم لعن الصالقة والحالقة والشاقة

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Мусибатда овозини чиқариб, бақариб йиғловчи, Мусибатда сочини кесдирувчи, Мусибатда қўйлагини йиртувчи аёлларга, лаънат айтдилар.

وأنه صلى الله عليه وسلم لعن المصورين وأنه لعن من غير منار الأرض أي حدودها

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сураткашларга ва (Бировнинг ерини ўзига қўшиб олиш учун) ернинг чегарасини ўзгартирувчиларга, лаънат айтдилар.

وأنه قال: "لعن الله من لعن والديه ولعن من سب أمه

Ўзининг ота онасини лаънатлаган кишиларга ва онасини сўккан одамга ҳам, лаънат айтдилар.

وفي السنن أنه قال: "لعن الله من أضل أعمى عن الطريق ولعن الله من أتى بهيمة ولعن الله من عمل عمل قوم لوط

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, кўр одамни йўлдан адаштирганга ва ҳайвонларга жинсий яқинлик қилганларга ва баччавозлик қилувчиларга, лаънат айтдилар.

Яна қўплаб гуноҳ амалларни қилувчиларга, лаънат эълон қилганлар.

وأنه لعن من أتى كاهناً أو أتى امرأة في دبرها ولعن الناحية ومن حولها ولعن من أم قوماً وهم له كارهون ولعن الله امرأة باتت وزوجها عليها ساخط ولعن رجلاً سمع حي على الصلاة حي على الفلاح ثم لم يجب ولعن من ذبح لغير الله ولعن السارق ولعن من سب الصحابة ولعن المختئين من الرجال والمترجلات من النساء ولعن المتشبهين من الرجال بالنساء والمتشبهات من النساء بالرجال ولعن المرأة تلبس لبسة الرجل والرجل يلبس لبسة المرأة

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бошқага атаб, қурбонлик сўйган одамга ҳам, лаънат эълон қилганлар.

Аллоҳнинг лаънати бўлганлигининг белгиси, шу одамларни текшириб кўрилса, биродарлар, Ислоннинг ҳукмини масҳара қилиб, кутиб олади. Кўп кишилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолодан бошқага атаб сўйган одамга, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, деган эканлар, десангиз, мен шу ишни қилавераман, дейди.

Мен шу ишни қилавераман, дейди. Аллоҳнинг лаънати бўлганлигининг белгиси, шу!

Аёлларга ўзини ўхшатган эркака ҳам, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Эркакларга ўзини ўхшатган аёлга ҳам, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Ва яна бировнинг оиласини бузиб, аёлига ўзи турмуш қуриб олганларга ҳам, Аллоҳнинг лаънати бўлсин, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат айтган одамларга, биз ҳам иккиланмасдан лаънат айтамыз. Чунки, бу лаънат тўғри бориб тегади, у одамларга. Чунки, Аллоҳ ва Расули лаънат айтган. Аммо, мўмин одамларга, (ноҳақдан) лаънат айтишлик, уни қатл қилишлик билан баробардир.

45. Хиёнат ва ваъдага вафо қилмаслик

Аҳдларга вафо қилмаслик,

وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا
Исро сураси 34 оят

Аҳдга вафо қилинглари! Аҳд, қиёмат куни сўралади.

Аҳд нима? Имоми Нажжож айтадиларки: Аллоҳу таоло буюрган нарсалар, ҳаммаси аҳддир! Аллоҳ буюрган нарсаларни қилишга ва Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтишга маъмурмиз! Шулар аҳдга вафо қилишлиқдир! Агар шу нарсаларни қилмасак, бу аҳдга вафо қилмаслик бўлади. Хиёнат бўлади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ
Моида сураси 1 оят

Эй имон келтирганлар, ваъдага вафо қилинглари!

Аллоҳ буюрган нарсаларни қилишга ва Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтишга, тафсир қилишган. Шунинг учун, шариат буюрган нарсаларни қилиш ва қайтарган нарсалардан қайтишлик, аҳдга вафодорлиқдир. Буларни қилмаслик, аҳдни бузишлиқдир! Гуноҳи кабиралардандир!

46. Фолбинларни тасдиқ қилиш

Фолбинларни тасдиқ қилиш, гуноҳи кабиралардандир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

رسول لأن الدليل على صدق الرسل إخبارهم بالغيب والمعنى أن من ارتضاه للرسالة أطلعه على ما شاء من الغيب ففي هذا دليل على أن من زعم أن النجوم تدل على الغيب فهو كافر والله أعلم. وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من أتى عرافاً أو كاهناً فصدق به بما يقول فقد كفر بما أنزل على محمد صلى الله عليه وسلم"

Ким фолбинни олдига борса ва гапирган гапини тасдиқласа, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган нарсага, кофир бўлибди.

Кофир бўлган одамнинг, шу вақтда, оиласи талоқ бўлади. Мусулмонлар бошига тушган мусибат шуки, битта оилани, битта маҳаллани, битта аёл бошқаради.

Исломдан ҳеч нарса билмайдиган, бир жоҳила аёл, бошқараверади. Ҳамма, шу бир фолбинни орқасидан, кофир бўлиб юраверади. Фолбинларни исломдан деб, юрган, мусулмонлар қизиқ. Шу фолбинга қарши курашни, ислом билан курашиш деб, юрган даҳрийлар, унданда қизиқ! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ишлари қизиқ! Исломни баъзида, даҳрий билан ҳам, ривожлантираверади.

Модомики, исломга имон билан ёрдам бермаса, ундан заррача фойда йўқ, биродарлар. Фолбинларни йўқотишга, даҳрийлар ҳаракат қилади. (Шу ишни қилиб, мусулмонлар ажр олишлари мумкин эди.) Лекин, шу ажрдан ҳам, мусулмонлар маҳрум бўлади. Мусулмонлар, шу фолбинни тасдиқламаслик билан, ажрланишликдан ҳам маҳрум! Шунчалик жоҳил бўлиб кетишган. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, сеҳргарларни қатл қилишга буюрганлар.

Фолбинга бошқа ном берган билан, маъноси ўзгариб қолмайди, биродарлар. Ҳозирги вақтда унга, баландпарвоз номлар беришади. Номи нима бўлишидан қатъий назар, келажак ҳақида хабар берган одам, фолбиндир. Маст қилувчи ичимликни, устидаги қоғозни олиб, бошқа қоғоз ёпиштириб қўйган билан, унинг ичи ўзгариб қолмайди.

(47. Гуноҳи кабира, Аёлнинг эрига итоатсизлиги. Бу гуноҳ дарсда гапирилмай кетилган)

48. Расм чизиш

Гуноҳи кабиралардан баъзилари, либосларга расмлар солиш. Жонли нарсалар расми солинган либосларни, кийиб юришлик. Суратларни намоз ўқийдиган хоналарга, деворларга қўйиб қўйишликдан, биз маън қилинганмиз.

الَّذِينَ ءَاتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ آبَاءَهُمْ
Бақара сураси 146 оят

Аҳли китоблар, Яҳуд ва насоролар, исломни ўз ўғилларини танигандек, яхши танишади.

Улар Исломда йўқ бўлган нарсаларни, аҳли ислом орасига тарқатишади. Шу билан мусулмонлар уларга эргашиб, ўзини маданиятлиман деб, керилиб юришади. Улар ўз динини, исломни танишмайди. Аҳли китоблар, яхши танишади. Қайси йўл билан мушрик бўлиб, дуолари ижобат бўлмайдиган бўлишади ва Қайси йўл билан булар, гуноҳи кабиралар қилиб, Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлишлигини, улар яхши билишади. Мана бу нарсалар Исломда йўқ, биродарлар. Мана бу нарсалар, аҳли Ислом ичига, «маданият» номи билан, кириб келган.

وعن عائشة رضي الله عنها قالت: قدم رسول الله صلى الله عليه وسلم من سفر وقد سترت سهوة لي بقرام فيه تماثيل فلما رآه رسول الله صلى الله عليه وسلم تلون وجهه وقال: "يا عائشة: أشد الناس عذاباً يوم القيامة الذين يضاهون بخلق الله عز وجل: فقطعه فجعلت منه وسادتين. مخرج في الصحيحين

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга дедилар: қиёмат куни энг қаттиқ азобга дучор бўладиганлар, Аллоҳ яратган хилқатига, (бир нарсани) ўхшатган кишилар дедилар. Яъни, Аллоҳ яратган махлуқларга, ўзининг чизган нарсасини, ўхшатган кишилар, дедилар.

رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: " من صور صورة في الدنيا كلف أن ينفخ فيها الروح يوم القيامة وليس بنافخ فيها أبداً

Қиёмат куни, сурат чизган одамга таклиф қилинади, шу чизган суратига жон киргиз деб. У шунга ҳаракат қиладиган қилиб қўйилади. Ҳеч қачон, у жон киргизолмайди, албатта.

وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: " لا تدخل الملائكة بيتاً فيه كلب ولا صورة " . مخرج في الصحيحين

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Фаришталар сурат ва ит бор уйга кирмайди, дедилар.

Ким уйига фаришта кирмаслигини истаса, уйига ит билан, сурат олиб кириб қўйса, мақсадига етади. Итни, одамлар мени муҳофаза қилиб турсин деб, олиб келади. Сон саноқсиз фаришталарни ҳам, Аллоҳу таоло, шу инсонлар учун хизматга қўйган. Ит келиши билан, раҳмат фаришталари, чиқиб кетишади. Шунча фаришталарга бир итни алмаштирган бўлади. Қайси нарса исломда ёмон кўрилса, ислом душманлари, шунини ривожлантиришга ҳаракат қиладди. Ҳозир кўрсангиз, одамлар ишқивоз бўлган нарсаси, ота онаси эмас, ит бўлиб қолган.

Ислом душманлари тарафидан, мана бу нарсалар ривожлантиришга ҳаракат қилинади. Ит ҳақида тўқиб чиқарилган гапларни эшитсангиз, агар итни кўрмаган бўлсангиз, шу итни бир кўрсам бўлар экан, деб, орзу қилиб қоласиз. Бу ҳаммаси ўз ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу бир ит бу. Ўзининг бавлига оғзини тутадиган ит.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам агар ит ҳам, бир уммат бўлмаганда, ҳаммасини йўқ қилдирардим деган, эканлар. Лекин, у ҳам бир уммат. Унинг ҳам ўз жойи бор. Овчиларга итга рухсат берилган. Катта деҳқончилик қиладиганларга, рухсат берилган. Чўпонларга рухсат берилган. Бу бошқа нарса. Уйга итни олиб кириб олишлик, бошқа нарса.

49. Азада дод солиб йиғлаш

Мусибат вақтида дод солиб йиғлаш, ўзини шапалоқлаб уриш, қўпол қилиб айтганда, ҳаёт пайтида ота онасини ҳурмат қилмасдан, ўлганида муттаҳамчилик қилишлик. Мана бу нарса, гуноҳи кабиралардан. Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган сўзлар гапириб, Фарёд қилишлик, Аллоҳ билан уришишлик, гўё. Мусибатда инсон йиғлайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг раҳмати бу, кўздан ёш келиши. Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган сўзлар гапиришлик, бу гуноҳи кабиралардандир. Лаънат айтилган кишилардан бири ҳам, шудир.

(50. Гуноҳи кабира, зулм қилиш ҳақида бўлиб, дарсда, бу мавзуда гапирилмай кетилди)

51. Қул, ходим ва заифларга жабр қилиш

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло якка Ўзига ибодат қилишга буюриб, ширк келтиришдан қайтарганидан кейин, ота онага яхшилик қилишликка, яқин қариндошларга ва етимларга ва мискинларга ва ёш қўшнилarga ва узоқ қўшнилarga ва ёнидаги биродарларига ва мусофирларга ва қўл остидаги ходимларга, яхшилик қилишликка буюрди. Буларга зулм қилиб, зўравонлик қилишлик, бу гуноҳи кабиралардандир.

52. Қўшнига озор бериш

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қўшнига озор бериш, гуноҳи кабиралардан эканини, алоҳида гапирдилар.

ثبت في الصحيحين أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: " والله لا يؤمن والله لا يؤمن قيل من يا رسول الله؟ قال: من لا يأمن جاره بوائقه أي غوائله وشروره. وفي رواية: " لا يدخل الجنة من لا يؤمن جاره بوائقه "

Имон келтирган эмас, Имон келтирган эмас, деб, Аллоҳ номига қасам ичдилар. Ким, Имон келтирган эмас, ё Расулulloҳ деб сўрашди. Шунда, қўшниси бунинг озоридан омонда бўлмаган киши дедилар.

Яъни, ҳали зарар топган эмас. Доим ташвишда туради, шундан бир озор етиб қолармикан? Деб. Шу одамни имон келтирмаган одам, дедилар.

وسئل رسول الله صلى الله عليه وسلم عن أعظم الذنب عند الله فذكر ثلاث خلال: " أن تجعل لله نداً وهو خلقك وأن تقتل ولدك خشية أن يطعم معك وأن تزني بحليلة جارك "

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан қайси гуноҳлар катта? деб, сўрашганларида, учта нарсани айтган эканлар. Сени яратган Аллоҳга бир нарсани тенглаштиришинг. Болангни овқатимга шерик бўлади, деб, ўлдиришинг, ва қўшнингни ҳалоли билан, зино қилишингдир, деган эканлар.

Ниддан, тенг қилишлик, деганидир. Одамлар, бутларни Аллоҳга тенг қилдилар. Аллоҳга ҳам сиғиниб, Яна бошқа нарсага сиғинишлик, шу бошқа нарсани, Аллоҳга тенг қилишлиқдир. Боласини одам ўзи ўлдириши, аслида мумкинмас нарса. Лекин, буни кўриб турибмиз, бугунги ҳаётимизда. Жоҳилийят даврида, аввалги замондами, бугунми, фарқи йўқ, болалар ўз ота оналари томонидан, қатл қилиняпди. Умар бин Хаттоб айтган эканларки, жоҳилият давримни эслаб, бир ишиимга куламан ва бир ишимга йиғлайман, деган эканлар. Куладиганим шуки, ҳалводан бут қилардик. Йўлда қорнимиз очқаб қолса, ибодат қилиб бўлиб, еб кўярдик. Шунчалик нодон бўлганмиз, жоҳилийятда деган, эканлар. Қиз фарзанд кўрганимда, саҳрога олиб бориб, қизим соқолларимни тортиб, мени олиб кетинг деб, йиғлаганида, раҳмсизлик қилиб, кўмиб келганимдан афсусланиб, кўп йиғлайман, деган эканлар. (Бу ривоят баъзи уламолар фикрича, саҳиҳ эмас. Умар ибн Хаттобни қизларидан бири, Хафса Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари бўлган. Мушрикларда бу одат бўлган. Лекин, Умарни ўзи қизини кўмгани саҳиҳмас дейишган. Валлоҳу аълам.)

Жоҳилийят даврида, тўғри шундай бўлган. Лекин, ўз қизини кўмганлар, эркалар бўлган. Ҳозирги, маданият деб, аталган вақтни текшириб кўрсангиз, у вақтда қизлар кўмилган бўлса, ҳозир ўғил қизига қарамасдан, кўмиб ташлаяпди. Кўмиб ташлаш ҳам эмас, ахлатхонага ташлаяпди. Бўғиб ўлдириб, ташлаяпди. Моҳирроқ бўлса, ҳожатхонага ташлаворяпди. Бу бировлар ўлдирганини айтмаяпмиз. Унгаям мисоллар кўп, ҳозирда. Оналар ташлаворяпди. Дунёда ҳамма эртақлару, ҳикояларда, онанинг меҳрича, меҳр йўқ деб, таърифланади. Тошларни ҳам эритадиган меҳри бор дейди. Лекин, шу дунёда энг меҳрли бўлган она, бу маданият даврида, ўз фарзандини ҳожатхонага ташлаб юбораяпди. Нима учун? Исломга зид бўлгани, никоҳ услубида вужудга келмагани сабаблик. Ниҳоятда моҳирроқ бўлса, вужудга келмасидан олдинроқ, йўқотиб ташлайди. Бу ниҳоятда моҳирроқ бўлган ва илми кўпайганлар томонидан бўлади. Қадимги жоҳилликда эмас, маданиятлик жоҳилликда, ўзини фарзандини ўлдиришмоқда. Бу кабира гуноҳдир. Нима учун ўлдиради? Ўзи билан яшамасин деб, ўлдириб, Ахлатхонага ташлаб кетилаяпди.

Кабира гуноҳлардандир, зино қилишлик. Лекин, қўшнингнинг ҳалоли билан, зино қилишлик, унданда катта гуноҳдир. Ўзининг қўшнисининг оиласига нисбатан, ҳурматсизлик қилиш ислом кечирмайдиган гуноҳдир. Ўзининг қўшнилари, маҳалласидаги аёлларга нисбатан ҳурматда бўлиши керак эди.

Жиходга кетиладиган бўлса, оилаларга қараб туришлик учун, баъзи одамлар қўйиб кетиларди. Масалан ўн оилага бир киши бўлса, ўн дирҳам топса, ҳар бир оилага бир дирҳамдан бериб, ўзининг оиласига бир дирҳам олиб келарди.

Ҳадиси шарифларда, мужоҳидларнинг оиласи, (қаровчи бўлиб) қолган кишига, онасини кабидир, дейилган. Яъни, онасини қанчалик ҳурмат қилса, уларни шундай ҳурмат қилади. Бошқа йўллардан Исломнинг ютуғи шундаки, Ислом бунга алоҳида назоратчи, ҳайъатлар қўйганмас. Ҳайъатлар қурилиб, унга бир раҳбар ва ўнта ёрдамчи бўлганмас. Қалбдаги Аллоҳ кўриб турибди, деган ақида, кифоя қилган. Исломнинг дунёдаги бошқа йўллардан фарқи, шу назоратни қалбига ўрнатганидир. Кўпчилик, воқеъликда ўрнатилган куч, Инсонларни тарбия қилиб олади, дейди. Инсон қалбида ўзи ҳоким бўлмаса, унда ҳаво ва нафс ҳукмрон бўлса, бундай шахслардан ташкил топган жамият, Бўрилар жамияти бу.

Бу, Бўри кўп қўйларга аралашиб кетса, чўпонлик қилаверади, (Қўйни емайди) дегандан, бошқа нарсамас бу. Исломни текшириб кўрсангиз, биринчи марта, қалбда назоратни ўрнатган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дақиқ тарбиялари, мана шу бўлган.

53. Мусулмонга озор бериш ва сўкиш

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا فَقَدْ اَحْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِنَّمَا مُبِينًا
Ахзоб сураси 58 оят

Мўъмин ва мўъминаларга, улар қилмаган нарсани қилди деб, озор берганлар, қиёмат кунда, бўҳтону катта гуноҳларни кўтарган кишилардир.

Бир ўйлаб кўрсангиз, жамият тўпланган жойга қўлингизда бир нарса бўлса, уни эгилиб букилиб кўтариб келишни истамайсиз. Уни бир мувозанат билан, кўтариб келишни хоҳлайсиз. Лекин, қиёматда бутун башарийят тўпланган ерда, қуръон тасвирлаяпдики, елкасида катта бўҳтонни, Ахлатни кўтариб кириб келади. Ҳозир озор бераётган кишилар, Мўъмин ва мўъминаларга озор бераяпди. Қилмаган амали билан, уларнинг шаънларига кўп бўҳтонлар қилаяпди. Ҳақ йўлда юрган кишиларга, кўп бўҳтонлар қилаяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларнинг ачинарлик суратини, қуръонда тасвирлаб бераяпди.

Биз айтиб ўтган бу гуноҳи кабираларни, кишилар ўз ақли билан ҳам тасдиқлаб, тушуниб оладилар. Лекин, баъзи бирларини, шу нарса ҳам, шунчалик гуноҳмикан? деган савол келади. Мен дарсга ўтишдан олдин, шуни айтиб ўтмоқчиманки, баъзи кишилар буни ақлга тўғри келмайди, дейишади. Ақл бу фақат сиз билан биздаги ақлмас. Биздан олдинги ўтганлар ва биздан кейинги, қиёматгача келадиган одамлар ақли, ҳали турибди. Ақл тақсимланганда ер куррасидаги, барча башарийятга тақсимланган. Ақл тасдиқлаши лозим бўлганда, ҳали бошқа ақлларни келишини ҳам кутишга муҳтож бўлади. Имон, ақлни тасдиқлашига муҳтож бўлмайдиган нарса. Аллоҳу Расули тарафидан келгани аниқ бўлдим, имон қабул қилади.

(54. Гуноҳи кабира Одамларга ноҳақ озор бериш, бунга дарс алоҳида тўхтаб кетилмади)

55. Изорини тўпикдан пастга тушириш

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وقال عليه الصلاة والسلام: " ثلاثة لا يكلمهم الله يوم القيامة ولا ينظر إليهم ولا يزكيهم ولهم عذاب أليم المسبل والمنان والمنفق سلعته بالحلف الكاذب

Имоми Муслим ва Абу Довуд ҳадис тўпламида келтирган

Уч тоифага Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни, гапирмайди ҳам, қарамайди ҳам, уларни покламайди ҳам ва уларга аламли азоб, бордир. Биринчиси нима? Ал мусбил. Мусбил ким? Ўзини либосини (иштонини) ошиғидан патга туширган киши. Маннон, миннат қилувчи киши. Ва ўзининг матосини, ёлғон қасам билан бозорда ўтказган одам. Учови бир ўринда келтириляпди. Миннат қилувчи кишини ва ўзининг матосини, ёлғон қасам билан бозорда ўтказган одамни, биз ақлимиз билан, тушунишимиз мумкин? Лекин, Мусбил, Ўзини либосини (иштонини) ошиғидан патга туширган киши ҳам, шунақамикан? деймиз. Бу ақлимизга тўғри келмайди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

وقال النبي صلى الله عليه وسلم: " ما أسفل من الكعبين من الأزار فهو في النار

Икки ошиқдан патга тушган изор, ўтда, дедилар.

Мана бу ерда, биз ҳукмларни ақлимиз билан қабул қиляпмизми? Ё Аллоҳ ва Расули айтгани учун, қабул қиляпмизми? Мана бу ажралади, шу ерда. Ундан ташқари, бир озгина нарса билан, шунча катта жиноят содир бўладими? дейди қўпчилик.

Биз унга айтамыз, бир киши ҳисобчи бўлса, ёзаётганда 1250 деб ёзиш ўрнига, ёнига иккита сифр (нол) қўйиб кетди. Арабча ёзса, бир нуқта бўлади. Шу ҳисобчи ёзган қоғозга қараб, пулни бериб юборса, 1250ни ёнида қарадики, иккита сифр турибди. Шунга бериб юборса, шунда ўн икки минг, беш юзни бериб юборади. Шу тафтиш қилинганда, шу 1250 бериш керак эди.

12 минг 500 бериб юборибсиз деса, мен 1250 ёзувдиму деса, бу ерда битта сифр ҳам қўйганингиз асосида, мен бериб юборибман, деса, шунда, битта шу сифр учун, мени тафтиш қилиб, сўкасимизми? деса, тўғри бўладими, Биродарлар?! Шу бир нуқта, битта корхонада ишлатган одамнинг, ҳамма молини бошқа одамга ўтказиб юборади. Шунга ўхшаган, бизнинг исломда, Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини қабул қилишга тайёр қилишлик учун, бериладиган ҳукмлар борки, уни бизнинг ноқис ақлимиз билмайди. Лекин, Аллоҳ биладики, унда бизга катта зарар бор. Биз уни имон билан, қабул қилмоғимиз керак.

56. Эркаклар олтин ва ипақдан фойдаланиши

Мана гуноҳи кабиралардандир, эркак кишиларга, ипак либосни кийиши ва олтиндан бўлган узукми ёки, бирорта тақинчоқни тақишлиги. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ипак либосни кийишни ва олтиндан бўлган тақинчоқни тақишни, аёлларга ҳалол қилди. Бу ҳақда эркаклар аёллар билан, тортишмаслиги керак. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ким ипак кийимни кийса, охиратда кия олмайди, дедилар. Лекин, бадани қўтир бўлиб қолган одамга, ипак либос силлиқ бўлгани учун, тузалгунча кийишга рухсат бердилар. Жиходда, ипак қилич зарбасини яхши тўсиб қолганлиги учун, жиходда ҳам, кийишга рухсат бердилар. Олтин ва қумуш идишларда овқат ейиш ва чой ичишликдан қайтарилдик. Ипақдан бўлган тўшакларда ўтиришликдан ҳам, қайтарилдик.

وعن حذيفة بن اليمان رضي الله عنه قال: نهانا رسول الله صلى الله عليه وسلم أن نشرب في آنية الذهب والفضة وأن نأكل فيها وعن لبس الحرير والديباج وأن نجلس عليها أخرجه البخاري

Мана, шу ҳозирги вақтда кўринг, қизларига тўшак ва кўрпа қилиб берилаётган вақтда, аёллар атласдан кўрпа тўшаклар қилишга, эҳтимом берадилар ва эркаклар унга итоат қилиб кетаверадилар. Шариатни бу ерда, эътибори йўқ. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам маън қияяпдилар, бундай тўшакка ўтиришликдан, лекин, аёллар буюряпди. Бу аёллар жоҳила. Ўзини жаҳаннам йўлига етаклашидан ташқари, бошқани ҳам қўшиб олиб кетади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига эътибор қилмай, уларга итоат қилиб кетаверамиз. Назаримда, бизнинг Ўрта Осиё халқларига, яҳудий аёллар, раҳбарлик қилганга ўхшайди. Чунки, ислом нимани маън қилган бўлса, мусумонман дейдиган, тақводорнинг уйида шу бор.

Айтинг, ҳамма олим амал қилувчиман дейдиганлар, уйида, қизларини узатаётганда, бутун атлас кўрпалар тўшаклар, фақат қилиб берганмас, балки, фахрланган! Оддий хонадонларни эмас, тақводорман дейдиганлар, хонадонини текширинг! Биз учун улар тақводормас. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам маън қилган нарсани қилишлик билан, тақво ҳосил бўлмайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам маън қилган нарсадан қайтишлик билан, тақво ҳосил бўлади. Баъзилар, булар оддий нарсалар дейиши мумкин? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам маън қилган нарса, оддий нарса бўлмайди, биродарлар. Аллоҳнинг элчиси қайтараяпди. Шунинг учун, биз гуноҳи кабираларни билишимиз керак!

Бугунги дарсимизда гуноҳи кабираларни баъзиларини зикр қилиб, баъзиларини ўзларинг билишларинга ҳавола қилиб, иншааллоҳ бугун тамомлаймиз.

(Шу ердан бошлаб, Китобу Кабоир китобидаги, ўнта кабира гуноҳ, одамлар ўзлари, билиб олишига ҳавола қилиб, ташлаб ўтиб кетилади. Қуйидаги рўйхатда шулар номи келган.)

57. Қулни эгасидан қочишлиги
58. Аллоҳдан бошқага атаб сўйишлик
59. Бошқа одамни билиб туриб, отам дейиш
60. Жанжал ва жадал қилиш
61. Ортиқча сувни бермаслик (сахрода)
62. Тарозидан уриб қолиш
63. Аллоҳнинг азобидан хавф қилмаслик
64. Аллоҳнинг дўстларига азият етказиш
65. Жамоатни тарк этиш
66. Жумаъни тарк этишлик

(Аммо, бу кабираларни бари, бошқа дарсларда, алоҳида бўлмасада, умумий шаклда айтилган)

67. Васиятда зарар беришлик

Васиятда зулм қилишлик ва зарарлантиришлик, гуноҳи кабиралардандир. Ота ва она вафот этиб, васият қилиб кетса, буни ижро қилмаслик. Мабодо шариатга зид бўлмаса биродарлар. Бир киши бир қўйни, фалон мазорга бориб сўясан деб, кетган бўлса, бу васият ботилдир! Васиятни ўзининг қойидаси бор. Шунга биноан амал қилиш керак.

وَصِيَّةٌ مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ
Нисо сураси 12 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, меросни тақсим қилишга доир ҳукмларни айтиб, охирида, булар Аллоҳнинг васиятидир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматлик Зотдир, дейди. Бу васиятларга амал қилмаслик ва ёки, Зарар беришлик, булар гуноҳи кабиралардандир.

وَالْمَكْرُ وَالْخَدَاغُ فِي النَّارِ
الراوي : عبدالله بن مسعود

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Макр ва алдовлар (жойи) ўтдадир.

(وَلَا يَحِقُّ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ)
Фотир сураси 43 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, ёмон макрлар ўзининг аҳлини ўрайди халос, зарар етказди деган.

(68. гуноҳ, Ҳийла макр қилишлик ва 69. гуноҳ, Жосуслик қилиш, бу иккаласи қолиб кетиб, охирги етмишинчи кабирага ўтилди. Булар ҳақида ҳам, умумий суратда, юқоридаги дарслар ичида гапирилган)

70. Саҳобаларни сўкишлик

Саҳобаларни сўкишлик гуноҳи кабиралардандир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

"وقال صلى الله عليه وسلم: " لا تسبوا أصحابي فوالذي نفسي بيده لو أنفق أحدكم مثل أحد ذهباً ما بلغ مد أحدهم ولا نصيفه مخرج في الصحيحين .

Асҳобларимни сўкманглар, руҳим қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, сизларнинг битталаринг Уҳуд тоғича олтинни, Аллоҳ йўлида сарф қилса, улар қилган бир мудча (бир килоча) садақа савобини ололмайди.

Шунинг учун, Асҳобларимни сўкишдан, тилинглари тийинглари деб, кўп огоҳлантирганлар. Ҳадиси Қудсийда, Аллоҳу таоло, ким Менинг дўстимга душман бўлса, Мен унга жанг эълон қиламан, деган.

Агар сизни душманингиз бўлса, унга қарши курашиш ўрнига, Аллоҳнинг дўсти бўлишга ҳаракат қилинг! Аллоҳнинг дўсти бўлишга, ҳар бир амалингизни, Унинг буйруғига мувофиқ қилишга ҳаракат қилинг! Шунда, Аллоҳ сизни, у душмандан ғимоя қилади. Аллоҳ унга жанг эълон қиламан, деган. Асҳобларни Аллоҳнинг дўсти эканлигида, шак шубҳа йўқдир! Улар молу жонларини, Аллоҳнинг йўлига бағишладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларини, ўйланмасдан қабул қилдилар. Мана бундай зотларни сўккан одамга, Аллоҳ жанг эълон қилади. Албатта, бундай одам дунёга мағлуб бўлиб, шарманда бўлиб ўтади. Мана, биз гуноҳи кабираларнинг баъзиларини, баён қилган бўлдик.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда,

إِنْ تَجْتَبِئُوا كِبَارَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلَكُمْ مُدْخَلَ كَرِيمًا .

Агар сизлар қайтарилган катта гуноҳлардан тийилсангиздар, сизларни бошқа гуноҳингизни кечирамиз. Ва сизларни жаннатга олиб қирамиз деб, ваъда қилаяпди.

Шунинг учун, гуноҳи кабираларнинг баъзиларини, баён қилдик, агар шу катта гуноҳлардан тийилсак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бошқа гуноҳларимизни кечиради ва олий даргоҳ, жаннатга дохил қилади. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ! Буни таъкидлаб айтаяпди.

Шунинг учун, гуноҳи кабираларни қўлимиздан келганча, билдиришга ҳаракат қилдик. Эшитган кишилар устида, ҳужжат барпо бўлди. Бунга амал қилишлик, эшитган кишиларнинг ихтиёрида қолди. Бу илм омонатини, қўлимиздан келганча, етказдик. Бунга амал қилишлик, биродарлар, ўзларингни ихтиёрингларда. Ҳавои нафсга гирифтор бўлган одам, бунга амал қилолмайди. У айтадики, булар муҳим ишлармас дейди. Аллоҳ маън қилган нарсани муҳим ишмас деса, Расули маън қилган нарсаларни муҳим демаса, унга оғир мусибат етибди у одамга. (Эслатма: бу дарс гуноҳи кабиралар тўғрисидаги охириги саккизинчи дарс бўлди.)

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу дуо сўраган одамга ҳам, солиҳ ва солиҳа фарзандлар берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло маҳбусларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ғамга гирифтор бўлганларнинг ғамини кўтарсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин! Ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

67 дарс тугади.

68 Дарс

Рисолат неъматини ҳақида

(Бу дарсда, Рисолат инсоният учун катта неъматлиги уқтирилади. Инсонларга Пайғамбарлар воситасида, ҳидоят йўли кўрсатилди. Бу дарс, Оли Имрон сураси 164 ояти тафсирига бағишланади. Рисолат неъматини буюклиги тушунтирилади. Рисолат инсониятни Роббиси билан боғловчи воситадир. Инсониятга, уни ким яратгани ва нима учун яратгани ва уни ер куррасидаги ҳаётда яшашликдан мақсади нимадан иборат эканлиги, шу рисолат воситасида тушунтирилади. Рисолат соҳиблари пайғамбарлар эса, шу инсонлар вакили эдилар. Улар ҳам, инсон эдилар. Ўзлари тўғри ҳаёт кечиришда, инсониятга намуна бўлдилар.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْ أَنْفُسِهِمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِن قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ

Оли Имрон сураси 164 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонларни, яратишликни ва улар ер куррасида яшашлигини ирода қилди. Инсонларни яратишликдан бир мақсад бўлди. Бу мақсад Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзига етадиган зарарлардан сақланиш бўлмади. Балки, инсоннинг дунё ва охиратда, саодат топишлиги бўлди. Бу дунё ва охиратда саодат топишлиги, Ўзигагина ибодат қилишлик билан бўларди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

Зориёт сураси 56 оят

Мен жин ва инсни, фақат Ўзимга ибодат қилишлик учун, яратдим, дейди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ибодат нималигини топишликни, инсонларни ўзига ташлаб қўймади. Пайғамбарлар жўнатди. Пайғамбарлар жўнатганлиги, катта неъмат эди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарлар жўнатганлиги, миннат қилиб айтяпдики, Аллоҳ марҳамат қилди мўминларга, уларга ўзларининг жинсидан пайғамбар жўнатганда. Яъни, ўзларининг жинсидан Пайғамбарлар танлаб олди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи билан одамлар ўртасида, воситачи қилиб танлаган зотлар, араб тилида Наби, ва Расул деб айтилади. Наби деган сўз, луғат маъноси, набаъа, хабар калимасидан олинган бўлиб, инсонларга Аллоҳнинг хабарини етказувчи Зот, дегани. Истилоҳдаги маъноси, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жўнатган шариатни, одамларга таълим берувчи киши.

Расул бўлса, луғавий маъноси, Жаатир русулу Ибилан, пайдар пай Туя келди, яъни кетма кетма келадиган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жўнатган хабарларни, пайдар пай етказиб турувчи киши, деган маънони билдиради. Истилоҳдаги маъноси, Расул аввалги шариатни етказиб қўючимас, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло башарийят тараққий топган вақтида, китоб жўнатди. Аввалги шариатни комил қилиб, Аллоҳ тарафидан келган шариатни, етказган кишини айтилади. Набий, ўзидан аввалги шариатни етказувчи киши бўлса, Расул, ўзидан аввалги шариатни комил қилувчи, янги шариат олиб келувчи кишидир. Расул, китоб нозил бўлган пайғамбарлар. Набийга китоб нозил бўлмагану, аввалги китоб нозил бўлган пайғамбар йўлига, даъват қилувчи кишидир.

Рисолат, инсон томонидан касб қилинмаган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳаматидир. Бирор киши, унинг ақлий даражаси, унинг халқлар ўртасидаги обрўси, унинг қариндошлари кўплиги, ёки, молу давлати кўплиги, хуллас, одамлар ўртасидаги обрў эътиборга сабаб бўладиган нарсалар билан, қўлга келтириладиган нарсамас, бу Рисолат. Пайғамбарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандалари ичидан, танлаб олган, қаердан танлаб олишни, Ўзи билади, пок инсонлардир!

Ва халқларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг рисолатини етказишда, омонатлик бўлган ва бу омонатни етказишда матонатлик бўлган, сабр қилиб, Аллоҳнинг омонатини заррача кўпайтирмасдан ва заррача камайтирмасдан етказган амин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг пок, улуғ, Пайғамбарларидир.

Шунинг учун биз Пайғамбар ҳақида, фикримизни тиниқ қилиб олмоқлигимиз керакки, у бир мутафаккир ё, ақли идроки ўткир киши деб, тушуниб қолмаслигимиз керак. Пайғамбарларнинг ўткир мутафаккир ё, ақли идроки ўткир эканлигида, шак шубҳа йўқ. Лекин. Улар рисолатни, ўзларининг ихтиёрларидан ташқари, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳамати сифатида, қабул қилиб олишганлар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарларни, ўзларининг давридаги, энг юқори деб ҳисобланган соҳада, юқори қилиб қўйган. Албатта, яхши эътиборда бўлган нарсаларда.

Мусо алайҳиссалом даврида, сеҳр илми ниҳоятда ривожланди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мусо алайҳиссаломга шундай мўъжиза бердики, бу мўъжизани кўрган одамлар, бу сеҳрмас, бу илоҳий мадад олиб турган киши деб, тан олишликка мажбур бўлишди. Ҳатто, ҳаётини сеҳрга боғлаган, ва ўзининг дунёдаги мартабасини сеҳрга боғлаган сеҳргарлар, мусобақа талаб қилишганларида, мўъжизани кўрсатганларидан кейин, имон келтирган кишиларнинг биринчиси, шу сеҳргарлар бўлишди. Нима учун? Чунки, улар билишдики, бу Аллоҳ тарафидан бўлган мўъжиза, дейишди. Улар рози бўлишдики, гўштарини хурмо дарахтларига, худди, қассоблар гўштини бўлиб бўлиб осиб ташлайдиган, қаттиқ таҳдидга ҳам рози бўлишди. Шундай бўлиб, имонларини сақлашди, жасадлари майда майда, бўлиб кетган бўлса ҳам.

Пайғамбарларни, халқлар устун бўлган нарсада, устун қилишлиги, буни кўриб, халқлар уларга имон келтириши ва ҳидоятга киришига сабаб бўлиши, бу ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг марҳаматидир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исо алайҳиссаломга, мўъжиза берди. Исо алайҳиссалом даврида, табобат жуда ривожланган эди. Биродарлар, табобат йигирманчи асрга келиб, ривожлангани йўқ. Баданига оқ тушган одамни даволаниши ва туғма кўр бўлган одамни кўзини очишлик ва ўликни тирилтиришлик, қолган эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исо алайҳиссаломга шундай мўъжиза бердики, Баданига оқ тушган одамни силасалар, тузалиб кетарди. Ва туғма кўр бўлган одамни силасалар, тузалиб кўзи очилиб кетарди.

Ва ўликни силасалар, тирилиб, қотилининг хабарини берарди. Агар ўлдирилган бўлса. Лойдан қуш шаклини ясаб, дам солсалар шу лой қуш бўлиб учиб кетарди. Мана бу мўъжизани, табобатда кучли кишилар кўрганидан кейин, бу нарса илм эмас, мўъжиза деб, имон келтиришликка, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳужжати, қувватлик бўлиб қолди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарларга, шундай мўъжиза беришлиги, оддий кимсалар ва зиёли кимсалар, бу мўъжиза олдида туриб, тан олишарди. Пайғамбарлар умрининг қисқа бўлишлиги, уларнинг мўъжизалари, зиёли ва омиларининг қабул қилишлигига, осон нарса эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўъжизотларни қаерга ва қандай туширишни Ўзи билади. Мана бундай мўъжизотлар билан, Пайғамбарларни қувватлади. Қуръони каримдаги ва ҳадиси шарифлардаги, Пайғамбарлар тарихига назар солинса, ҳамма Пайғамбарлар ҳам, мўъжиза билан, қувватланганлигини гувоҳи бўламиз.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам охириги Пайғамбар эдилар. У киши билан рисолатга муҳр босиларди. Тамом бўларди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг рисолати билан, рисолатни яқунлашни, ирода қилди. Шунинг учун, бошқа Пайғамбарлар мўъжизотлари моддий мўъжизотлар бўлса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари, маънавий мўъжиза бўлдики, у кишидан кейин, Пайғамбар келмаслиги учун, у кишининг мўъжизаси, қиёматгача сақланиб қолишлиги керак эди. Чунки, моддий нарса, оз фурсат ичида, тамом бўлади. Қуръони карим Муҳаммад алайҳиссаломнинг, маънавий мўъжизаси деб, тан оламиз.

Моддий мўъжизалар ҳам бўлди. Сиҳоҳи ситтада келтирилган, саҳиҳ ривоятларни ичидан айтадиган бўлсак, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, саҳрода сувсиз қолдилар. Сув топиб келишга буюрдилар. Али ибн Абу Толиб ва Зубайр ибн Аввом, сув излаб кетаётганларида, бир аёлни туяда, иккита мешда сув олиб кетаётганини кўрдилар. Сув сўрашганда, бу аёл сув бермади. Улар аёлни Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдига келишга, мажбур қилишди. Қаерга олиб кетаяпсизлар? деганда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдига дейишди. Улар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни аждоқларини йўлидан айниган одам дейишарди. Шунинг олдигами? деди. Каллаларини қимирлатиб қўйдилар. Ҳа, дейишмадилар. Айниган деган сўзга, рози бўлиб қолмайлик деб.

Сувдан олиб, қўлларини сувга солиб турдилар, сув қўллари орасидан отилиб чиқаверди. Ҳаммалари ичдилар. Ҳатто, жанобат етган кишилар, ювиниб олдилар. Маркаблар ҳаммаси суғорилди. Идишлар ҳаммаси тўлдирилди. Сувини қайтариб бердилар. Ва у аёлга, сувидан фойдаланганлари учун, хурмо ва бошқа ейдиган нарсаларни жамлаб беринглар, дедилар. Аёл бу мўъжизани кўриб турди. Сени сувинга биз зулм қилмадикми? деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сўрадилар. У аёл, йўқ деб, жавоб қилди. Кейин, қишлоғига қайтиб кетди. Узоқ қолиб кетгани сабаби сўралганда, айниган кишининг олдидан келаяпман. Аммо, Мадина атрофида, бундай катта сеҳргарни кўрганим йўқ, деди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Исломи даъват қилганларида, мусулмонларга кофирлар кўп озор бергани сабабидан, ўртада жиҳод барпо бўлган эди. Шу аёл яшайдиган қишлоққа сира ҳужум қилмасдилар. Шу аёл, ўзининг қишлоғи тинч турганлигини кўриб, виждон азоби билан айтдики, эй одамлар, нима учун сизларга ҳужум қилмаганлигини биласизларми? Мана шу сувдан фойдаланганлиги учун, макоримул ахлоқ кўрсатяпти.

Бунинг йўлини қабул қилинглари деб, даъват қилди. Шу қишлоқ тамоман, мусулмон бўлди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бундай мўъжизотлари жуда кўп.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жуда кўп мўъжизотларни, бу кишига берди. Лекин, такрор айтаман, асосий мўъжиза қуръони карим бўлди. Қуръони карим, ҳамма соҳада мўъжизадир. Қуръони каримни, адабиёт соҳасидагилар, ҳамма даврдаги инсофчилари, бундай сўзлар инсон сўзи бўлиши мумкин эмас, деб, тан олишган. Илмиш кашфиётларнинг хабарини берганлиги. Булардан баъзилари, минг йиллардан кейин, кашф бўлаётгани. Қуръони каримни, асосий мўъжизаси, қуръон ўзгармас низомлигидир.

Қуръони каримнинг ҳукмларини, (афзаллигини) ҳуқуқшунос олимлар, бирма бир тан олиб боришмоқда. Қуръони каримни, ҳукмларини, исломнинг ашаддий душманлари ҳам, агар Қуръони каримни, ҳукмларини қабул қилмасак, жамиятни бошқариш мумкин эмас экан, деб, тан олишмоқда.

سُورِهِمْ آيَاتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ ۖ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ
Фуссилат сураси 53 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло: Биз, Ўзимизни якка Маъбуд эканимизга далолат қилувчи мўъжизотларимизни, бирма бир яқин келажақда кўрсатамиз, ҳатто, одамларга қуръон, Аллоҳнинг ҳақ китоби, йўли эканлиги аниқ равшан бўлгунча, деди.

Пайғамбарларга берилган мўъжизалар, оддий кимсалар ва зиёли кимсалар қабул қилишлиги, баробар бўлиши учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шундай қилиб берди. Пайғамбарлар деҳқончиликни, ривожлантириш учун келгани йўқ. Пайғамбарлар синоатни ривожлантириш учун, келгани йўқ. Пайғамбарлар табобатни ривожлантириш учун, келгани йўқ. Пайғамбарлар бирор бир дунёвий ишни, ривожлантириш учун келгани йўқ. Чунки, бу нарсалар, рисолат барномасидан ташқаридаги нарсалар эди. Асосий нарса, инсонларни дунё ва охирадаги, саодати эди. Чунки, инсонларнинг дунё ва охирадаги саодат дастурини, Пайғамбарлар тушунтиришмасалар, инсонлар кашф қилган илмлар, одамларнинг саодатидан кўра, бадбахтликка, кўпроқ хизмат қилган бўларди.

Пайғамбарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан маъмур бўлган вазифа, дунё ва охирадаги инсонларнинг саодати эди. Асосий мавзу инсон эди. Инсон ўнгланишлиги билан, унинг қалби ўнгланишлиги билан, инсондаги ҳамма жиҳозлар, унинг саодатига хизмат қиларди. Пайғамбарлар, олиб келган йўл билан, дунёдаги бошқа ҳамма соҳалар, фан, табобат, синоан, зироат ривожланишлиги, муқаррар эди. Лекин, асосий иш, инсоннинг ривожланишлиги эди. Чунки, бу нарсаларнинг ривожланишлиги, ривожланмаган инсоннинг кўлида бўлишлиги билан, бу бахтсиз оқибатга олиб келарди. Шунинг учун, рисолатнинг муҳим вазифаси, инсонларни тарбия қилишлик эди. Саҳобалар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган рисолатни қабул қилдилар. Бу билан тез фурсатда, дунёнинг тараққиёти ҳам ривожланди.

Бошқаларнинг тарихидаги олимларни текшириб қаралса, уч юз тўрт юз йилдан ўтмайди. Аммо, Ислом оламини текшириб қаралса, яқинларига минг йил бўлган. Бу нарса шуни кўрсатадики, Ислом кириб келишлиги билан, дунёдаги ҳамма соҳалар ривожланишлиги, тарихда исботланди. Шунинг учун, биз Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган рисолатни, нимадан иборат эканлигини, билишимиз керак. Аввало биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар эканлигини, билиш учун ақлимизни ишлатмоғимиз керак. У кишини Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан Пайғамбар эканлигини билсак, кейин, у кишининг сўзларини, сўзсиз қабул қилмоғимиз керак. Шундагина биз имон келтирган бўламиз.

Пайғамбарлар, олиб келган йўлни қабул қилмаётган одамнинг мисолини, шунга ўхшатамиз. Инсоннинг рўбарўсида дунё харитаси турибди. Дунё харитаси бир қисми, қуруликдан, иккинчиси саҳродан, учинчиси ўрмонлардан ва тўртинчиси тоғликлардан иборат. Харитага ёзилганки, сувнинг энг чуқур жойи, ўн километрни ташкил қилади, деб ёзиб қўйилган. Саҳро мана бунча ҳажмда, тоғнинг энг баланди, Жамолунгма чўққисини олганимизда, саккиз километрдан баландроқ деб, ёзиб қўйилган. Ўрмонлар мана бунча ҳажмни эгаллаган деб, ёзиб қўйилган. Дунё харитаси олдида турган киши, буни қабул қилади. Пайғамбарлар, бизга шундай содда қилиб, олиб келишдилар. Бирор хизмат ҳаққи олмасдан, олиб келишдилар.

Мисоли шунга ўхшайдики, бу харитадаги, сувнинг энг чуқур жойи ўн километр эканлигига, мен ишонмайман. Менда беш метрлик ўлчов асбоби бор. Шу билан сувни остига тушиб, ўзим ўлчаб чиқаман. Кейин, ишонаман деган одамни устидан, албатта одамлар кулади. Бўлиб ҳам яна, ўн километр деган маънони тушунмасдан, менда беш метрлик ўлчов асбоби бор деб, фахрланаётганини, ниҳоятда бир мажнун деб, қабул қилишади. Агар у беш метрлик асбоб билан, сув остига тушса, унда сув остига тушадиган алоҳида жиҳозлар ихтиро қилишга муҳтож бўлади. Мабодо у ихтиро қилган бўлса, сув остига тушса.

Машаққату хатарлардан саломат қолса, ўлчаса, ўн километр экан. Умри ҳам тамом бўлади. Шунда, у айтадики, мен бу ўлчовни, аввал қабул қилганимда, (яхши бўларди) мен буни ўлчашга умримни сарф қилиб, бу йўлдаги луъ луъ ва гавҳарлардан маҳрум бўлиб қолибман. Бу гавҳарларни эътиборга олмай, ўлчов билан оввора бўлибман. Энди бўлса, умрим ҳам тамом бўлди деб, ҳамма нарсадан маҳрум бўлган, одамга ўхшайди.

Шундай эмасми, ҳозирги бўлаётган ишлар ҳам? Ўзининг куч қуввати бор вақтида, Ислом пайғамбари айтган сўзларни қабул қилмасдан, ҳаво нафс ва шахватларга алданиб, маълум бир вақтлар ўтиб, пайғамбарни йўли ҳақ эканлигини билганда, куч қуввати кетиб, ибодатнинг лаззатидан ҳам, маҳрум бўлиб қолган, қўпол қилиб айтганимизда, илиги қоқилиб, суяги қолган пайтида, қабул қилишлиги, шунга ўхшамайдими?

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана бу оятида, нафас оладиган ҳавони, ейдиган овқатларни ва бошқа нарсаларни неъмат қилиб берганига миннат қилиб, айтмаяпди. Агарчи, буларни неъматлигида, шак шубҳа йўқ. Лекин, рисолат алоҳида бир неъматдир. Дунёдаги ҳамма неъматлар шу рисолатни қабул қилишлик билан, неъматга айланади. Ва инсоннинг охиратдаги ҳисоб китоби осонлашади. Моддий неъматлар инсон жасадига қанча роҳат берса, рисолат олиб келган йўл, унинг маънавиятини шунчалик ривожлантиради. Ва бу моддий қулайликларни, инсоннинг бахт саодатига ишлатади. Инсонлар Аллоҳнинг яратишликдаги қонунига бўйсуниб яшаши.

(Кавний иродага) Коиноту ерда, Аллоҳнинг қонунидан бошқа қонун, ҳукм сурмайди. Коинотдаги жисмлар ҳаракатлари ўзгармайди. Инсон ҳаёти иккига бўлинади. Бир қисмида у мажбурдир, Аллоҳнинг ҳукмига бўйсуниликка. Қулоғи билан эшитади. Кўзи билан кўради. Бурни билан нафас олади. Инсон буларни ўзгартиролмайди. Юрак кўп йиллар қон билан ҳаракат қилди, Ўпка, кўп йиллар нафас олди. Энди буни ўпкага айлантирайлик дейиш, ҳеч кимнинг ҳуқуқида йўқ. Бу қисмда коинот билан, инсон бир хил. (бўйсунди)

Инсоннинг ихтиёрий ҳаётида ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, коинотдаги каби, ўзгармас қонунни тузди. Бу қонун қуръони каримдир. Бу қонунга ихтиёри билан бўйсунса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, коинотдаги яратиб қўйган мажбурий қонунига бўйсуниб туришлик билан, ўртада қарама қаршилиқ вужудга келмайди. Чунки, у ихтиёри билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, тарафидан келган, ўзгармас қонунга (Шаръий иродага) бўйсуниб билан, (Кавний ва шаръий иродага) иккита қонунга бўйсуниб турибди. Мана бу жойда, қарама қаршилиқ вужудга келмайди.

Аммо, ўз ихтиёри билан, Аллоҳнинг қонунига бўйсунмаса, унинг жасади бўйсунмаётган қонун билан, ихтиёри билан бўйсунмаётган қонун ўртасида, қарама қаршилиқ вужудга келади. Энди у бўйсунмасдан, барибир қонундан ташқарига чиқмайди. Энди у ҳавога (нафсоний хоҳишларига) бўйсуниб яшайди. Ёинки, ўзига ўхшаган бир инсоннинг тузиб берган қонунларига, бўйсуниб яшайди.

Мана бу ҳолда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг коинотдаги, ўзгармас қонунига мажбуран бўйсунган ҳолда, ихтиёрига берилган, ўзгармас қонунга бўйсунмаслик билан, ўртада қарама қаршилиқ пайдо бўладида, инсон бадбахт бўлиб яшайди. Ҳамма моддий қулайлиқлар ичида, у қандайдир бир нарсани йўқотиб қўйгандек, бир нарсадан қочиб юргандек ҳис қилади ўзини. У ҳаётдан қочишлишлиги, кашандалик билан, маст қилувчи ичимликлар ичишлиқ билан, ўзини ҳаёл суришдан оввора қилувчи, тўхталмаган ўйин кулгулар билан, ҳаётдан қочади.

Нима учун? Бу қаердан келиб чиқаяпти? Чунки, у рисолат тарафидан келган қонунни, ихтиёри билан қабул қилиши керак бўлган қонунни, қабул қилмасликдан келиб чиқаяпти. Ҳозирги замондаги мутахассис бўлган олимлар, бу бахтсизликнинг сирини излашяпти. Бу сирни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, биз излаб юрадиган, бахтсиз ҳолатда қўймадида, бизни бахтлиқ қилиб, Ўзининг тарафидан Пайғамбарлар воситасида, рисолат жўнатди. Бу Пайғамбарларни энг пок инсонлар қилиб яратди. Улар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган ваҳйни, энг пок суратда бизга етказдилар.

Шу муносабат билан ваҳй ҳақида, қисқача бир маълумот бермоқчиман. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонларга, уч хил йўл билан гапиради.

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكْلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ ۚ إِنَّهُ عَلَىٰ حَكِيمٍ
Шуро сураси 51 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтяптики, одамларга Аллоҳнинг гапириши мумкинмас, магар уч йўл билан гапиради. Биринчиси ваҳй билан. Иккинчиси парда орқасида туриб, ва учинчиси элчи жўнатади. Ваҳй қилинганда, кимга хоҳласа Ўзини изни билан ваҳй қилади ва уни Пайғамбар эшитади халос. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло олий ва Ҳаким бўлган Зотдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон қалбига ваҳй юборади. Бу инсон пайғамбар буни Аллоҳ тарафидан деб, билади. Мисол қилиб олганда, туш кўришга ўхшаган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олти ой, туш кўрдилар. (Шу ваҳй ҳисобланувчи туш) Ибодат қилиш учун, Ҳиро тоғига, халқдан четланиб кетганларида, олти ой туш кўрдилар. Мана бу нубувватнинг аввали бўлди. Туш пайғамбарлиқнинг қирқ олтидан бири, деганнинг маъноси шуки, рисолат йигирма уч йил бўлган. Олти ой, шунда қирқ олтидан бири ҳисобланади. Шу олти ойда, у кишининг тушлари ваҳй бўлган.

Ўтган Пайғамбарлар тушлари ваҳй бўлганга ўхшаган. Одамларнинг тушлари икки қисм бўлади. Баъзилар шайтоний туш кўради. Васваса ва бошқа нарсалар. Баъзилари яхши, маънолик тушлар кўради. Бу нарса шу кишининг ўзи учун, бир илҳом бўлади. Бошқалар учун ҳужжат бўлмайди. Бир ҳаром бўлган нарсани, тушимда еяпман экан, деб, ўнгида ҳам, ейишга ҳужжат бўлмайди. Бошқаларга ейверинглар дейишга ва ўзи ейишга ҳам, ҳаққи йўқ. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан баъзи бир яхши нарсаларга, бахти саодатига ёки, бахтсизлигига илҳом бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло билан, банда ўртасидаги баъзи бир, сирлар бор.

Иброҳим алайҳиссалом тушларида, Исмоил алайҳиссаломни сўяётганларини кўрдилар. Қайта қайта кўрганларидан кейин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан эканлигида, шак шубҳа йўқ деб, амал қилишга киришдилар. (Бу у кишини имтихон учун қилинган амр эди.)

Парда орқасида гапиришига мисол шуки, Мусо алайҳиссаломга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гапирди.

فَلَمَّا أَتَاهَا نُودِيَ يُمُوسَىٰ إِنِّي أَنَا رَبُّكَ فَاخْلَعْ نَعْلَيْكَ إِنَّكَ بِالْوَادِ الْمُقَدَّسِ طَوًى

Тоҳо сураси 11,12 оят

فَلَمَّا أَتَاهَا نُودِيَ مِنْ شَاطِئِ الْوَادِ الْأَيْمَنِ فِي الْبُقْعَةِ الْمُبَارَكَةِ مِنَ الشَّجَرَةِ أَنْ يُمُوسَىٰ إِنِّي أَنَا اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ

Қасас сураси 30 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Мусо алайҳиссаломга нидо қилганига, шу оятлар далолат қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони ҳеч ким кўрган эмас. Мусо алайҳиссалом ҳам кўрган эмаслар. Ким Мусо алайҳиссалом кўрганлар деса, у бўҳтон тўқиётган бўлади.

وَلَمَّا جَاءَ مُوسَىٰ لِمِيقَتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ قَالَ رَبِّ أَرِنِي أَنْظُرْ إِلَيْكَ ۚ قَالَ لَنْ تَرَنِي وَلَٰكِنْ أَنْظُرْ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنِ اسْتَقَرَّ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَانِي ۚ فَلَمَّا تَجَلَّىٰ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا ۚ فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَنَكَ ثُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ

Аъроф сураси 143 оят

Мусо алайҳиссалом Роббим менга Ўзингни кўрсатгин, сени кўрайин, деганда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан, сен Мени ҳаргиз кўра олмайсан, дунёда, деган хитоб бўлди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзини кўрадиган кўзни, дунёда яратмади. Қиёмат куни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, бахтли инсонларгина кўради.

وَجُودَ يَوْمَئِذٍ نَّاضِرَةٌ

إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ

Қиёмат сураси 22,23 оятлар

Мана бу оятлар, Қиёмат куни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, бахтли инсонлар кўришлигига далолат қилади.

Ҳадиси шарифларда келадики: Сизлар Роббингларни кўрасизлар, худди тўлин ойни кўрганинглардек, дейилган.

Тўлин ойни кўришлиқда, сен пастроқ туриб тургин, мен кўрмай қолаяпман деб, ҳеч ким айтмайди.

Ёинки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло одамларга, пайғамбарлар воситаси билан гапиради. Пайғамбарларга фаришта жўнатади. Бу фаришта ваҳйни олиб келишга, мукаллаф бўлади. Бу ваҳй ҳам, турли хил бўлиб келади.

هَلُمُّوا إِلَيَّ . فَأَقْبِلُوا إِلَيْهِ فَجَلَسُوا ، فَقَالَ : هَذَا رَسُولُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ؛ جِبْرِيلُ نَفَثَ فِي رُوعِي : إِنَّهُ لَا تَمُوتُ نَفْسٌ حَتَّى تَسْتَكْمَلَ رِزْقَهَا وَإِنْ أَبْطَأَ عَلَيْهَا ، فَاتَّقُوا اللَّهَ ؛ وَأَجْمِلُوا فِي الطَّلَبِ ، وَلَا يَحْمِلَنَّكُمْ اسْتِيطَاءُ الرِّزْقِ أَنْ تَأْخُذُوهُ بِمَعْصِيَةِ اللَّهِ ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُنَالُ مَا عِنْدَهُ إِلَّا بِطَاعَتِهِ . الراوي : حذيفة بن اليمان | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترغيب | الصفحة أو الرقم : 1702 | خلاصة حكم المحدث : حسن صحيح

Бу ҳадиси шариф далолат қиладики, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, Жибрил алайҳиссаломга ишора қилиб айтдиларки, қалбимга шу ваҳй туширди, дедилар. Демак, Фаришта Пайғамбар қалбига ваҳйни туширади. Қандай туширишлиги кайфияти, бизга қоронғу.

Иккинчиси, Фаришта, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, киши суратида кўринади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига, Диҳят ал Калбий суратида келардиларда, ваҳйни етказиб, суҳбат қилиб кетардилар. Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинган ҳадисда, Имон, Ислоҳ ва Эҳсон ҳақида саволлар қилинган. Шу келган киши, Жибрил алайҳиссалом эканликларини айтганлар.

Учинчиси, ваҳй гўёки, қўнғироқ овозига ўхшаб келарди. Имоми Бухорий ривоят қилганлар. Бу ваҳйнинг келиши оғир эди. Хаттоинки, совуқда ҳам, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам терга ботиб кетардилар.

Тўртинчиси, Фариштани, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи яратган суратида кўришлиги. Шу суратида ваҳй олиб келарди. Жибрил алайҳиссаломни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икки марта, ўзларининг асл суратида кўрдилар.

ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى فَأَوْحَى إِلَى عَبْدِهِ مَا أَوْحَى مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى أَفَتُمَارُونَهُ عَلَى مَا يَرَى
Нажм сураси 8,9,10,11,12, оятлари

Шунга далолат қилади.

وَلَقَدْ رَآهُ بِالْأُفُقِ الْمُبِينِ
Куввират сураси 23 оят

Мана бу оят Жибрил алайҳиссаломни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икки марта, кўрганликларига далолат қилади.

Рисолатни қаерга юборишни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи билади. Буни қабул қилиш, инсонларнинг бахти саодатидир. Рисолат, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан одамларга, олий бир инъом бўлиб келди. Рисолатни, саҳобаи киромлар, баҳс қилмасдан қабул қилдилар. Чунки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам агар мен, дин ишига буюрсам, олинглар, дунё ишини ўзларинг мендан кўра, билувчиروқсизлар, дедилар.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ
Юнус сураси 57 оят

Эй одамлар, Роббинглар тарафидан, холис мавъиза келди, сизлар учун дейилади. Мавъиза, ғараз аралашмаган, холис насиҳат келди. Дунёда, ҳамма кишиларнинг панду насиҳатларида, бир ғараз бор. Бу ё дунё, ё обрў ё, бошқа нарса бўлади. Магар, Аллоҳнинг насиҳатида, Ўзининг фойдасини кўзлашлик ё, бошқаларнинг зараридан сақланишлик, ғарази йўқ. Пайғамбарлар мавъизасида, ғараз йўқ.

وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ
Луқмон сураси 13 оят

Отанинг фарзандига бўлган насиҳати ҳам, холис бўлади. Чунки, ота фарзандига ҳеч қандай ғарази бўлмади.

Мана бу оятда Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ
Юнус сураси 57 оят

Эй одамлар, Роббинглар тарафидан, холис мавъиза келди, сизлар учун дейилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳеч қандай, сизлардан манфаатни умид қилгани йўқ. Ва сизларнинг зарарингиздан сақланишлик, ғарази ҳам йўқ.

Ва қалбдаги нарсаларга шифо келди. Шунга тўхталиб ўтамиз. Қалбдаги иллатларга шифо келди. Қуръони каримни мутлақ шифолигини, биз инкор қиладиган тоифалардан эмасмиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шифо мақсадида ўқиган дуоларни, ва оятларни, биз ҳам ўқиймиз. Лекин, қуръони каримни фақат, шифо учун тушган дейишликни, нотўғрилигини тушунтирмоқчиман.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Қалбдаги нарсаларга шифо келди, деди. Нима учун? Бу дардларга шифо беришлик, Пайғамбарларни жўнатадиган нарсамас эди. Жасадларни даволашдек, арзимас нарсадан иборат эмас эди, уларнинг иши. Мен жасадни даволаш арзимас иш, демоқчимасман. Бу нарса рисолатнинг вазифаси, эмас эди.

Булар, мўминларгина эмас, ҳаётини исломга қарши курашиб ўтказган яхуд ва насоролар ҳам, кашф қилиши мумкин бўлган иш эди. Жасаднинг шифосини топишликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсоннинг ақлига ташлаб қўйган эди. Ақли билан ихтиро қилишликка, йўллаб қўйган эди. Унга комил ақл берган эди.

Аммо, сиз ҳеч эшитганмисиз, бирорта табибни, инсон қалбидаги, нифоқ, кизб, ҳасад, хиёнат каби, иллатларга даво топганлигини?! Қайси дорихонадан бунинг давосини топа оласиз? Айтинг, бирорта табиб, шундай дорини кашф қилганми?! Ислоҳчиларнинг ҳаракатлари, бунга ҳеч таъсир кўрсата олганми? Ахлоқни ислоҳ қилувчиларнинг ҳаракатлари, узоқ ва яқин тарихдан бизга маълум.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг пайғамбарлари, қалбдаги иллатларга топган шифони, ҳеч қайси жасад табиби, топа олган эмас. Ва ислоҳчилар тарафидан топилган дорилар, Пайғамбарлар олиб келган нарсанинг муваффақиятини, бера олмаган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг китоби, қалбдаги дардларга шифо эканлигини, мана шу, сураи Юнусдаги оятда, қайд қилиняпти.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг пайғамбарлари, қалбдаги иллатларга дориларни олиб келишган. Уларнинг дориларини истеъмол қилган башарийят жамияти, албатта муваффақиятга эришган. Илм, модомики, инсоннинг қалбидаги имонга итоат қилмас экан, у инсониятга манфаат бермайди.

Инсон қалбидаги илм, тайёрага айланди. Лекин, бу тайёра ўзича, ҳеч нарса қилолмайди, мураккаб жиҳозларга эга бўлса ҳам. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган инсон, қалбидаги имон билан, қалбидаги касалликларни даволагандан кейин, бу тайёрани бошқаради. Шунда манфаат йўлига бошқаради. Бўлмасам, уни разолат йўлига бошқаради. Мана ҳозирги кашф қилинган илмларни, инсоннинг манфаатига эмас, ҳалокатига хизмат қилаётганига, шу кашф қилган одамлар ўзи ҳам, афсусланиб турибди. Агар шу фанларни ихтиро қилган одамлар ҳозир, тирилиб келганида, инсониятдан узр сўраган бўлардилар, бу илмларнинг нимага хизмат қилаётганини қўриб!

Оврупо олимларидан биттаси, мусулмон олимига, биз ҳавода учаяпмиз ва сувда сузаяпмиз, сизлар қолиб кетдинглар, деганда, тўғри, ҳавода учаяпсиз ва сувда сузаяпсиз, лекин, ерда юришликни эсдан чиқардингиз, деган экан. Ҳақиқатдан ҳам, ҳавода учияпди ва сувда сузаяпди, лекин, ерда юришликни эсдан чиқарилди. Рисолатнинг вазифаси, лўндароқ қилиб айтганимизда, ерда инсондек яшашни, ўргатишдан иборатдир.

(Шу ерда, баъзи саволларга жавоб берилади. Биттасини ёзишни лозим топдим.)

Бир киши комил инсон деганда, кимни тушунасиз? деб сўрабди.

Биз комил инсон деганда, Муҳаммад алайҳиссаломни тушунамиз. У кишининг суннатларига эргашганлар ҳам, комил инсон бўлади. У кишининг суннатларига эргашиш, ҳаётида амалларида эргашиш, қанчалик юқорилаб борса, шунчалик комилликка яқинлашиб бораверади. Қанчалик паст бўлса, комилликдан шунчалик узоқлашиб бораверади. Бу сўзга унамаса, наузан биллоҳ, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни комил инсон деб, тан олмаган бўлади. У киши нима билан комил бўлган?

У киши Аллоҳнинг буюрган нарсасига эргашишлик ва қайтарган нарсасидан қайтишлик билан, комил бўлганлар. Бу жуда осон бизларга. Бунда биринчи буюрган суннатлари ва ўзлари қилганлар ва буюрмаганлар ва баъзида ҳузурларида қилинганда, индамаганлар. Бу нарсаси ҳам суннатдир мана.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана волидалари бетоб экан, шифо берсин!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мусибатдаги кишиларни, мусибатини кўтарсин! Хатларда кўп дуо қилишни сўраб ёзишганига, ўзим ҳам сал малолланар эдим. Ўтган куни жумада бир толиби илмнинг, кўзи аъмо бўлиб қолганини айтиб, дуо сўраб хат ёзишган экан.

Шунда, шу жамоат билан дуо қилгандик. Кейин, шуни бир таниши келиб, айтдики, шанба куни шу одамни кўзи очилиб, кўра бошлабди. Шу куни, кўп Ҳожилар ҳам бор эди. Янги Ҳаждан келишган. Шундан кейин, мен ўзим ҳам, кўп дуо сўраб ёзилган хатларни, малол олмай кўйдим. Шунинг учун дуо қиламиз мана, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мусибатдаги кишиларни, мусибатини кўтарсин!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ибодатларимизни қабул қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

69 Дарс

Турли мавзуларда қисқача дарслар

(Бу дарс бошида, Ҳизбут таҳрир партиясининг ақидаси асосларига, қарши раддия берилади. Маълумки, ҳизбут таҳрир жамоаси асли, калом аҳли бўлмиш, Муътазиллийларнинг бугунги замонавий кўринишидир. Булар мутакаллимлар сингари, ақлни мезон қилиб, нақлни унга эргаштиради. Аҳли сунна эътиқодида, нақл бирламчи бўлиб, ақл унга эргашади. Бу ерда оддий авомга унча тушунарли бўлмаган илмий дарс бўлган. Дарсда акса уришга доир, намоздаги сафлар ва бошқа мавзуларга доир, қатор ҳадислар ўқилиб, мазмуни кенг суратда шарҳланади. Дарс охирида яна Ҳурмузон қиссаси ва Талха ибн Убайдуллоҳ маноқиби ўқилади. 56 дарсда Ҳурмузон қиссаси ва 31 дарсда Талха ибн Убайдуллоҳ маноқиби аввалтр зикр қилинганди)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган амалларнинг энг афзали тавҳиддир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қайтарган амалларнинг энг каттаси ширқдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир амалга буюрса, уни қилиш қилмасликда, инсоннинг ихтиёри йўқ.

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُبِينًا
Аҳзоб сураси 36 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ва Расули бирор бир ҳукмни қилган бўлса, мўмин кишининг ихтиёри бўлиши мумкинмас.

Демак, мўмин киши бирор иш қилмоқчи бўлса, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ва Расули, шу тўғрисида нима ҳукм қилганини, билмоқлиги лозим бўлади.

Ҳизбут таҳрирга раддия

Мен шу ўринда бир нуқтага тўхталиб ўтмоқчиман. Усулларда (Фикҳдаги асос қоидаларда)

الأصل في الأشياء الإباحة

Оламдаги нарсаларнинг аслидаги ҳукм, мубоҳдир. Ҳамма нарсалар ҳукми мубоҳ ва лекин, шариат ҳукми келиб, баъзи нарсаларни ҳаром қилган. Ҳозирги кунда, илм ўқиётган кишиларнинг баъзилари, бошқа тарафга йўналиб кетган кишилар, (Гап бу ерда Ҳизбут Таҳрир ақидаси ҳақида кетаяпти) шариатдаги дуруст бўлмаган нарсаларнинг дурустлигига,

الأصل في الأشياء الإباحة

сўзини далил қилишади.

(Эслатма: Ҳизбут Таҳрир кашандаликни ҳалоллигига, ҳаёсиз суратларга қарашликни, далил қилган бу сўз, фикрдаги қойидалардан биридир. Ислом фуқаҳолари, шу қойида асосида, ҳамма нарса аслида ҳалол ва мустасно шаклида баъзи нарсалар ҳаром қилинган дейдилар. Ҳаром қилинган нарсалар оят ва ҳадисда келганидан ташқари, ижмоъ ва қиёс асосида ҳам бўлади. Шунга кўра, кашандалик масаласида, оят ва ҳадис келмаган бўлсада, уни бошқа ҳаром қилинган нарсаларга қиёслаб, ҳаром деб, ҳукм қилинган. Ҳизбут таҳрир олимлари, уни мубоҳ дейишган. Бу ерда қори ака шуларнинг раъйларига раддия берганлар. Бу нарсалар оддий ўқувчиларга тушунарсиз бўлгани учун, бир оз ойдинлик қиритишни лозим топдим.)

Лекин, улар буни ҳужжат қилаётган нарса, шайъмас (нарсамас) биродарлар, балки, феъл. (Ҳаракат)

الأصل في الأشياء الإباحة

Усул уламолари сўзи нарсалардаги асл, мубоҳлиқдир. Модомики шариатда уни ҳаромлигига ҳукм келмаса, уни ҳаром дейишга, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ,?! Бу тўғри!

Ҳаёсиз суратларни, биз ҳаром деб биламиз.

الأصل في الأشياء الإباحة

сўзини бунга далил, деб, уни ҳалол дейишликка ҳужжат қилган одам, ҳақиқий жоҳил одамдир.

Чунки, қарашлик бу феъл, бу шаъймас. (Изоҳ: Ҳизбчилар нарсалардаги асл ҳукм мубоҳдир, деган сўзни ҳужжат қилиб, яланғоч суратларга қарашликни ҳам, порно кинолар кўришликни ҳам, мубоҳ дейишган. Чунки, суратдаги асл, аёлни бадани эмас. У ердаги асл, ранг, расм ва қоғоздир. Кинодаги асл, ҳам аёл эмас, шу экранидир. «Айн билан акс тенг эмас,» деган қойидани ҳам, шунга далил қилишади. Расмга қарашлик мубоҳдир. Динда ҳаром эмасдир. Улар шу усули қойидани ҳужжат қилишади. Қори ака шуни, жоҳиллиқдир деяпти. Бу киши қарашликни, шаъй эмас. Нарса эмас, қарашлик феъл, ҳаракат деяпти. Шу ҳаракат, шу расмга қараш бўлса, ҳаромлик воқеъ бўлади ва бу амал ҳаромга ҳукм қилинади, деяпти)

الأصل في الأفعال ليس الإباحة ولتحريم

Яъни, бу феъллардаги асл. Мубоҳлиқмас бу.

(Кичик изоҳ: Феъллардаги аслини, қори ака мубоҳ эмас, деди. Аммо, бундай қойида йўқ. Ҳизбут таҳрирни бу хусусдаги, шу қойидасини инкор қилди.

المادة 14: الأصل في الأفعال التقيد بالحكم الشرعي

Яъни, ҳизбут таҳрирни қойидаси, феъллардаги асл, шаръий ҳукмга боғланишлиқдир» деган. Шу нуқтада, ҳар икки тарафни мавқеъида, бир оз мавҳумлик бор.

الأصل في الأفعال الإباحة

Феъллардаги асл ҳам, мубоҳдир, магар ҳаром қилинган амаллар бўлса, унда ҳаром бўлади! Шу қойида асосида, порно филмлар кўриш ва уятлик суратлар кўришликни, феълан ҳаром деб, ҳукм қилиш мумкин! Чунки, оятда зинога яқинлашманг! дейилган. Бу амаллар эса, шу яқинлаштирувчи амаллардандир. Шу нуқтада, Қори акани, феъллардаги асл, ҳаром деган сўзлари, мавҳумдир, валлоҳу аълам?! Ҳизбут Таҳрирни феъллардаги асл, шариатга боғланиш дегани ҳам, шундай. Чунки, феъллар сон саноксиз ва турли туман. Шариат ҳар бирига кўрсатма бермаган. Шариат улардан ҳаром қилганларини, ҳаром бўлади, қилишга буюрганини қилишлик, фарз бўлади. Қолганлари аслий ҳукмга кўра, мубоҳдир! Валлоҳу аълам!) Изоҳ тугади.

الأصل في الأشياء الإباحة

Деб, шаъйни мисол келтиришлик керак. Ҳаёсиз суратларга қарашлик, бу шаъймас, бу феъл, биродарлар. Бу феъл, шариат бу феълни ҳаром қилган. Баъзилар шундай ҳужжат қилишяпти. Мен бир нарсага, тўхталиб ўтмоқчиман.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўмин киши ва мўмина аёл учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ва Расули бирор бир ҳукмни қилган бўлса, мўмин кишининг ихтиёри бўлиши мумкин эмас.

الأصل في الأشياء الإباحة

Биз буни тўғри деб, биламиз. Аммо, шаъй (нарса) билан, феълни ажратолмасликни, жаҳолат деб биламиз. Бир нарсага қараш ва қарамаслик феълдир. Бир нарсани қилиш ва қилмаслик феълдир. Суратни чизиш, чизмаслик феълдир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам суратчиларга лаънат айтганлар. Бу феъл, бу шаъй эмас.

الأصل في الأشياء الإباحة

Феълга ҳужжат қилишлик, бу жаҳолатдан бошқа нарсамас.

فَأَسْتَقِيمَ كَمَا أَمَرْتَ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ
Ҳуд сураси 112 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло расулини, сизга буюрилганидек, истиқоматда қолинг ва сиз билан бирга бўлганлар ҳам, истиқоматда қолсинлар деб, буюрди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизга ҳам, истиқоматда қолишликка тавфиқ берсин!

Акса урганда қандай жавоб берилади? Ҳадислар шарҳи

Ислом шариати ҳаётда қайси бир нарса бўлса, буларга жавоб айтди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг йигирма уч йиллик ҳаётлари, ҳаётда бир нарса қолмадики, жавобсиз қолган. Қуръони карим ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси мубораклари, ҳаётдаги ҳамма нарсага жавоб айтди.

Бугунги дарсимизда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаётда, баъзи вақтда содир бўладиган нарсаларга ҳам, жавоб айтган ҳадисларига тўхталиб ўтамиз. Акса урган одам нима дейиши ва буни эшитган одам қандай жавоб беришига доир масалада ҳам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам йўлланма бердилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَطَاسَ ، وَيَكْرَهُ التَّثَاوُبَ ، فَإِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ ، وَحَمِدَ اللَّهَ ، كَانَ حَقًّا عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ سَمِعَهُ أَنْ يَقُولَ : يَرْحَمُكَ اللَّهُ . وَأَمَّا التَّثَاوُبُ ، فَإِنَّمَا هُوَ مِنَ الشَّيْطَانِ ، فَإِذَا تَثَاءَبَ أَحَدُكُمْ ، فَلْيَرْدِّهُ مَا اسْتَطَاعَ ، فَإِنْ أَحَدُكُمْ إِذَا تَثَاءَبَ ، ضَحِكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ ، الرَّاوي : أَبُو هُرَيْرَةَ | المحدث : الألباني | المصدر : الكلم الطيب

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло акса уришликни, яхши кўради. Ва эснашликни ёмон кўради.

Сизлардан битталаринг акса урса, алҳамдулиллоҳ деса, уни эшитган ҳар бир мусулмон кишига ярҳамукаллоҳ дейишлик, ҳақ бўлади. Вожиб бўлади. Бунда биз мухаййар эмасмиз. Яъни, хоҳласак айтиб, хоҳласак айтмайдиган эмасмиз. Акса урган ҳар бир мусулмон кишига, алҳамдулиллоҳ деб, айтиш шарти билан, ярҳамукаллоҳ дейишлик, ҳақ бўлади. Вожиб бўлади. Аммо, эснашлик бу шайтондан. Эснаган одамга биз, ҳеч қандай жавоб айтмаймиз. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: сизлардан қайси бирларинг, эснасанглар, кучи борица қайтарсин, дедилар. Чунки, эснаган вақтида, шайтон қувониб кулиб юборади, дедилар.

إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ وَلْيَقُلْ لَهُ يَرْحَمُكُمُ اللَّهُ وَلْيَقُلْ يَهْدِيكُمْ وَيُصْلِحْ بِأَكْمَرِ
الراوي : علي بن أبي طالب | المحدث : أحمد شاكر | المصدر : مسند أحمد

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, бир киши акса урса, алҳамдулиллоҳ ало кулли ҳол деса, унга ярҳамукаллоҳ денглар, Акса урган одам зиёда қилмоқчи бўлса, яхдиякумуллоҳ ва юслиҳу болакум, десин.

(Бу ҳадис ҳам, шу мавзуга доир бўлган учун илова қилинди.

إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ : الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ، وَلْيَقُلْ لَهُ : يَرْحَمُكَ اللَّهُ ، وَلْيَقُلْ هُوَ : يَغْفِرُ اللَّهُ لَنَا وَلَكُمْ
المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع
ع خلاصة حكم المحدث : صحيح

Сизлардан ким акса урса, алҳамдулиллоҳи роббил оламин, десин. Унга ярҳамакуллоҳ денглар. У яғфируллоҳу лано ва лакум, десин.

عَطَسَ رَجُلَانِ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَشَمَّتْ أَحَدَهُمَا وَتَرَكَ الْآخَرَ، قَالَ: فَقِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، رَجُلَانِ عَطَسَا فَشَمَّتْ أَحَدَهُمَا وَتَرَكَتِ
الْآخَرَ؟ فَقَالَ: إِنَّ هَذَا حَمَدَ اللَّهِ، وَإِنَّ هَذَا لَمْ يَحْمَدِ اللَّهَ
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : أبو داود

Икки киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдида икки киши акса урди. Биттасига жавоб айтдилар ва биттасига айтмадилар. Биттасига ярҳамукаллоҳ дедилар ва биттасига айтмадилар. Одамлар, фалончи акса урганда жавоб бердингиз ва фалонга бермадингиз, деганларида, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам буниси акса уриб, ҳамд айтди. Униси айтмади, дедилар.

Чунки, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, деган сўз мўмин одамга бўлади. Бу ўзини мўминлигини, акса неъматига шукр айтиб, кўрсатган бўлмоғи керак. Шукр айтмаганлиги учун, унга жавоб беришлик лозим бўлмайди.

Ота она фарзандига беришлик, эсидан чиқиб қоладиган тарбияни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам умматларига бердилар.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам акса урсалар, оғизларини қўллари ва ёки либослари билан, бекитиб олардилар. Ёки, товушларини қўллари билан пастлатардилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари ижобатлиги, муқаррар эди. Яхудлар Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, деган сўзни ўзларига айттириб олишлик учун,

كَانَ الْيَهُودُ يَتَعَاطَسُونَ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرْجُونَ أَنْ يَقُولَ لَهُمْ يَرْحَمُكُمُ اللَّهُ فَيَقُولُ يَهْدِيكُمْ اللَّهُ وَيُصْلِحْ بِأَكْمَرِ
الراوي : أبو موسى الأشعري

Ёлғондан ўзларини акса урганга ўхшатишарди. У киши уларга, яхдиякумуллоҳу ва юслиҳу болакум, дердилар. Шунчалик ҳассос эдилар. Яҳудлар Аллоҳнинг душмани эди. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, деган сўз уларга айтилиши дурустмас эди. Уларга Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин ва аҳволингларни тузатсин, деб, қўярдилар. Бирор марта, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг тарихларида, ғайридинга, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, деган сўз айтгани, ривоят қилинмаган, биродарлар.

Ҳаттоинки, маккор яҳудлар келиб, шунақа қилишганда ҳам, ҳассос эдилар. Аллоҳ ҳидоят қилсин, сизларни, дер эдилар.

إذا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَضَعْ يَدَهُ عَلَى فِيهِ ؛ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَدْخُلُ مَعَ التَّنَائُبِ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизларнинг битталаринглар эснаса, қўли билан оғзини бекитсин. Шайтон оғзига кириб кетади, дедилар.

Биз нассларни (ҳужжатни) таъвил қилмасдан, шундай қабул қиламиз. Шайтон оғзига кириб кетади, дедилар. Биз таъвил қилмасдан, шундай қабул қиламиз.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир:

حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ : رُدُّ السَّلَامِ ، وَ عِيَادَةُ الْمَرِيضِ ، وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ ، وَ إِجَابَةُ الدَّعْوَةِ ، وَ تَشْمِيتُ الْعَاطِسِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع

1. Салом берса, жавоб бериш,
2. Қасал бўлса, ҳол сўраш,
3. Ўлса жанозасига бориш,
4. Чақирса, боришлик,
5. Акса урса, жавоб беришлик. Ҳамд айтганда ярҳамукаллоҳ дейишлик, ҳақдир.

Баъзи ривоятларда, акса урган кишига, жавоб айтишга Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизларни, буюрдилар дейилади. Шунга кўра, жавоб айтишлик, вожибдир. Биз нассларни (ҳужжатни) раъйимиз билан эмас, Аллоҳнинг расули айтяпди, деб, қабул қилмоғимиз керак.

Азоб тушган кофирлар диёридан ўтганда нима қилиш керак?!

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Самуд диёридаги Ҳижр вилоятига етиб келганларида,

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِأَصْحَابِ الْجَبْرِ: لَا تَدْخُلُوا عَلَى هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ إِلَّا أَنْ تَكُونُوا بَاكِينَ، فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا بَاكِينَ فَلَا تَدْخُلُوا عَلَيْهِمْ؛ أَنْ يُصِيبَكُمْ مِثْلُ مَا أَصَابَهُمْ.

الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
الصفحة أو الرقم: 4702 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Самуд қабиласи азобга учраган қавмлардан. Бу азобланган қавмлар устига кирманглар магар йиғлаган ҳолда киришлар, дедилар. Самуд қабиласи ҳалок бўлганига, қанча минг йил ўтган Аллоҳ Ўзи билади. Шунчалик узоқ вақт ўтганига қарамасдан, бу ерга йиғлаган ҳолда киришлар, дедилар. Бу ерга Аллоҳнинг балоси тушган, дедилар. Бу ерга йиғлаб киролмасанглар, кирманглар дедилар. Сизларнинг бошингизга ҳам, улар бошига тушган мусибат тушмасин, дедилар.

Баъзи ривоятда, Бу ерга йиғлаб киролмасанглар, кирманглар дедилар. Сизларнинг бошингизга ҳам, улар бошига тушган мусибат тушмасин, дедиларда, ўзлари кийимлари билан бошларини ёпиб, уловни тезлатиб, водийдан ўтиб кетдилар. Мўмин киши шунчалик Аллоҳнинг азобидан қўрқиши керак. Аллоҳнинг лаънати тушадиган ерга боришлик эмас, ўша ердан ўтиб кетаётганда, Аллоҳнинг азобидан паноҳ сўраб, тез ўтиб кетишлик керак! Бу ерга пул сарф қилиб киришликмас, биродарлар. Аллоҳнинг лаънати қайси нарсаларга эълон қилинганини, ҳаммамиз биламиз, биродарлар.

Аёл киши ёлғиз сафар қилса, бўладими?

لا يَحِلُّ لِمَرْأَةٍ تُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، تُسَافِرُ مَسِيرَةَ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ عَلَيْهَا
الراوي : أبو هريرة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم | الصفحة أو الرقم : 1339 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган аёлга, баъзи аёлларга айтилса, мен сафар қилавераман, дейиши мумкин?! Бу сўз, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган аёлларгадир. Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирмаган аёл, у қачон ва қаерга сафар қилишлиги билан, мусулмон одамнинг иши йўқ! Бир кеча кундузлик ерга, сафар қилиши мумкинмас, магар маҳрами билан мумкин.

لَا يَحِلُّونَ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ، وَلَا تُسَافِرُ الْمَرْأَةُ إِلَّا مَعَ ذِي مَحْرَمٍ، فَقَامَ رَجُلٌ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ امْرَأَتِي خَرَجَتْ حَاجَةً، وَإِنِّي اكْتَتَبْتُ فِي غَزْوَةٍ كَذَا وَكَذَا، قَالَ: انْطَلِقْ فَخُجَّ مَعَ امْرَأَتِكَ
الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Эркак кишини, номаҳрам аёл билан, холи қолишини, маън қилдилар. Магар аёлнинг ёнида, маҳрами бўлса, мумкин. Масалан, бир хонада бир киши ва бир номаҳрам аёлнинг ўтиришлиги мумкинмас. Агар маҳрами бўлса, кейин, мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганимизда, битта аёл, сайёрани ичида, маҳрамсиз ўтиришлиги мумкинмас, биродарлар. Аёл киши ёлғиз сафар қилмасин, дедилар, Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Шунда бир киши, Ё Расулulloх менинг аёлим, Ҳажга чиқмоқчи эди. Мен фалон ва фалон жиҳодга ёзилиб қолганман, дедилар. Яъни, Аллоҳ йўлидаги жиҳодга, ёзилиб қолганман деди. Фалон тижоратим билан, банд эдим, демадилар. Деҳқончилигим билан, банд эдим, демадилар. Аллоҳ йўлидаги жиҳодга, ёзилиб қолганман, дедилар. Аёлим бўлса, Ҳажга чиқиб кетувди. Нима қилай? дедилар. Расулulloх саллоллоҳу алайҳи васаллам: Бор, аёлинг билан Ҳаж қил! дедилар.

Биз биродарлар, агар Аллоҳнинг рози бўлсин деб, амал қилсак, биринчи, бунга китобу суннатда, асос бўлишлиги керак. Ва ихлос, яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзигина мақсад қилинган бўлишлиги керак. Амални қабул бўлишини, иккита шарти бор. Китобу суннатга мувофиқ бўлмаган амални, йиғлаб қилинг, қабул бўлмайди. Кечаси йиғлаб, кундузи рўза тутиб қилинг, қабул бўлмайди. Чунки, китобу суннатга зид, у амал. Китобу суннатга мувофиқ бўлсаю, лекин, ихлос бўлмаса, Аллоҳнинг рози бўлсин деб, амал қилинмаса, у амал ҳам, ҳабата бўлади.

Саволлар кўпайиб кетганлиги учун, турли масалаларни, бугунги кундаги дарсимиз мавзуси қилиб қўйдик.

Намозда сафларни текишлаш ҳақида

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ниҳоятда берган эҳтимоллари, Намозда сафларни комил қилишлик бўлди. Бунга буюрдилар. Ва қўллари билан бориб тўғрилаб қўйдилар, иқома айтилганидан кейин, биродарлар. Огоҳлантирдилар ва қўрқитдилар. Намоздаги сафга, жуда катта эътибор қаратдилар.

أَلَا تَصُفُّونَ كَمَا تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهَا قَالَ قُلْنَا وَكَيْفَ تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهَا قَالَ يَتَمَوَّنَ الصُّفُوفَ الْأُولَى وَيَتَرَاوُونَ فِي الصَّفِّ
الراوي : جابر بن سمرة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه | الصفحة أو الرقم : 818 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Фаришталар Роббисининг ҳузурида саф бўлган каби, саф бўлмайсизларми? дедилар. Биз, Фаришталар Роббисининг ҳузурида қандай саф бўладилар? дедик. Аввалги сафни комил қилиб, сафда бир бирига зич бўлиб, тегиб туришади. Тарос дегани, ёпишиб туришлик, биродарлар. Баъзи бир кишилар, сафларда орқага қараб кетади. Салқинни ихтиёр қилиб, орқага қараб кетишдан эҳтиёт бўлишлик керак, биродарлар. Абу Саид ал Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى فِي أَصْحَابِهِ تَأَخُّرًا ، فَقَالَ : تَقَدَّمُوا فَاتَّمُوا بِي ، وَلِيَأْتَمَّ بِكُمْ مَن بَعْدَكُمْ ، وَلَا يَزَالُ قَوْمٌ يَتَأَخَّرُونَ حَتَّى -
يُؤَخَّرَهُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح النسائي

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни (намоздаги сафда) орқага тортаётганини кўрдилар. Уларга қараб, илгариланглар, мени олдимдан сафларни комил қилиб боринглар! Сизлардан кейингилар, сизларга эргашсин! Одамлар ўзларини орқага ташлашса, Аллоҳ ҳам уларни, орқага ташлаб қўяди. Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ مَنَاجِبًا فِي الصَّلَاةِ، وَيَقُولُ: اسْتَوُوا، وَلَا تَخْتَلِفُوا، فَتَخْتَلِفَ قُلُوبُكُمْ، لِيَلِينِي مِنْكُمْ أُولُو الْأَحْلَامِ
وَالنَّهْيُ ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ، ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ قَالَ أَبُو مَسْعُودٍ: فَأَنْتُمْ الْيَوْمَ أَشَدُّ اخْتِلَافًا
الراوي : أبو مسعود عقبة بن عمرو | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم | الصفحة أو الرقم : 432 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам елкаларимизни, сафда турганда, қўллари билан силаб, текислаб қўядилар. Тўғриланинглар. Нотекис турманглар. Қалбинглар ҳам нотекис бўлиб қолади, дердилар.

Менинг ёнимда, ақл эгалари ва камолотга етган кишилар турсин, дердилар. Бундан мурод балоғатга етган кишилар ва илмда комил кишилар, туриши керак. Намозда доим имомни ёнида, аҳли фазллар туриши керакки, намоз бузилиб қолса, намозга ўта оладиган кишилар бўлиши керак.

Сафларни баробар қилганда, оёқларимизни ёпиштирамизми, йўқми? деган саволни ханузгача, сўрашяпди, мана. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларига мурожаат қиламиз.

وَعَنْ أَنَسٍ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ، فَأَقْبَلَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِوَجْهِهِ فَقَالَ: أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ وَتَرَاوُوا، فَإِنِّي أَرَاكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي رَوَاهُ
الْبُخَارِيُّ بِإِسْنَادِهِ، وَمُسْلِمٌ بِمَعْنَاهُ

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам намозга иқома айтилгандан сўнг, бизга қараб, сафларни тўғриланинглар. Ва зич бўлиб турунглар! Мен рўбарўимни қандай кўрсам, орқа тарафдан шундай кўриб тураман, дедилар.

وفي رواية للبخاري: وَكَانَ أَحَدُنَا يَلْزُقُ مَنْكِبَهُ بِمَنْكِبِ صَاحِبِهِ وَقَدَمَهُ بِقَدَمِهِ

Имоми Бухорий ривоятида, бизларнинг биттамыз елкасини, ёнидаги кишининг елкасига ёпиштиардик, дейилади. Биродарлар, елкасини елкасига теккизарди, деган гап бошқа, елкасини ёнидаги кишининг елкасига, ёпиштиардик, деган гап бошқа.

Илзоқ деб, араб тилида, ёпиштиришни айтади. Елкамизни, ёнидаги кишининг елкасига ёпиштирардик, дейдилар. Қадамимизни қадамимизга, қадам деб, биз тарафда, шу оёқни айтади. Шу оёқни, оёққа ёпиштирардилар. Ўзининг оёғини, ўзиникига ёпиштирмайди, ҳеч қачон! Ўзининг оёғини, шарикининг оёғига ёпиштирардилар.

Теккизардилар эмас, ёпиштирардилар. Теккизарди, деган маъно, оёқни, оёққа тегиб туриши. Ёпиштириш деган маъно, бир нарсани бир нарсага, ёпиштириб кўрилган бўлса керак?! Мана бу оёқларни, биттамит бошқани оёғига ёпиштирардик, дейдилар. Агар ҳаммамиз ёпиштирадик, оёқни керишга ҳожат тушмасди. Оёқни керишга, ёнидаги одамни, суннатни билмаслиги мажбур қилади. У ёнидаги одам, самоварда ўтириб, ўрганиб қолган.

و صلُّوا كما رأيتموني أصلي ، فإذا حضرت الصلاة فليؤذن لكم أحذكم ، و ليؤمكم أكبركم
الراوي : مالك بن الحويرث | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع | الصفحة أو الرقم : 893 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиганлари каби, ўқишлик керак!

У киши оёқларини, бировнинг оёғига ёпиштириб турмасдилар. Ёлғиз турардилар. Имом эдилар, у киши. Лекин, саҳобалар айтяпдики, бизларнинг биттамит оёғимизни, бошқанинг оёғига ёпиштирардик, дейдилар. Илзоқ деб, араб тилида, ёпиштиришни айтади. Шунинг учун, саф ҳақида бизга савол бўлмасин, бундан кейин. Биз бу саволга жавоб бермаймиз, бундан кейин!

Ўзингиз намозда доим, сафларни текисланглар деб, айтасизку, деган савол бўлиши мумкин?

Ҳа, бу тўғри. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сафларни текисланглар, елкаларни ёпиштиринглар, деб, умрларининг охиригача айтганлар. Шунинг учун, биз ҳам айтамыз. Шу суннатни ихё қилишлик учун, айтамыз. Агарчи, сафда ҳеч қандай бир ҳалални кўрмасак ҳам, айтамыз, шу сўзни айтишликни, ўзи суннат. Шу суннатни ихё қилишлик учун, айтамыз.

رُصُّوا صفوفَكُمْ وقاربوا بينها وحاذوا بالأعناق ، فوالذي نفسي بيده إني لأرى الشيطان يدخل من خلل الصف كأنها الحذف
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : ابن دقيق العيد

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, сафинларни зич қилинлар, ўрталарни яқинлаштиринглар, бўйинларни баробарлаштиринглар, нафсим қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, мен шайтонни сафларни орасидаги очиқ ердан худди, кўзичоққа ўхшаб, кириб бораётганини, кўриб тураман, дедилар.

Ҳаммамиз кўй боққанмиз, биродарлар. Кўзичоқни кўйлар орасига кирганини, кўрган бўлсангиз керак? Ҳар бир имконият бўлса, кириб олади. Ора очиқ бўлса, у бемалол келиб киради. Зич пайтида ҳам, имкон топилганда, кириб олади. Мен шайтонни сафларни орасидаги очиқ ердан, худди, кўзичоққа ўхшаб, кириб бораётганини, кўриб тураман, дедилар. Ҳазафни биз кўзичоқ деб, кўяяпмиз. Ҳадисни шарҳида мана, бу Яманда бўладиган қора, кичкина чаққон кўзичоқ деган, эканлар. Сафлар ҳақидаги бизнинг маълумотимиз шу, биродарлар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг намоздаги сафларга доир берган йўлланмалари. Баъзиларига ишора қилиб ўтдик.

Масжидга садақа қилсак савоб бўладими?

Масжидга садақа қилсак савоб бўладими? деб сўрабди бир киши.

عن عائشة رضي الله عنها: أن رجلاً قال للنبي صلى الله عليه وسلم: إنَّ أُمِّي افْتَلَتَتْ نَفْسَهَا، وَأَظَنُّهَا لَوْ تَكَلَّمَتْ تَصَدَّقْتُ؛ فَهَلْ لَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا؟ قَالَ: نَعَمْ
رواه البخاري (1388)، ومسلم (1004)

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Бир киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдига келиб, келиб, онам вафот қилдилар. Агар гапира олганларида, садақа қилгин деб, айтган бўлардилар. Мен у киши учун садақа қилсам, саоби бўладими? деб сўради. Ҳа, дедилар.

Саъд ибн Аби Ваққос айтадилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга айтдимки, онам вафот қилдилар. Нима қилсам, савоб бўлади? десам, сув, дедилар.

Арабистон саҳросида сув кам бўлганлигига, сувга ишора қилдилар. Бир қудуқни кавлаб, жиҳозларини ҳозирлаб, бу Саъдни онаси учун, дедилар.

إذا مات ابن آدم انقطع عمله إلا من ثلاث: صدقة جارية، وعلم ينتفع به، وولد صالح يدعو له - الراوي: - | المحدث: ابن تيمية | المصدر: مجموع الفتاوى | الصفحة أو الرقم: 1/191 | خلاصة حكم المحدث: صحيح

Агар инсон вафот қилса, амали тўхтайдиган. Учта амали давом этади. Умр, бир китоб кабидир. Ҳар куни бир варағи бекилаверади. Охири муқова чиқадида, инсон дунёдан кўз юмиб кетади. Шу амаллар ёзилладиган дафтарнинг, уч варағи очиқ бўлади. Юриб турган садақа қўйиб кетган бўлса, бунинг савоби, ёзилиб туради. Садақани ўзимас, биродарлар, юриб турган садақа бўлса дейиларди. Юрмайдиган садақа бўлса, шу ерда қолади. Бир одамга либос кийдириб қўйди. Бу либос йўқ бўлгунча, юриб туради. Бир одам масжид куриб кетди. Шу масжид йўқолиб кетгунча, шу юриб тураверади. Иккинчиси, фойдаланиб туриладиган илм, қўйиб кетган бўлса, бир одамга таълим бердингиз. У ўзи ҳам фойдаланмади ва бировга ҳам ўргатмади.

Бундай шогирд қўйиб кетган бўлсангиз, у очиқ варағингизга ҳеч нарса ёзилмай тураверади, қиёматгача. Фойдаланиб турилган илм бўлиши керак. Учунчиси, солиҳ фарзанд қолдирган бўлсаю, дуо қилиб турса. Солиҳ фарзанд ким? Пул топар фарзандми? Қадди қоматли фарзандми? Ёинки, халқни тилида айтайлик, Учар фарзандми? Фарзандни яҳудлар ҳам, насоролар ҳам, қўйиб кетади. Солиҳ фарзанд қўйиб кетса, дейилди. Солиҳ фарзанд шариат буюрган ишни қилладиган ва қайтарган нарсадан қайтадиган, фарзанддир. Одатда беш вақт намозда дуо қилинади. Намозхон фарзанд қолдириб кетган бўлса, у фарзанд ота онасига дуо қилиб турса, бу одамнинг амал дафтарида, савоб ёзилиб туради.

Валад калимаси, ўғил ва қизга ишлатилади. Ортидан шу ўғилми қизми, қўйиб кетган бўлса, солиҳ бўлса, дуо қилса, савоб бориб туради. Аммо, динга қарши курашадиган фарзанд қўйиб кетган бўлса, ҳаётда орасини очиқ қилиб олган бўлса, саломат қолади. Агар шунга рози бўлиб, унинг олиб келган таомини, дуо қилиб иштаҳа билан еган бўлса, амал дафтарининг ёмон варағи очиқ туради. Шуни яхши билмоғимиз керак. Фарзанд солиҳ бўлса, дуо қилса, савоб бориб туради. Биз бу ерда, ўзимизни алдамаслигимиз керак! Фарзанди отасидан кейин, мингта қўй сўйсин, намоз ўқимаса, заррача манфаати йўқ унинг! Хотиржамлик билан айтмоқлик керак!

Бўлмасам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу ҳадисларини, қўй сўйиб туриладиган фарзанд қолса, деб, ўзгартириб олсин, бўлмасам! Салоҳийятлик фарзанд бўлиши керак. Биз отасининг дўстларини зиёфат қилса, ажр бўлмайди, демаймиз. Бўлади. Муҳтожларга садақот қилса, ажр бўлишлигида, шак шубҳа йўқ. Салоҳийятлик бўлмаса, қўй сўйган билан, манфаат бўлмайди. Ўзиниям нияти, кўпроқ дадасига ажр бўлишликмас ўзи. Шу дадасига ҳеч нарса қилмади, демасинлар деб, қилаётган бўлади.

Ўзидан сўрасангиз ҳам, шуни айтади. Охиратдан ажри йўқлигини ўзиям билади. Лекин, унга аҳли илмман деганлар, савоб топиб бермасликлари керак. Ўзи савобни умид қилмайди. Энди одамлар, ҳар хил гап қиливоряпти қилмасак, деб, ўзининг тили билан ифодалайди.

Аллоҳнинг ҳузурида ажр оламан деган, мақсад, унинг дилида ҳам йўқ. Лекин, бунга динни бошқача қилиб кўрсатаётган одам, жаннатни хоҳлаган дарвозасидан кирсанг бўлаверади деб, кўрсатиб беради.

Лекин, фойдаланиб туриладиган илм, қўйиб кетса, албатта савоб бориб туради. Ва юриб турган садақа бўлса, албатта савоб бориб туради. Ёинки, солиҳ бўлса, дуо қилса, албатта савоб бориб туради. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ваҳй қуувати борлигини билсак бўлади. Шундай фарзандларни кўрамизки. Ота онасини кўзида ёши оқиб, дуо қилади. Лекин, салоҳийятликмас. Намоз ўқимади. Дуо қиладиган фарзанд бўлса бўлди, демадилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Дуо қиладиган фарзанд дуосидан манфаат бўлмайди, агар у салоҳийятлик бўлмаса! Аллоҳнинг буйруқларини қилмаса. Аллоҳнинг айтганини қилмасдан, ота онасини дуо қиладиган фарзандлар, хотирини жам қилсинлар! Савоб бормайди. Бу менинг сўзим эмас, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилдилар. Имоми Муслимнинг жомеъус саҳиҳида келган.

Биз ўзимизни алдамаслигимиз керак, биродарлар!

Ўлганлар ортидан гапиришлик ҳақида

مَرَّ بِجَنَازَةٍ فَأَتَيْتُ عَلَيْهَا خَيْرًا، فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَمَرَّ بِجَنَازَةٍ فَأَتَيْتُ عَلَيْهَا شَرًّا، فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، قَالَ عُمَرُ: فِدَى لَكَ أَبِي وَأُمِّي، مَرَّ بِجَنَازَةٍ، فَأَتَيْتُ عَلَيْهَا خَيْرًا، فَقُلْتُ: وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَمَرَّ بِجَنَازَةٍ، فَأَتَيْتُ عَلَيْهَا شَرًّا، فَقُلْتُ: وَجِبَتْ، وَجِبَتْ، وَجِبَتْ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَتَيْتُمْ عَلَيْهَا خَيْرًا وَجِبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ، وَمَنْ أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ شَرًّا وَجِبَتْ لَهُ النَّارُ، أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ، أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ، أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ.
الراوي : أنس بن مالك | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم | الصفحة أو الرقم : 949 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح] |
التخريج : أخرجه البخاري

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу, ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ва саҳобалар тургандик, бир тобутни олиб ўтишди. Саҳобалар у ҳақида яхши сўзлар айтдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедилар. Бошқа бир тобутни олиб ўтишди. Саҳобалар у ҳақида ёмон сўзлар айтдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедилар. Умар ибн Хаттоб сўради, сизга ота онам фидо бўлсин!

Бир тобутни олиб ўтишди. Биз у ҳақида яхши сўзлар айтдик, сиз вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедингиз. Яна бир тобутни олиб ўтишди. Биз у ҳақида ёмон сўзлар айтдик, сиз вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедингиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сизлар яхши деган одамга, жаннат вожиб бўлди. Сизлар ёмон деган одамга, жаҳаннам вожиб бўлди дедилар. Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, дедилар. Муттафақун алайҳ.

Шу ҳадисни кўп жойда ўқиймиз. Бизда бир одам вафот қилса, бу одам қандай одам эди? Деб, сўралади. Бизлар, яхши одам эди. Аллоҳ раҳмати эди. У эди, бу эди, деймиз. Мўмин эди, деймиз. Шу билан мана, сизлар яхши дединглар, демак, унга жаннат вожиб бўлди, деб, шу ҳадисни ҳужжат қилишади. Мен умримда эшитган эмасман, бирорта марта, бу одам қандай одам эди? деб, сўралганда, бу одам, ёмон одам эди, деганларини.

Саҳобалар бу ерда, бу одам, ёмон одам эди, дейиша олган. Шунинг учун, вожиб деганлар. Улар тўғри сўзни айта олишган. Яхши бўлса, яхши ва ёмон бўлса, ёмон эди, дея олишган.

Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жаҳаннам вожиб бўлди, ва жаннат вожиб бўлди, дедилар. Динга хизмат қилган бўлса, ҳаётини Ислонинг ривожига бағишлаган бўлса, молини Ислон йўлига сарф қилган бўлса, биз яхши одам эди, деб, айтишимиз керак.

Мана бу сўзимиз билан, бизнинг гувоҳлигимиз тўғри гувоҳлик бўлади. Аллоҳнинг ҳузурида айта оладиган сўзни, айттайлик. (Яъни, дунёда ўзимиз кўрган аниқ яхшилигини билсак, айттайлик) Бир одам ҳаёти бўйи, динга қарши курашган бўлса, маст қилувчи ичимликлар ичган бўлса, масжидларни вайрон қилган бўлса, қанақа одам эди? деса, Аллоҳ раҳмати эди, десак бўлмайди. Аллоҳ урган одам эди, дейишимиз керак? Саҳобалар айтяпди мана, ёмон одам эди деб, шундагина вожиб бўлди, дедилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кейинги сўзларига, диққат қилайлик.

Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, дедилар. Агар бир ҳурматлик одам, менга гувоҳлик берасан деса, ниҳоятда ҳушёр турамизки, бирор сўзимда хато қилиб қўймай деб, ҳушёр турамиз. Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, дедилар.

إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَتَعَاهَدُ الْمَسْجِدَ ؛ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالْإِيمَانِ فَإِنَّ اللَّهَ يَقُولُ : إِنَّمَا يَغْمُرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : تخريج مشكاة المصابيح
الصفحة أو الرقم : 691 | خلاصة حكم المحدث : إسناده ضعيف
(Муҳаддислар бу ҳадисни заиф дейишган)

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: агар бир кишини масжидга, саъй қилиб, югуриб бораётганини кўрсангиз, яъни, ўзини масжидга доим боғлаб турса, уни мўминлигига гувоҳлик беринглар, дедилар. Бир одамни, масжидда бир кўриб қолсангиз, уни мўминлигига гувоҳлик беринглар, демадилар. Ўзини масжидга боғлаб турса, доим шуни мўминлигига гувоҳлик беринглар, дедилар. Биз бир одамни айтолмаймиз, мўминми йўқми? Имон бу қалбий амал. Лекин, бизга бир йўлланма бердиларки, ўзини масжидга доим боғлаб турган бўлса, уни мўминлигига гувоҳлик беринглар, дедилар. Биз бир одамни мўмин эди, дейишлигимиз учун, унинг ўзини масжидга доим боғлаб турганлигини, кўрган бўлмоқлигимиз керак!

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуга, эрталабки намозда, бир малъун ханжар урди. Шунда қорнидан қон оқа бошлади. Табиблар даво қилиб кўрдилар, лекин, фойдаси йўқлиги маълум бўлди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу у кишига айтдиларки: Эй Умар хурсанд бўлинг! Ислонга кирдингиз. Ислонга кўп хизматлар қилдингиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан, кўп суҳбатдош бўлдингиз. Кейин. Абу Бакр Сиддиқнинг ёрдамчиси бўлдингиз. У кишидан кейин, Халифа бўлдингиз. Кўп адолат қилдингиз. Ислон оламини бойликка тўлдингиз.

Ўзингиз, оддий бўлганча қолдингиз. Энди бўлса, сизга шаҳодат насиб бўлди. Муборак бўлсин, деганларида, эй Абдуллоҳ, тўхта. Бас қил, дедилар. Шу сўзларингизни, Аллоҳнинг ҳузурида айта оласанми? дедилар. Агар айта олсанг, шу сўзни айтгил, дедилар. Мана саҳобаларнинг гувоҳлиги шундай бўлган. Дин учун хизмат қилиб, дин йўлида ўлган одам ҳам, Аллоҳ раҳмати эди. Умри бўйи динга қарши курашиб, ўлган одам ҳам, Аллоҳ раҳмати эди. Бу қанақа гувоҳлик? Ҳеч бўлмаганда, қанақа одам эди? деганда, билмайман, дея олайлик.

Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисизлар, дедилар. Эртага, эй Менинг гувоҳларим, қани турингларчи, деса, нима деймиз?! Сен Менинг душманимга, қандай гувоҳлик бердинг? Қайси юз билан, гувоҳлик бердинг? деса, нима деймиз?! Биз Аллоҳнинг дўстини дўст деб, душманини душман деб, гувоҳлик бера олишимиз керак! Ислон бу оғиздан чиққан сўзни, мўътабар қилганки, никоҳда қабул қилдим, дейишлик билан, ажнабийя аёл билан, турмуш куриш вужудга келади. Бағишладим, қабул қилдим, билан оила вужудга келади.

Бир калима билан. Талоқ калимасини оғзига олиши билан, талоқ вужудга келади, биродарлар. Баъзи бир дин душманлари, бу қанақа динки, оғзидан бир марта талоқ калимаси чиқишлиги билан, оила бузилиб кетаверса, дейди. Биз уларга айтамызки, бу мўминнинг оғзидан чиқаётган сўз бу! Шу бир оғиз сўз билан, оила қурилди ва шу бир оғиз сўз билан, оила бузилди, деймиз! Инсон мукаррамлигидан, унинг оғзидан чиққан сўзни, Аллоҳ шунчалик мўтабар қилди. Буни мўминни оғзи деди. Отни кети, демади. Мана бундай тушунмоқлигимиз керак!

Аллоҳ уни мукаррам қилганлигидан, бу сўз шунчалик мукаррам бўлди, биродарлар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу даврида, Форс қўмондони, Ҳурмузонни асир қилиб, олиб келишди. Умар ибн Хаттоб қўлида дарраси билан, кумда ухлаб ётарди. Шунда, Ҳурмузон, Умар қани? Саройи қани? деди. Ҳов ану дарахт тагида ухлаётган киши, дейишди. Шунда, адолат қилибдики, бемалол ухляпди экан, деди.

Хуллас, Айтмоқчи бўлганим, буни чанқоқ ҳолда қатл қилмайлик, унга сув беринглар, дедилар. Бир сопол идишда сув олиб келишди. Бу идишда ичгандан кўра, ўлганим яхши деди. Тузукроқ идишда ичайин, деди. Хоҳлаган идишида сув беринглар, дедилар. Сувни олиб келганда, қўлида сувни ушлаб, қалтиради. Шунда, Умар ибн Хаттоб шу сувни ичгунингча, сенга зарар етмайди, бемалол ичавер, дедилар. Шунда, Ҳурмузон қўлидаги идишни, сувини ичмасдан, ерга ташлаб юборди.

Шунда, Умар ибн Хаттоб бошқа сув келтиринглар, деди. У бўлди ичмайман. Ўлимдан қутулдим деди. Шунда, қандай қутуласан? Наҳотки, шунча мусулмонни қатл қилган киши, мендан қутуладими? дедилар. Бўлди, ўзинг омонлик бердингку, деди. Шу сувни ичгунингча, сенга зарар етмайди, дединг. Мен у сувни ичмадим, деди. Мен қутулдим, деди. Умар ибн Хаттоб саҳобаларга қараб, мен шунга омонлик бердимми? дедилар. Шунда, саҳобалар, Исломнинг ашаддий душманига, ҳа, омонлик бердингиз, дедилар.

Шунда, Умар ибн Хаттоб оғизларидан чиқиб кетган бир оғиз сўзни деб, мусулмонларнинг душманини, қатл қилмасдан, олиб қолдилар. Шунда айтдиларки, мен алданибман, мўминга алдансам бўларди, дедилар. Шунда, у имон келтирди. Мўмин кишининг оғзидан чиққан сўзни, Ислом шунчалик эътибор қилади, биродарлар. У талоқ сўзини айтса, оила бузилиб кетаверадиган, енгил дин деманг! Ҳа, Исло оғиздан чиққан сўзни, шунақа мўтабар қилади. Ҳар куни, минг марта талоқ десаям, ҳеч нарса бўлмайдиган йўлни, сиз топасиз уни, денг.

Ана, Аллоҳнинг гувоҳларисизлар деганлари, бу жанозада ҳам, Аллоҳнинг дўсти эди, дейишлик учун, далилимиз бўлмоқлиги керак! Сизлар Аллоҳнинг гувоҳларисизлар, дедилар.

Саҳобалар тарихидан ўқиб бераётувдик, бугун ўқимоқчи бўлганимиз, Талха ибн Убайдуллоҳ, Талха разияллоҳу анҳу фазилатлари ҳақидадир.

Бу киши, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тириклигида жаннат билан башорат берган ўнта саҳобадан биттаси бўлади. Талха ибн Убайдуллоҳ, исломни аввалда қабул қилган кишилардан ҳисобланади. Аллоҳ йўлида, озорланган кишилардан ҳисобланади. Бадр ғазотида иштирок этолмаганлар. Шомга тижорат учун кетганларида, тўсатдан Бадр ғазоти бўлиб қолган. У киши иштирок этолмаганига, қўп аламланганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Талха ибн Убайдуллоҳни, Бадрда иштирок этганлар қаторида қўйиб, улуш ажратганлар.

Талха ибн Убайдуллоҳ Уҳудда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни қаттиқ ҳимоя қилиб, жанг қилдилар. Шу жангда мушриклардан биттаси, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни, қилич билан уриш учун, югуриб келиб, қилич урган вақтда, Талха ибн Убайдуллоҳ қўлларини қиличга тутганлар. Шунда қилич қўлини томирини кесиб, доим бир қўллари, осилиб юрар экан. Ким икки оёғида юрган шахидни кўрмоқчи бўлса, Талхани кўрсин, деган эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари, савол қилишга журъат қилишолмас эканлар. Атрофдаги жойлардан аъробийлар келса, улар ҳеч риоя қилмай, савол қилишар эканки, саҳобалар ҳам, улар келса, қувониб, туришар эканлар. Қуръони каримда оят борки:

Мўминлардан шундай кишилар борки, Аллоҳ билан аҳдлашган аҳдида, содиқ қолишди. Баъзилари Аллоҳ берадиган мукофотни олди. Баъзилари кутиб турибди.

Бир аъробий келиб, шу оятдаги улушини олган одам ким? деб, сўраганда, Асҳоблар ҳаммалари қулоқ солиб турган эканлар, шуни билиб оламиз деб. Ўзлари ҳайбатланиб, сўролмай юрган эканлар. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, жавоб бермадилар. Кейин, аъробий яна келиб сўради. Яна жавоб бермадилар. Кейин, масжидни эшигидан чиқаётганда, «Аллоҳ берадиган мукофотни олиб олган одамни, сўраётган киши қани?» дедилар. Аъробий, мен деди. Талха ибн Убайдуллоҳ шу ерда, масжид атрофида кўриниб қолган эканлар.

Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, уни қўли билан кўрсатиб,

هَذَا مِمَّنْ قُضِيَ نَحْبُهُ

Бу Аллоҳдан улушини олиб бўлган одамлардан, деган эканлар. Яъни, ўзини қиёматдаги мукофотини олганлиги, муқаррар киши бу, деган эканлар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари, Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Талха Ибн Убайдуллоҳ етти киши, катта бир тошни устида турган эканлар. Шунда тош ҳаракатланди. Шунда, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам тошга, тинчлан, сенинг устингда, пайғамбар турибди. Сиддиқ турибди ва шаҳидлар турибди, деган эканлар. Мана бу сўзлари ажиб бир сўзки, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Талха Ибн Убайдуллоҳ бешовларини шаҳид бўлишини хабарини берган эканлар.

Пайғамбар ўзлари. Сиддик, Абу Бакр Сиддик, бу кишини шаҳид бўлмасдан жон таслим қилишини хабарини берганлар. Бошқа қолгани ҳаммаси, ҳақиқатдан ҳам, шаҳид бўлишган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд кунида, Талхатул хойр деб, лақаблаган эканлар. Бутун вужуди хойрдан иборат, деган эканлар. Бошқа бир жиҳодда Талхатул Сайёд, деган эканлар. Худди бир сел оқиб келгандек, жанг қилар эканлар. Хайбар кунида, Талхатул жуд, деган эканлар. Мусулмонлар оч қолганда, ҳамма туяларини сўйиб, эҳсон қилган экан. Карам Талхаси, деган эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд куни ҳақида хабар бериб, Уҳуд кунида, ўнг тарафимда Жибрил ва чап тарафимда Талхадан бошқа, ҳеч ким қолмаганди, деган эканлар.

Талха Ибн Убайдуллоҳни қизлари Оиша бинти талха олди, бир киши келиб, Тушимда Талхани кўрдим. Оишага айтиб қўйгин, мени бу ўриндан олиб кетсин, деб, айтиб қўйгин, дедилар, деди у киши. Шунда. Ўзларининг яқинлари билан бордилар. Қабрларини очсалар, соқолларининг бир тарафида қиллари, озгина ўзгарган эди, халос. Бу киши вафот қилганликлари билан кавлаганликлари орасида, ўттиз йилдан кўра кўпроқ вақт ўтган эди.

Қуръони каримдаги, Қалблардаги адоват ва гиналарни чиқариб ташлаймиз, улар сўриларда бир бирларига қараб, ака ука биродар бўлиб ўтиришади деб, жаннат аҳлларининг қалбида у гина кудурат, ҳасад ва адоват бўлмайди, биродарлар. Талха Ибн Убайдуллоҳнинг ўғиллари келган вақтда, Али ибн Абу Толиб, кутиб олиб, ёнларига ўтқазиб, шу оятни ўқиб, Айтдиларки, Аллоҳу таоло мени ва сени дадангни, шу дунёда, шу оятда айтилган жаннатдаги дўстлардан қилганлигини, умид қиламан, деган эканлар.

Яъни, қалбимизда ҳеч қандай бир, кудуратсиз яшаганмиз, деган эканлар. Буни тушунишлик учун, ҳар ким ўзининг қадрдон дўстларига бир қараб олса, бу покиза яшаш, қанчалик қийинлигини билади.

Биродарлар, аввалги дарсларимиздаги баъзи саволларга жавоб айтган бўлдик. Шунинг учун бу дарсимиз мутафарриқот бўлди. (Турли хил мавзуда бўлди)

Дуо қиламиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга амал қиладиган, илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исломга хизмат қиладиганларга Ўзи ёрдам берсин! Шу Жомеъни ишларига ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи мадад берсин!

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ

صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
Фотиҳа сураси 6, 7 оятлар

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

69 дарс тугади.

Дажжол фитнаси ҳақида

(Бу дарсда қиёмат олдидан бўладиган, кўплаб фитналар ҳақидаги ҳадислар, шарҳланади. Шулар жумласидан Дажжол фитнаси ҳақидаги катта ҳадис ҳам, шарҳланади. Бу дарс мавзуси асосан, қиёматга яқин Ислому уммати устида бўладиган, фитналар ҳақидадир. Бу фитналардан баъзилар шу кунимизда, зоҳирдир. Яна баъзилари, келажақда бўлади валлоҳу аълам. Ислому уммати ўзининг имонини, эҳтиёт қилиши учун, уни келажақдаги фитналардан хабардор қилиб қўйдилар.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

دَخَلْتُ الْمَسْجِدَ فَإِذَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ بْنِ الْعَاصِ جَالِسٌ فِي ظِلِّ الْكَعْبَةِ، وَالنَّاسُ مُجْتَمِعُونَ عَلَيْهِ، فَاتَيْتُهُمْ فَجَلَسْتُ إِلَيْهِ، فَقَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَزَلْنَا مِنْزِلًا فَمِنَّا مَنْ يُصَلِّحُ خِبَاءَهُ، وَمِنَّا مَنْ يَنْتَضِلُ، وَمِنَّا مَنْ هُوَ فِي جِشْرِهِ، إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ جَامِعَةٌ، فَاجْتَمَعْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرٍ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ، وَيَنْذِرَهُمْ شَرًّا مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ، وَإِنْ أَمَّتْكُمْ هَذِهِ جَعَلَ عَاقِبَتُهَا فِي أَوَّلِهَا، وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءٌ، وَأُمُورٌ تَنْكَرُونَهَا، وَتَجِيءُ فِتْنَةٌ فَيَرْفُقُ بَعْضُهَا بِبَعْضٍ، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ تَنْكَشِفُ وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ، فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يَرْحَرَحَ عَنِ النَّارِ، وَيَدْخُلَ الْجَنَّةَ، فَلْتَأْتِهِ مَنِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَلَيَأْتِ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ،

(Ҳадисни ярмини айтганлар)

الراوي : عبدالرحمن بن عبد رب الكعبة | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

خلاصة حكم المحدث : صحيح

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсоният тарихини, бирон бир пайғамбардан холи қўймади. Пайғамбарлар халқлар учун, нима манфаатлик бўлса, шунга йўллашди. Қайси нарса уммат учун хатарли бўлса, шундан огоҳлантирдилар. Пайғамбарларнинг вазифаси итоат қилганларга жаннат билан, башорат бериш ва итоат қилмаганларга, жаҳаннам билан огоҳлантиришлик эди. Уларни имконлари йўқ эди, умматларни мажбур қилиб, йўлга олиб киришлик. Мана бу ҳадиси шарифни, Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдик. Бир манзилга тушдик. Шунда бизга эркинлик бўлди. Баъзилар чодирини ислоҳ қиларди. Баъзи кишилар камон отиб мусобақа ўйнардилар. Баъзи кишилар, маркабини ўтлатишлик билан, оввора эди. Тўсатдан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламининг жарчилари жар солди. Мусулмонларни жарчилари ҳаммани, жамлашлик учун, ассалоту жомеъа деган, хитоб қиларди.

Намозга чақириш учун азон айтилса, бир ерга тўпланишлик учун, ассалоту жомеъа деган, хитоб қилинади. Намоз тўпловчи, деган хитоб қилинади. Алоҳида мактуб йўлланмасди. Ёки, одам юборилмасди уйига. Ҳақ йўлида имтихондан ўтган кишининг бир оғиз чақиришликка бўлган далолат ўзи, кифоя қилади. Ассалоту жомеъа деган, хитоб кифоя қиларди. Бошқа нарсани кераги йўқ эди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида тўпландик. Шунда айтдиларки, мендан илгариги Пайғамбар ўтган бўлса, уммат учун яхшилик деб билган нарсасига, шу умматни йўллашлик ва уммат учун ёмонлик деб билган нарсасидан, шу умматни қайтаришлик, унинг вазифаси бўлган.

Мен ҳам, баъзи нарсалардан огоҳлантираман, дедилар. Бу умматнинг офияти, аввалида қилинди, дедилар. Яъни, энг офиятлик, фитналардан саломатлик, Ислому умматининг аввалига насиб бўлди, дедилар. Ўзларининг даврларига ишора қилдилар. Ва бу умматнинг охирига, балолар келади. Сизлар ёқтирмайдиган одамлар келади.

Шундай фитналар келадики, кейингиси аввалгисини, енгиллаштириб қўяди. Аввал бир фитнадан ташвишда бўлган бўлса, кейинги фитнани кўргандан кейин, мен аввалги фитнани ҳам, фитна деб, юрган эканман, дейди. Фитна бўлади. Мўмин айтади, шу фитнада ҳалок бўлсам керак, дейди. Кейин у фитна кўтарилиб кетади. Бошқа фитна келади. Мўмин одам, мен ҳалок бўладиган фитна, шу бўлса керак, дейди. Ким жаҳаннам ўтидан узоқ бўлишни ва жаннатга киришни хоҳласа, Аллоҳга ва охиратга имон келтирган ҳолда ўлсин, дедилар. Ва одамлар тарафидан, ўзига нима қилинишлигини яхши кўрса, одамларга ҳам шундай муомила қилсин, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўп нарсалардан огоҳлантирдилар. Ислому умматининг аввалида қилинди, дедилар. Демак, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, у кишига эргашган Хулафои Рошидинлар даври, уммат фитнадан саломат бўлган.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қиёматдан илгариги, баъзи аломатларни хабар бердилар.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: بَيْنَ النَّفْخَتَيْنِ أَرْبَعُونَ قَالُوا يَا أَبَا هُرَيْرَةَ، أَرْبَعُونَ يَوْمًا؟ قَالَ: أَيْبُتُ، قَالُوا: أَرْبَعُونَ سَنَةً؟ قَالَ: أَيْبُتُ. قَالُوا: أَرْبَعُونَ شَهْرًا؟ قَالَ: أَيْبُتُ، وَيَبْلَى كُلُّ شَيْءٍ مِنَ الْإِنْسَانِ إِلَّا عَجَبَ الذَّنْبِ، فِيهِ يَرْكَبُ الْخُلُقُ، ثُمَّ يَنْزِلُ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً، فَيَنْبُتُونَ كَمَا يَنْبُتُ الْبَقْلُ" متفق عليه

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Икки нафха ораси қирқ, дедилар. Биринчи нафха билан одамлар ўлади. Иккинчи нафха билан бирилади. Шу иккита нафха товуш, (сурга дам уриш) орасида қирқ бор, дедилар. Шунда, ё Абу Ҳурайра қирқ кунми? дейишди. У киши, мен жавобдан бош тортдим, деди. Улар, қирқ ойми? дейишди. У киши, мен жавобдан бош тортдим, дедилар. Улар, қирқ йилми? дейишди. У киши, мен жавобдан бош тортдим, дедилар. Инсон вафот қилиб, дафн қилингандан кейин, танаси чириб кетади. Магар Ажбуз Занаб, думғазанинг охириги қисмидаги жой, чиримайди, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни шу ердан яна қайта яратади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло осмондан сув туширади. Ўсимликлар ердан униб чиққандек, инсонлар аввалги ҳолига қайтишади.

Ажбуз Занаб бу думғаз. Ҳозирги замондаги ҳамма олимлар, инсоннинг мана шу ери чиримаслигини исбот қилишяпти. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз йил олдин айтиб кетган ҳадисларидаги, бу ажбуз Занабни чиримаслигини, замона олимлари, энди билишди.

У вақтда бу нарсани, имон билан тасдиқлашган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қиёмат олдидан бўладиган воқеъларни тушунишга, ҳозирги замоннинг ақли етмаётган бўлса, яна даврлар ўтгач, ақллари етиб қолади.

Лекин, мўминлар буни имон билан тасдиқлашади. Ажбуз Занаб, думғазанинг охирги қисмидаги жой, ҳеч қандай сабаблар унга таъсир қилмаслигини, динга унамаган олимлар ўзлари кашф қилиб турибди. Қуйидаги суратда, Ажбуз Занаб расми бор.



Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бўлган хабарларни, саҳиҳ бўлиш шарти билан, биз тасдиқламоғимиз керак.

ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدَّجَالَ ذَاتَ غَدَاةٍ، فَخَفَضَ فِيهِ وَرَفَعَ، حَتَّى ظَنَّنَاهُ فِي طَائِفَةِ النَّحْلِ، فَلَمَّا رَحْنَا إِلَيْهِ عَرَفْنَا ذَلِكَ فِينَا، فَقَالَ: مَا شَأْنُكُمْ؟ قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَكَرْتَ الدَّجَالَ غَدَاةً، فَخَفَضْتَ فِيهِ وَرَفَعْتَ، حَتَّى ظَنَّنَاهُ فِي طَائِفَةِ النَّحْلِ، فَقَالَ: غَيْرِ الدَّجَالَ أَخَوْفَنِي عَلَيْكُمْ، إِنْ يَخْرُجُ وَأَنَا فِيكُمْ، فَأَنَا حَجِيجُهُ دُونَكُمْ، وَإِنْ يَخْرُجُ وَلَسْتُ فِيكُمْ، فَأَمُرُّوْهُ حَجِيجَ نَفْسِهِ، وَاللَّهِ خَلِيفَتِي عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ، إِنَّهُ شَابٌّ قَطَطٌ، عَيْنُهُ طَائِفَةٌ، كَأَنِّي أَشَبَّهُهُ بِعَبْدِ الْعَرَى بْنِ قُطْنٍ، فَمَنْ أَدْرَكَهُ مِنْكُمْ، فَلْيَقْرَأْ عَلَيْهِ فَوَاتِحَ سُورَةِ الْكَهْفِ، إِنَّهُ خَارِجٌ خَلَّةَ بَيْنِ الشَّامِ وَالْعِرَاقِ، فَعَاثَ يَمِينًا وَعَاثَ شِمَالًا، يَا عِبَادَ اللَّهِ فَانْتَبِهُوا، قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا لَيْتُهُ فِي الْأَرْضِ؟ قَالَ: أَرْبَعُونَ يَوْمًا، يَوْمَ كَسَنَةٍ، وَيَوْمَ كَشْهَرٍ، وَيَوْمَ كُجْمَعَةٍ، وَسَابِرُ أَيَّامِهِ كَأَيَّامِكُمْ قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَذَلِكَ الْيَوْمَ الَّذِي كَسَنَةٍ، أَتَكْفِينَا فِيهِ صَلَاةَ يَوْمٍ؟ قَالَ: لَا، أَقْدِرُوا لَهُ قُدْرَهُ، قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا إِسْرَاعُهُ فِي الْأَرْضِ؟ قَالَ: كَأَلْعَيْثِ اسْتَدْبَرَتْهُ الرِّيحُ، فَيَأْتِي عَلَى الْقَوْمِ فَيَدْعُوهُمْ، فَيُؤْمِنُونَ بِهِ وَيَسْتَجِيبُونَ لَهُ، فَيَأْمُرُ السَّمَاءَ فَتُمْطَرُ، وَالْأَرْضُ فَتَنْثَبِثُ، فَتَرْوَحُ عَلَيْهِمْ سَارِحَتُهُمْ، أَطْوَلَ مَا كَانَتْ ذَرًّا، وَأَسْبَغَهُ ضُرُوعًا، وَأَمَدَهُ خَوَاصِرَ، ثُمَّ يَأْتِي الْقَوْمَ، فَيَدْعُوهُمْ فَيَرْدُّونَ عَلَيْهِ قَوْلَهُ، فَيَنْصَرِفُ عَنْهُمْ، فَيُصْبِحُونَ مُمْلَحِينَ لَيْسَ بِأَيْدِيهِمْ شَيْءٌ مِنْ أَمْوَالِهِمْ، وَيَمُرُّ بِالْخَرِبَةِ، فَيَقُولُ لَهَا: أَخْرِجِي كُنُوزَ مَا كَيْعَاسِيِبِ النَّحْلِ، ثُمَّ يَدْعُو رَجُلًا مُمْتَلِنًا شَبَابًا، فَيُضْرِبُهُ بِالسَّيْفِ فَيَقْطَعُهُ جَزَلَتَيْنِ رَمِيَةَ الْغَرَضِ، ثُمَّ يَدْعُوهُ فَيَقْبَلُ وَيَتَهَلَّلُ وَجْهَهُ، يَضْحَكُ، فَيَبْنِمَا هُوَ كَذَلِكَ إِذْ بَعَثَ اللَّهُ الْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ، فَيَنْزِلُ عِنْدَ الْمَنَارَةِ الْبَيْضَاءِ شَرْقِيَّ دِمَشْقَ، بَيْنَ مَهْرُودَتَيْنِ، وَاضِعًا كَفَّيْهِ عَلَى أَجْنَحَةِ مَلَكَيْنِ، إِذَا طَاطَأَ رَأْسَهُ قَطَرٌ، وَإِذَا رَفَعَهُ تَحَدَّرَ مِنْهُ جَمَانٌ كَاللَّوْلُو، فَلَا يَحِلُّ لِكَافِرٍ يَجِدُ رِيحَ نَفْسِهِ إِلَّا مَاتَ، وَنَفْسُهُ يَنْتَهِي حَيْثُ يَنْتَهِي طَرَفُهُ، فَيُطْلَبُهُ حَتَّى يَدْرَكَهُ بَبَابٍ لَدَى، فَيَقْتُلُهُ، ثُمَّ يَأْتِي عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ قَوْمٌ قَدْ عَصَمَهُمُ اللَّهُ مِنْهُ، فَيَمْسَحُ عَنْ وُجُوهِهِمْ وَيُحْدِثُهُمْ بِدَرَجَاتِهِمْ فِي الْجَنَّةِ، فَيَبْنِمَا هُوَ كَذَلِكَ إِذْ أَوْحَى اللَّهُ إِلَى عِيسَى: إِنِّي قَدْ أَخْرَجْتُ عِبَادًا لِي، لَا يَدَانِ لِأَحَدٍ يِقْتَالُهُمْ، فَحَرَّرَ عِبَادِي إِلَى الطُّورِ وَيَبْعَثُ اللَّهُ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ، وَهُمْ مِنْ كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ، فَيَمُرُّ أَوَائِلُهُمْ عَلَى بَحِيرَةٍ طَبَرِيَّةٍ فَيَشْرَبُونَ مَا فِيهَا، وَيَمُرُّ آخِرُهُمْ فَيَقُولُونَ: لَقَدْ كَانَ بِهِذِهِ مَرَّةَ مَاءٍ، وَيَحْصُرُ نَبِيُّ اللَّهِ عِيسَى وَأَصْحَابُهُ، حَتَّى يَكُونَ رَأْسُ الثَّوْرِ لَأَحَدِهِمْ خَيْرًا مِنْ مَنَةِ دِينَارٍ لَأَحَدِكُمْ الْيَوْمَ، فَيَرْغَبُ نَبِيُّ اللَّهِ عِيسَى وَأَصْحَابُهُ، فَيُرْسِلُ اللَّهُ عَلَيْهِمُ النَّعْفَ فِي رِقَابِهِمْ، فَيُصْبِحُونَ فَرَسَى كَمُوتِ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ، ثُمَّ يَهْبِطُ نَبِيُّ اللَّهِ عِيسَى وَأَصْحَابُهُ إِلَى الْأَرْضِ، فَلَا يَجِدُونَ فِي الْأَرْضِ مَوْضِعَ شِبْرِ إِلَّا مَلَأَهُ زَهْمُهُمْ وَنَشْنُهُمْ، فَيَرْغَبُ نَبِيُّ اللَّهِ عِيسَى وَأَصْحَابُهُ إِلَى اللَّهِ، فَيُرْسِلُ اللَّهُ طَيْرًا كَأَعْنَاقِ الْبُخْتِ فَتَحْمِلُهُمْ فَتَطْرَحُهُمْ حَيْثُ شَاءَ اللَّهُ، ثُمَّ يُرْسِلُ اللَّهُ مَطَرًا لَا يَكُنْ مِنْهُ بَيْتٌ مَدْرٍ وَلَا وَبَرٍ، فَيَغْسِلُ الْأَرْضَ حَتَّى يَبْرُكَهَا كَالرَّلْفَةِ، ثُمَّ يَقَالُ لِلْأَرْضِ: أَنْتِ ثَمَرَتِي، وَرَدِّي بِرُكَّتِكَ، فَيَوْمَئِذٍ تَأْكُلُ الْعَصَابَةُ مِنَ الرَّمَانَةِ، وَيَسْتَظِلُّونَ بِفَخْفَحِهَا، وَيَبَارِكُ فِي الرِّسْلِ، حَتَّى أَنْ اللَّفْحَةَ مِنَ الْإِبِلِ لَتَكْفِي الْفَنَامَ مِنَ النَّاسِ، وَاللَّفْحَةَ مِنَ الْبَقَرِ لَتَكْفِي الْقَبِيلَةَ مِنَ النَّاسِ وَاللَّفْحَةَ مِنَ الْغَنَمِ لَتَكْفِي الْفَخْدَ مِنَ النَّاسِ، فَيَبْنِمَا هُمْ كَذَلِكَ إِذْ بَعَثَ اللَّهُ رِيحًا طَيِّبَةً، فَتَأْخُذُهُمْ تَحْتَ أَبْطَاهُمْ، فَتَقْبِضُ رُوحَ كُلِّ مُؤْمِنٍ وَكُلِّ مُسْلِمٍ، وَيَبْقَى شِرَارُ النَّاسِ، يَتَهَارَجُونَ فِيهَا تَهَارَجَ الْخُمُرِ، فَعَلَيْهِمْ تَقُومُ السَّاعَةُ. 7484 - [111-...] حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَجْرٍ السَّعْدِيُّ، حَدَّثَنَا

عبد الله بن عبد الرحمن بن يزيد بن جابر، والوليد بن مسلم، قال ابن حجر: دخل حديث أحدهما في حديث الآخر، عن عبد الرحمن بن يزيد بن جابر، بهذا الإسناد، نحو ما ذكرنا. وزاد بعد قوله: لقد كان بهذه مرة ماء، ثم يسيرون حتى ينتهوا إلى جبل الخمر، وهو جبل بيت المقدس، فيقولون: لقد قتلنا من في الأرض، هلم فلنقتل من في السماء، فيرمون بنشابهم إلى السماء، فيرد الله عليهم نشابهم مخصوبة دماً. وفي رواية ابن حجر: فإني قد أنزلت عبداً لي، لا يدي لأحد يقتالهم.
 الراوي : النواس بن سميان الاتصاري | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир кун, дажжолни зикр қилдилар. Унинг ҳамма аломатларини баён қилиб бердилар. Биз уни шу хурмозор тарафидан келса, керак деб, гумон қилдик. Ва шу тарафга қараб юрдик. Бизни нима учун, у ерга борганлигимизни савол қилдилар. Шунда айтдикки, ё Расулulloҳ, сиз дажжолни зикр қилдингиз. Унинг ҳамма аломатларини баён қилдингиз. Биз уни шу хурмозор тарафда яшаса керак деб, гумон қилдик, дедилар. Айтдиларки, сизлар ҳақингизда, мени қўрқитган нарса, Дажжолмас. Агар Дажжол мени борлигимда чиқса, сизлар ишингизни қилаверасиз.

Мен у билан ҳужжатлашаман, дедилар. Агар Дажжол мени йўқлигимда чиқса, унда ҳар бир одам, ўзи ҳужжатлашади, дедилар. Бу оғирдир, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳар бир ҳақиқий мусулмоннинг устида, менинг Халифамдир, дедилар. Яъни, Аллоҳ ҳақиқий мусулмонни ҳимоя қилади, дедилар. Дажжолнинг баъзи белгиларини айтдиларки, у ёш ва сочи жингалак суратда бўлади. Кўзи худди, кўзи отилиб чиққан, узумга ўхшайди, дедилар. Мен уни Абдулуззо ибн Қатанга ўхшатаман, дедилар.

Қайси бир одам, дажжол чиққан пайтида дуч бўлиб қолса, Каҳф сурасини ўқисин, дедилар. Каҳф сурасида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло динни олиб қочган одамларнинг қиссасини хабарини берган. Мана бу қиссани, ёдларига олсин. У Шом ва Ироқ ўртасидаги йўлда чиқади. Ўнг ва чап тарафига фасод тарқатиб юради, дедилар. Эй Аллоҳнинг бандалари, Дажжол чиққанида эҳтиёт бўлинглар, дедилар.

Биз айтдикки, ё Расулulloҳ, у ерда қанча туради? дедик. Шунда айтдиларки, қирқ кун, дедилар. Шу қирқ кунни бир куни, бир йил мисоли, яна бир куни, бир ой мисоли ва бир куни бир ҳафта мисоли ва қолгани, мана шу кунларинга ўхшаган, дедилар.

Мўмин одамнинг намозга қанчалик боғланганини кўрингки, шу вақтда асҳобларнинг саволи қандай бўлди? Қирқ куннинг бир куни, бир йилга ўхшаган бўлади деганда, шу кунда хурмоларимизни сотиб оламиз, дейишдими? Ёки, битмаган ишларимизни битказиб оламиз? дейишдими? Мана шу савол, саҳобаларнинг қалби нимага боғланганлигига далолат қилади.

Шунда, Биз айтдикки, ё Расулulloҳ, узунлиги бир йилга ўхшаган кунга, тўғри келиб қолсак, намозни қандай ўқиймиз? дедилар. Яъни, шу узунлиги бир йил бўлган кунда, бир йиллик намоз ўқиймизми? Ёки, беш вақт намоз кифоя қиладими? дедилар. Шунда, йўқ, шу кунни миқдорланг, дедилар. Яъни, бир йиллик намозни ўқийсиз, дедилар. Ва бир ойлик ва бир ҳафталик намоз ўқийсизлар, дедилар. Мана шу ҳадисни уламолар ҳужжат қилиб, мабодо бир киши, ер юзида, кун узоқроқ бўладиган майдонга чиқиб қоладиган бўлса, шу соатни миқдорлаб туриб, намоз ўқисин, дедилар. Уларнинг намозга қаттиқ эҳтимом берганлигига, мана шу ҳадиси шариф далолат қилади.

Шунда, айтдикки, Дажжол ўнг ва чап тарафга, тез суратда фасод тарқатади, дедингиз. Қандай тез суратда тарқатади? деганда, худди, ёмғирли булутни шамол ҳайдагандек, тез суратда фасод тарақатади, дедилар. Одамлар олдида келади ва уларни, ўзининг фасод йўлига чақиради. Одамлар унга ишонади. Унга ижобат қилишади. Дажжол уларга ҳар хил, одатдан ташқари нарсаларни кўрсата бошлайди. Осмонга буюради ёмғир ёғдиради. Ерга буюради, ўсимликларни ундиради.

Уларнинг буғдой бошоқлари, энг узун суратда мева беради. Сут берадиган моллар ва қўйлар бўлса, энг комил суратда сут беради. Ва биқинлари энг чиққан ҳолатда етилиб, таомланади. Баъзилар барибир бу нарсаларга алданмагандан кейин, уларни ўзининг йўлига чақиради. Унинг гапини рад қилишади.

Сен Дажжолсан, дейишади. Ундан бурилиб кетишади. Улар қўлларида молу давлат қолмаган ҳолатда, қийналиб, қаҳатчилик билан тонг оттиришади. Уларнинг хароб ерларига Дажжол келиб, конларингни чиқар, эй ер, дейди. Ана шу вақтда, конлар унга эргашади, худди, асал арилар подшосига эргашиб кетгандек. Шунда кўп одамлар алданиб кетади. Шунда ҳам алданмаганларни, яна ўз йўлига чақиради. Ҳар хил намойишлар кўрсатади. Қувватга тўлган бир йигитни чақирадида, қилич билан уриб, иккига бўлиб ташлайди. Худди, нишонани бўлиб ташлагандек. Кейин, шу иккига бўлинган, шу одамни чақиради.

Шунда, унга қараб, бутун бўлиб, юриб келади. Дажжол кулиб, одамларга ўзининг намойиши билан қувониб, юзланади. Мана шундай мўъжизалар кўрсатади. Мен бу ҳадисни ўқиб беришимдан мақсад, Ислом йўлининг қандайлигига, бир ишора қилмоқчиман. Бизнинг Ислом Аллоҳнинг каломи ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Бизнинг ҳаётимиз саволлар дунёсига айланиб қолди, биродарлар. Бу одам буни кўрар экан. Фалончи, мана бундай нарса қилаяпти. Фалончи уйда туриб, одамларнинг амалиётини, жинлар орқалик бажаряпти. (Экстрасенсгарга, фолбинлар, кинначиларга ишора бўлаяпти) Пистончи бундай нарса қилаяпти. Фалончи тур деса, касаллар тузалиб туриб кетаяпти. Деган нарсалар билан, тўлиб кетди дунё, биродарлар! Такрор айтаман, дунёдаги ҳамма жамоалар, пул билан тарқалган биродарлар! Ҳамма жамолар одамларга пул бериб, ўзининг йўлига чақирган. (Ўша пайтдаги партияларнинг фаолиятига баҳо берилмоқда) Ёки, намойишлар қилиб, ўзининг йўлига чақирган.

Ҳаммаси шундай йўл билан, одам чақиради. Ҳозирги вақтдагилар, ким элликта одамни, бизнинг йўлимизга етаклаб келса, битта сайёра берилади деб, ваъда қилаяпти. Яъни, одамлар, мафкура, дунёқараш ва охират эҳтимомидан чиқиб кетди. Оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган одамларни етаклаб келаяпти. Уларга ҳеч нарса муҳиммас. Фақат бугунги нон ва чой муҳим. Охират муҳиммас. Бир сўз билан айтганда, найрангбозлик услуби билан, ўзининг йўлига чақиритилиш бошланди.

Камбағалларга мол бериб туриб, ўзининг йўлига чақиряпти. Касалларни даволаб туриб, ўзининг ботил йўлига чақиряпти. Ислом тарихига назар ташланг. Бирор одамни мол бериб, ўзининг йўлига чақирмади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида, энг шон шавкатлик одамлар келиб, сизни йўлингизни қабул қилсам, сиздан кейин мулк менга қоладими? деганларида, ер мулк Аллоҳники, мен буни сенга ваъда қилмайман, дедилар. Ниҳоят даражада муҳтожликда ҳам, шу нарсадан воз кечдилар. Ислом бирор одамни, мол дунё билан алдаб, ўзининг йўлига чақирмайди. Бирор нарсани ваъда қилмадилар, магар жаннат ваъда қилдилар. У жаннатни Аллоҳ беради.

У жаннат ердасиз эди. Шунинг учун, мустаҳкам ақида ўрнамаган жамоалар ҳаммаси, озгина нарсага довдираб қолаяпти, ҳозир. Ҳозир кўринг, биров келади, бўйинига оласан деб, келади. Биз бўйнимизга олиб бўлганмиз, биродарлар. Биз Аллоҳ буюрган нарсаларни қилишликни ва Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтишликни, бўйнимизга олиб бўлганмиз. Ҳақиқий мўмин одам, мана бу нарсани бўйнига олиб бўлган. Энди бизнинг бўйнимизга, бошқа нарса қўёлмайдипар.

Бизнинг рўбарўмиздан, бир одамни иккига бўлиб, чақирганида, қайтиб келадиган одам чиққан вақтида ҳам, биз уни шайтон деб, журъат билан айта олмоқчилигимиз керак! Ҳали биз бу нарсани кўрганимиз йўқ, биродарлар. Оддий нарсаларга довдириб қолган имонлар, булар мустаҳкам имонлар эмас.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам огоҳлантирдилар. Ҳозирги давр, ҳамма найранг кўрсатадиган давр бўлиб қолди. Бу кетишда томошабин қолмайди, биродарлар. Ҳамма найрангвоз бўлиб қолади. Жоҳилий манҳажлар, бутун ҳужум қила бошлашди. Улар ҳаммаси ўзининг найранглари билан, одамларни алдашликка ўтди. Иқтисодий тангликка учраган одамларни, фурсатни ғанимат билиб, ўзларининг нотўғри йўлига олиб кетишяпти. Бу найрангвозлар ўзларини, ҳар хил даъволар билан даъво қилишяпти.

(Бу ерда, Ҳизбут Таҳрир, Акрамийлар ва Қуръонийлар каби, турли хил, диний жамолар назарда тутиляпти. Булар ўша пайтларда пайдо бўлган ва қори акани ҳам, ўз гуруҳларига чақиришганди. Уларнинг йўлларини ўрганган қори ака, ҳаммасини залолатдалигини англадилар. Рад қилдилар. Булардан ташқари сарой муллалари ва тариқатчи сўфилар билан ҳам, ораларида кўп йиллик адоватлари бор эди.

Бу дарсда олам шунақа найрангвозларга тўлди деб, алам билан гапирганлари сабаби, шудир. У киши ўзларинг ҳақ жамоасини, бу найрангвозлар чангалига тушиб қолишидан хавфсирардилар. Шунча йиллик дарслари ва меҳнатлари йўққа чиқишидан хавфсирардилар. Бошқа томонда золим ҳукумат ҳам, тазйиқ ўтказишда давом этарди. Бу дарслари шундай катта босимлар остида турганида қилинган дарсларидан биридир.)

Бугун жамият мана бундай дажжолчалар билан тўлди, биродарлар. Дажжолнинг каттаси чиққанида ҳам, ҳақиқий мўминлар, собитқадам бўлиб қолишади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам молу жонларини, дин йўлида сарф қилган саҳобаларга, эй Аллоҳнинг бандалари собитқадам бўлинглар, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ана шу вақтда, Исо алайҳиссаломни жўнатади, дедилар. Дамашқнинг шимолий ва жанубий томонидаги оқ миноранинг олдида, Исо алайҳиссалом иккита фариштанинг қанотида, оқ либос кийган ҳолатда тушади, дедилар.

Бу гаплар, бу йигирма биринчи асрнинг кўз ойнагини тақиб олган одамга, ғалати бўлиб туюлиши мумкин? Шунинг учун мен, ҳали Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларини ўқиб бердим. Уларга ҳам, думғазасини бир бўлаги чиримаслиги, ғалати эшитилган. Уни бир минг тўрт юз йилдан кейин, динга унамаган олимлар, шу думғазани чиримаслигини ва инсон қайтадан, шу ердан таркиб топишини, ўзлари исботлаб туришибди.

Шунинг учун ҳам, бу дажжол ҳақидаги ҳадисларни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ривоятда келганлиги учун, биз исботлаймиз. Кайфияти ҳақида, баҳс қилмаймиз. Исо алайҳиссалом бошларини қуйи қилсалар, ёмғир ёғади. Бошларини кўтарсалар, сочларидан дур ва луъ луълар, ёғилиб тушади. Шу замондаги яшаётган Исо алайҳиссаломнинг нафасини тортган кофир, шу вақтда ўлади. Бу кишининг кўзлари етган жойгача, нафаслари бориб туради. Исо алайҳиссалом Дажжолни истайдилар. Уни Луд шаҳари дарвозаси олдида топиб, қатл қиладилар.

Исо алайҳиссалом олдида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дажжолдан сақлаган жамоалар келади. Уларнинг пешаналарини силайдилар. Уларга жаннатдаги даражотларининг хабарини берадилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Дажжол фитнасидан сақланган кишилардан қилсин! У киши Дажжолдан сақланган кишилар билан турганларида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ваҳй қилади. Бу Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хабарлари. «Мен бирор киши, уларга қарши жанг қилишга қодир бўлолмайдиган бандаларимни, тайёрлаб қўйганман» дейди. Менинг бандаларимни Тур тарафига олиб боринг, дейди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Яъжуж ва Маъжужни жўнатади. Улар ҳар бир тарафдан суғурилиб чиқади. Уларнинг аввали Табарийя диёридаги кўлнинг олдида ўтади, кўлнинг сувини, бирор томчи қолдирмай ичиб қўяди. Охирлари келиб, шу ерда бир кўл бор эди, дейишади. Билмайдилар, авваллари ичиб қўйганлигини.

Исо алайҳиссалом ва асҳоблари, Яъжуж ва Маъжуждан чекиниб, қамалда қолишади. Улар учун молнинг калла ғўшти, сизлар учун юз динордан кўра, суюлироқ бўлади.

Яъни, улар қамалда шундай очликда қолишади, дедилар. Исо алайҳиссалом ва асҳоблари, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога дуо қилиб ёлворишадилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Яъжуж ва Маъжужни, елкаларига бир қўртни жўнатади. Улар ҳаммаси бир одам ўлган каби, эртасига ўлик ҳолда, топилади.

Исо алайҳиссалом ва асҳоблари, қамалдан чиқишади ва ҳамма ерда Яъжуж ва Маъжужни ўлиги тиқилиб, ётган бўлади. Исо алайҳиссалом ва асҳоблари, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога, дуо қилиб ёлворишадилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло туянинг бўйнига ўхшаган, қушни жўнатади. Бу қушлар Яъжуж ва Маъжужни ўликларини олиб бориб, Аллоҳ хоҳлаган ерга ташлашади. Кейин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёмғир ёғдиради. Бу ёмғир, дедилар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, ҳамма уйга кирадида, ернинг устини ойнадек, ялтиллашиб кўяди. Ерга меваларни ундир ва баракотингни қайтар, дейилади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг изни билан, баракот қайтиб келади. Шунда, шу жамоа, ниҳоятда мамнун бўлиб яшайди. Сутга ниҳоятда баракот келади. Битта Туянинг сути, бир жамоа одамга етади. Бир молнинг сути, бир қабилага етади. Бир қўйнинг сути, бир қабиладан кичикроқ жамоага етади, дедилар. Улар бу баракотлар билан мамнун бўлиб турганларида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бир енгил шабада жўнатадида, уларнинг қўтиқларидан қабзи руҳ қилиниб, жонларини олади. Ер куррасидаги ҳамма мўмин мусулмоннинг жони, қабз қилинади. Одамларнинг энг ёмонлари қолади. Биз олдинги дарсларимизда, бир ҳадисни айтганмиз, одамларнинг ёмони, масжидга қабр қўрганлар ва қиёмат қойим бўлганда, тирик қолганлардир, дейилган. Мана бу шабада келган вақтида, мусулмонлар ҳаммаси, жон таслим қилади.

Одамларнинг ёмонлари қолади. Улар зино ишини шунчалик ошкор суратда қиладики, эшаклар урғочи эшакка сакрагандек, зино фош бўлади, дедилар. Шундай ярамас, мараз табиатлик одамлар, қолади. Шулар, ер юзида якка Аллоҳга ибодат қиладиган одамлар қолмай, маразлар қолганида, ер куррасида яшаш, инсонга ҳаром бўлади. Чунки, якка Аллоҳга ибодат қиладиган бир одам бўлар экан, ер курраси сақланиб тураверади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло барча мўминларни жонини олиб, ер куррасида, якка Аллоҳга ибодат қиладиган, бир одам қолмагандан кейин, шуларнинг устида қиёмат қойим бўлади, дедилар.

Мана бу Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизотларидан, баъзилари биродарлар. Бу ҳадиси шариф ҳамма учун керак бўлса ҳам, бизнинг ҳозирги замондаги мусулмонман деган, кишилар учун, жуда ҳам муҳимдир. Чунки, ҳозир башоратчи номида, турли хил номларда, оврупо тилида баландпарвоз қилиб қўйилган номлар борки, ҳаммасининг ўзбек тилидаги оти, найрангвоздир. Бизнинг Ислом, бундай найрангвозларга муҳтожмас. Минг афсуслар бўлсинки, бизнинг ислом аҳли, шундай одамларга, умрида мустаҳаб қилмаган одамларга алданиб юришлиги, жуда катта мусибатдир. Шуларга молларини сарф қилишлиги, уларнинг ақлсизлигига ҳам далолат қилаётгандир.

Кофирлар ва мушрикларнинг бунақа ишларни қилишлиги қизиқмас. Улар албатта қилишлиги керак. Улар шунинг учун кофир ва мушрикдир. Аммо, мусулмонман деган одамларнинг, бунақа нарсаларга, алданиб юришлиги, жуда катта мусибатдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Дажжолдан огоҳлантирдиларки, Дажжолнинг найрангларини ҳали биров кўргани йўқ, биродарлар. Кўрсалар нима бўлар экан? Бу ердан бир фалончихон чиқибди. У ерда битта фалончихон чиқибди. Яна куръон ўқир экан деб, кўяди. Ёки, намоз ўқир экан, деб, қўйишади.

Биродарлар, бу айтаётган дажжол, осмонга буйруқ қилиб, ёмғирни ёғдиради. Ерга буйруқ қилиб, ўсимликларни ундиради. Ҳозирги имонлиман деган одамлар ҳаммаси, имонидан воз кечиб юборади, агар куруқ ётган бир ерни боғ қилиб берадиган, бир шайтон чиқадиған бўлса! Имон, мана бу имтихонларга учраши муқаррардир. Ҳар бир киши, ҳаётининг озгина қисмида, оғир имтихонларга учраши мумкин?

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жаннатни, осон эришадиган жой қилиб қўйгани йўқ. Уламолардан биттасига хабар беришдики, фалон жойда бир одам чиқибдики, у молни оғзидан кириб, орқасида чиқаяпди, дейишди. Шунга, кўп одамлар фитналаниб қолишди. Шунда у олим, мени олиб боринглар шу ерга дедилар. Шунда у одам, бу кишидан устун бўлса, жуда кўп одам, унга эргашиб кетишини ўйлаб, найрангини кўрсатди. У молни оғзидан ичига кириши билан, қиличи билан, молни белига урдилар. У одамни ҳам иккига бўлиб ташладилар. Мана бундай нарсани кўрсатадигани чиқиб қолса, мўмин одамнинг имони, шунақа даражада бўлмоғи керак. Ўзи кўп ишлари найранг биродарлар.

Ҳақиқатда шунақа бўлаётганда, мўмин инсоннинг якка Аллоҳга бўлган ишончи, якка Аллоҳга бўлган таваккули, якка Аллоҳга бўлган сиғинмоқлиги шундай бўлмоғи керакки, шамшир билан, бўлиб ташлайдиган даражада, бўлиши керак.

Шунинг учун, бизга мана шулар ҳақидаги саволлар тўхтатилсин! Биз бўйнига олганларга жавоб бермаймиз. Биз бўйнимизга олиб бўлганмиз. Биз Аллоҳнинг буйруғини, бўйнимизга олиб бўлганмиз. Бу бўйинга, бошқа нарса чиқмаслиги керак! (Бу гап, фолбинликни бўйинга оласан, бўлмаса, сенга ёмон бўлади деб, васваса қилинган одамнинг гапларига, жавобан айтилган) Ҳозирда баъзилар имони, шу ҳадиси шарифда баён қилинганга ўхшайди.

وعن أبي هريرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ثلاث لا يكلمهم الله يوم القيامة، ولا ينظر إليهم، ولا يزكيهم، ولهم عذاب أليم: رجلٌ على فضل ماءٍ بالفلاة يمنعهُ من ابن السبيل، ورجلٌ بايع رجلاً بسلعةٍ بعد العصر فحلف له بالله لأخذها بكذا وكذا فصدقه، وهو على غير ذلك، ورجلٌ بايع إمامًا لا يبايعه إلا لدنيا، فإن أعطاه منها وفى، وإن لم يُعطه منها لم يفِ

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Уч тоифа борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларга қиёмат куни гапирмайди ва уларга қарамайди ва уларни покламайди ва уларга аламли азоб бор. Биринчи, бир киши саҳрода, идишида ортиқча сув бор. У шу сувни, бошқа йўловчиларга бермайди. Иккинчиси, асрдан кейин, бир нарсани, бир одамга, фалон нархга олганман деб, алдаб сотган одам. Учинчиси, бир пешвога байъат қилган. Дунё учун байъат қилган халос. Шу одамга эргашаётган одамлар, кам бўлмаяпди, деб, байъат қилган.

Яъни, иши юряпди, касби юряпди, дунёда кам бўлмаяпди, деб, дунё учун, байъат қилган. У пешво бунга бериб турса, аҳдига вафо қилиб юради. Агар бермай қолса, иши юрмаса, аҳдига вафо қилмай қўяди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мана шу одамга қиёмат куни гапирмайди ва унга қарамайди ва уни покламайди ва унга аламли азоб бор. Ҳозирги вақтдаги имонлар бир қизиқки, инсон тандуруст бўлса, мусулмон бўлади. Агар касаллик етса, тамоми ширк амалларига кириб кетаверади. Уни кимлигига қарамайди, нопокми, мустаҳаб қилмаганми? Ширк ишини қилмаяпдимми?

Нима бўлишидан қатъий назар, шунга эргашиб кетаверади. Аллоҳнинг буйруғини, бир марта шундай қаттиқ ушламайди, биродарлар. Дунё иши юриб турса, кўп одам мусулмон бўлади. Мана имон келтириб, намоз ўқиб, кам бўлмадим, дейди. Агар намоз ўқигани учун, дунё иши юрмай қолса, дарров, намозни тарк этади. Унинг имони дунё. Дунёга ибодат қилаётганини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга, кўрсатиб қўяди.

Бу дегани, киши имонга кирса, дунё иши ривожланмай қолади, деганимас. Лекин, бу муҳим бўлмаслиги керак, мўмин киши учун. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, мана шу ҳадисга амал қилишликка, тавфиқ берсин!

Бу дарс, менга берилаётган ҳар хил, саволларга жавоб бўлди деб, биламан. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзи сақласин! Бу фитналарнинг катталарини кўрганда, нима бўлар экан?

Одамлар айтадики, фалончи фалон йилда, мана бу воқеъа бўлади, деган эди. Шу воқеъа бўлди. Шу одам, анча тўғри одамга ўхшаяпти, деб, гумонсирайди, кўп одамлар. Биз бир одамни иккига бўлиб, чақирганда, югуриб келса ҳам, бу шайтон деб, айта олишимиз керак! Имон, мана бундай бўлмоғи керак!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам имони мустаҳкам бўлган, имони қимирламайдиган асҳобларни огоҳлантирдилар, мана бу фитналардан.

(Шу ерда саволларга қисқа жавоблар берилади)

Ака укалар уйланмоқчи эканлар, дуо сўрабдилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исломга мувофиқ оила қуришликка тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

70 дарс тугади

Диний ихтилофлар чиққанда кимга эргашиш ҳақида

(Бу дарсда, динда ихтилофлар чиққанда, ечим топиш учун, нимага мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилади. Ва Аҳли сунна вал жамоа манҳажи, йўли, бошқа турли туман фирқалардан, нимада фарқланиши баён этилади. Дарснинг иккинчи қисмида, диндан чиқарувчи амаллар ва сўзлар ва эътиқодлар, зикр қилинади. Ва ибодат турлари қисқача айтиб ўтилади. Тавҳид ҳақида гапирилиб, дарс тугатилади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бутун мавжудотни ичида, инсон билан жинни мукаллаф махлуқ қилиб яратди. Инсон билан жин, Аллоҳ тарафидан ихтиёри билан, мукаллаф бўлиши билан фарқ қилади. Ҳайвонлар хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам, ғаризага мувофиқ ҳаёт ўтказишади. Малоикалар, хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам, мажбурий покиза ҳаётларини ўтказишади. Уларнинг сифатларини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда баён қилди. Шу баён қилинган сифатлардан, бошқача бўлишмайди.

Аммо, инсон билан жин тоифаси, кўп тақрорлаганимиздек, ҳаётининг бир қисмида мажбурий ҳаёт кечиради. Бошқа мавжудотлар қаторида. Бу кўзи билан кўриш, қулоғи билан эшитиш ва ўпкаси билан нафас олиш ва юраги қон вазифасини ўташ ва жиҳозларининг ўзига хос бўлган вазифасини ўташига ўхшаган. Оёғи билан юриш ва қўли билан ушлаш ва ҳаказо. Ҳаётининг бу қисмида, хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло яратган қонуни билан, мажбурий ҳаёт кечиради. Бундан ташқарига чиқолмайди.

Бунда у ҳайвонлар ва малоикалар ва бошқа мавжудотлардан, фарқ қила олмайди. Инсоннинг мукаррам бўлган қисми, бу ердасиз. Инсонлар кўзи билан хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам, кўради. Кўз жиҳози, ўзига хос бўлган вазифани, инсоннинг ихтиёри бунга ҳеч қандай аралашмаган ҳолатда, бажараверади. Қулоқ ҳам ва бошқа аъзолар ҳам шундай. Бунда инсон ихтиёрлик эмас, биродарлар. Алоҳ тарафидан мукаррам бўлишлиги, бу учун эмас.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кўзга кўриниб турган инсон тоифасини ва кўзга кўринмай турган жин тоифасини, мукаррам қилишликни хоҳлади. Аммо, инсонни жиндан ҳам, мукаррам қилди. Унга ер юзида Халифа бўлиш вазифаси юклатилди. Халифа, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ер юзидаги халифаси бўлишлигидир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳукмини ер юзида ижро қилувчи, халифаси бўлишлиқдир. Бу ўзига хос бўлган, улуғ сифатдир. Инсон ва жин тоифаси, якка Аллоҳга ибодат қилишликка, мукаллаф бўлишлиқда, муштарак бўлса, инсон авлоди, алоҳида мукаллаф бўлишлиқда, фарқ қилади.

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ

Исро сураси 70 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Одам авлодни мукаррам қилдик деб, алоҳида ёд қилаяпди. Аммо, вазифани ўташлиқда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсон ва жин тоифасини, фақат Ўзимгагина ибодат қилишлик учун яратдим, деди.

Демак, бизнинг яратилишимиз беҳуда бўлганмас. Бизнинг яратилишимиз ўз ўзидан бўлганмас. Ҳаётдаги ҳар бир зарранинг яратилиши, беҳудага эмас. Шунинг учун, фуқаҳолар, кимда ким агар бир заррани, беҳуда яратилган деса, кофир бўлади, дейишган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳар бир нарсанинг, бир ўрни бор ва уни шунинг учун яратди.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ

Зориёт сураси 69 оят

Демак, биз ибодат қилишга мукаллафмиз. Ибодатнинг тафсири тавҳид. Яъни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғига мувофиқ, ибодат қилишга маъмурмиз.

Ҳар бир киши ўзгага насиҳат қилишлиқдан илгари, ўзига насиҳат қилишлиги керак. Ҳар бир киши, ўзининг гапирган сўзи билан, ҳисоб қилинишини яқин билмоқлиги керак! Ва ўзининг эътиқодига ва амалларига биноан, ҳисоб қилинишини, яқин билмоқлиги керак!

Шунинг учун, ҳар бир сўзида ҳақни мақсад қилмоқлиги керак. ҳар бир амалида ҳақни мақсад қилмоқлиги керак. Ҳаммасидан муҳими, ҳақ эътиқодни танламоғидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг илми азалийси билан, умматлар ихтилоф қилишини билди. Шунинг учун, бу келишмовчиликда, нимага мурожаат қилиш лозимлигини, Ўзи бизга таълим берди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

Нисо сураси 59 оят

Агар бирор нарсада келишмай қолсанглар, Аллоҳу ва расулига қайтаринглар! дейилди. Бутун уламолар тафсирида, Аллоҳга қайтариш, Аллоҳнинг китобига қайтаришлиқдир. Пайғамбарга қайтариш, агар, у киши ҳаёт бўлсалар, ўзига мурожаат қилишлик ва вафотидан кейин, у кишининг суннатига мурожаат қилишлиқдир. Яъни, у кишининг тавсия қилган амалларига ва ўзи қилган амалларига ва сўзларига ва у кишининг олдида қилинганда, рад қилмасдан тасдиқлаган амалларга, қайтаришлиқдир. Суннат уч нарсани, ўз ичига олади. Биз шариат ишида келишмаганимизда, бундан бошқа йўл бўлиши, мумкин эмас.

Агар, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлсак! Бу жуда қаттиқ гап бўлди. Аллоҳу ва расулига қайтаринглар! дейилди. Агар, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлсак! Бу қаттиқ шарт бўлди. Агар, наузан биллоҳ, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирмаган бўлсанглар, унда ҳавоингларга қайтарасиларми? Бошқагами? Ўзларинг биласизлар. Бу оятлар, Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган кишиларгадир. Бу нарса, мўмин одам учун, жуда қаттиқ сўздир бу!

Демак, биз ихтилоф қиламиз экан. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг илми азалийси билан, буни билди. Шунинг учун, бу келишмовчиликда, нимага мурожаат қилиш лозимлигини, Ўзи бизга таълим берди. Бу Аллоҳга қайтариш, яъни, Аллоҳнинг китобига қайтариш. Ва Пайғамбарга қайтариш, агар у киши ҳаёт бўлсалар, ўзига мурожаат қилишлик ва вафотидан кейин, у кишининг суннатларига мурожаат қилишдир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин, умматлар ўртасида, кўп ихтилофлар бўлишини хабарини бердилар.

إِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسَيَرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ مِنْ بَعْدِي تَمَسَّكُوا بِهَا وَعَضُّوا عَلَيْهَا
بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ بَدْعَةٍ ضَلَالَةٌ
الراوي : [العرباض بن سارية] | المحدث : ابن تيمية | المصدر : مجموع الفتاوى

ومن يعش منكم فسيرى اختلافا كثيرا، فعليكم ما عرفت من سنتي وسنة الخلفاء الراشدين المهديين، عضوا عليها بالنواجذ ،

Сизларнинг ичинларда, мендан кейин яшаганинлар, кўп ихтилофларни кўради. Ихтилоф шу даражада бўладики, кўринадиган даражада бўлади. Шунда нима қилинлар дедилар?

Одамлар кўпи нима қилса, шуни қилинлар дедиларми? Ёинки, ҳар бир замон, ўзини аҳлига қараб иш қилсин дедиларми? Ёинки, Мавороуннаҳр ўзининг уламоларига қарашсин, дедиларми? (Шу ерда, Диний Бошқармани назарда тутганлар) Ёки, ҳар бир диёр Ўзининг олимларига қарасин, дедиларми? Нима дедилар?

Менинг суннатимни ва Рошид ва Маҳдий бўлган, Халифаларимнинг суннати лозим тутинг! дедилар. Хулафоларнинг суннати ушланг, демадилар. Рошид ва Маҳдий бўлган Халифаларнинг суннати ушланг, дедилар. Кўпчилик, Халифаликни яқин даврларгача давом этган дейди. Биз бу даъвога қаршимасмиз. Хилофат Туркияда, яқинларгача давом этган. Биз бу Хилофатни давом этган, деган фикрга, қўшилаемиз. Аммо, буларнинг йўлига эргашиш керак, деган фикрга қўшилмаймиз.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу сўзлари, мўъжизаки, мендан кейин, номи Халифа бўлган одамга эргашинлар, демадилар. Менинг суннатимни ва Рошид бўлган Халифаларимни суннатига эргашинг, Дедилар. Булар Абу Бакр разияллоҳу анҳу, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу, Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ва Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳу, мана бу кишиларнинг ва яна Аллоҳ Ўзи билган Халифаларнинг йўллари ушлашликка, маъмурмиз.

Демак, озиқ тишлар билан, бу суннатларни маҳкам ушланлар, дедилар. Озиқ тишлар билан, ушлашлик, маҳкам ушлашликдан киноя. Олдинги тишлар унчалик қаттиқ ушламайди. Озиқ тиш билан ушланган нарсани, ажратиб олишлик осонмас. Шунинг учун ҳам, полвонлар ипни озиқ тиши билан, маҳкам босиб, тошни кўтаришади. Суннатни ушлашлик, шу паҳлавонлар кўтараётган тошдан ҳам оғирдир, биродарлар. Ким, Суннатни ушласа ҳақиқий паҳлавондир. Чунки, суннатни йўқотишга қарши, ниҳоятда катта қаршилиқ бўлади, биродарлар. Кўп одамлар, суннатга амал қилиб, олдинги тишлар билан ушлаган учун, у суннатларни йўқотаётганини кўрасиз. Булар озиқ тиш билан, ушламаган кишилардир.

Янги пайдо бўлган нарсалардан сақланинлар! Ҳар бир янги пайдо бўлган нарса, залолатдир. Ҳар бир залолат, жаҳаннам ўтидадир, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзи кечирмаса, бизнинг қилаётган амалларимиз, бидъат ва залолатдир. Мана булар, ўтга олиб боради, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бундан, жуда қаттиқ огоҳлантирдилар.

Такрор айтамыз, ихтилоф бўлганда, Одамлар кўпи нима қилса, шуни қилинлар, дедиларми? Ёинки, ҳар бир замон, ўзини аҳлига қараб иш қилсин дедиларми? Ёинки, махсус бир олимларнинг сўзига қараб иш қилаверинлар, дедиларми? (Шу ерда, Диний Бошқармани назарда тутганлар) Йўқ! Бу нарса мижозий масала эмас. Вожиб масаладир.

Демак, келишмовчилик бўлганда, вожиб бўлган иш, Аллоҳнинг китобига қайтариш, Ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига қайтариш, ва Рошид ва Маҳдий бўлган Халифаларнинг суннатига қайтаришдир. Ва саҳобаларнинг йўлига, тобеъинлар йўлига ва мусулмонларнинг имомларининг йўлларига қайтаришдир, биродарлар. Бунга қарши бўлаётган одамларнинг кўплигини, эътиборга олмасликдир.

(Эслатма: Абдували қорига, Диний Бошқарма тарафидан, сон саноқсиз, босимлар бўларди. (Бу ҳали, маҳаллий сўфилар, ҳизбутлар, акрамийлар ва ҳокимлар, МХХ ва Прокурорлардан ташқари) У киши, диний бошқарма билан, ҳеч келишмаганлар. Келишмовчиликни ҳал қилиш учун, китобу суннатга қайтишни таклиф қилганлар. Албатта, у кишига қарши Диний Бошқармадагилар ботил ҳужжатлар билан чиқишга юраги бетламасди. Шунга, уни имомликдан бўшатишга ҳаракат қилишарди.

У киши, расмий имом ҳам эмасди. Уни бўшатишга ҳам, имкон тополмасдилар. Уни масжиддан ҳайдаб юборишга, уларнинг қудрати етмасди. Бу ердаги намозхонлар бунга йўл қўйишмасди. Шунинг учун, доим тазйиқ ва босимлар остида, маъруза қилардилар. Бу босимлар у кишининг дарсларида ҳам намоён бўларди. Бу дарс мавзуси ҳам, аслида, шуларга қаратилган эди)

Такрор айтамыз, биродарлар, Бунга қарши бўлаётган одамларнинг кўплигини, эътиборга олмасликдир. Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу айтганлар:

هذه كلمة حق قالها علي بن أبي طالب رضي الله عنه لحارث بن حوط وقد قال له الحارث يا علي! أتظن ان طلحة والزبير على باطل؟ وأنت على حق؟ فقال رضي الله عنه يا حارث! انه ملبوس عليك ان الحق لا يُعرف بالرجال اعرف الحق تعرف أهله

Али ибн Абу Толибга бир киши, ким ҳақлиги ҳақида гапирганида, Ё Ҳорис, ҳақ одамлар билан танилмайди. Фалончи қилаётган учун, бир нарса ҳақ экан, дейилмайди. Аввал ҳақни тани ва кейин, ҳақ аҳлини танийсан, дедилар. Яъни, одамларни бир чеккага қўйгинда, аввал шу масалада, ҳақ нималигини билгин! Кейин, ким ҳақдалигини биласан, дедилар.

(Эслатма: Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу, Муовия қарши чиққанида, у томонда баъзи саҳобалар бор эди. Талҳа ва Зубайрлар ҳам, у томонда эдилар. Шунда Ҳориса ибн Ҳавта Алига, Талҳа ва Зубайрлар ботил ва сен Ҳақ устидаман деб, гумон қиласанми? деди. Шунда, у киши юқоридаги гапни айтганлар. Шу можарода, Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ҳақ бўлган деб, тан олинади. Бу Усмон Ибн Аффон қатл қилинганидан бошлаган фитналарнинг давоми эди. Бу фитналарда, кўп саҳобалар, истаб истамай, иштирок этгандилар. Уммат парчаланиши шундан бошланганди. Хаворижийлар ва Алавийлар тоифаси, шунда пайдо бўлган эди.)

Ҳақни олдин ўрганинг, буни қилаётган одамлар, ҳақ аҳли бўлади. Агарчи, улар одамлар орасида, эътибори йўқ бўлса ҳам. Аммо, ҳақни танимасдан, одамларга қараб, фалон шундай қилди, демак шу ҳақ десангиз, сиз ҳақни танимаган одамсиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан келган сўз ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сўзлари ва амаллари булар Ҳақдир! Бир киши ҳақни тарк қилса, билингки, шу одам мутакаббирдир.

لا يدخل الجنة من كان في قلبه مثقال ذرة من كبر -
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : ابن خزيمة | المصدر : التوحيد

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қалбида, зарра мисқолича кибри бўлган одам, жаннатга кирмайди, дедилар.

Ким ҳаққа унамаган бўлса, мутакаббир бўлади.

فَقَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ الرَّجُلُ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ ثَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنَةً فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ إِنَّ
الْكِبَرَ مَنْ بَطَرَ الْحَقَّ وَغَمَصَ النَّاسَ
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : ابن خزيمة | المصدر : التوحيد

Шунда бир киши айтдики, ё Расулulloҳ, киши кийимини ва пойабзалини чиройли бўлишини истайди, (шу кибри) деди. (йўқ, дедилар) Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади, дедилар. Кибр, ҳаққа унамаслик ва одамларни ихтиёри ўзида бўлмаган сифатлари билан айблашдир, дедилар.

Мисол бир киши, озгин. Бир одам пастак, мана бундай, одамларни ихтиёри ўзида бўлмаган сифатлари билан камситишлик, кибр, дедилар.

Ҳақ келган вақтда, уни қабул қилмаслик, кибрдир. Демак, қалбида зарра мисқоли кибри бўлган одам, жаннатга кирмайди, дедилар. Бу менинг сўзим эмас. Ёки, бир аҳли илмининг сўзи эмас. Бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзидир. Шунинг учун, Ҳақ келган вақтда, уни қабул қилишга одатланмоқлик керак. Бу жуда зарурий, муҳим нарсалардандир.

قال عمرو بن ميمون الأودي: صحبت معاذاً باليمن، فما فارقته حتى واريته في الثراب بالشَّام، ثم صحبت من بعده أفقه الناس: عبد الله ابن مسعود، فسمعت يقول: «عليكم بالجماعة، فإن يد الله مع الجماعة»، ثم سمعته يوماً من الأيام وهو يقول: «سيولى عليكم ولادة يؤخرون الصلاة عن مواقيتها، فصلوا الصلاة لميقاتها؛ فهي الفريضة، وصلوا معهم فإنها لكم نافلة»، قال: قلت: يا أصحاب محمد! ما أدري ما تحدثون، قال: وما ذاك؟ قلت: تأمرني بالجماعة وتحضني عليها ثم تقول لي: صل الصلاة وحدك وهي الفريضة، وصل مع الجماعة وهي نافلة، قال: «يا عمرو بن ميمون قد كنت أظنك من أفقه أهل هذه القرية، أتدري ما الجماعة؟» قلت: لا قال: «إن جمهور الجماعة هم الذين فارقوا الجماعة، الجماعة ما وافق الحق وإن كنت وحدك»، وفي لفظ آخر: فضرب على فخذي
«وقال: «ويحك! أن جمهور الناس فارقوا الجماعة، وإن الجماعة ما وافق طاعة الله تعالى»

Амр ибн Маймун ал Адвий айтадиларки, Мен Маоз ибн Жабал билан бирга бўлдим. То у кишини, тупроққа кўмгунча ажралганим йўқ. Кейин, Абдуллоҳ ибн Масъуд билан суҳбатдош бўлдим. У киши айтганларки, жамоатни лозим тутинг. Аллоҳнинг қўли жамоат устидадир, дедилар.

(Эслатма: Аллоҳнинг қўли жамоат устидадир, деган сўз, Абдуллоҳ ибн Масъуд сўзимас, бу ҳадиси шарифдир. Ким айрилса, дўзахга кетади деган, қўшимчаси ҳам бор.)

يُذِ اللَّهُ مَعَ الْجَمَاعَةِ وَمَنْ شَدَّ شَدَّ إِلَى النَّارِ
الراوي : - | المحدث : الشوكاني | المصدر : نيل الأوطار

Ва яна айтдиларки, (Бу ерда яна, ҳадиси шарифнинг мазмуни Абдуллоҳ ибн Масъуд сўзи деб, айтилади)

سيكونُ أمراءُ تشغلُهُمْ أشياءُ يؤخِّرونَ الصَّلَاةَ عَنْ وَقْتِهَا فَاجْعَلُوا صَلَاتَكُمْ مَعَهُمْ تَطَوُّعًا
الراوي : عبادة بن الصامت | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح ابن ماجه

Келажакда шундай волийлари бўладики, намозни вақтидан таъхир қиладилар. Биродарлар, намозни вақтидан таъхир қиладиган волийлари бўлса, биз қани эди? деймиз. Намозни вақтидан таъхир қиладиган волийлари бўлади, дедилар. Намозни мутлақо тарк этиб, намоз нималигини билмайдиган, волий бўлади, деганлари йўқ. Намозни вақтидан таъхир қиладиган, волийлари бўлади, дедилар. Шунда намозни нима қилайлик? дейишганда, сизлар намозни вақтида ўқинглар, дедилар. Намозни вақтида ўқишлик фарз.

إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْفُوتًا
Нисо сураси 103 оят

Намозни вақтида ўқишлик фарз, (деган оятни ўқидилар.) дедилар. Ўзинглар вақтида, танҳо намоз ўқиб туриб, Улар билан бирга ўқиган намозларинг, нафл бўлади, дедилар. Аввал, жамоатни лозим тутинг. Аллоҳнинг қўли жамоат устидадир, дедилар. Кейин, намозни вақтидан таъхир қиладиган волийлар бўлса, сизлар вақтида намоз ўқинглар ва кейинги ўқиган намозларинг, нафл бўлади, дедилар.

(Эслатма: бу аслида ҳадис бўлиб, арабчаси юқорида илова қилинди. Аммо, қори ака дарсда, бу сўзларни Абдуллоҳ ибн Масуъднинг сўзи каби, қилиб ўқиб беряпдилар. Яъни, у киши ўқиган китобда, шундай келган. Ҳар иккала сўз ҳам, аслида ҳадисдир.)

Эй Муҳаммад алайҳиссаломни асҳоблари, нима деяпсизлар, мен билмай қолдим, дедим. (Яъни, Амр ибн Маймун ал Адвий айтаяпдилар) Мени жамоатга буюряпсиз аввалда ва кейин, ёлғиз ўқигин, бу фарз ва улар билан ўқиганинг нафл бўлади, деяпсиз.

Мен тушунмай қолдим, дедим. Жамоат нималигини биласанми? дедилар. Йўқ, дедим. Ё, Амр ибн Маймун, дедилар, Абдуллоҳ ибн Масуъд, мен сени шу шаҳарнинг фақиҳларидан деб, гумон қилардим. Одамларнинг кўпчилиги, жамоатдан жудо бўлишди. Ҳақда бўлган одамларни, жамоат дейди. Агар сен ҳақда бўлсанг, битта бўлсанг ҳам, жамоатсан, дедилар.

وقال نعيم بن حَمَّاد: إذا فسدت الجماعة فعليك بما كانت عليه الجماعة قبل أن تفسد، وإن كنت وحدك، فإنك أنت الجماعة حينئذ، ذكرهما البيهقي وغيره.

Наим ибн Хаммод айтганлар: агар жамоат фасод бўлиб, бузилса, суннатларга хилоф ишлар қилса, сен бузилишдан илгариги жамоат йўлини тутгин, шунда, жамоат билан бирга бўласан.

Жамоат дегани, биродарлар, бир тўп одам дегани эмас. Жамоат дегани, бу ҳақ билан бирга бўлган, кишилардир. Агар биз турган даврда, биз турган диёрда, суннатга амал қилган, битта ҳам одам бўлмаса, ҳамма ёқ фасод бўлса, биз бундан илгариги жамоатни лозим тутамиз. Бизлар, бу умматнинг ҳақ йўлида ўтган жамоат билан, бирга бўлмоғимиз лозим. Кимлар улар? Улар асҳоби киромлардир. Шулар бизнинг жамоатимиздир.

رُوي عن أبي الدرداء أنه قال: لو خرج رسول الله صلى الله عليه وسلم عليكم ما عرف شيئا مما كان عليه هو وأصحابه إلا الصلاة

Абуд Дардоъ разияллоҳу анҳу айтганлар: Агар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳозир чиқиб келганларида, сизларда Исломдан, намоздан бошқа нарсани кўрмаган бўлардилар, деганлар. У киши саҳоба бўлганлар, биродарлар.

عن حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ : " أَنَّهُ أَخَذَ حَصَاةً بَيَضَاءَ فَوَضَعَهَا فِي كَفِّهِ ثُمَّ قَالَ : إِنَّ هَذَا الذِّينَ قَدْ اسْتَضَاءَ إِضَاءَةَ هَذِهِ , ثُمَّ أَخَذَ كَفًّا مِنْ تُرَابٍ فَجَعَلَ يَذَرُهُ عَلَى الْحَصَاةِ حَتَّى وَارَاهَا , ثُمَّ قَالَ : وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ , لَيَجِبَنَّ أَقْوَامٌ يَذْفَنُونَ الذِّينَ كَمَا دُفِنَتْ هَذِهِ الْحَصَاةُ , وَلَيْسَلَكُمْ طَرِيقُ الذِّينَ كَانُوا قَبْلَكُمْ حَذْوُ الْفُدَّةِ بِالْفُدَّةِ , وَحَذْوُ النَّعْلِ بِالنَّعْلِ

Хузайфат ибн Яманий бир қўлларига майда оқ тошни бир ҳовуч олдиларда, бошқа қўли билан тупроқ олиб, тошларни устига сепиб, кўмдилар. Кейин, айтдилар, шундай одамлар келадики, динни кўмиб йўқотиб ташлайдилар, худди, мана бу тошни тупроқ билан кўмиб, йўқотганимга ўхшаган, дедилар. Ва сизлар бир оёқ кийими, иккинчисига ўхшагани каби, аҳли китобларнинг йўлларида юриб кетасизлар, дедилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитган сўзлар билан, Хузайфат ибн Яманий бизни огоҳлантиряпдилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

لَتَتَّبَعَنَّ سَنَنَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ حَذْوُ الْفُدَّةِ بِالْفُدَّةِ حَتَّى لَوْ دَخَلُوا جَحَرَ ضَبٍّ لَدَخَلْتُمُوهُ. قالوا: الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى؟ قَالَ: فَمَنْ " الراوي : [أبو سعيد الخدري] | المحدث : ابن تيمية | المصدر : مجموع الفتاوى

Илгариги ўтган умматларга эргашиб кетасизлар, худди бир оёқ кийими, иккинчисига ўхшагани каби, аҳли китобларнинг йўлларига юриб кетасизлар, дедилар. Шунда, яҳуд ва насороларгами? деб, сўрашди. Кимни айтяпман, бўлмасам? деган эканлар.

Яҳуд ва насоролар йўлларига юриб кетасизлар, дедилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръонда, яҳуд ва насороларни, айблади.

مَنْ الَّذِينَ هَادُوا يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ وَيَقُولُونَ سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا
Нисо сураси 46 оят

Яҳудлар калималарни ўрнидан ўзгартирдилар ва эшитдик ва осий бўлдик, дейишади.

Қуръон, яҳуд ва насороларни Аллоҳнинг калималарини, ўз ўрнидан ўзгантирадилар деб, айблади. Нима учун? Яҳудлар, зинокор эркак ва аёлни, тавротдаги тошбўрон қилишлик ҳукмини, ўзгартиришган эди. Улар бу ҳукми дарралаб қўйишга, ўзгартиришган эди. Одатда турмуш қурмаган эркак ва аёл зино қилсалар, юз дарра уриларди.

Улар шуни, турмуш қурган эркак ва аёл зино қилсалар ҳам, дарра уришарди. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни, Аллоҳнинг калималарини, ўз ўрнидан ўзгантирадилар, деб, айблади. Мусулмонларчи? Мусулмонлар, Аллоҳнинг ҳукмларини мутлақо қилмайдиган ва бу яҳуд ва насоролардан ҳам баттар, ёмон бўлиб кетган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳукми қаерда қолди? Мусулмонларнинг Аллоҳнинг ҳукмларини ўйлаб ҳам кўрмайдиган бўлиб кетганликлари, бу яҳуд ва насороларга эргашиш бўлмаса, нима бу?!

Ҳар бир нарсада, ҳукми Аллоҳ ва Расулига қайтаришни, мукаммал билмоғимиз керакки,

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг илми азалийси билан, бизнинг ихтилоф қилишимизни билди. Шунинг учун,

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ
وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا
Нисо сураси 59 оят

Агар, бирор нарсада келишмай қолсанглар, Аллоҳу ва расулига қайтаринглар! деди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин, умматлар ўртасида кўп ихтилофлар бўлишини, хабарини бердилар.

إِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسِيرَى اخْتِلَافًا كَثِيرًا فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ مِنْ بَعْدِي تَمَسَّكُوا بِهَا وَعُضُّوا عَلَيْهَا
بِالنَّوَاجِذِ وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ فَإِنَّ كُلَّ بَدْعَةٍ ضَلَالَةٌ
الراوي : [العرباض بن سارية] | المحدث : ابن تيمية | المصدر : مجموع الفتاوى

ومن يعش منكم فسيرى اختلافا كثيرا، فعليكم ما عرفتم في سنتي وسنة الخلفاء الراشدين المهديين، عضوا عليها بالنواجذ ،

Сизларнинг ичингларда, мендан кейин яшаганинглар, кўп ихтилофларни кўради, дедилар. Шунда, кўпчилиikka қаранглар, дедиларми? Такрор айтамиз, Ёки, Маъвороуннаҳр алоҳида, ўзларинг ўша ерда ҳукм топиб оласизлар, дедиларми? Йўқ, Менинг суннатимни ва Рошид ва Маҳдий бўлган Халифаларимнинг суннатини, маҳкам ушланглар, дедилар. Хулафоларнинг суннатини ушланг, демадилар. Рошид ва Маҳдий бўлган, Халифаларнинг суннатини ушланг, дедилар.

Такрор айтамиз, Кўпчилик, Халифаликни яқин даврларгача, давом этган дейди. Биз бу даъвога қаршимасмиз. Аммо, буларнинг йўлига эргашиш керак, деган, фикрга қўшилмаймиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мендан кейин, номи Халифа бўлган одамга эргашинглар, демадилар. Менинг суннатимга ва Рошид бўлган Халифаларимни суннатига эргашинг, Дедилар. Мана бу нарсани биз мукаммал билиб олмоғимиз керак!

Мен бу дарсни шу масала билан, тугатмоқчиман.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейинги, даврларда келган фуқаҳолар, фикҳ китобларида, муртад ҳукми деган, алоҳида боблар ажратишди. Бу боб фуқаҳоларнинг қанчалик дақиқ эканига, далолат қилади. Бу мусулмонлар ичида, мусулмон бўлиб турган кишини, диндан чиқариб, қўядиган сўз ва амаллар борлигига, далолат қилади. Шуларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Куфр, қуръони каримда зикр қилинган катта гуноҳдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло муттақинлар сифатини зикр қилиб, кейин,

إِنَّ الدِّينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أُنذِرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ
Бақара сураси 6 оят

Деб, биринчи бўлиб, куфрни зикр қилди.

Куфрнинг бир тури, Аллоҳга боғланади. Аллоҳни инкор қилишлик ва ёки, сифатларини инкор қилишлик билан бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога лойиқ бўлмаган, сифат билан сифатласа, бу куфрдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг фарзанди ва аёли бор деса, кофир бўлади. Ёки, Аллоҳнинг сифатларини махлуқот сифатига ўхшатса, кофир бўлади. Аллоҳни ҳулуъ қилган деса, (бирор кимсага келиб, кириб олган деса) кофир бўлади. Ҳозирги кунда, бу ҳулуълийялар, баъзи тасаввуф аҳлида мавжуддир.

Бу (Ҳиндистондаги) бараҳманларда ҳам бордир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони бирор бир жисм деб, эътиқод қилса, кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баъзи майда нарсаларни билмайди, деса, кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг китобу суннатда келган исмларини, масхара қилса, кофир бўлади. Аллоҳдан бошқага сажда қилса, кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони сўкса, кофир бўлади. Ҳаммасидан муҳими, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ибодатида, нимаю, ким бўлишидан қатъий назар бир нарсани шарик қилса, мушрик кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло кечирмайди бу гуноҳни.

Баъзилари қуръони каримга ва бошқа Аллоҳ нозил қилган китобларга тааллуқлидир. . қуръони каримни, Аллоҳнинг китоби эканлигини, инкор қилса кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг каломини, энди ҳозирги даврга мос келмай қолди, деса, кофир бўлади. Аллоҳ нозил қилган китобларни, инкор қилса, кофир бўлади. Аллоҳнинг оятларини масхара қилса, кофир бўлади. Жаннат билан башорат берган оятларни ёки, жаҳаннам билан қўрқитган оятларни, масхара қилса, кофир бўлади.

Куфрнинг баъзи тури, фаришталарга ва пайғамбарларга, тааллуқ топади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг охирги пайғамбарлигини инкор қилса, кофир бўлади. Бошқа пайғамбарларни инкор қилса, кофир бўлади. Малоикаларни инкор қилса, кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Малоикаларни қуръонда ёд қилди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга хабарини бердилар. Имоннинг рукни Малоикаларга ишонишлик бўлди. Ким Малоикаларни инкор қилса, кофир бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нинг жаннатини ва дўзахини, инкор қилса кофир бўлади.

Такрор айтамиз, Пайғамбарлар билан, қавмлари орасидаги хусумат, мушриклар Аллоҳни йўқ дейишмасди. Аллоҳни бор дейишарди. Аллоҳни йўқ дейдиган кофир, нодир суратда топиладди.

وَقَالُوا مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ وَمَا لَهُم بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ
Жосия сураси 24 оят

Аллоҳнинг борлигини инкор қилган кофир, тақрибан уч юз ё, тўрт юз йил бўлди, унақа кофирни вужудга келганига.

Мушриклар Аллоҳни бор дейишарди. Аллоҳнинг яратувчи эканлигини, инкор қилишмасди. Аллоҳнинг Розиклигини инкор қилишмасди.

قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدِيرُ الْأَمْرَ
فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ
Юнус сураси 31 оят

Коиноту ерни бошқарувчи, Аллоҳ эканини, инкор қилишмасди. Аллоҳнинг Мумит ва Мухйи сифатларини, исбот қилишарди. Коиноту ерни ким бошқаради деса, Аллоҳ дейишарди. Рубубийятни ҳам тан олишарди. Бу сифатларни тан олишлик, нима учун, уларни Ислом сафига олиб кира олмади? Улар мусулмон саналмади. Улар Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган йўлда деб, эътибор қилинмади. Улар билан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўртасида хусумат бўлди. Бу хусумат, жиҳодга олиб борди.

Такрор айтамиз, Бу хусумат, Аллоҳнинг Яратувчи, эканида ёинки, Розик, ёки, Мумит ва Мухйи ё Мудаббир сифатларида бўлмади. Аллоҳнинг Улуҳийят сифатида бўлди. Улар Аллоҳга ибодат ҳам қилишарди. Лекин, Аллоҳ билан бирга, бошқа нарсага ҳам, ибодат қилишарди. Шунинг учун улар, мушрик бўлдилар. Шунинг учун улар, Ислом сафига кириша олмади. Шунинг учун улар билан, Пайғамбарлар ўртасида, хусумат бўлди. Бу хусумат, агар ширкдан воз кечмасалар, ҳеч қачон тўхтамайдиган, хусумат эди.

كَمْثَلِ الشَّيْطَانِ إِذْ قَالَ لِلْإِنْسَانِ اكْفُرْ فَلَمَّا كَفَرَ قَالَ إِنِّي بَرِيءٌ مِّنكَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ
Ҳашр сураси 16 оят

Шайтон, Мен Оламлар Роббиси Аллоҳдан қўрқаман, деди.

Аллоҳнинг Оламлар Роббиси эканини, тан олди.

Шунинг учун, биз билмоқлигимиз керакки, агар Аллоҳнинг ибодатга лойиқ якка Маъбуд эканини, тан олмас эканмиз, ҳеч қачон, тавҳид аҳлидан бўлолмаймиз! Агар бир инсон, ер юзидан яратилган бир кичкина заррача нарсани, бу нарса беҳуда яратилган, фойдаси йўқ деса ҳам, кофир бўлади. Агарчи, шу одам, ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадур расулulloҳ деб, намоз ўқиб, рўза тутиб, юрган бўлса ҳам, шу юқорида айтилган амалларни қилса, ё сўз билан гапирса, диндан чиқади шу одам.

Ибодат турларига тўхталиб ўтамыз. Намоз, намозни фақат Аллоҳга қилинади. Ибодат турларидан хашя, тазарруъ билан қўрқишлик.

فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ وَخُشُّوْا اللَّهَ وَلَا تَتَّبِعُوا بِآيَاتِي ثَمَنًا قَلِيلًا
Моида сураси 44 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзидан қўрқилади.

Хавф, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига хосдир.

إِنَّمَا ذَلِكَ الشَّيْطَانُ يَخَوْفُ أَوْلِيَاءَهُ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ
Оли Имрон 175 оят

Ибодат турларидан бири таваккул. Бу шарикни йўқ бўлган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Ўзига суянишлиқдир.

وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ
Иброҳим сураси 12 оят

وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ
Тавба сураси 51 оят

Ибодат турларидан ҳайвонни сўйишлиқ.

قُلْ إِن صَّلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ
Анъом сураси 162 оят

Истионат ҳам ибодат турларидандир.

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ
Фотиҳа сураси 5 оят

إِذَا سَأَلْت فَاسْأَلِ اللَّهَ ، وَإِذَا اسْتَعَنْتْ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ

Абдуллоҳ ибн Аббосга, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, агар сўрасанг Аллоҳдан сўра. Агар ёрдам сўрасанг, Аллоҳдан сўра!

Мана бу амаллар бари, ибодат. Буларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога қилмоқлик керак. Агар бу амаллар Аллоҳдан бошқага қилинса, бу одам мушрик бўлади. Ширк амали содир бўлиши билан, банданинг амали ҳабата бўлади. Уламолар ўртасида ихтилоф бор. Имоми Шофий айтганларки, амалнинг савоби ҳабата бўладию, ўзи қолади деганлар. Имоми Аъзам амалнинг ўзи ҳам ботил бўлади. Ҳажни ҳам, бошқадан қилиш керак бўлади, деганлар.

Аллоҳдан бошқага атаб назр қилиш ҳам ширқдир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Ким Аллоҳдан бошқага назр қилса, Аллоҳнинг лаънати бўлсин дедилар.

Ширк амали бўлса, инсон кечаси билан ибодат қилиб, кундузи рўза тутса ҳам, қабул бўлмайди. Агар шу ширк билан ўлса, жаҳаннам аҳлидан бўлади. Агар инсон ширқдан бошқа гуноҳлари билан борса, Аллоҳ хоҳласа кечиради. Хоҳласа, азоблайди. Лекин, гуноҳига яраша азобни тортиб, жаннат аҳлидан бўлиши аниқдир!

Аммо, тавҳид аҳлидан бўлмаса, ҳар қанча, ибодат деб, аталган нарсаларнинг унда кўринишлиги, унинг нажотига сабаб бўлолмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уни, ҳеч қачон кечирмайди. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодоти шудир, биродарлар! Бошқа нарсаларни кўпчиликни қилишлиги бизни, алдамаслиги керак. Кўпчилик, бизнинг эътиқодимизда, Аҳли сунналар, кимлар? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ва Хулафои Рошидинларнинг суннатларини ушлаган одамлардир. Ўзининг раъйини олган кишилар, мутлақо аҳли сунна бўлолмайди.

(Шу ерда саволларга қисқа жавоблар берилади)

Шулар ичидан биттасини ёзишни лозим топдим.

Азоби қабр ҳақида яқин далил собит бўлмаган дейди, баъзилар. Шунга нима деб, жавоб қиламиз? Деяпдилар. Ким айтган бўлса, аҳли сунна йўлидан чиқибди, бу одам. Чунки, куръони каримда,

يُثَبِّتُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقَوْلِ الثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضِلُّ اللَّهُ الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ
Иброҳим сураси 27 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қабр азоби ҳақидаги ҳадисни келтирдилар ва шу оятни ўқиб қўйдиларки, фил охират деган, ерига бу Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларни калима тоййибда мустаҳкам қилишлиги, бу қабрда бўлади, дедилар. (Яъни, охиратда дегани қабрда деб, тафсир қилдилар) бу азоби қабрни инкор қилган жамоалар, булар Ҳизбий ҳаракатидаги жамоалардир. Биз улардан покмиз. Биз улардан эмасмиз! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, менинг суннатимга эргашинглар. Хулафои рошидинлар суннатига эргашинглар, дедилар. Биз шуларга эргашамиз. Биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўлга эргашамиз.

Ким буни, қатъияти субут билан собит бўлмаган деса, саҳиҳ ҳадисларни инкор қилган бўлади. Бизнинг аҳли сунна вал жамоа, саҳиҳ ҳадисларни исбот қилади.

Дуо қиламиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломга қувват берсин! Аҳли сунна вал жамоа, эътиқодидаги кишиларнинг ишларига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширкни заволини кўрсатсин!

اللهم أعز الإسلام والمسلمين
وأذل الشرك والمشركين
ودمر اللهم أعداءك أعداء الدين
اللهم انصر عبادك الموحدين في كل مكان

Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

71 дарс тугади

72 Дарс

Эй имон келтирганлар нидоси: 1 қисм

(Бу дарсда, Эй имон келтирганлар деб бошланадиган 90 та нидо оятининг 7 таси кенг суратда тафсир қилинади. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг биринчисидир. Бу дарс тугамай қолган. Бу туркумда жами бешта дарс қилинган. Нидо оятининг охиргиси Нисо сурасининг 135 оятида тўхтаган. Агар у киши ўғирлаб кетилмаганда, 90 оятни тўлиқ тафсир қилганда, бу туркумдаги дарс 10 тадан ошарди. Валлоҳу аълам. Лекин, бешта дарсликда тугаган.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уммати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни, қуръони карим билан мукаррам қилди. Жума кунларида қуръони каримни дарс қилиб ўрганаётган бўлсак ҳам, (Яъни, жума намози хутбасида, қуръонни бир бошдан тафсир қилиб келаётган эдилар) бу Душанба дарсларида ҳам, қуръони каримни бир нуқтасини, алоҳида дарс қилиб ўрганишни, ўзимизга мувофиқ кўрдик. Бу дарс, қуръони каримдаги, Эй имон келтирганлар нидосига боғланади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, тўқсонта оятда, Эй имон келтирганлар деб, нидо қилади. Иншааллоҳ, қуръони каримдаги, тўқсонта, Эй имон келтирганлар деган, нидони, шу, Душанба дарсларида ўрганамиз. Биринчи, биз сураи Бақарадан бошлаймиз. Бу сурада, ўн битта, Эй имон келтирган кишилар деган, нидо билан, бошланадиган оят бор.

1. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا انظُرْنَا وَاسْمَعُوا وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ
Бақара сураси 104 оят

Мана бу, қуръони каримдаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган нидонинг биринчисидир.

أن رجلاً أتى عبد الله بن مسعود ، فقال : اعهدي إلي . فقال : إذا سمعت الله يقول (يا أيها الذين آمنوا) فأرעהها سمعك ، فإنه خير يأمر به أو شر ينهى عنه

(Бу асар матни, Аллома, ибн Касир тафсиридан олинди)

Абдуллоҳ ибн Масъуд олдиға бир киши келиб, менга бир аҳд беринг, деганда, агар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Эй имон келтирган кишилар деган, нидосини эшитсанг, шу эшитганинга риоя қилгил! Чунки, улар яхшиликка буюрган ва ёмонликдан қайтаргандир, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Эй имон келтирган кишилар деган, нидосини бир ўйлаб кўрайлик. Агар бизга, бир ҳурматлик киши нидо қиладиган бўлса, бутун вужудимиз қулоқ бўлиб туради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ўзи бизни чақирармикан, деб, орзу қилишимиз керак эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, имон сифати билан чақиряпти. Бошқа сифатимиз билан эмас. Бизнинг қадди қоматимизга, бу нидо бағишланган эмас. Ё молу давлатимиз кўплигига, ё фарзандларимиз кўплигига ё қасрларимизга ё бошқа нарсага эмас.

قُلْ مَا يَعْبُؤُا بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ
Фурқон сураси 77 оят

Айтинг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, агар имонинглар бўлмаса, Роббим сизларни эътиборга олмайди. Шу имон сифати билан, эътиборга тушдик. Шу имон сифати билан, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизни чақиряпти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд, агар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Эй имон келтирган кишилар деган, нидосини эшитсанг, шу нидодан кейин, ё бир буйруқ келади ё, бир қайтариқ келади. Буюрганни қилмоқлик ва қайтарганидан қайтмоқлик керак, деган эканлар.

Бу нидо, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга адаб сақлашликни ўргатади. Диннинг асоси нима? Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

إنما بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ
الراوي : أبو هريرة | المحدث : الألباني | المصدر : السلسلة الصحيحة
الصفحة أو الرقم: 45 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Олий хулқларни камолига етказиш учун, Пайғамбар қилиб жўнатилдим, дедилар. Демак, биринчи адаб. Адаб нима? Адаб энг аввало, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга адаб сақлашлиқдир. У кишининг суннатига эргашишлик, у кишига нисбатан, адаб сақлашлиқдир. Биринчи нидо, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга адаб сақлашликка чақиради. Охирги нидо, Тавбатун насуҳо, ҳақиқий тавба қилишликка чақиряш билан, тамом бўлади.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا
Таҳрим сураси 8 оят

Мана шу, тўқсонинчи нидодир. Демак, инсон, ҳаётининг охиригача, ҳақиқий тавба қилишлик билан, яшаб ўтмоқлиги керакки, инсоннинг ҳаётининг аввали, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга адаб сақлашлик билан бошланиб, охири, ҳақиқий тавба қилишлик билан, тугаса, шуни ҳақиқий мўминлигига ишора бўлса керак, валлоҳу аълам!

Мана бу адаб нима? Яҳудлар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масҳара қилишликка бутун вужуди билан, ҳаракат қилишарди. Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига, бир яҳуд келди. Ва ассому алайка, деди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва алайка, дедилар. Оиша онамиз, мен эшитиб, ғазабландим, дедилар. Яҳуд яна, ассому алайка, деди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ва алайка, дедилар. Учинчи марта ҳам, ассому алайка, деди. Учинчи марта ҳам, ва алайка, дедилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, нима деяётганини эшитяпсизми? дедим, дейдилар, Оиша разияллоҳу анҳо. Сом, араб тилида, ўлим дегани. Сизга ўлим бўлсин, деяпди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мени нима деяётганимни ҳам эшитдингми? дедилар. Ўлим бўлсин сизга, деганди, мен ва алайка, ўзинга қайтсин, деб турдим. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни имкони топганда, албатта масхара қилишарди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни дуолари ижобатлигини билишарди. У кишининг олдига келиб, акса урганга ўхшаб, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, деган дуоларини ҳужжат қилиб олиш учун, алҳамдулиллоҳ дейишардики, у киши ярҳамакаллоҳ деб, айтсин, деб. У киши яҳдиякумуллоҳ ва юслиҳу болакум, дердилар. У киши, ярҳамукаллоҳ демасдилар. Аллоҳ ҳидоят қилсин сени, дердилар. Шунинг учун ҳам, мўмин одам ҳар бир ишида ҳассос бўлиши керак.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳирақлга мактуб йўллаганларида, ассалому алайка демадилар. Ассалому ало ман иттабаъал ҳудо, ҳидоятга эргашганларга, Аллоҳнинг салом бўлсин, дердилар. Хатда ҳам, салом бермадилар. Агар мўмин одам, ҳар бир ишида ҳассос бўлмас экан, ўзининг устида бўлаётган масхара билан, ҳурматни фарқини билмай қолади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам оятларни ўқиб берардилар. Асҳоблар яхши тушуниб олишлик учун, Роино роино, бизни риоя қилинг, дердилар. Оҳиста гапиринг деган маънода, шуни айтишарди.

Яҳудларнинг иброний тилида, руунат, аҳмоқ деган маъносида бўлган, бир сўз бор эди. Роанта роинан деб, мана бу сўз билан, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламни масхара қилишлик учун, ўзларининг тилларида, аҳмоқ бўлдинг, деган мазмундаги сўзни айтишарди. Роанта роино дегани, иброний тилда, аҳмоқ бўлдинг, дегани бўлса, товушда унга яқин бўлган, асҳобларнинг роино, деган сўзи, бизни риоя қилинг, деган мазмундаги сўз эди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло асҳобларни роино дейишдан қайтариб, мана бу оятни нозил қилди. Яъни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга муомилада, шунчалик эҳтиёт бўлингларки, бошқа тилдаги, ёмон бир сўзга ўхшаб кетадиган сўзни, айтишлиқдан ҳам, эҳтиёт бўлинглар, деган, бир огоҳлантириш бўлди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло асҳобларга, Эй имон келтирган кишилар, роино деманглар! Унзурно, денглар. Бизга қаранг, денглар. Қулоқ солинглар. Албатта, кофирларга аламли азоблар бордир! деди.

Яҳудлар роино сўзини, ўзларининг тилидаги, руунат сўзига ўхшатиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масхара қилишарди. Роино деманглар, худди, шу сўзни маъносини берадиган, Унзурно, секинроқ гапиринг, денглар. Токи, яҳудлар, масхара қилишига имконият қолмасин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулини шундай ғимоя қилди. Мўминларни огоҳлантирди. Бу яҳудлар сизларнинг Пайғамбарни масхара қиляпди. Бундан эҳтиёт бўлинглар, деган буйруқ бўлди. Сизлар қулоқ солинглар. Расулини масхара қилганлар кофир. Кофирларга аламлик азоб бор, деди.

Асҳоби киромлар, малаъул аъло билан бирга яшашарди. Улар, Аллоҳ уларни доим назорат қилиб турганлигини, билиб туришарди. Аллоҳ ҳамманинг ҳолини, кўриб туради. Лекин, уларга доим ваҳй нозил бўлиб турарди. Улар осмон билан алоқани, доим ҳис қилиб туришарди. Мана бу оятдан, баъзи уламолар хулоса қилишганки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини масхара қилишлик, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масхара қилишлиқдир. Шунинг учун куфрга олиб боради, дейишган.

Шунинг учун, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни масхара қилишликдан, тийилмоқлик керак. Ҳозирги вақтда, ҳали у кофирларни айтмаяпмиз, ўзини мусулмон деб, билаётган кишилар ҳам, суннатларни масхара қилишликдан тийилмоқликлари керак. Суннатга амал қилувчи олимларни ва мўминларни ҳам, масхара қилишликдан, эҳтиёт бўлмоқлигимиз керак. Аёллар ҳам бошқа аёлларни масхара қилишликдан эҳтиёт бўлмоқликлари керак. Ҳали ўзини ўрнида ўтамиз, бунга ҳам алоҳида нидо ояти, нозил бўлган.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرُ قَوْمٌ مِّن قَوْمٍ عَسَىٰ أَن يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّن نِّسَاءٍ عَسَىٰ أَن يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَزُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَن لَّمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ
Ҳужурот сураси 11 оят

Бир эркаклар жамоаси, бошқа жамоани масхара қилмасин! Мумкин, улар булардан яхшироқдирлар. Аёллар жамоаси, иккинчи аёллар жамоасини масхара қилмасин! Мумкин, улар булардан яхшироқдирлар. Бир бирларинга, тош отманглар. Бир бирларинга лақаб қўйманглар. Мана, бу лақаб қўйишлар, Исломдан узоқликнинг белгиси. Аллоҳ ёмон лақаб қўйишликдан маън қилаяпти. Бизда лақаб қўйилган бўлса, энг ёмони қўйилган. Лақаб қўйишликлар, масхаралашга киради. Мўмин кишини масхара қилишлик мумкинмас. Исломни масхара қилувчи кўрсатувларни таёрлаган одамларнинг, кофирлигида шак шубҳа йўқ! Унга рози бўлиб, томоша қилишликда, куфр хавфи бор. Исломий кишиларни масхара қиладиган, кўрсатувларни кўришлик, мумкин эмас. Кўп тиламчилар борки, исломий либосларни кийиб, тиламчилик қилишади. Бу ҳам, исломни масхара қилишга ўхшаб кетади. Валлоҳу аълам. Улар кофирларнинг кийимини кийиб, тиламчилик қилиши керак. Чунки, исломда, бир кунлик емоқ ичмоғи бор одамнинг, тиламчилик қилиши ҳаромдир.

2. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ
Бақара сураси 153 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни сабр ва намоз билан, ёрдам сўрашликка буюрди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни, кўп нарсаларга буюрди. Кўп нарсалардан қайтарди. Бу буюрган нарсалари, бизга яхшиликдир. Бунинг ҳикматлари баъзилари, бизга маълум. Баъзилари, Ўзигагина маълум. Қайтарган нарсалардан ҳам, баъзилари бизга маълум. Баъзилари, (ҳикмати) Ўзига маълум. Бу ҳаётда инсон, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган нарсаларни қилишлик ва қайтарган нарсалардан қайтишлик учун, сабр билан ёрдамланишга муҳтождир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган ибодатларни қилишлик, намоз ўқишлик, рўза тутишлик, закот беришлик ва Ҳаж қилишлик, бу амаллар, сабрга муҳтождир. Шу билан бирга намоз билан ёрдамланишлик. Бу нарсани кўп одамлар, тушунмайди. Модомики, намозни барпо қилолмаса.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, бир оғир машаққатга дучор бўлсалар, дарров намоз ўқирдилар. Инсон бирор мусибатга учраса, катта ҳурматлик одамга учраса, шу мусибатни эсидан чиқариб қўяди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога мурожаат қилишлик билан, инсондаги мусибат енгиллашади. Ҳар қандай зарарни кетказишликка ва ҳар қандай яхшиликни етказишликка, қодир бўлган Зотга муножот қилаётганини, ҳис қила олса, инсон бошига тушаётган мусибатлар, кўтарилиб кетади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам «ареҳно ё Билол,» эй Билол, мени роҳатлантиргин! дер эдилар. Азон айтишлик билан, намозга ҳозирлик кўриб, роҳат олар эканлар. Намоз ўқишлик билан, ташвишларини эсдан чиқарар эканлар. Таҳажжуд намози ҳам, шундай. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни, кечаси туриб, намоз ўқишликка буюрди. Сабабини баён қилиб,

إِنَّا سَنُقْلِي عَلَيْكَ قَوْلًا ثَقِيلًا
Муззаммил сураси 5 оят

Яқинда кунда, биз оғир юкни, сизнинг елкангизга туширамиз, деди.

Яъни даъват юкини, рисолат вазифасини елкангизга туширамиз, бунга тайёргарлик кўринг ва шу саҳардаги намоз, шу юкни енгиллатади, деди. Ана шуни тушунсак, шунда, Эй имон келтирган кишилар, сабр ва намоз билан ёрдамланинглар, деган оят, бизга тушунарли бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло намоз билан ёрдамланинглар, деган оятни, тушунишликни, ҳаммамизга насиб қилсин!

Қуръонда, намоз билан ёрдамланинглар, деган оятдан кейин, салотул хавф ҳақидаги, оят келган. Душман билан жанг қилаётганда, намозни қандай ўқишликни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло таълим берган.

وَإِذَا كُنْتُمْ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلْتَقُمْ طَائِفَةٌ مِنْهُمْ مَعَكُمْ وَلْيَأْخُذُوا أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِنْ وَرَائِكُمْ وَلْتَأْتِ طَائِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلُّوا فَلْيُصَلُّوا مَعَكُمْ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ وَدَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن كَانَ بِكُمْ أَذًى مِنْ مَطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَنْ تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ إِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا

Нисо сураси 102 оят

Имом билан бир жамоа, бир ракатни ўқийди. Иккинчи қисми, душманга рўбарў бўлиб туради. Бир ракатни ўқиб, булар душманга рўбарў бўлиб туришади. Улар келиб, иккинчи ракатга иқтидо қилиб, имом билан ўқиб, кейин, туриб, иккинчи ракатни ўқишади ва булар бориб, душманга рўбарў бўлиб тургач, аввалги жамоа келадида, қолган бир ракатни, адо қилишади. Уларнинг қуроллари билан душманга рўбарў бўлишлари ва юришлари, намозларини бузмайди. Нима учун, жанг пайтида намозда шунчалик, жамоатни сақлашга буюрилди? Чунки, душман уларни бўлинишини хоҳлайди. Улар хатарлик соатда ҳам, битта имомга иқтидо қилиб, бирлик сифатини йўқотмайдилар.

Бундан ташқари, уларнинг бу қўлидаги силоҳдан кўра, маънавий силоҳга эҳтиёжлари кўпроқдир. Улар Аллоҳга боғланиб, жаннатни кўриб тургандек, бўлиб туришликка, у қўлидаги силоҳдан кўра, маънавий силоҳга муҳтождирлар. Мана бу силоҳни, намоз, бера олган саҳобаларга. Саҳобалар ва тобеъинларнинг намоз ўқишлари ва қуръон ўқишларини эшитган одам, ўзининг намозига хижолат бўлади. Аллоҳ насиб қилса, ҳали буларга ҳам, навбат келади, ўшанда буларни биламиз.

Жиходларда, баъзиларнинг жасадига, камоннинг учидаги темир кириб кетган бўлиб, олмоқчи бўлсалар, у вақтда ҳозиргидек, укол қиладиган дорилар йўқ, биродарлар. Шуни олиш керак бўлиб қолса, қуръонни яхши тиловат қиладиган кишини олиб келишсин. У тиловат қилсин! Қуръонга берилган вақтимда, кесиб олаверасиз, дердилар. Ана шу вақтда, у кесиб олиб қўйганлигини, билмагани ривоят қилинади, биродарлар!

3. Нидо ояти
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ
Бақара сураси 172 оят

Эй имон келтирган кишилар, Биз ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енглар. Аллоҳга шукр қилинглар! Агар, Аллоҳагина ибодат қиладиган бўлсанглар!

Демак, ҳалол ҳам ризқ, ҳаром ҳам ризқ. Аллоҳ бизга ризқни, тоййиботларини енглар деб, буюряпди. Ҳаромини, емасликка буюряпди. Мана бу билан, имтихон вужудга келади. Бу нидо, фақат имон келтирган кишиларга. Кофирларда ҳалол ва ҳаром деган, гап бўлмайдди. Куфр, унинг вужудини ҳаромга айлантиради.

(Кофирлар, маънавий жиҳатдан нажасдир, Нопокдир. Чўмилиш унинг жасадини поклайди халос. Ўзини покламайди. Чўмилса ҳам, нажаслигича қолади)

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ
Тавба сураси 28 оят

Эй имон келтирган кишилар, Мушриклар нажасдир.

Улар, хоҳласин тан олсин, хоҳласин тан олмасин, нажасдир! Нима у, ҳаром бўлар экан?! Биз ейворамиз, деса, бу нидо имон келтирган кишиларга айтилган, сизга эмас, дейсиз. Аллоҳ бу ерда, Эй имон келтирган кишилар, Биз ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енглар, деяпди. Эй имон келтирган кишилар деб, айтяпди. Бу сизга эмас, деймиз.

Бунга шукр қилинглари! деяпди. Агар Аллоҳагина ибодат қиладиган бўлсанглари! Шукр қилишлигимиз, жуда муҳимдир. Демак, покиза нарсалар ейишлигимиз ҳам ибодат, ва бунга шукр қилишлигимиз ҳам, ибодат. Аллоҳнинг неъмати, мўминга комилки, ҳам покиза таомни еб, жасадини роҳатлантиради. Ва шукр қилиб, ибодат қилади. Овқат еб, тани роҳатланиб туриб, ибодат қилади, руҳи роҳатланади. Аммо, кофирчи?

У Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога кофир бўлганидан кейин, нима еса ҳам, Аллоҳдан деб, билмайди ва шукр қилмайди. Унга ҳалол ва ҳаромнинг, эътибори йўқ! Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳалол қилган нарса, ҳалол. Ва ҳаром қилган нарсалари, ҳаромдир! Бу нарсани, унга эътибори йўқ!

Бошқача айтганимизда, ғусл қилишлик, намоз ўқишлик ва қуръон ўқишлик, учундир. Намоз ўқимайдиган ва қуръон ўқимайдиган одам, хоҳласин ғусл қилсин! Хоҳласин қилмасин! Буни ҳеч қандай, эътибори йўқ. Ғусл қилганини ҳам, эътибори йўқ. Ғусл қилмаганини ҳам, эътибори йўқ. Чунки, ғусл қилишлик, намоз ўқишлик ва қуръон ўқишлик учундир. Чунки, покиза одамга, ғусл қилишлик вожиб бўлади. Покланиш лозим бўлади. Асли нопок бўлган одамга, у ғусл қилган билан, пок бўлмайди. У нопокликдан, покизаликка ўтса, кейин, ғусл қилишлик лозим бўлади. Унинг асли нопок бўлганидан кейин, нопокликдан, нопокликдан ўтади. (Яъни, куфрдаги одам, чўмилган билан, жасади покланиши мумкину, ўзи нопоклигича қолади, пок бўлмайди, дейилмоқда)

Эй, имон келтирган кишилар деган, жойига, биз диққат қилмоғимиз керак! Ҳар бир чақириқни, инсон эшитади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баъзи нарсаларни, ҳаром қилди. Ўлимтикни, ҳаром қилди. Тўнғиз гўштини, ҳаром қилди. Аллоҳнинг номидан бошқа номни атаб, сўйилган нарсаларни ҳаром қилди. Молларни ўзаро ноҳақлик билан ейишликни, ҳаром қилди. Маст қилувчи ичимликларни, ҳаром қилди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарларни буюрган нарсага, мўминларни ҳам буюрди.

يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ
Муъминун сураси 51 оят

Эй Расуллар, сизлар покиза нарсалардан енглар, деб, буюрди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ
Бақара сураси 172 оят

Ва Эй, имон келтирган кишилар, Биз ризқ қилиб берган нарсаларнинг, покизаларидан енглар, деб, мўминларни ҳам, покиза нарсалардан ейишга, буюрди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам шу оятни ўқиб туриб, шундай дедилар:

ثم ذكر الرجل يطيل السفر، أشعث أغبر، يمد يديه إلى السماء يا رب يا رب، ومطعمه حرام، ومشربه حرام، وملبسه حرام، وغذي بالحرام،
فأنى يستجاب لذلك

Бир кишини зикр қилдиларки, сочлари чанга беланиб, узоқ сафарлар қилади. Қўлини осмонга кўтариб, Эй роббим, Эй роббим, деб, дуолар қилиб юради. Ейиши ҳаром бўлса, ичиши ҳаром, кийими ҳаром, ҳаромдан қувват олган, дуоси қандай ижобат бўлсин?

Демак, ҳаром таом, дуонинг ижобат бўлмаслигига сабаб бўлади. Инсон ҳаром таом егандан кейин, ундан саҳиҳ фикрлар чиқиши ҳам, йўқолиб боради. Шунинг учун ҳам Жалоладдин Румий айтганлар: (форсча байт ўқилади)

Луқма, уруғдир, Уни эксанг, яхши андиша, фикрлар беради.
Луқма, денгиздир, унинг гавҳари, ажойиб фикрлардир.

4. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلَى الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأَنْثَى بِالْأُنْثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَاتِّبَاعٌ بِالْمَعْرُوفِ
وَأَدَاءٌ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَخْفِيفٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنِ اعْتَدَى بَعْدَ ذَلِكَ فَلَهُ عَذَابٌ أَلِيمٌ

Бақара сураси 172 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу нидода, имон келтирган кишилар ўртасида, қатл қилинган кишиларга, қасос ҳаққини берган. Бир киши бировни қасддан қатл қилса, қасос олинади. Агар ўлдирилган одамнинг меросхўрлари, қасосни талаб қилишса, қасос олинади. Агар авф қилинса, Аллоҳ ажр беради. Агар дият (товон) талаб қилишса, уни берилади. Агар ўлдирилган одамнинг меросхўрлари, қасосни талаб қилишса, қасос олинади. (Қотил ўлдирилади) Хур одам ўлдирилса, унинг муқобаласига, хур одам ўлдирилади. (Яъни, қотил хур бўлсада, қул бўлсада ўлдирилади) Агар қулни ўлдирилса, унинг муқобаласига, қулни ўлдирилади. (Яъни, қотил қул ўлдирилади) Агар аёл ўлдирилса, унинг муқобаласига, аёлни ўлдирилади. (Яъни, қотил ким бўлса ўша, ўлдирилади.) Агар биродари тарафидан авф қилинса, диятни ҳаддан ташқари кўп талаб қилмасин! Маъруфан (Урфдаги каби,) талаб қилсин! Адо қилувчи тараф ҳам, (товонни) эҳсонан адо қилсин! Бу роббинглар тарафидан сизларга енгиллик ва раҳматдир! Ким бундан кейин, (Қотил тараф ёки, товон олган тараф) тажовуз қиладиган бўлса, унга аламлантирувчи азоб бор! деди.

Бу оят аввал нозил бўлган. Бир қулни бир одам, ўлдириб қўйса, унинг муқобаласига унинг бир қулини ўлдириш лозим бўларди. У қулни ноҳақ ўлдирмаслик учун, товон пули тўланарди.

وَكُتِبْنَا عَلَيْهِمْ فِيهَا أَنَّ النَّفْسَ بِالنَّفْسِ وَالْعَيْنَ بِالْعَيْنِ وَالْأَنْفَ بِالْأَنْفِ وَالْأُذُنَ بِالْأُذُنِ وَالسِّنَّ بِالسِّنِّ وَالْجُرُوحَ قِصَاصٌ
فَمَن تَصَدَّقَ بِهِ فَهُ وَ كَفَّارَةٌ لَهُ ۖ وَمَن لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

Моида сураси 45 оят

Ояти нозил бўлди. Бунда, кимни ўлдирилган бўлса, хоҳ аёлни, хоҳ кичкина ва хоҳ катта болани, Хоҳ катта одамни, ким кимни ўлдирса, ўша қотилдан қасос олинадиган бўлди. У аёлни ўлдирган бўлса, уни аёлидан қасос олинмайди. Ким кимни ўлдирган бўлса, қотилдан қасос олинадиган бўлди. Бу оят ҳукми, мансух бўлди.

(Эслатма: Қори ака, Бақара сураси 172 оятнинг ҳукмини, Моида сураси 45 ояти, мансух қилган, деганлар. Лекин, тафсирларда, мансух оятлар устида, ихтилофлар бор. Улар сонида турлича фикрлар айтилган. Тафсирларда, ва мансух ҳақидаги китобларда, Моида сураси 45 ояти, Бақара сураси 172 оятини мансух қилди, демаганлар. Бу оят аслида, яҳудларга туширилган тавротдаги ҳукмларни баён қилади. Баъзи, уламолар, шу ҳукмлар, бу умматга ҳам тегишли ва амалда қўлланилади, дейишган. Яъни, Аввалги оятни мансух қилди деганлар.

Аммо, Имоми Шофий ва бошқа баъзилар, Моида сураси 45 ояти, Бани Исроилга хос ҳукмлардир. Ислом умматига эмас, дейишган. Яъни, аввалги Бақара сураси 172 ояти ҳукми, амалда дейишган.)

Демак, бир киши, бир аёлни ўлдирган бўлса, ё қулни ўлдирган бўлса ҳам, ундан қасос олинади. Ундан ташқари, бир одамни кўзига уриб, нобуд қилган бўлса, унинг ҳам кўзи, худди шу суратда қилиб, қасос олинади. Бурнига ва қулоққа ва тишига зарар етказган бўлса, унга ҳам, худди шу каби, жароҳат етказиб, қасос олинади.

Дият нима? Бир киши бировни қасддан ёки, бехосдан ўлдириб қўйди. Унинг меросхўрлари, қасос олмаймиз, товон тўласин деса, унга товон тўланади. Саҳобалар ва тобеъинлар чиқарган ҳукмига кўра, товон ҳаққи, юзта туя дейилган. Бу одам қандай тўлади? деган савол бўлади. Қотилнинг мулки, ва у етмаса, ота онаси ва ака укасининг мулки олинади.

Шунда ҳам етмаса, қариндошларининг мулки ва у ҳам етмаса, маҳалланинг мулкидан олинади. У ҳам етмаса, қишлоқ, шаҳар, ноҳия ва ҳаказо, олинаверади. Нима учун? У одам бир комил одам бўлганда, унинг манфаати ҳаммага етарди. Энди у, шу доирада тарбиялангани учун, улар унинг зарарига ҳам, шерик бўлишади. Мана бу Исломнинг адолатидир. Юзта туя бўлмаса, минг мисқол тилло, товон тўлайди. Ёки, ўн икки минг дирҳам кумушга ҳисоб қилинади.

(Эслатма: Бу оят аввалги жоҳилият замонидаги, араб қабилаларнинг ичидаги, узоқ вақтдан бери келаётган, адолатсиз урф одатларни бекор қилган. Унга кўра, Ҳур одам бир қабиланинг бир қулини ўлдирган бўлса, қасос учун ҳурни ўлдиришмасди. Эркак аёлни ўлдирган бўлса, қасосига эркак ўлдирилмасди. Унинг ўрнига унинг бегуноҳ бир қулини, ўлдиришган. Шу билан қулга қул ўлдирилди, тенг бўлди, дейишган.

Оят тушганда, Ҳур одам ўлдирилса, унинг муқобаласига, ҳур одам ўлдирилади, деди. Ўша одатни бекор қилди. Ҳур одам қулни ўлдирса, у ҳам ўлдирилади. Ҳурни ўлдирса ҳам, қулни ё аёлни, ўлдирса ҳам, ўлдириладиган бўлди. Аёллар ва эркаклар масаласида шундай бўлди. Эркак аёлни қатл қилса, қасос учун, ўша қотил эркак ўлдириладиган бўлди. Ёки, аксинча. Шу оят тафсирида,

قال القرطبي : " أجمع العلماء على قتل الرجل بالمرأة ، والمرأة بالرجل

Қуртубий айтади: Қотил эркак бўлиб, аёлни ўлдирган бўлса, ўша эркак ўлдирилади. Ёки. Аксинча, қотил аёл, эркакни ўлдирган бўлса, ўша аёл ўлдирилади. Бунга уламолар иттифоқ қилишган, деган. Аёлларнинг товони эркакларнинг товонининг ярмисига тенгдир. Бу ҳукм, мерос олишликда ҳам шундайдир. Гувоҳ беришликда ҳам шундайдир.)

5. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

Бақара сураси 183 оят

Эй имон келтирган кишилар, сизларга рўза фарз қилинди, худди сизлардан илгариги умматларга фарз қилингандек. Тақво ҳосил қилишларингиз учун.

Демак, имон келтирган кишиларга, рўза фарз қилинди. Рўзани гапирсангиз баъзилар, одамни жисмини заиф қилади, бу рўза дейди. Сиз айтинг, бу нидо имон келтирган кишиларга айтилган, сизга эмас, денг. Рўзани шундай деган одам, қабристонини ҳам, бошқа қилиб қўйиши керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Эй имон келтирган кишилар, деганда, мўмин одам дарров қулоғини тутати. Сизларга рўза фарз қилинди. Демак, рўза фарзми? Имон келтирган кишиларга нидо бўлаяпдими?

Ҳар бир нидонинг эгаси бор, биродарлар. Мабодо бир киши тўй қилса, шу маҳаллани ошга айтади. Бу тўйга нариги маҳалла, айтилмаса, кўчиб келмайди. Сиз уларга нимага келмадинглар? десангиз, улар, сиз бу маҳаллани чақирдингиз? дейди. Ҳар бир нидонинг ўрни бор. Рўзани инкор қилган одамларга, биз айтамызки, бу имон келтирган кишиларга, рўза фарз қилинди. Сиз хотиржам бўлаверинг! деймиз. Лекин, шу сўзида, содиқ қолиши керак ўшалар. Ҳамма ишда, куфрни ихтиёр қилишлари керак. Ўлганда ҳам, бошқача кўмилиши керак. Чунки, жаноза мўминларга хосдир. Кўмганда ҳам, мўминларнинг қабристонидан бошқа ерга, кўмилиши керак! Чунки, булар мўминларга хос нарсалардир.

Бундан олдинги нидо, қасос ҳукм бўлди, биродарлар. Қасос ҳақидаги ҳукм. Биров айтсаки, менинг қариндошим ўлиб кетаверадими? Мен бу ишларни қилолмайман. (Товон олмайман ва кечирмайман деса,) Йўқ, бу сизгамас, мўминларга нидо бўлаяпди, деймиз. Демак, ҳар бир мўмин киши, Аллоҳнинг буйруғига, бўйсунмоқлиги керак.

عن أبي هريرة أن رسول الله ﷺ قال: مَنْ قام رمضان إيمانًا واحتسابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ

Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам айтдилар: Ким рамазон ойида, имонан ва эҳтисобан рўза тутса, унинг олдинги гуноҳлари, мағфират қилинади, дедилар.

Имонан рўза тутса дедилар, рўза соғлиққа фойдаси бор экан, деб, эмас. Рўза иқтисодга ҳам фойдаси бор экан, деб эмас. Эй имон келтирган кишилар, деб, Аллоҳ мени чақирибди. Шунга лаббай деб, Имонан рўза тутса, дедилар. Қариганда рўза тутмаса, одам хижолат бўлар экан, деб эмас. Эҳтисобан, Аллоҳдан ажрини умид қилиб, рўзани тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади, дедилар. Биродарлар, нафақага чиқиб, рўза тутаман, тандуруст бўлиш учун, рўза тутаман деган одамларга, ниятига яраша, бўлаверади.

6. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَافَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُبِينٌ
Бақара сураси 208, 209 оят

Эй имон келтирган кишилар, исломнинг ҳаммасига киришлар. Ёппасига, Исломга киришлар! Мижозингларга тўғри келган буйруғини қилманглар. Исломнинг ҳаммасига киришлар. Ислом фаровонлик динидир. Ислом, ҳамма ёқдан хотиржам бўладиган, диндир. Лекин, динга кооффатан, (тўлалигича) ҳаммасига кирмаганимиз учун, бизнинг қалбимизда, хотиржамлик вужудга келмаяпди. Аллоҳ бизни буюрганди Исломга, ҳаммасига киришга. Фақат рамазонда рўза тутишликка эмас. Ёинки, шариатнинг буйруқларини баъзисини қилиб, баъзисини қилмасликка эмас.

Одамларни текширинг, моли борлар, ислом деса, қиладиган эҳсонини гапирилишини истайди. Отасидан ўрганиб қолган. Буни қилиш осон унга. Мавсумлар борки, ўшанда, катта катта зиёфатлар қилагади. Исломнинг бошқа буйруғидан гапирилмаса. Илм ўқишдан гапирилмаса. Шариат илм ўқишга ва амал қилишга буюрди. Булардан гапирилмаса. Чунки, булар, унга оғирроқ туюлади. Ҳаромга қарши ҳукмлардан, гапирилмаса. Қандай бўлсада пул топиб, ўзини наздида эҳсон деган, нарсани доим қилиш ҳақида, гапирилса. Ҳамма одам, исломнинг бир бурчагидан ушлаб олган. Ҳиндистонга борган кўр одамлар, бири Филнинг қулоғини ва бири думини ушлаб олгандек. Фил қанақа экан, деса, ўзи ушлаб олган тарафини гапиради. Мана бу сифат, ҳаммамизда бор, биродарлар. Аллоҳ бизни, ёппасига исломга киришга буюраяпди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир нарсада, эргашишга Исломи бизни буюради. Бир кунда беш вақт намоз ўқишга, Рамазонда рўза тутишга ва закот беришга ва Аллоҳ йўлида, молу жонимиз билан курашишга, Исломи бизни буюради. Мана булар гапирилмаса. Эшитувчилар ҳам, қулоқ солиб бораверади. Ўзининг раъйига тўғри келадиган нарса чиқиб қолса, бугунги дарсда нима бўлди? деб сўрасангиз, мана шу ҳақда гапирилди деб, шу ерини айтади. Дарсни бошқа жойи, унинг эсига ҳам келмайди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни, исломнинг ҳаммасига киришга буюряпти. Йигирма тўрт соатимиз, исломга мувофиқ бўлиши керак. Кўп одамлар бунини қийин, дейди. Аллоҳу таоло, Иломни силм деб, саломатлик, хотиржамлик, деб, атади. Аллоҳу таоло силмга ёппасига киришлар, деди. Ўйланг, ҳақ нима бўлса, шуни қиламан бугун! дег. Ҳеч қийинчилиги йўқ. Одамлар осий бўлишлиги учун, жуда кўп қийналяпти. Шайтоннинг изидан эргашманлар! Иломнинг кўрсатмасидан бошқа, ҳамма йўл, ҳамма жамоалар, шайтоннинг йўлидадир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ерга, битта тўғри чизиқ чиздилар. Мана бу йўл, Исломи йўли дедилар. Унинг атрофидан кўп чизиқлар чиздиларда, бу йўллар шайтоннинг йўли, ҳар бирида шайтон бу ёққа кел деб, чақириб туради, дедилар. Ҳамма Иломи йўлига чиққан. Лекин, бу ёққа деб, чақирганида, кириб кетаверган. Баъзилар узоқ масофагача чидаган. Барибир бориб, бу ёққа деб, турган шайтоннинг йўлига кириб кетган. Умуман, масофанинг охиригача боргунча, кам одам қолади, биродарлар. Кўп одамлар, дунё ишини юриб турса, мусулмон бўлиб туради. Дунё ишига путур етиб қолса, намоз ўқишни бошладим, дунё ишимга путур етиб қолди, деб, намоз ўқишни тўхтатади. Кейин, дунёвий ишини юриб турса ҳам, ўқишни тўхтатиб турадиган бўлиб, қўя қолади.

فَإِنْ زُلْتُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْكُمُ الْبَيِّنَاتُ فَاَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

Бақара сураси 209 оят

Агар, сизларга очиқ ҳужжатлар келганидан кейин тойилсанглар, билингларки, Аллоҳ ҳикматлик ва Қудратлик Зотдир. Сизларнинг тойилиб кетганларингдан, ўч олишга қодир Зотдир!

Кейинги нидо бу инфоқ ҳақида, закотдан бошқа нарса бу.

7. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعَ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَاعَةٌ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ

Бақара сураси 254 оят

Эй имон келтирган кишилар, бир нарса сотиш ва олиш, таниш билиш ва оқлов иложи йўқ бўладиган, кунлар келишдан илгари, Биз сизларга берган нарсалардан инфоқ қилинглар. Кофирлар ҳақиқий золимлардир.

Энди бу ерда бир нарса сотиб қутулиб оламан деб, хаёлга келтирманлар. Олди сотди ва таниш билиш йўқ. Илтимос қилиш йўқ. Мана шу кунлар келишдан илгари, Биз сизларга берган нарсалардан инфоқ қилинглар. Кофирлар ҳақиқий золимлардир. Аллоҳ йўлида, молларига шукр қилолмаганлар, булар золимлардир, деяпти Аллоҳу таоло! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, инфоқ эҳсон қилишга буюряпти.

عدي بن حاتم قال: سمعت النبي ﷺ يقول: اتقوا النار ولو بشق تمرّة
أخرجه الشيخان البخاري ومسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: яримта хурмо билан бўлсада, ўтдан сақланиб қолинглар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, инфоқ эҳсон қилишга буюряпди.

وَأَنْفِقُوا مِنْ مَا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَا أَخَّرْتَنِي إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِنَ الصَّالِحِينَ
Мунофиқун сураси 10 оят

Аллоҳу таоло ўлим келиб қолишдан илгари инфоқ қилишга буюряпди. Ўлими келиб қолганда, сизларнинг битталаринг айтадики, эй Роббим, мени озгина муддатга, (кўпмас) ўлимимни кечиктириб тургин! Сенинг йўлингда садақотлар қилиб, солиҳ одамлар жумласидан бўлиб олай, деб, қоладиган, кун келишидан илгари, Аллоҳ йўлида инфоқ қилинглар!

Шу эшитиб ўтирган жамоа, ўзимнинг касбимдан юздан бирини инфоқ қиламан деб, ўзига вожиб қилиб олиш эмас, шуни ўзига бир, аҳдга ўхшаган қилиб, олишлиги керак. Закотдан ташқари. Агар шуни қилмаса, биродарлар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло барибир ундан олади. Ҳадиси шарифларда борки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мусибатлар юбориб, бахилдан, молини мажбурий суратда чиқаради. Лекин, ажр бермайди, дейилади. Мана кўп одамларни кўрасиз, ихтиёрий суратда, бирор нарсани эҳсон қилмайди.

Ёмон туш кўриб қолганда, кўрасиз, Хотамтой бўлиб кетади. Яна кўп одамларни кўрасиз, ихтиёрий суратда, бирор нарсани эҳсон қилмайди. Касал бўлиб қолса, у тарихдаги Хотамтой Хотамтой эмас, мана шу одам ҳақиқий Хотамтой дейсиз. Лекин, соғлигида, ихтиёрий эҳсон қилмайди. Лекин, бундай пайтдаги эҳсонига ажр бўлмайди, биродарлар. Ҳар бир одам шўхдан сақланишлиги керак. Шўхх, умумий бахиллик, бу жамиятларни, ҳалок бўлишга олиб келади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан олдинги ўтган умматларнинг шўхх сабаблик, ҳалок бўлганини, хабар бердилар. Мана бу нарса, бизнинг жамиятимизни, ҳам, ҳалок қилаяпди.

(Шу ерда саволларга жавоблар берилган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исломга хизмат қилаётганларга, Ўзи ёрдам берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ибодатларимизни, қабул қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни, давомлик қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

72 дарс тугади

73 Дарс

Эй имон келтирганлар нидоси: 2 қисм

(Бу дарсда, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган 90 та нидо оятининг 4 таси, кенг суратда тафсир қилинади. Бу дарс аавалида, ўтган 72 дарс охиридаги еттинчи нидо, инфоқ қилиш ҳақидаги мавзу, яна қайта такрорланади. Кейин, саккизинчи нидо бошланади. Бақара сурасидаги 11 та нидо ояти, шу дарсда тугайди. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг иккинчисидир. Кейинги дарс, Оли Имрон сурасидаги, нидо оятлари тафсиридан бошланади.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган (тўқсонта) нидонинг ўн биттаси, Сураи Бақарада бўлиб, биз, ўтган дарсда, шундан еттитасини ўрганган бўлдик. Еттинчи нидо, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ризқ қилиб берган нарсаларидан инфоқ қилишликка бўлган, чақириқ эди. У ерда гуноҳлардан қутулиш учун, қиёмат кунинда, инсоннинг бир мулки йўқки, олди сотди қилса, ёинки, қадрдон биродарлик бўлмайдиган, кун келиб қолишдан илгари, ва бир бирларидан шафоат, Илтимос қилиш бўлмайдиган, кун келиб қолишдан илгари, инфоқ қилишга бўлган буйруғини, қисман ўрганган эдик. Бу нидо,

7. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعَ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَاعَةٌ وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ
Бақара сураси 254 оят

Деган, нидоси эди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсонни инфоққа чорлайди. Инсон Аллоҳ ризқ қилиб берган нарсадан, инфоқ қиляпман деб, тасаввур қилмоқ керак. Ўзим вужудга келтирдим, демайди, мўмин кишилар.

Мўмин кишилар.ўзларининг молларини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ризқ қилиб берган деб, эътиқод қилади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма бандасига ризқ қилиб берган. Баъзиларини шарафли бўлишини ирода қилдида, (баъзиларини фақир қилди) баъзи одамларга берадиган ризқини, баъзи одамлар қўлидан етиб борадиган қилди. Бу эса, берувчи кишини, мукаррам қилинганига, далолат қилади. У миннатнинг ёнига ҳам бора олмайди.

Мўмин киши, ўйлайдики, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бандасига ризқ қилиб берган нарсани, менинг қўлим орқалик беришни ирода қилди деб, менга шу беришлик сифатини берди деб, эътиқод қилади. Бу инфоқ ояти тафсирида, қайси ерга, қандай инфоқ қилмоқлик кераклиги, муфассал баён қилинган. Инфоқ Аллоҳ йўлида бўлишлиги керак. Шайтон йўлидамас. Аллоҳга осий бўладиган ерга, сарфланган инфоқлар, ҳаммаси Шайтон йўлидаги инфоқлардир. Шариати Исломиё ҳаром қилган ерга, сарфланган инфоқлар, ҳаммаси Шайтон йўлидаги инфоқлардир.

Аллоҳу таоло ўлим келиб қолишдан илгари, Олди сотди ва таниш билиш йўқ. Илтимос қилиш йўқ. Мана шу кунлар келишдан илгари, Биз сизларга берган нарсалардан инфоқ қилинганлар, деб, Инфоққа буюрган оятнинг охирида, кофирлар ҳақиқий золимлардир дейишлиги, бу куфрун неъма, Куфрун милла эмас. Куфрун милла бўлиш, яъни, исломга кофир бўлиш, инсонни диндан чиқаради. Кофирлар қаторига кўшади. Аммо, куфрун неъма, неъматга нонкўр бўлишлик ҳам, ал куфру дунал куфр, Имоми Бухорий ал куфру дунал куфр, деган боб ажратганлар. Бу нонкўрлик, Аллоҳнинг неъматига шукр қила олмаслик, ҳақиқий бир зулмдир. Буни инфоқ оятдан кейин, келиши, валлоҳу аълам, шунга далолат қилса керак?

Аёлларнинг эрларининг яхшилигига шукр қилолмаслиги ҳам, куфр сўзи билан келтирилган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлларга алоҳида, мавъиза қилганларида, эй аёллар жамоаси, садақа қилинганлар. Чунки, жаҳаннам аҳлининг кўпини аёллардан кўрдим дедилар. Шунда аёллар сўрашдики, сабаби нима, ё Расулуллоҳ?! Шунда яқфурно, кофир бўлишади, дедилар. Шунда аёллар, Яқфурно биллоҳ? Аллоҳга кофир бўлишадими? деб сўрашди. Йўқ, яқфурнол ашир, оиласига нонкўрлик қилишади, дедилар. Яъни, унинг яхшилигини шукрини билмайди, дедилар. Шунингдек, бу оятда ҳам,

وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ

Умумий суратда келаяпди. Инфоқ оятининг охирида, келаяпди, Аллоҳ ризқ қилиб берган нарсадан инфоқ қилмаслик, бу ҳам, куфр экан. Агарчи, Исом миллатидан чиқариб ташламаса ҳам, куфр дейилади. Аёлларнинг турмуш ўртоқларига нонкўрлик қилишлари ҳам, жаҳаннамга киришга сабаб бўлишини, баён қилдилар.

Демак, куфрнинг битта сурати, Аллоҳ ризқ қилиб берган нарсадан, Аллоҳ йўлида инфоқ қилмаслик ҳам, куфрнинг биттасидир. Неъматига шукр қилолмаслиқдир. Чунки, ҳар бир нарсанинг шукри, ўзининг жинсидан бўлади. Тилнинг шукри, тил берганига шукр айтиб, зикр қилиб, тиловат қилиб, амри маъруф ва наҳй мункар қилади. Мана булар тилнинг шукронасидир. Қўлнинг шукронаси, бу қўл билан, Аллоҳнинг буйруғини бажаришлик ва қайтарган нарсадан қайтиш билан, шукр қилади. Оёқнинг шукронаси, Аллоҳнинг буюрган ерга боришлик ва қайтарган ерга бормасдан, қайтиш билан, шукр қилади. Буларни қилмаса, шу неъматларга, нонкўрлик қилган бўлади. Неъматларга шукр қилолмаслик, нонкўрликдир! Инсон, Аллоҳ фазли билан, унга мол давлат берганлигига шукр қилишлик, шу молу давлатни Аллоҳ буюрган жойларга, сарф қилишлик билан бўлади.

Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилишлик билан, Исом (эҳсон қилувчи шахсни) ўзини камбағал бўлиб қолишини талаб қилмайди. Аксинча, Исом кишини, ўзининг яқинларига яхшилиқ қилишини, садақот калимаси билан ифодалади.

ابداً بنفسك فتصدق عليها فإن فضل شيء فلاهلك فإن فضل شيء لذوي قرابتك فإن فضل شيء عن ذي قرابتك فهكذا وهكذا الراوي : [جابر بن عبد الله] | المحدث : الألباني | المصدر : مشكلة الفقر | الصفحة أو الرقم : 51 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Аввал ўзинга садақа қил, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, садақани аввал ўзингдан бошла. Инсон, ўзи учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олишни ҳам, Исом садақа қилган деб, ҳисоблади. Бу билан ҳам, ажрланади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзинга садақа қил ва ортиб, қолса, оиланга садақа қил, дедилар.

Биз мана бу нарсани тушунишимизлик билан, инфоқ қилишлик ва Аллоҳ йўлида молимизни инфоқ қилишлик билан, бошқалар Исломга қилган тухматлари бекор эканлигини биламиз. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам,

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم دينارٌ أنفقته في سبيل الله، ودينارٌ أنفقته في رغبة، ودينارٌ تصدقت به على مسكين، ودينارٌ أنفقته على أهيك، أعظمها أجراً الذي أنفقته على أهيك رواه مسلم

Кишининг молини учга бўлдилар. Биринчи Аллоҳ йўлида инфоқ қилинган мол. Иккинчи, мискинларга садақа қилинган мол ва учинчи, ўзининг оиласига сарф қилинган мол дедилар. Шунинг ичида, энг ажри катта бўлгани, ўзининг оиласига қилган сарфидир, дедилар.

Нима учун? Жамиятдаги муҳтожлик, тиламчиликлар, ҳар бир киши, ўзининг оиласига етарлик инфоқ қилолмаслиги натижасида, вужудга келади. Агар инсонлар, ўзининг оиласини етарлик миқдорда таъминлай олсалар, бу жамиятда, муҳтожлик бўлмайди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам садақа қилиб, энг катта ажр оладиган одам, ўзининг оиласига сарф қилган одам, дедилар. Аллоҳу таоло ўлим келиб қолишдан илгари инфоқ қилишга буюрди. Булар ичида, энг катта ажр оладиган инфоқ, ўзининг оиласига сарф қилгани эканлигини, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга ўргатдилар.

Биз Хотамтой деб, кимни айтами? Биз ўзини таъминлаган, оиласини таъминлаган ва фарзандларини Исломни ўрганиш йўлида, инфоқ қилиб юрган кишини, Хотамтой деймиз. Лекин, илм ўрганаётган фарзандларини йўлини тўсиб туриб, уларни балоғат ёшига етмасдан, молу давлат топиш учун, дунёга машғул қилиб туриб, бу топган молига катта садақотлар қилган кишини, халқимиз, Хотамтой дейди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам садақани, ўзининг оиласига сарф қилган ва оиласини таъминлаган одамни, инфоқи билан, энг катта ажр оладиган одам, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инфоққа буюрди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатларида, буни қандай қилса, ажрли бўлишини, баён қилдилар.

8. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ ثَرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ صَلْدًا لَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

Бақара сураси 264 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирганларни инфоққа буюрганидан кейин, бу инфоқни савобини ҳабата қилмай, охиратга олиб боришга буюряпти. Охиратга боргунча, бу инфоқни савобидан маҳрум бўлиб қоладиган сабабларни ва буни бекор қилувчи омилларни, баён қилаяпти. Инфоқ қилиш учун, биз аввало, молни ҳалолдан топишга муҳтожмиз. Кейин, Аллоҳ буюрган жойларга, инфоқ қилишга муҳтожмиз. Учинчи, бу инфоқни савобини, эҳтиёт қилиб, молу давлат ва авлодлардан жудо бўлиб, якка қолган вақтимизда, шу инфоқни ажри билан бирга бўладиган вақтгача, эҳтиёт қилишликка маъмурмиз.

Эй, имон келтирган кишилар, садақотингларни, миннат ва озор билан бекор қилиб қўйманглар!

Садақотларни, бекор қилувчи нарсани нима? Биринчи миннат ва иккинчи озор. Молу дунёсини унга берганлиги билан, зўравонлик қилиб, озор беришлик, садақотларни бекор қилади. Молу давлатни Аллоҳ буюрган жойларга беришлик, риё учун бўлса, у ҳам садақотларни бекор қилади. Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш, ўзи қийин. Агар инфоқ қилсаю, қалбида риё бўлса, одамлар кўришлиги ва мақташларини ният қилиш, бу риёдир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло молини риё билан, инфоқ қилиб, бекор қилган одамга ўхшаманглар, деяпди. Демак, одамларга риё қилиб, садақотларни берган кишининг Садақотларини, бекор бўлишида шак шубҳа йўқ! Араб тилида мушаббихун фиҳ, ўхшатилинган нарсаси, кучлироқ бўлади. Мисол қилиб айтсак, фалончини юзи гулга ўхшайди, десак. Унинг юзидаги қизилликдан, гулдаги қизиллик, кўпроқ бўлади. Қуръони карим бу ерда, садақотингларни, миннат ва озор билан, бекор қилиб қўйманглар! Худди, молини риё билан, инфоқ қилиб, бекор қилган одамга ўхшаб, деяпди. Демак, риё қилиб берган садақотларнинг, бекор бўлганлигида, шак шубҳа йўқ!

وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

Риё билан садақот қилган одамни, Аллоҳу таоло, Аллоҳга ва қиёмат кунига имонини шубҳалик деяпди. Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирмаган ва молини риё билан инфоқ қилиб, бекор қилган, одамга ўхшаманглар деяпди. Риё билан қилинган садақотни, кўриниши катта бўлиб, катта ажрлар оладиганга ўхшаб кўринишига, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мисол келтиради.

Риё билан қилинган садақотнинг, мисоли худди шуки, катта бир силлиқ тош ва унинг устида тупроқ бор. Буни узоқдан кўрган одам, бунга агар ёмғир ёғса, жуда серунум жой деб, ўйлайди. Шундай тасаввур қилади. Сафвон, араб тилида силлиқ тош. Бирор чуқур жойи йўқ. Бу тупроқ устига, қаттиқ сел ёғса, шип шийдам қилиб қўяди. Одатда ёмғир ёғадиган унумдир ерда, ҳосил катта бўларди. Лекин, ёмғир ёғса, шип шийдам қилиб қўяди.

أَيُّدُونَ عَلَى شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا

Қилган нарсасига ҳеч нарсасига, риёкор киши қодир бўлмайди. У риёкор одамлар садақотини кўриб, сиз бу катта унумдор ва серҳосил бўлди деб, борган бўлсангиз, шип шийдам ва купқуруқ бўлиб туради. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларни,

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ

Деяпди. Булар садақотларни, риё учун қилган эди. Охират учун қилмаган эди. Демак, Охират учун қилмагандан кейин, улар Аллоҳга ва охиратга имон келтирмаганди. Демак, бундай имонида шубҳалик бўлган кофирларни, Аллоҳ ҳидоят қилмайди, деди.

Миннат ва озор беришдан қутулолмаган инсон, садақот қилмагани афзал бўлади.

ثَلَاثَةٌ لَا يَكْلَمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَزْكِيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابُ أَلِيمٍ: الْمَسْبُولُ إِزَارَهُ، وَالْمَنَانُ فِيمَا أُعْطِيَ، وَالْمَنْفَقُ سَلْعَتُهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ
رواه مسلم في الصحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: уч тоифа борки, Аллоҳ уларга қиёмат куни, гапирмайди ва назар солмайди ва покламайди ва уларга аламли азоб бор. Изорини ошиғидан пастга тушириб, киядиган одам. Биринчи шу одамга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло гапирмайди ва назар солмайди ва покламайди ва унга аламли азоб бор. Иккинчи, миннат қилувчи одам. Оғзидан доим миннат эшитасиз. Бирор нарсани бир кишига берса, миннат қилади. Доим миннат қилувчи одам.

Манн деб, араб тилида, ширани айтади. Шира ҳосил бераётган нарсасига тушса, ҳосилни йўкотади. Миннат ҳам, инсоннинг эҳсон дарахтига, тушган ширадир. Маннон жуда кўп шира. Ҳар бир мевага битта ширани ёпиштириб қўяди. Қачон бир нарсаси берса, бу мева бўлса, орқасидан бир ширани қўйиб қўяди. Аллоҳ йўлида эҳсон қилган. Такрор айтамыз бидъат ва суннатга хилоф, йўлдас, Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилиб, миннат қилган. Мана бу одам бахтсиз тоифанинг иккинчиси. Учунчиси, ёлғон қасам билан, молини ўтказган одам.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Уч тоифа одамни қиёмат куни, биринчи ҳукм қилинади. Бу учов тоифа энг улуғ инсонлар деб, гумон қилинган кишилар. Аввалгиси шаҳид бўлган одам. Уни олиб келишади. Аллоҳу таоло унга неъматини танитади. Бу неъматни танийди. Бу неъматларни, сенга бердим. Менинг йўлимда нима амал қилдинг? дейди. Сенинг йўлингда жанг қилдим ва шаҳид бўлдим, дейди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёлғон сўзладинг. Сен фалончи паҳлавон деб, айтишлари учун жанг қилдинг, дейди. Одамлар айтишди. Мукофотингни олдинг. Буюради, уни жаҳаннамга улоқтиришади.

Ислом жиҳодида қатнашган. Лекин, риё бўлган. Мана бу риё, унинг жиҳодини пучга чиқарган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унинг нияти нима эканини билган. Шу одамлар гапиришлигини истагани учун, унга одамлардан мақтовлар эшиттирган. Қиёматда уни, юзи билан судралиб, жаҳаннамга улоқтиришга буюрди. Суҳида ало ваҳҳиҳи деб, оёғидан ушлаб, юзини ерга қўйиб, судрашни айтади. Инсонлар наздида, энг катта амални бажарган. Риё бўлган учун, уни жаҳаннамга улоқтиришга буюрди.

Иккинчиси, қуръонни билган ва ўқиган ва уни бошқаларга ўргатган ҳам. Қуръонни маънолари билан билган. Бизнинг олдимизда, энг улуғ одам деб, гумон қилинади. (Шайх деб) Аллоҳ йўлида ўқиган бўлса, Аллоҳ йўлида, шу қуръонни таълим берган бўлса, ҳақиқатда улуғ одам. Лекин, шу улуғ амал, риё билан бўладиган бўлса, Имоми Муслимнинг Жомеъус саҳиҳида келтирилган бу ҳадис. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтяпдилар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга неъматини танитади. Бу неъматни танийди. Бу неъматларни сенга бердим. Менинг йўлимда нима амал қилдинг? дейди.

Амал қилгани сўралди, биродарлар. Сени йўлингда қуръон ўқидим дейди. Сенинг йўлингда, деган сўз, жавобда келаяпти. Аввалида, қуръонни ўқиган ва ўқитган дейилган. Бунини жавобида, Сени йўлингда қуръон ўқидим дейди. Шунинг учун, Аллоҳ тарафидан казобта, ёлғон сўзладинг, деган сўзни эшитади. Лекин, сен олим дейишлари учун, таълим олдинг. Қори дейишлари учун, қуръон ўқидинг. Хўп, одамлар сени қори, олим дейишди. Буюрилади, юзи билан судралиб, жаҳаннамга улоқтиришади. Мана бу риёнинг ёмон оқибати.

Учинчиси, сиз билан бизнинг гумонимизда, жуда катта одам ҳисобланади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга молни, ҳамма туридан берган. Уни олиб келинади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло унга неъматини танитади. Бу ҳам, неъматни танийди. Бу неъматларни сенга бердим. Менинг йўлимда нима амал қилдинг? дейди. Учала саволда ҳам, амал сўралди, биродарлар. Сен дўст тутган, бирорта жойни қўймасдан сарф қилдим, дейди. Биродарлар, сиз билан бизга, ҳали бунақа одамни кўришлик, муяссар бўлганмас. Эй Роббим, сен сарфланишликни яхши кўрган ўринлардан, бирортасини қўймасдан сарф қилдим, сени ризоинг учун, дейди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёлғон сўзладинг, дейди. Лекин, сен фалончи саҳий, ниҳоятда жавонмард деб, ном чиқаришлик учун қилгансан, дейди. Сени одамлар, хўп мақташди. Буюрилади, юзи билан судралиб, ўтга улоқтирилади. Дунёда ким бор, бу учов тоифадан улуғ одам?

Биттаси Аллоҳ йўлидаги жиҳодда, иштирок этган. Иккинчи, қуръонни маъносини билган киши. Ўқиб ва бошқаларга ўқитган. Учинчиси, Аллоҳ мол давлат берган ва у бидъат йўлларгамас, Аллоҳ рози бўладиган ерларга сарф қилган. Лекин, учаласи ҳам, амални риё билан қилишган. Аллоҳ йўлида бўлмаган нарсани, сўраб ҳам ўтирилмайди, биродарлар. Аллоҳ йўлида бўлган нарсага, сўраш учун вақт талаб қилинади. Мана шу ҳадис билан ўзимизни тарбияламасак, бошқа сўз бизга таъсир қилмайди. Энг яхши кўринган амаллар, риё бўлса, жаҳаннамга юзи билан судралиб, улоқтирадиган амалга айланиб кетади.

Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бизга Эй, имон келтирган кишилар, садақотингларни, миннат ва озор билан, бекор қилиб қўйманглар! Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирмасдан ва молини риё билан инфоқ қилиб, бекор қилган, одамга ўхшаб қолманглар, деяпди. Демак биз садақотни, уч нарсадан эҳтиёт қилмоғимиз керак. Қуръони карим ибораси дақиқки,

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلُهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

Анъом сураси 160 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади, ким яхшиликни олиб келса, қилса эмас, ким яхшиликни охиратга, олиб келса, унга шу яхшиликни ўн баробарида яхшилик берилади. Биз яхшиликнинг мукофоти ўн баробар бўлишини, ҳеч эсимиздан чиқармаймиз. Аммо, бу қанақа яхшилик? Бу охиратга олиб келинган яхшилик, шунга, шу яхшиликни ўн баробарида, яхшилик берилади.

9. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ بِآخِذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ

Бақара сураси 267 оят

Эй, имон келтирган кишилар, касб қилиб топган нарсаларнинг тоййиботларидан инфоқ, қилинглари.

Демак, инсон касб қилади. Шариат буюрган ҳалол касблар билан, топган мол дунёлар, тоййибот дейилади. Шариатга зид бўлган касблар билан, топган мол дунёлар, тоййибот дейилмайди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله ﷺ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَيِّبٌ لَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيِّبًا

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло покдир ва бандалардан пок нарсани қабул қилади.

إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ يَرْفَعُهُ ،

Фотир сураси 10 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло айтади: Аллоҳнинг ҳузурига, покиза сўз ва яхши амалгина кўтарилади.

Демак, маст қилувчи ичимлик, қимор, тўнғиз гўшти ва ҳаром пуллар билан топилган пуллардан қилинган «эҳсонни», унинг тилида айтганда «эҳсонни,» Ислон истилоҳидамас, Аллоҳ қабул қилмайди. Қиморвозлар, ёки маст қилувчи ичимлик сотиб пул топганлар, биз қилаверамиз дейиши мумкин? Лекин, бу нидо, имон келтирган кишиларга. Эй, имон келтирган кишилар, касб қилиб топган нарсаларнинг тоййиботларидан инфоқ қилинглари, деяпди.

Ердан, Биз чиқариб берган нарсалардан, сарф қилинглари, деяпди. Ердан Аллоҳ чиқариб беради. Бошқа биров чиқаролмайди. Хоҳласа чиқарсин, мана. Ерга уруғ ташлаб, чиқарсин. Уни (Аллоҳдан ўзга) ҳеч ким чиқара олмайди.

Ердан, Биз чиқариб берган нарсалардан, покизасидан сарф қилинглари, деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

Демак, касб қилиб топган нарсалар ва Ердан Аллоҳ чиқариб берган нарсалардан, сарф қилишга Аллоҳ буюряпди. Бу нарсани қилишлик, Аллоҳнинг буйруғини, ўзимизда мужассамлаштирмоқлик деб, билишлигимиз керак.

Яна, касб қилиб топган нарсалардан ва деҳқончиликдан ҳам, ёмонини берманглар, деяпди. Буни бозорда олмайди, буни бировга бериб юборамиз деб, бермасин. Чунки, буни беришликка буюраётган Аллоҳдир. Агар бир инсонни дадаси, бир нарсани сарф қилишга буюрса, Дадам буюрди деб, яхшисини сарфлашга ҳаракат қилади, қобил фарзандлар.

Буни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Ердан ҳар бир нарсани чиқариб берган ва бизга касб қилишни ўргатган, Аллоҳ буюряпдики, покизасини сарф қилишга ва ёмонини қасд қилмаслигимизга, буюрди. Чунки, ўзингларга ҳам, ёмонини берса, олмайсизлар магар айблаб туриб оласизлар. Шунга берибдия деб. Аллоҳ сизларни садақот ва эҳсонга буюряпди, У зот сизлардан, бир нарса олмоқчимас. Билингларки, Аллоҳ муҳтожмас, ғаний ва бировларнинг мақтовига муҳтожмас. Ўзининг Зотида мақталган Зотдир! Бу оятни баъзилар, закот ояти дейишади. Баъзилар, умумий садақага буюрилган дейишади.

Ердан Аллоҳ чиқариб берган нарсалардан, сарф қилиш ҳақида, уламолар шундай ижтиҳод қилишган. Бепул сув билан суғорилган деҳқончилик маҳсулотларига, ушр, ўндан бири садақа қилиб беришликни. Ва пуллик сув бўлса, йигирмадан бирини беришликни маълум қилишган. Деҳқончилик маҳсулотларининг нисоби борми? деган савол бўлади. Одамлар кўпроқ истеъмол қиладиган хурмо, дон ва шунга ўхшаган деҳқончилик маҳсулотларида беш васак, нисоб деб белгиланган. Бир васак, олтмиш соъ бўлади. Бир соъ, тўрт мудга тенгдир. Бир мудд бўлса, бир ҳовуч ҳисобланади. Тўрт ҳовучи бир соъ бўлади. 240 ҳовучи, бир васак бўлади. Шундай беш васак бўлса, нисобга етган бўлади. Баъзилар қанча кило бўлишини айтганлар. Биз ихтилофли масалаларга ўтмаймиз, биродарлар.

(Эслатма: бир соъ 2, кг. Сал кўпроқ бўлади. 60 соъ тахминан 130 кг. Беш васак тақрибан 750 кг. Бўлади. Демак, ҳосили шундан ошган одамларга, ушр, ўндан бирини ва ёки, пуллик сувдан суғорган бўлса, нисфи ушр, йигирмадан бирини, садақа қилиши лозим бўлади. Аммо, бу миқдордан кам бўлсада, садақа қилиши керак, деганлар ҳам бор. Яъни, баъзилар, нисоб белгиламаганлар. Валлоҳу аълам.)

10. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ

Бақара сураси 278 оят

Эй, имон келтирган кишилар, Аллоҳдан тақво қилинглар! Ўртангларда қолиб кетган риболарни ташланг, воз кечинглар, агар мўмин бўлсанглар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлиб келганларида, рибо бутун дунёга, шойеъ бўлиб бўлган эди. Рибосиз муомила қиладиган одам, йўқ эди. Магар Аллоҳ мустнасно қилган зотлар, бор эди. Аллоҳу таоло рибодан воз кечишга буюрди. Ҳозирги вақтда ҳам, рибо энг ривож топган амалдир. Ислон рибоъни, қатъий ҳаром қилди. Рибо билан шуғулланган одамни, қиёмат куни, худди бир жин теккан, одамнинг довдираб туришига ўхшаган, қилиб қўяди. Қиёмат куни, шундай ачинарли ҳолатда туради.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам рибо ейувчига, лаънат айтдилар. Умматига меҳрибон бўлган ва осий умматга ҳам, мағфират сўраб дуо қилган зот, рибо ейувчига, лаънат айтдилар. Қалбларида рибо ейувчи одамга, меҳрни қўймадилар. Аллоҳ учун ёмон кўрдилар. Лаънат айтдилар. Рибо ейувчига, ва едирувчига лаънат айтдилар. Котиблик қилган одамга ҳам, лаънат бўлсин, дедилар. Ва рибода гувоҳ бўлганларга ҳам, лаънат бўлсин, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан, сақланинглар, дедилар. Шулардан биттаси, рибо ейувчи одамдир. Рибо икки турли бўлади. Мисол айтганда, тилло, кумуш, хурмо, буғдой, гуруч, каби нарсаларни бир турини, иккинчи бир турига, тенгма тенг ва қўлма қўл берилса, рибо бўлмайди. Бир килога бир кило, шу вақтда берилса, рибо бўлмайди. Аммо, бир кило буғдойга, икки кило сифати пастроқ буғдойни алмаштира, рибо бўлади. Шу икки кило буғдойни сотиб, шу пулга яхши буғдой сотиб олинади. Шунда, рибо бўлмайди. Насия рибоси, кўп халқ орасида тарқалган. Бунда бир одамга маълум бир пулни бериб, ҳар ойда менга шунча пул берасиз, дейди.

Мана бу рибодир. Шуни еганга, лаънат бўлсин, дедилар. Ва едирувчига лаънат айтдилар. Котиблик қилган одамга ҳам, лаънат бўлсин, дедилар. Ва рибода гувоҳ бўлганларга ҳам, лаънат бўлсин, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат айтган кишиларга, мусулмонлар ҳам лаънат айтиши, лозимдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло рибонинг фойдасини, йўқотиб ташлашни ваъда қилди. Қуръони каримдаги энг узун оят, қарз ҳақидаги оятдир. Бу оят, Бақара сурасидаги охирги, ўн биринчи нидо оятидир.

11. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَى أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ وَلْيَكْتُب بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ اللَّهُ فَلْيَكْتُبْ وَلْيُمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمِلَّ هُوَ فَلْيُمْلِلْ وَلِيُّهُ بِالْعَدْلِ وَاسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّنْ تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى وَلَا يَأْبَ الشُّهَدَاءُ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا تَسْأَمُوا أَنْ تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَى أَجَلِهِ ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَادَةِ وَأَدْنَى أَلَّا تَرْتَابُوا إِلَا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَّا تَكْتُبُوهَا وَأَشْهِدُوا إِذَا تَبَايَعْتُمْ وَلَا يُضَارَّ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ وَإِنْ تَفَلَّوْا فَإِنَّهُ فَسَوْقَ بِكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

Бақара сураси 282 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларга, қарз муомиласини қилаётганда, бир неча ҳукмларга риоя қилишлари зарур эканлигини, билдирыпди. Шу қарз ҳукмларига риоя қилмаслик, мўминлар ўртасида, қарз ҳукмларини йўқолиб кетаётганига сабабдир. Қарз ҳукмларининг биринчиси, уч кундан ортиқ муддатга, қарз олинса, китобат қилишлик, шартдир. Демак, муайян муддатга қарз муомиласини қилсанглар, ёзиб қўйинглар деди. Ёзиш Аллоҳнинг буйруғи. Зарар кўриш ё кўрмасликдан ташқари, шу ёзишни ўзи, ибодатдир. Аллоҳнинг буйруғини бажариб, ибодат қилган бўламиз. Ўртангларида китобат қилувчи, котиб, адолат билан ёзсин! Тўғри ёзишлик шарт.

Котиб қарзни китобат қилишдан, бош тортмасин! Котибга, чақирганда келиб, ёзишлиги шарт. Қарз олувчи айтиб уриб, ёздирши керак. Аллоҳдан тақво қилсин! Бирор нарсани камайтириб ёзиб қўямасин! Агар қарз олувчи ақлан заиф бўлса, унинг валийси, (эгаси) адолат билан ёздирсин! Ва иккита гувоҳ ҳозирлансин. Ёинки, бир эркак ва иккита аёл гувоҳ бўлсин. Гувоҳлар ҳам, шунга лойиқ бўлиши керак. Мабодо, бирор аёлнинг шаънига тухмат қилган киши бўлса, гувоҳлиги ўтмайди.

У одамнинг сўзининг, эътибори бўлмайди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баён қиляпдики, иккита гувоҳ бўлишининг ҳикмати, биттаси адашиб қолса, иккинчиси эслатади. Гувоҳлар гувоҳликка чақирилганда, бош тортмасин! Ҳақиқатда, гувоҳлар бош тортади. Нимага? Тухматлар даврида, кўп зарарлар кўргани учун, бош тортади. Лекин, Ислом низоми бўлиб турганида, бош тортмасин! Гувоҳлар келиши шарт! Кичкинами каттами, қарз олсанглар, ёзишдан малолланманглар! Шуниям ёзиб ўтираимизми? деманглар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло исломий жамиятни, покиза жамият бўлишлигини ирода қилди. Жамиятдаги гина ва адоватлар, вужудга келишини олдини олди. Бу нарса Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ ва гувоҳлик беришга тўғрироқдир, деди.

Шубҳаланиб қолмаслик учун, яқинроқдир! деди. Мана шу Аллоҳнинг ҳузурида, адолатлидир! дегани, қарз, Аллоҳнинг ҳузурида сўраладиган нарса эканига, ишора бўлаяпди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жаноза ўқишлиқдан илгари, бу маййитни қарзи бўлса, ким ўтайди? дердилар. Мен деган, одам чиқмаса, биродарингларни жанозасини ўқинглар, деб, ўзлари ўқимасдилар.

Шунинг учун ҳам, саҳобалар қарз олишдан эҳтиёт бўлардиларки, менинг жанозамни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўқимай қўямасин, дердилар. Ғанимат кўпайгандан кейин, Маййитнинг қарзи бўлса, мен тўлайман, дедилар. Агар молу давлати қолган бўлса, меросхўрларига, дедилар. Қодир бўлганларида, шундай дедилар. Шаҳидлик фазилати кўп, биродарлар. Шаҳиднинг ҳамма гуноҳлари кечирилади, аммо, қарзи кечирилмайди, дедилар. Қарз, унга хижолатлик бўлиб тураверади. Буни Жибрил менга хабар берди, дедилар. Магар ўртангларда, тижоратда айланиб турган мол бўлса, уни китобат қилмасликларинг мумкин. Уни ёзмасанглар, сизларга гуноҳ йўқ, дедилар. Байъ қилган вақтда, гувоҳ қўйинглар. Уйни ва ёки, бирорта Сайёрани (машинани) савдоси бўлса, гувоҳ бўлсин, дедилар.

Ёзувчи, қарзни ёзиб қўйган одамни зарарлантормасин. Гувоҳларни ҳам зарарлантирилмасин! Агар шуларни зарарлантирсанглар, бу сизлардаги фисқ, гуноҳдир деяпди, Аллоҳу таоло! Баъзи гувоҳлар ёки, котиб узоқда бўлиши мумкин? Ҳадеб, уни чақиришлик, йўлга чиқимлар бўлиши, унга зарар етказишдир бу. Ёзишга буюрган ва ёзишлиқдан бош тортманглар деган Зот, гувоҳ бўлинглар ва гувоҳ бўлишдан, бош тортманглар деган Зот, ёзувчи ва гувоҳларга зарар берманглар деб, уларни ҳимоя қилиб қўйди! Аллоҳдан тақво қилинглар! Аллоҳ сизларга таълим беради. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир!

Мен мавзудан четга чиқсамда,

وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ

Бақара сураси 282 оят

Оятига, бир оз тўхталиб ўтмоқчиман, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баъзи кишиларга шундай илм берганки, унинг илмининг майдонига ақлингиз етмайди, биродарлар. Шулардан биттаси, Имоми Бухорийдир. Бутун дунё уламолари, Имоми Бухорийнинг улуғлигини, илмининг ниҳоят даражада кенглигини, билишлик билан оввора бўлиб келишяпти. Ҳали у кишининг Жомеъу Саҳиҳларида бекитган сирларини, билмасдан ўтиб кетишяпти. Бу ниманинг натижаси?

وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ

Бақара сураси 282 оят

Аллоҳдан тақво қилинглар! Аллоҳ сизларга таълим беради.

Араб тилини билганлар, билиб туришибди. Вов жамловчи бўлиб келаяпти. Ким, Аллоҳ менга таълим берсин деса, билмаган нарсаларимни билдирсин, деса, Аллоҳга тақво қилсин! Аллоҳдан тақво қилинглар! деб, Аллоҳ буюряпти ва ундан кейин, Феъли музореъни, вови жамъийя билан, атф қилиняпти. Аллоҳ сизларга таълим, беради. Бу бир кишигамас. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг қиёматгача бўлган кишиларга, фазлидир. Аллоҳдан тақво қилинглар! Аллоҳ сизларга, Ўзи таълим беради. Устоз эмас. Аллоҳнинг Ўзи таълим беради. Уни илмини, ўргатган устози билан солиштириб кўрилса, унда устозида йўқ, бошқа илмлар пайдо бўлган бўлади. Аллоҳнинг таълими учун тақво бўлиши керак. Бунинг бошқа йўли йўқ, деяпти, Аллоҳу таоло.

وَاتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ

Бақара сураси 282 оят

Бу ҳар бир, илмга ҳарис бўлган одам учун, зарурки, Аллоҳдан тақво қилинглари! Аллоҳ сизларга таълим беради. Аллоҳ сизларнинг устозингларга айланади. Шу вақтдан Аллоҳнинг таълими бошланади. Бу ажиб бир оятки, амр феълига, Феъли музореъни, боғланишлиги, валлоҳу аълам, шу бўлса керак!

(Шу ерда саволларга жавоблар берилган)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма, аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мусибатдаги кишиларни, мусибатини кўтарсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ибодатларимизни қабул қилсин! Гуноҳларимизни мағфират қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

73 дарс тугади

74 Дарс

Эй имон келтирганлар нидоси: 3 қисм

(Бу дарсда, Оли Имрон сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг олтитаси тафсир қилинади. Олдинги икки дарсда, Бақара сурасидаги ўн битта нидо ояти, шарҳланган эди. Бу дарс билан жами ўн еттита, нидо ояти дарс қилинади. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг учинчисидир. Жами қуръонда, тўқсонга нидо ояти бўлиб, шундан 25 тасини дарс қилганлар. Охиргиси Нисо сураси 135 оятдир. Кейин, у киши сафарга чиқиб, Тошкент аэропортида, ўғирлаб кетиб, йўқ қилинди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамиз ва Ундан ёрдам сўраймиз ва унга истиғфор айтамиз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган нидо оятлари сони, тўқсонга бўлиб, шу нидонинг ўн биттаси, Сураи Бақарада бўлиб, биз аввалги дарсларимизда, ўрганган бўлдик. Бугунги дарсимизда, Оли Имрон сурасидан бошлаймиз.

12. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَطِيعُوا فَرِيقًا مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ يَرُدُّوكُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ كَافِرِينَ

Оли Имрон сураси 100 оят

وَكَيْفَ تَكْفُرُونَ وَأَنْتُمْ تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ آيَاتُ اللَّهِ وَفِيكُمْ رَسُولُهُ وَمَنْ يَعْتَصِم بِاللَّهِ فَقَدْ هُدِيَ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

Оли Имрон сураси 101 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни огоҳлантиряпти. Аввалги дарсларимизда айтган эдикки, Абдуллоҳ ибн Масъуд олдида, бир киши келиб, менга бир аҳд беринг деганда, агар Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг, Эй имон келтирган кишилар деган, нидосини эшитсанг, яхшилаб қулоқ солгинки, Чунки, у нидо, сени бир яхшилиққа буюради ёки, бир ёмонликдан қайтаради, дедилар. Мана бу жойда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизларни, имон келтирган кишилармиз деб, даъво қилсак, бир хатарлик нарсадан огоҳлантиряпти. Оли Имрон сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган нидо оятларининг аксари, хатарлик нарсалардан огоҳлантиради.

Эй имон келтирганлар агар аҳли китобларнинг бир тоифасига, итоат қилсанглар, бир тоифа ёки, ҳар қандай тоифасига эргашсанглар, сизларни динингиздан қайтаради. Аҳли китоблар, булар яҳуд ва насоролар. Булар китоб берилган, илмлик кишилар. Буларга таврот ва инжил берилган. Буларга эргашсанглар, сизларни динингиздан қайтаради. Мана бу имон келтирганлар, ниҳоятда огоҳланадиган нарсадир. Мусулмонлар бугун қўлларида аҳли китобларнинг китобларини, кўтариб юришибди. Улар дунёнинг ҳамма тилига таржима қилинган. Бу китобларни муқовасига чиройлигига, қойил қолиб, кўтариб юришибди. Буларнинг ҳар қандай тоифасига эргашсанглар, сизларни динингиздан қайтаради, деди Аллоҳу Таоло.

Ислом манҳажий йўлдир. Инсон, Ислом манҳажидида ҳаракат қилишга, мажбурдир, агар имонни даъво қилса. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттобнинг қўлида, тавротнинг бир варағини кўриб, ранглари ўзгариб кетган. У варақдаги оятлар ўзгартирилганми йўқми, ҳали аниқмас эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, аҳли китоблар, ўзларининг китобларини ўзгартирган деб, хабар берган. Таврот ва инжил Ислом йўлини олиб келганди. Мусо ва Исо алайҳимуссаломларга тушган бу китоблар асл ҳолида тўғри эди. Лекин, аҳли китоблар, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳасад қилдилар. Ўз китобларидаги, у кишининг сифатлари келтирилган ерларни ўчириб, йўқотишди. Улар бу Пайғамбар улардан чиқмаганига ва Қурайшдан чиққанига ҳасад қилишганди.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттобнинг қўлида, тавротнинг бир варағини кўриб, ранглари ўзгариб кетганди. Шунда, Умар ибн Хаттоб Аллоҳни Роббим ва исломни диним ва Муҳаммад алайҳиссаломни Расулим деб, рози бўлдим, дедилар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сен ҳали шубҳадамисан, эй ибн Хаттоб? дедилар.

أَنَّ عَمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكِتَابٍ أَصَابَهُ مِنْ بَعْضِ أَهْلِ الْكِتَابِ فَقَرَأَهُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَغَضِبَ وَقَالَ أَتَتَّهَوُّكُمْ فِيهَا يَا ابْنَ الْخَطَّابِ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَقَدْ جِئْتُكُمْ بِهَا بَيضَاءُ نَفْيَةٍ لَا تَسْأَلُوهُمْ عَنْ شَيْءٍ فَيُخْبِرُونَكُمْ بِحَقِّ فَتَكْذِبُونَهُ أَوْ يَبْاطِلُ فَتُصَدِّقُونَهُ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ أَنَّ مُوسَى كَانَ حَيًّا مَا وَسِعَهُ إِلَّا أَنْ يَتَّبِعَنِي الرَّاوي : جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ | المحدث : ابن كثير | المصدر : البداية والنهاية الصفحة أو الرقم : 1/185 | خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Мусо алайҳиссалом ҳозир бўлганда, менга эргашган бўларди, дедилар. Мусо алайҳиссалом тирик бўлганда, мўмин бўлиши учун, менга эргашиши шарт эди, дедилар. Ислом манҳажига эргашиш, шундай бўлмоқлиги керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Эй имон келтирганлар, агар аҳли китобларнинг бир тоифасига итоат қилсанглар, бир тоифа ёки, ҳар қандай тоифасига эргашсанглар, сизларни динингиздан қайтаради. Сизлар мўмин эдинглар, агар эргашсанглар, сизларни кофирликка қайтаради. Ислом манҳаж, қиёматгача ўзгармас манҳаж. Бу манҳажни биз, мукаммал тушунишлигимиз керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларни кофир бўлишидан ажабланыпди. Кофир бўлишлик, исломдаги ҳамма нарсадан воз кечдим дейишлик эмас. Аҳли китобларнинг ҳар қандай тоифасига эргашишлик, кофир бўлишга кифоя қилади, дейди.

Қандай кофир бўласизлар, сизларга Аллоҳнинг оятлари, тиловат қилиниб турган ҳолда? Аллоҳнинг яккалигига далолат қилувчи биттамас, бир неча оятлар, сизларга тиловат қилиниб турган ҳолатда ва ичингларда, расул турган ҳолатда, қандай кофир бўласизлар? Муҳаммад алайҳиссалом асҳоблар ичида, турган бўлсалар, у кишидан кейин, суннатлари қиёматгача, мўминлар ўртасида барқарор қолди. Аллоҳ Ўзининг динини сақлашликни ваъда қилган. Қиёматгача, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари барқарор қолади. Суннат уч қисмни ташкил қилади. Булар, у кишининг сўзлари ва амаллари ва у кишининг ҳузурида қилинганда, тақрир қилган ишларидир. Биз у кишига эргашмоқчи бўлсак, у кишининг юришлари, туришлари ва уйқуга ётишлари ҳамма нарсада бизга мисол, намуна бордир. У даврда сураткашлик бўлган эмас. Балки, сураткашликка қарши турганлар.

Лаънат айтганлар сураткашларга, қалблари меҳр билан тўлган зот. Мана шундай сураткашлик йўқ бўлган даврда, у кишининг ҳамма ҳолатлари, худди, кўрсатилгандек, ҳадис китобларида сақланиб қолган. У кишининг ҳамма сифатлари, олий сифатлар эканлиги яққол кўриниб турарди. Қайси миллатнинг пешвосида, у кишининг сифатларидан бир қисми бўлганда, одамлар шу кишидан бошқага, эргашмаган бўларди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдек комил инсон, башарийят тарихида бўлмаган ва қиёматгача бўлмайди.

Мана бу кишининг сифатларига эргашмасдан юришлиқдан кўра, катта нодонлик йўқ, биродарлар. У киши буюрган суннатларига эргашишликка, биз мажбурмиз. Баъзи амалларни хоҳласак қиламиз ва хоҳласак қилмаймиз. Аммо, қилишликда ажр бор, бизга. Лекин, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўйиб, аҳли китобларга эргашсанглар, деган сўзда, биз учун катта хатар борки, бирор соҳада уларга эргашмасликка, ҳаракат қилмоқлик керак. (Дунёвий ишларда эргашишлик мумкин. Ғоявий, диний соҳада мумкинмас)

Аллоҳнинг йўлини мустаҳкам ушлаган одам, тўғри йўлга йўлланибди. Мана бу оят, аҳли китобларга эргашиб кетишлиқдан, бизни огоҳлантирса, яна шу эргашиб кетишлиқдан сақловчи нарсани ҳам, кўрсатаёпти. Бу Аллоҳнинг оятлари ва Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва Аллоҳнинг йўлини маҳкам ушлашлик эканини, баён қилаёпти. Биз тўғри йўлни, фақат китоб ва суннатдан оламиз.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг жомеъ сўзлари, юз минглаб ҳожилар бор бўлган, Ҳажжатул Вадоъда айтган сўзлари борки,

تركتُ فيكم أمرين لن تضلُّوا ما تمسَّكْتُم بهما : كتاب الله وسنة نبيه صلى الله عليه وسلم
الراوي : مالك بن أنس | المحدث : ابن عبد البر
لتخريج : أخرجه مالك في الموطأ

Мен сизларга икки нарса кўйиб кетаяпман. Агар маҳкам ушласанглар, ҳаргиз адашмайсизлар, дедилар. Пайғамбарлар олтин кумуш кўйиб кетишгани йўқ. Халқларни алдаб, ўзининг йўлига олиб киришгани йўқ. Ислом одамларга пул сарф қилишга, ҳожати йўқ. Ислом ҳақиқат. Буни очиқ айтишлик билан, одамларнинг табиатига мувофиқ келадида, одамлар бунни, қабул қилаверади. Аммо, бошқа маслақлар, пул сарф қилиб алдайди. Элликта одамни, ўзининг ибодатига олиб кирган одамга, сайёра ваъда қилади. Ислом бунақа қилиб, одам чақиритишга муҳтож эмас. Ислом бировни ялиниб, ўзини йўлига чақирган эмас. Ислом, харсанг тош бўлиб кетган қалбларни ёриб, ўзининг нурини кўрсата олишликка қодирдир!

Шунинг учун, Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб турганда ва Расулининг суннатлари билдирилиб турганда, аҳли китобларга эргашиб, кофир бўлиб кетишлиқданда, ажиб нарса йўқ! Аллоҳнинг оятлари эшитиб туриб, Расулининг суннатларини эшитиб туриб, аҳли китобларга эргашиб, кофир бўлиб кетишлик, энг хатар нарса бу. Баъзилар бунни ғалати тушунган бўлсалар, биз такрор айтаемиз, бу нидо, имон келтирган мўминларгадир. Бошқалар ҳайрон бўлиб юрмасинлар. (Бунни уларга алоқаси йўқ)

13. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُمْ مُسْلِمُونَ
Оли Имрон сураси 102 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни, Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишга ва охириги нафасигача, имонда бўлишга буюряпти. Вафот этадиган вақтгача, исломда барқарор қолишликка буюряпти. Аллоҳдан тақво қилишга буюрилган оят, ҳақиқий мўминни юрагини ларзага келтиради. Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилиш, қандай бўлади? Мана бу оят шуни баён қилади.

Аллоҳдан имкон қадар қўрқишлик, Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишлиқдир.

(Эслатма: Уламолар Оли Имрон сураси 102 оятини Тағобун сураси 16 ояти мансук қилган дейишган. Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилиш ояти нозил бўлганда, саҳобалар қандай қилиб, биз лойиқ даражада, қўрқа оламиз деб, маҳзун бўлишган. Шунда, Аллоҳдан кучларинг етганча қўрқинглар, ояти нозил бўлган. Қори ака бу икки оят, бири бирини тўлдирди деб кетдилар.)

Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишликка ва охири нафасигача, имонда бўлишга буюряпти. Инсон имонида, охири нафасигача, барқарор қолишга, ҳаракат қилмоқлиги керак. Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишлик, Аллоҳга ва Расулига итоат қилишлик билан бўлади. Аллоҳ буюрган нарсаларни қилиш ва қайтарган нарсалардан қайтиш, имоний тоқат доирасида. Бу эса, ўз навбатида илмга муҳтож бўлади. Илм талаб қилишлик билан инсон, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолони, исм сифат ва феъллари билан, танийди. Ва Аллоҳдан қўрқиш ва муҳаббат қилиш ва жаннатга мойиллик ва жаҳаннамдан қўрқишлик сифати ҳосил бўлади. Мана шу, ҳақиқий тақвони бошланиш қисми бўлади.

Аллоҳ буюрган тавҳид нима? Аллоҳ қайтарган ширк нима? Мана буларни билиши ва ширкдан сақланиши зарур бўлади. Тавҳидни билиб амал қилса, аҳли тавҳидга айланади. Ширкни билиб, ундан сақланса, ширкдан сақланган кишилар сафидан, ўрин олади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ширкни кечирмайди. Ширк амалини қилган одамни, амали ҳабата бўлишида, шак шубҳа йўқ! У ким бўлишидан қатъий назар! Демак, Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишликни биринчи қадами, аҳли тавҳид бўлишлиқдир. Ширкдан саломат бўлишлиқдир. Шу эътиқодида, умрининг охиригача, маломатчининг маломатига парво қилмасдан, содиқ қолмоқлик, мана бу ҳақиқий тақводир! Инсон бу нарсага, бир назар солиб қараса, буни Аллоҳ тарафидан нидо қилиб, чақиришга арзийдиган нарса эканини билади.

14. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِّن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوا مَا عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ إِن كُنْتُمْ تُعْقِلُونَ

Оли Имрон сураси 118 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни, хатарлик нарсадан огоҳлантиряпти. Араб тилида Батн деб, қоринни айтади. Қорин ичидаги нарса, махфий туради. Бетонат сўзи шу билан боғланади. Ўзининг махфий, ижтимоий сирларига воқиф бўладиган қадрдон одамни, бетона дейди араб тилида. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло имон келтирган кишиларни, ўзларининг сирларини биладиган майдонга, ўзларингдан бошқани, хизматга қўйманглар, деяпти. Мусулмонларнинг, ҳар бир майдонга хос сирлари бор. Мана бу сирларга воқиф бўладиган одам, албатта мусулмон бўлишлиги керак. Мусулмон бўлмаган одам, бу сирларга воқиф бўлса, мусулмонларга зарар етказади. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзинглардан бошқа одамлар,

لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا

Фасод тарқатишда, сусткашлик қилмайди дейди. Ҳаётни кўрсангиз, мусулмон бўлмаган киши, мусулмонлардаги покликни кўриб, уларни ўзига ўхшаган бузғунчи бўлиб, фасод тарқатадиган одам бўлмаса, рози бўлмайди. Нопок нарса, покизалар ичида кўриниб қолади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзинглардан бошқани, (яхуд ва насорони) Бетонат қилиб олманглар, улар сизларга қарши, Фасод тарқатишда, сусткашлик қилмайди, дейди.

وَدُّوا مَا عَنِتُّمْ

Сизларни машаққатда бўлишларингни яхши кўради. Сизлар машаққатда бўлсанглар ва ҳалок бўлсанглар ва зарарда бўлсанглар, шуни яхши кўради.

قَدْ بَدَتِ الْبُغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ

Ёмон кўриши тилларидан, аниқ зоҳир бўлган. Биз тилларидан деб, маъно бердик. Бу ерда оғизларидан дейилган. Улар мўминларни ёмонлаганда, оғизларини тўлдириб, гапиришади. Мана булар, кунини кўрди, деган гаплар, тилини учиданмас, оғзини тўлдириб чиқади. Бирор бир мусулмонга зарар етса, уни ҳақида, оғзини тўлдириб гапирадиган, ўзини мусулмон санаганлар бор.

وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ

Уларнинг оғизларидан чиққани бу. Дилларида бекитгани, янада кўпроқдир. Мусулмонларга зарар етса, бу оз дейди. Унинг дилида қолган марази, билиниб туради.

قَدْ بَيَّنَّا لَكُمْ الْآيَاتِ إِن كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ

Оятларни сизларга баён қилдик, агар ақлларни ишлатсанглар, дейди, Аллоҳу таоло. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, ҳамма нарсани баён қилиб қўйган. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

ما بعث الله من نبي، ولا استخلف من خليفة إلا كانت له بطانتان: بطانة تأمره بالمعروف، وتحضه عليه، وبطانة تأمره بالشر، وتحضه ، فالمعصوم من عصمة الله
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع | الصفحة أو الرقم : 5579 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Пайғамбар жўнатган ва ёки, бирор бир Халифа қилган бўлса, ёнига иккита бетона, хос ёрдамчилар берган. Биттаси яхшиликка буюрадиган ва иккинчиси ёмонликка тарғиб қиладиган. Ёмонликка тарғиб қилувчилардан, Аллоҳ сақлаганлар сақланиб қолган. (Бошқалари, улар сўзига кириб, зулм кетишган)

Доим қайси бир миллатга, биров пешво бўлса, бир одам унга тўғри маслаҳат беради. Иккинчиси бўлса, шу халққа зарар бўладиган нарсага йўллайди. Умар бин Хаттоб даврида, насоролардан биттасини, ёзиш чизишга моҳирлигини айтиб, уни котибликка олишни маслаҳат кўрсатишди. Умар бин Хаттоб разияллоҳу анҳу, қуръон билан тарбияланган киши эди. Мўминдан бошқа кишини мен Бетона қилиб, сиримга воқиф қилиб, хизматга олмайман, дедилар.

فروى الإمام أحمد بإسناد صحيح عن أبي موسى قال قلت لعمر رضي الله عنه إن لي كاتباً نصرانياً قال ما لك قاتلك الله أما سمعت الله يقول [ص: 447] { يا أيها الذين آمنوا لا تتخذوا اليهود والنصارى أولياء بعضهم أولياء بعض } ألا اتخذت حنيفياً ؟ قال قلت يا أمير المؤمنين لي كتابته وله دينه قال لا أكرمهم إذ أهانهم الله ولا أعزهم إذ أذلهم الله ولا أدنيهم إذ أقصاهم الله

Абу Мусо ал Ашъарий насроний бир котибни, олиб келганида, Умар бин Хаттоб разияллоҳу анҳу, уни қаттиқ зажр қилдилар. Аллоҳ четлатган одамни, менинг олдимга яқинлаштирма! дедилар.

ولا تكملوهم فقد اهانهم الله
ولا أعزهم إذ أذلهم الله

Аллоҳ хорлаган одамни, ҳурмат қилма, дедилар. Аллоҳ хорлаганларни иззат қилма, дедилар. Аллоҳ хоин деганларни, сен омонатли демагин, дедилар. Мана бу нарса, бизларга ибратдир.

15. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Оли Имрон сураси 118 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларни, рибони ейишдан қайтаряпди. Эй имон келтирган кишилар, рибони кўпайтирилган ҳолатда еманглар. Аллоҳга тақво қилинглар, шояд нажот топсангиз?!

Рибо, судхўрликдир. Халқ ўртасида шойеъ бўлган, рибал фазл, бу бир миқдор буғдойни, бошқа бир тур буғдойга, зиёдаси билан алмаштиришлик. Рибан насия бўлса, бировга пул бериб, кўпроқ қилиб олишлиқдир. Ҳозирги кундаги рибо, жоҳилийят вақтидагидан кўра, қаттиқроқдир. Жоҳилийятда биров пул қарз берса, маълум муддатга олиб келишни шарт қиларди. Шу вақтда олиб келса, ундан фойда олмасди. Шу вақтда келолмаса, ундан фойда оларди. Ҳозирги вақтда, қарз берса, шу вақтни ўзида фойдасини белгилаб, устига қўйиб олади. Худди, ҳозирги ширклар, жоҳилийят вақтидагидан кўра, қаттиқроқ бўлганидек. Ҳозирги риболар, жоҳилийят вақтидагидан кўра, хунукроқдир. Жоҳилийятда мушриклар, Қийинчилик вақтида, якка Аллоҳга сиғинишарди. Ҳозирги вақтда, қийналганлар ҳам, сохта бутларга сиғинишади. Рибо ейувчи одам, қиёматда жин урган одам каби, туради.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

دَرَهُمْ رَبًّا يَأْكُلُهُ الرَّجُلُ وَهُوَ يَعْلَمُ ؛ أَشَدُّ مِنْ سِتَّةٍ وَثَلَاثِينَ زُنْيَةً
خلاصة حكم المحدث : صحيح | التخریج : أخرجه أحمد

Кишининг билиб туриб, еган бир дирҳам рибо, ўттиз олтита зинодан қаттиқроқдир.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

الربا ثلاثة وسبعون بابًا ، وأيسرها مثل أن ينكح الرجل أمه ، وإن أربى الربا عرض الرجل المسلم
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع

Рибо, етмиш уч турлик бўлади. Шундан энг енгили, киши онаси билан ётгани каби, бўлади.

Судхўрлар тамоми ҳаётини барбод қилади, охиратини барбод қилганидан ташқари. Чунки, унинг баракотини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло шу вақтда кўтаради. Дунё рибога ботиб турган вақтда, Ислом рибони йўқотди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам рибони йўқотишни, ўзининг амакисидан бошладилар. (Аббосдан) Кимни ундан қарзи бўлса, рибоси бекор бўлди. Қарзини қайтарсин, дедилар. Қарзни рибога беришни ҳаромлигини айтдилар. Ҳажжатул вадодо айтган шу сўзлари билан, ислом оламида рибо йўқ бўлиб кетди.

Ислом қалбларга, имон мамлакатини қуриб қўйган эди. Қалбда Аллоҳнинг ҳукми, ҳукмрон бўлгандан кейин, Расулининг суннати ҳукмрон бўлганидан кейин, Аллоҳ ва Расули тарафидан келган буйруқ, бу мамлакатда ҳоким эди. Бу сўзлар, рибо билан шуғулланаётган, ўзини мўминман дейдиган, кофирларга эмас. Эй имон келтирган кишилар, деяпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло. Бу буйруқ мўминларгадир. Фақат мўминлар рибодан қайтади.

Ўзини мўминман деб, ёмон туш кўрганда, қўрқиб, эҳсон қилиб юрган одамлар, мутлақо қайтмайди. Шунинг учун бу ерда, эй инсонлар, деган хитоб бўлмади. Эй имон келтирган кишилар, рибони еманглар! дейиляпди. Ҳар бир одам, қалбида имони борми йўқми, ўзини имтихон қилиб олсин! Бўлса, рибодан шу куни воз кечади. Мана шу имоннинг аломати. Агар бу хитобга қулоқ солмаса, хотиржам бўлсин, уни имондан ташқарида эканининг белгисидир шу!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам еттита ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинглар, дедилар.

1. Ширк келтириш.
2. Ноҳақ одам ўлдиришлик.
3. Сеҳр қилиш.
4. Рибо ейишлик.
5. Етим молини ейишлик.
6. Жиҳоддан бош тортишлик.
7. Покиза аёллар шаънига бўҳтон қилишлик.

Рибони, одам ўлдириш билан, баробар қилдилар. Етим молини ейишликни, одам ўлдириш билан, баробар қилдилар. Ҳозирги вақтда номлари турланиб кетган, ҳаммасини йиғиштириб келсангиз, СЕҲР дейиладиган нарсани, одам ўлдириш билан, баробар қилдилар.

16. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يَرْدُّوْكُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ فَتَنْقَلِبُوا خَاسِرِينَ
بَلِ اللّٰهُ مَوْلَاكُمْ وَهُوَ خَيْرُ النَّاصِرِينَ

Оли Имрон сураси 149, 150 оят

Эй имон келтирган кишилар, агар аҳли кофирларга итоат қилсанглар, сизларни динингиздан ортга қайтаради. Шунда, дунёю охиратда, зиёнкор бўласизлар. Аллоҳ сизларнинг Хожанглар. Ва Аллоҳ ёрдам берувчиларнинг энг яхшисидир.

Хожа, ёрдам беради. Модомики, банда Хожам деса. Банда, у Хожани, бандаси бўла олса, у вақтда, У Хожа, қулини ёрдамсиз қўймайди. Лекин, қул бўлмасдан туриб, Хожадан ёрдам сўраш бўлмайди. Хитоб имон келтирган кишиларга бўлаяпди. Аллоҳ сизларнинг Хожанглар. дейилди. Мўмин одам, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, менинг хожам деб, билмоқлиги керак. Аллоҳнинг қули бўлмоқлиги керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёрдам берувчиларнинг энг яхшисидир. Тўғри, мўминларга мўминлар ҳам ёрдам беради. Лекин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ёрдам берувчиларнинг энг яхшисидир. Демак, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, кофирларга итоат қилиш зараридан огоҳлантираяпди. Такрор айтамиз, бу Хитоб, имон келтирган кишиларга, бўлаяпди.

17. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ كَفَرُوا وَقَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ إِذَا ضَرَبُوا فِي الْأَرْضِ أَوْ كَانُوا غُرًى لَّوْ كَانُوا عِندَنَا مَا مَاتُوا وَمَا قُتِلُوا لِيَجْعَلَ
اللّٰهُ ذَٰلِكَ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ وَاللّٰهُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَاللّٰهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

Оли Имрон сураси 156 оят

Эй имон келтирган кишилар, кофирларга ўхшаган бўлманглар! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни, кофирларга ўхшаган бўлишдан қайтаряпди. Сизлар мўминсизлар, деяпди. Уларнинг сўзларига ўхшаган сўзларни, гапирманглар! Улар зоҳиран мўмин сифат бўлиб, мўминлар ичига кириб олганлар, мўминларга бир фойда бўлса, биз ҳам улшдор бўламиз деб, ғанимат бўлса, оламиз деб, мўминларга араллашиб олган, зоҳирида мўмин, аслида кофир бўлган, мунофиқлар, ерда сайр қилишса, ёки, ғозий бўлиб, жиҳодда иштирок этишса, қўққисдан бирортаси ўлиб қолган бўлса, ёки, касалланиб вафот этган бўлса, ўзаро биродарларига айтишадики, бизни олдимизда бўлганда, ўлишмасди ва ёки, ўлдирилишмасди, дейишади.

Ҳозирги вақтда, бир киши, Ислом йўлида, ўзининг молини ва жонини сарф қилиб, Аллоҳнинг буйруғини қиламан деб, бирор жойда вафот қилган бўлса, ё бирор бир, зарар кўрган бўлса, мана, бизни гапга кирганда, бундай бўлмасди, дейдиган файласуф кофирлар кўпайиб кетган. Қуръони карим буларни кофирлар деб, атаяпди.

Ҳозир ҳам, бировга Исломи йўлида бир зарар етса, шуни доим, бу агар бизни маслаҳатга унаганда, бу зарарни кўрмасди, дейди. Баъзи кишилар, ҳаётидаги ҳамма яхшиликни Аллоҳдан деб, бир зарар кўриб қолса, бировдан кўради. Мана бу оятда, Эй имон келтирган кишилар кофирларга ўхшаган бўлманглар! Уларнинг сўзларига ўхшаган сўзларни гапирманглар! дейиларди. Уларнинг ақидаси бузуқ. Шунинг учун, улар, бу сўзларни айтишади.

لِيَجْعَلَ اللَّهُ ذَلِكَ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ

Аллоҳу таоло, бу сўзларни уларнинг қалбида ҳасрат бўлиши учун, гапиртиради.

وَاللَّهُ يُخَيِّ وَيُؤْمِنُ

Аллоҳ яшатади ва Аллоҳ ўлдирди.

وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

Аллоҳ сизлар қилаётган нарсани, кўриб турувчидир.

Ҳолид ибн Валид ҳаётлари тамоми жиҳодда ўтди. У кишини Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, жиҳодга жўнатганлар. У кишининг вафотидан кейин, Абу Бакр Сиддиқ Халифа бўлди. У киши даврида ҳам, Ҳолид ибн Валид жиҳодларда юрди. Ундан кейин, Умар ибн Хаттоб Халифа бўлдилар. Шунда, уни бўшатиб, ўрнига Абу Убайда ал Жарроҳни қўмондон қилиб тайинладилар. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу даврида ҳам, бу киши жиҳодда бўлдилар. Аллоҳ яшатади ва Аллоҳ ўлдирди. Бу киши умрларининг охирида афсусланганлар, Туя ўлгандек, ўлаяпман. Шаҳид бўлмадим, деб, кўп йиғладилар. Аллоҳ яшатади ва Аллоҳ ўлдирди. Мўмин одамнинг эътиқоди, шундай бўлиши керак.

Биз ўзимизга ўлим тилашлиқдан қайтарилганмиз. Ўлимдан эҳтиёт бўлишликка, маъмурмиз. Буни ҳам, Аллоҳнинг буйруғи билан қиламиз. Агар инсонда таваккул сифати бўлмаса, у ҳамма нарсада, заллат йўлига кетаверади. Фарзандни тарбиясида ҳам, таваккул бўлмаса, дарахтга чиқма, йиқилиб тушасан, деса, томга чиқма деса, у бола ҳеч қаерга чиқмай ўсади ва қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, бола бўлади.

Эрталабдан кечгача, уйда ўтирадиган бола бўлади. Бир нарсани тагида ўтирса ҳам, йиқилиб, устига тушади деб, очик ерда ўтирадиган бўлади. Бориб бориб, шу очик ерда ҳам, ерга кириб кетмасмикан? деган ташвишда бўлади. Агар инсонда таваккул сифати бўлмаса, ҳаётида бирор бир амал қилолмасдан, ўтиб кетади. Бунақа бўлганда, унақа бўлмасди, дейдиган одамлар, ақидаси бузуқ одамлардир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам:

وفي الصحيح عن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: احرص على ما ينفعك، واستعن بالله ولا تعجز، وإن أصابك شيء فلا تقل: لو أني فعلت لكان كذا وكذا، ولكن قل: قدر الله، وما شاء فعل؛ فإن لو تفتح عمل الشيطان

Лав демагин, (Агар демагин,) чунки, Лав, (агар, дейишлик) шайтоннинг дарвозасини очиб беради, дедилар.

(Ҳадиснинг тўлиқ мазмуни: Сенга манфаат келтирувчи нарсага интил. Аллоҳдан ёрдам сўрагин! Ожизлик қилма. Агар бир мусибат етса, агар, мен шуни қилганимда, шундай бўлмасди, демагин. Лекин, Қадаруллоҳ, вамо шаа фаъала. Аллоҳнинг қадари ва Аллоҳ хоҳлаган нарсани қилади, дегин! Агар, (Лав десанг) десанг, Шайтон амалларига йўл очилади, дедилар.)

18. Нидо ояти
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Оли Имрон сураси 200 оят

Эй имон келтирган кишилар, сабр қилинглар! Мўмин киши учун, ҳаётдаги ҳар нарсага, сабр қилишлик лозимдир. Аллоҳ буюрган нарсани, тўхтатиб қўйишлик сабр қилишлик эмас. Сабр қилишлик, бу Аллоҳ буюрган нарсани қилиш, ва шуни қилишликдаги қийинчиликка сабр қилишдир. Инсон биринчи, нафсига ёқмаган нарса устида, сабр қилишликка мажбурдир. (нафсини зўрлаб, шуларни бажаришлик керак) Аллоҳга ва Расулига итоат қилишликка мажбурдир. Аллоҳнинг буйруғини бажаришда ва расулининг суннатини бажаришда, одамларнинг масхараларига, сабр қилишга мажбурдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаром қилган нарсалардан, тийилишликка мажбурдир. Ҳаётда мўмин бўлиб яшаш учун, бошига тушган мусибатларга ва қийинчиликларга, сабр қилишга мажбурдир. Ва ўзига келаётган мартаба ва давлатга ҳам, ўзидан кетиб қолмасдан, шукр қилиб, сабр қилишга мажбурдир.

Сабрлашинглари деди, Аллоҳу таоло! Бунинг маъноси шуки, динни масхара қилаётган ва сизни диндан узоқлаштираётган одам ҳам, ўзининг ботил йўлида, сабр қилади. Ботил йўлни мўминлар ўртасига олиб киришга, ҳаракат қилиб, сабр қилади. Сиз ҳам сабрлашиб, уни сабр сифатида енгиласиз. Шундагина, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, бу сўзингизга таъсир ва ғалаба беради.

Рибот, сўзни луғавий маъноси, ўзини боғлаш, деганидир. Нафсини хуружларини боғлаш ва исломий ҳудудларни ҳимоя қилиб туришлик. Ислом ҳудудларини, чегараларини ҳимоя қилиб туришлик, бу Риботдир! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Риботга мўминларни буюрди.

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: رِبَاطُ يَوْمٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا عَلَيْهَا

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳ йўлида бир кун, ўзини боғлаш, дунё ва ундаги нарсалардан яхши, дедилар.

رِبَاطُ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ خَيْرٌ مِنْ صِيَامِ شَهْرٍ وَقِيَامِهِ
الراوي : سلمان الفارسي | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳ йўлида бир кеча ва кундуз, ўзини боғлаш, бир ой рўза тутиб, унда кечаси бедор бўлгандан кўра, яхшироқ, дедилар.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Беш вақт намозни жамоат билан ўқишлик, Рибот дедилар.

Ҳақиқатдан ҳам, ўзини Аллоҳнинг йўлига боғлаган одамларгина, Беш вақт намозни жамоат билан ўқий олади, биродарлар! Бўлмасам, бу ишни қилолмайди.

وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сабрга ва сабрлашишга ва риботга буюргандан кейин, Аллоҳга тақво қилинглари, шояд нажот топсанглари, деяпти. Бу ўн саккизинчи нидо. Сураси Бақарада ўн битта нидо бўлган бўлса, Сураи Оли Имронда, еттита нидо бўлди. Иншааллоҳ, кейинги дарсимизда, Сураси Нисодаги, нидо оятларини ўрганамиз.

(Шу ерда саволларга жавоблар берилган. Шулардан биттасини ёзишни лозим топдим.)

Бу ерда, Оминни баланд овоз билан айтишни, фазилатини айтиб беринг, деяпдилар.

Биродарлар, биз унинг фазилати томони билан, ишимиз йўқ. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида асҳоблар Оминни жаҳрий айтгани учун, Биз айтамыз. Бизга шу фазилати кифоя қилади. Фазилатини ҳадисларда кўп айтилган. Имом валаззоллин деса, Омиин денглар! Кимнинг, омин, калимаси, Малоикаларнинг омини билан, хил бўлиб қолса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади, деган ҳадислар бор. Яҳудлар, сизларнинг бу Омингингларга, ҳасад қилгандек, бошқа нарсага ҳасад қилишмади, деганлар.

Мўминлар шу Омин деганда, гуноҳдан тоза бўлиб кетади, деб, ниҳоятда кўп ҳасад қилади, деганлар. Бунга қарши бўлаётган одамлар ҳам, кимларга ўхшаб қолаётганлигидан, эҳтиёт бўлишлари керак.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма, аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қарздорларга нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга, амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизнинг Жомеъ мадраса масжидининг ҳақ йўлдаги хизматларига, нажот берсин! Шу йўлда хизмат қиладиганларга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дандурустлик берсин! Сўзларига таъсир берсин!

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларнинг ҳар бир қадамини, ажрлик қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, исломга хизмат қиладиган кишилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилишликни, Ҳақиқий мусулмон бўлишликни, ва ўлаётган соатимизда ҳам, Ҳақиқий мусулмон бўлиб ўлишликни, насиб қилсин! Қиёмат бўлишидан олдин, ўлишликни, насиб қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло оилаларимизга ҳам, ислом ҳақиқатларини билдирсин ва ҳақ йўлда, барқарор қилсин! Ўтган аجدодларни ҳам, Аллоҳу таоло, Гуноҳларини мағфират қилсин! Бизларнинг бу ибодатларимизни қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аҳли Исломни бирлаштирсин! Қалбларни ҳақ йўлда қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

75 Дарс

Эй имон келтирганлар нидоси: 4 қисм

(Бу дарсда, Нисо сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг учтаси тафсир қилинади. Тафсирлар кенг суратда бўлганлиги учун ҳам, учта оят тафсири, бир дарс бўлган. Бу дарс шу туркумдаги дарсларнинг тўртинчисидир. Бундан кейинги дарс билан бу туркумдаги дарслар ҳам тугайди. Шунингдек, Душанба Дарслари ҳам тугайди.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ وَأَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуху

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло қуръони каримда, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган нидо оятларини Сураи Бақара ва Сураи Оли Имрондагиларни ўрганган бўлдик. Бугунги дарсимизда, Нисо сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятларни ўрганамиз. Нисо сураси, аёллар сураси, деганидир. Аёллар хорланган ва ҳақлари поймол қилинган даврда, Ислом келди ва уларнинг ҳақларини ҳимоя қилди. Уларнинг ҳақларини Ислом олий қилди. Бу фақат ўша даврагина хос бўлиб қолмади ва қиёматгача келадиган, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилаяпмиз, дейдиган мамлакатлардагидан ҳам, олий чўққига етди.

Биз олдинги ва ҳозирги даврдаги жоҳилийят ҳақида, тўлиқ билмасдан туриб, Исломнинг аёлларга берган ҳуқуқларини билолмаймиз.

19. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَرِثُوا النِّسَاءَ كَرِهًا وَلَا تَعْضِلُوهُنَّ لِتَذْهَبُوا بِبَعْضِ مَا آتَيْنَهُنَّ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَنَّ بِفَاحِشَةٍ مُبَيَّنَةٍ وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

Нисо сураси 19 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло башарийят биносининг асли, оила бўлишини ирода қилди. Башарийят биносининг аслини, биринчи оила вужудга келишидан бошланишини ирода қилди.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ ۚ وَالْأَرْحَامَ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا

Нисо сураси 1 оят

Эй одамлар, ўзларингни тарбиятқунанданглардан кўрқингларки, сизларни бир нафсдан, бир кишидан яратган ва у кишидан, унинг жуфтини яратган эди. Ва у киши ва жуфтидан кўп кишилар ва аёлларни таратган эди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг иродаси, шундай бўлди. Ислом тасаввурида, башарийят аввалидан тортиб, то қиёматгача, катта бир оилани ташкил қилади. Исломда миллатчилик деган, маъно йўқ. Магар иккита миллат бор. У исломни қабул қилишлиги билан, араб, ўзбек, қирғиз, тожик, қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар, мусулмон миллатига айланади. Аммо, исломни қабул қилмаслиги билан, ким бўлишидан қатъий назар, ўзбекми, арабми, у кофир миллатига айланади. Шунини яхши билмоғимиз керак! Ислом, бошқа миллатни танимайди. Чунки, келажак жаннат ва жаҳаннам.

Иккала жойга одамлар тайёргарлик кўради. Мусулмон миллати, Аллоҳнинг буйруқларини бажаришлик билан, саодатманд бўладиган жаннатга, кўз кўрмаган қулоқ эшитмаган, лаззату имкониятлар билан, мукаммал бўлган зиёфатхонага тайёргарлик кўради. Куфр миллати, жаҳаннамга тайёргарлик кўради. Исломни буйруқларини инкор қилиш билан, Аллоҳ буюрган нарсаларни бажармаслик ва қайтарган нарсаларни қилишлик билан, кофир ҳам, кўз кўрмаган қулоқ эшитмаган, азобларга тўла бўлган, ўт жазосига ва ёки, совуқлик билан азобланадиган, жаҳаннамга тайёргарлик кўради. (Жаҳаннамда ўт азоби борлиги ва қайсидир жойида, совуқлик билан ҳам азоблайдиган ерлари борлиги, ривоят қилинган)

Оила жамият биносининг, бир ғиштидир. Агар бу ғишт чириган бўлса, бу бино ҳам, қаровсиз бино бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло каломида оилага, катта эҳтимом берди. Жамиятнинг бино бўлишини, шу оиладан бошланишини, ирода қилди. Ислом дунёқараши шу.

Одамнинг аслини ҳайвонга қайтариш, бу дунёқараш куфрдир. Бу ҳақоратдир, инсонга. Шунини яхши билишлик керак. У тушунчани пайдо бўлиши, Насороларнинг пешволари билан, халқлар ўртасидаги келишмовчиликдан вужудга келган. Насороларнинг пешволари ўзларига, ҳалол ва ҳаром қилиш ҳуқуқини, даъво қилишди. Илмий кашфиётларни ҳам, ўзларига даъво қилишди. Буни ақлга қўйиб қўйилишини тан олмасдан, ўзларича талқин қилишди.

Мисол қилиб айтганимизда, ер ва коинот ҳақидаги сирларни, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло инсоннинг ақли билан кашф қилинадиган, сирлар жумласидан қилди. Шу нарсаларни улар, олим бўлмасдан туриб, ернинг қандайлиги ҳақида, раъйлари билан фикр айтишди. Бу фикрлар, ботил фикрлар эди. Бу фикрни қабул қилишга, халқларни мажбур қилишди. Инсонни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мажбур қилиб юрадиган, халқ қилмади. Олимлари ер ва коинот сирларини кашф қилганларидан кейин, черков билан улар ўртасида адоват бошланди. Улар бу сўзларни, Аллоҳнинг сўзи дейишди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу маълумотларни, уларга билдирган эмас эди. Халқлар ибодатхонада ўтирган кишиларга кофир бўлиб, илмга имон келтиришлари мумкин эди. Шунинг учун, черков ўз ботил сўзида мустаҳкам турди. Илм одамларини қатл қилди. Илм одамларини, нажас деди. Буни қони ерга томса, ерни булғайди. Буни тирик ёндирилиши керак, дейишди. Уларнинг тарихи олимларни тирик ёндиришлик билан тўладир. (Католик Черковини, файласуфларга қарши, узоқ йиллик кураши натижасида, атеистик дунёқараш келиб чиққанлигига ишора қилинмоқда)

Ислом оламида, бундай маълумотларни кашф қилган кишилар китоблари ёқилмади. Ўзлари ҳам қатл қилинмади. Уларнинг китоблари Ислом оламида, бемалол ўқилди. Насоролар ибодатхоналари одамларга солиқни юклади. Мамлакатлар иши юрмагандан кейин, солиқ билан, кун кўрадиган бўлиб қолади.

Солиқни ҳаддан ташқари юклагач, халқлар уларга қарши чиқишди. Шу вақтларда инсон ҳайвондан бўлган деган, фалсафа ҳам, пайдо бўлди. Одамларда танлашга икки йўл қолди. Черковни тан олса, инсонни инсон авлоди деган, ақидани олардию, лекин, ниҳоятда катта солиқ тўлашга мажбур бўларди. Файласуфлар тарафига ўтса, инсонни ҳайвондан пайдо бўлган деган, ақидани олардию, лекин, солиқ тўламайдиган ҳайвон бўларди.

Солиқ шунчалик жонга теккан эдики, солиқ тўлайдиган инсон бўлгандан кўра, солиқ тўламайдиган ҳайвон бўлиш, осонроқ туюлган эди. Бу фалсафа маълум бир вақт, ҳукм сурди. Буни хато бўлганлигини, бугун ўзлари тан олишяпти.

Бизнинг ислом, жамиятнинг бино бўлишини, шу оиладан бошланишини, аниқ тиниқ баён қилган. Замони жоҳилийятда бир киши вафот қилса, бир неча аёли бўлиб, улар бева қолса, шу кишининг катта ўғли, отасининг бевасига уйланарди. (ўғай онасига) Жоҳилийят одати шундай эди. Дадасининг аёли, ўғлининг аёлига айланарди. Аёлнинг қадр қиммати йўқ эди. У мерос бўлиб қоларди. У гўёинки, бир палос (гилам) каби, нарсаси эди. Ҳамма жоҳилийятдаги ҳукмлар, шундай адолатсиз бўлади. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, шу ҳукмга бўйсунинг, талаб қилинади. Баъзида, аёл мерос бўлиб, катта ўғилни қўлига тушгандан кейин, ёки, эри аёлини қўйвормоқчи бўлса, унга зулм қилишга тушарди. Тазйиқлар қиларди. Нима учун? Агар аёл киши ажралмоқчи бўлса, оилани бузмоқчи бўлган, аёл бўлгани учун, шу оилага маълум бир маблағни тўлаб, чиқиб кетарди. (маҳрни олмасдан ташлаб кетарди) Эри талоқ қилса, маҳрни бериб юбориши керак эди. Аёлни молини олиб қолишлик учун, унга зулм қилинади. Талоқни сўраган ва оилани бузган у аёл бўлсин деб. Мақсад шу маҳрни унга бериб юбормаслик учун, шундай қилинади. Ҳозирда ҳам бундай зулмлар йўқ эмас, биродарлар. Бу нидо имон келтирган кишиларгадир.

Эй имон келтирган кишилар, сизларга аёлларни мажбуран мерос олиб, уларга эга бўлишинглар, ҳалол эмас. Маҳрни олиб қолишлик учун, аёлларни қийнаманглар. Магар очик бир фоҳиша ишни қилган бўлса, унда мумкин.

Агар аёл бузуқлик қилса, эри маҳрни қайтариб олишга, ҳаққи бор. Аллоҳнинг калимасини поймол қилганлиги ва бузуқ ишга журъат қилганлиги учун, Аллоҳу таоло, бу оилани вайрон қилган бу фосиқа аёлдан, маҳрни қайтариб олишликка, ҳуқуқ берди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аёллар билан, яхшилиқда ҳаёт ўтказишликка, буюрди.

وَعَاثِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

Аёллар билан, яхшилиқда ҳаёт ўтказинглар, деди.

Инсон, аёллардан малолат кўрганида, нидога қулоқ солсинда, Аллоҳ буюряпдию менга деб, сабр қилсин! Оила тинч пайтида, бу буйруққа ҳожат тушмайди. Шундай, яхши яшайверади. Аммо, аёли тарафидан унга беадабликлар, ёмон хулқлар ва номувофиқликлар содир бўлганда, Аллоҳ буюряпдию менга деб, сабр қилиши керак бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бунга сабр қилишликнинг тагида, яхшилиқлар бўлишига, ишора қиляпти.

Агар уларни ёқтирмасангиз, сизларга хулқлари ёмон бўлса, бирга яшашга қийналаётган бўлсанглар, мумкин Аллоҳ сизлар ёқтирмаган нарсада, сизга кўп яхшилиқлар қилса?! Мумкин, шу аёлдан туғилган фарзанд, сизни оилангизни, тарихда қолдирадиган фарзанд бўлар? Мумкин, шу аёлдан туғилган фарзанд, шаҳид бўлиб, қиёматда, сизни шафоатингизга сабаб бўлар?! Мабодо, шаҳидга шафоат изни берилса, у биринчи шафоат қиладиган киши, дадаси бўлса керак, валлоҳу аълам! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шаҳидга қариндошларидан етмиш кишини, шафоат қилиш ҳуқуқи берилади, дедилар.

Мумкин сиз ёқтирмаётган аёлда, бошқа кўп ҳикматлар бордир. Инсон фикри, доим тўғри бўлавермайди. Бунга ҳаётда, кўп мисоллар бор. Инсон кўп нарсани ёқтирмайди. Даволанаётганда, жарроҳнинг муомиласини ёқтирмайди. Лекин, бу жарроҳнинг муомиласидан, унга кўп яхшилиқ бўлади. Инсон, камбағалликни ёқтирмайди. Мумкин, шу бой бўлиши билан, тавфиқи йўқолиб кетиши мумкин?! Инсон ёқтирган нарсасина, яхшилиқ бўлавермайди. Робб таоло, ғайбу шаҳодатни билувчи Зот. Бу сўзни эшитиш, инсонни пешанасидан тер чиқарадиган сўздир.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сен ётирмасанг ҳам, яшагин, демаяпди. Мумкин, Аллоҳ сизлар ёқтирмаган нарасада, сизга кўп яхшиликлар қилса? деяпди. Буни, ғайбу шаҳодатни билувчи Зот, айтаяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло тарафидан мана бу йўлланма, ҳаммамиз учун муҳимдир, биродарлар.

وذلك أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لا يفرك مؤمن مؤمنة، إن كره منها خلقا رضي منها آخر. رواه مسلم

Мўмин киши, мўъмина аёлни ёмон кўрмайди. Бир хулқини ёқтирмаса, бошқа хулқини учун, ундан рози бўлаверади, дедилар.

Аёлини ёқтирмаётган одам, бу аёлини мўъмина эканлигини, билсин! Аллоҳнинг буйруғини қиламан ва қайтарган нарсасидан қайтаман, деган сифатини, эсидан чиқармасин!

20. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

Нисо сураси 29 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларга хитоб қилиб, ўртанглардаги молларни, ноҳақлик билан, ботил йўл билан, еманглар! деди.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу ноҳақлик билан, ейилаётган молни, шу мусулмон жамиятининг моли, деяпди. Шу ўртанглардаги молларни, ноҳақлик билан, ботил йўл билан еманглар! деди. Магар икки тарафнинг розилиги билан, тижорат қилиб, мол топилаётган бўлса, унда рухсат. Фақат молни ноҳақ ейишликдан қайтарилаётгани йўқ. Ноҳақлик билан топган молдан, бино ҳам қуриб бўлмайди ва сайёра ҳам олиб бўлмайди ва кийим кийиб ҳам, бўлмайди. Оятда, молни ейишликка қайд қилиняпди, чунки, кўпроқ емоқ учун, мол сарфлангани учун. Тижоратни ҳалол деди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, тижоратни ҳаром деб, қўйган кимсаларни, бурниларини ерга ишқаб, тижорат, тараққиётнинг ягона омили, дейишликка, мажбур қилди. (СССРда шахсий хусусий тижорат, қонун билан таъқиқланганди. Тижорат қилувчи шахслар чайқовчи деб, қамаларди) Тижорат Исломда ҳалол касбдир. Бу Пайғамбарлар касбидир. Тижоратни ҳалол ва уни ривожлантириш керак, деган сўз, мусулмонларга нисбатан янгилик эмас. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тижорат ҳақида жуда кўп, кўрсатмалар бердилар.

قال رسول الله ﷺ البيعان بالخيار ما لم يتفرقا، فإن صدقا وبينا بورك لهما في بيعهما، وإن كتما وكذبا محقت بركة بيعهما متفق عليه

Икки киши ажралиб кетмагунча, ихтиёрлидирлар, дедилар. Бир киши молни олиб, пулни бергач, жойидан жилмай турсалар, ихтиёрлари билан турадилар. Юриб кетгач, энди ихтиёрлари қолмайди. (Яъни, молни қайтариб беришга ва ёки, сотувчи қайтиб олишга ихтиёри бўлмайди.) Агар байъда шарт қилинган бўлмаса. Мисол учун, бир киши сайёра олмоқчи бўлса, уч кун миниб кўрсам, деса, шу уч кун ичида, олмайман деб, қайтариб бериши мумкин? Бир ҳафтадан кейин, қайтариб олиб келмайди. Баъйда шарт қилинмаган бўлса, қайтаришликка ҳаққи йўқ. Бир киши, юз сўмга бир мол олса, шуни икки юз сўмга сотса, шу икки тарафнинг ризоси билан бўлса, ҳалол бўлади. Баъзи савол бўладик, кўпроқ фойда қилишлик, ҳукми нима? деб. Яъни, кўпроқ фойда қилишлик, икки тарафнинг ризоси билан бўлса, ҳалол бўлаверди. Биз ҳар бир мусулмонга нисбатан, холис туришга маъмурмиз. Шунинг учун, мусулмонга нисбатан, ўзимизнинг фойдамизни ҳам, меъёрда қилмоғимиз керак. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам баъйдаги ғашликни, алдовни маън қилдилар. Мадина бозорига кирдилар. Аллоҳнинг салоту ва саломи бўлсин, тамоми оламнинг пешвоси бўлган киши, шу бозорларда юриб, ўзларининг эҳтиёжи учун, ўйланиб юрган зотга, Аллоҳнинг салоту ва саломи бўлсин!

Борми ер куррасида, ўзининг эҳтиёжи учун, бозорларда юрадиган пешво? Биз ҳа, бор, деб, айта оламиз. Чунки, саййидул башар, Саййидул анбиёи вар русул, мана бундай Мадина бозорига кирдилар. Халқлар билан бевосита кўришдилар. Уларнинг аҳволидан бевосита хабар олдилар. Уларнинг холис амал қилаётганларини, бевосита мақтадилар. Уларнинг макр қилаётганларини, махсус кишилар билан ушламадилар. Балки, ўзлари кузатдилар. Бир идишдаги сотилаждиган нарсани кўрдилар. Ейдиган нарса эди. Бу нарса, қуруқ бўлиши керак эди. Қўлларини солиб кўрдилар. Ўртаси ҳўл эди. Шунда сотувчини айбладилар. Нимага ҳўл тарафини юқорига қилиб қўймайсан, Сотиб олувчилар кўриши учун, эй фалончи? дедилар.

من غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا وَالْمَكْرُ وَالْخَدَاغُ فِي النَّارِ
الراوي : عبدالله بن مسعود

Бизга софдиллик билан муомила қилмаган, биздан эмас, дедилар.

من غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا وَالْمَكْرُ وَالْخَدَاغُ فِي النَّارِ
الراوي : عبدالله بن مسعود

Макр ва алдов ўтда, дедилар.

Бугунги оламга қаранг! Макр ва алдов ўтда, дедилар. Макр ва алдови йўқ савдони, кўрсатган одамга, мукофот беришса керак ҳозир. Макр ва алдов, жаҳаннам ўтида, дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам усти қуруқ ва таги ҳўл бўлган таомни, ушлаб кўриб, бу ишинг ғашлик ва шу ишни қилсанг, биздан бўлмайсан ва бу ишинг макр ва алдовдир. Макр ва алдов ўтда, дедилар.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мўминларга хитоб қилиб, ўртанглардаги молларни, ноҳақлик билан, ботил йўл билан еманглар! деди. Ортидан, ўзингларни ўзинглар, ўлдирманглар! деди.

Молни ноҳақ ейишлик билан, жамиятда ноҳақ қатл кўпаяди. Бу нарса, аввалги асрларда унча тушунарлик бўлмасада, ҳозир жуда тушунарлиқдир. Молни ноҳақ ейишлик билан, жамиятда, ноҳақ қатл вужудга келишлигини, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўзининг каломида ёд қилди. Ҳозирни текширинг, ноҳақ одам ўлдириш қимордан вужудга келади. Маст қилувчи ичимлик билан ва алдов макр билан, ноҳақ тортиб олишлар билан, ноҳақ қатл вужудга келаяпти.

Молларни, ноҳақлик билан, еманглар ва ўзинглар ўлдирманглар! деди. Мўмин киши мусулмон жамиятида, бир кишини ўлдирилмоғини, ўзини ўлдирилмоғи деб, билмоқлиги керак. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзингларни ўзинглар, ўлдирманглар! деди. Мусулмон кишини, мусулмон жамиятида, ўлдирилмоғини, мусулмон киши, ўзини ўлдирилмоғи деб, билмоқлиги керак.

إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا

Молларни, ноҳақлик билан, еманглар деган, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сизларга меҳрибон ва раҳмлиқ Зотдир.

Шунинг учун, сизларни ўзаро ўртанглардаги молни, ноҳақ ейишдан қайтаряпти. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг меҳрибонлигини, ислом тарихи кўрди, биродарлар! Саҳобалар бу кўрсатмаларга, ниҳоятда амал қилдилар. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ, ходимлари тўнни икки хилига, бир хил нарх қўйиб, сотиб олгани маълум бўлганидан кейин, шубҳа бўлганда, дастмоели олиб қолиб, фойдадан воз кечилади. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ, дастмоели билан қўшиб, салдақа қилиб юборган эканлар. Уламолардан биттаси, ходимлари икки хил нарсани, бир хил нархда сотиб келганда, нега бундай қилдинг? дедилар. У рози бўлиб олди деди. Чақир дедилар. У келганда, бу нарса, бизни тарафда, жуда қиммат туради. Мен рози бўлиб олдим, деди. Ўзи рози бўлса, бу ҳалол эди, биродарлар.

Шунда айтдиларки, у рози бўлса ҳам, сен нега, ҳар бир мусулмонга нисбатан, холис туришлик сифатингни йўқотдинг? дедилар. Ислон тарихи бунақа нарсаларга бойдир. Тақво, дунёдан воз кечишлик эмас, биродарлар. Тақво, шу бозорда туриб, тақво қила олишлиқдир. Макр, ҳийла, алдов билан тўлган ерда, Аллоҳдан қўриқиб, тоза тура олишлик, бу тақводир. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳга, зуҳд, дунёни дўст тутмаслик ҳақида, бир китоб ёзмайсизми? деганларида, ёздим деган эканлар. Биз кўрмадиқку, деганларида, «китобу байъни» ёздим, деган эканлар. (Фикҳда савдо китоби деган боб бор. Шуни назарда тутилган) Яъни, бу дунёни дўст тутмаслик, бу баъйда билинади. Дунёдан ташқарида турган одамни, тақво қилган одам, демаймиз. У бола чақадан воз кечиб, роҳатини кўзлаган одам у. Савдони устида, ҳаром бўлса, воз кеча олган ва ҳалол бўлса, қабул қила олган одам, дунёни дўст тутмаган одамдир! Тоғу тошга чиқиб олиб, бир чеккага бориб олиб, бўлса еб, бўлмаса, хотиржам бўлиб ўтиришлик, бу роҳат бу.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ўзингларни ўзинглар ўлдирманглар! деди.

أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: من قتل نفسه بشيء في الدنيا غُذِبَ به يوم القيامة رواه البخاري ومسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат куни, ўша нарса билан азоб берилади.

ومن قتل نفسه بسم فسمه في يده، يتحساه في نار جهنم خالدًا فيها أبداً، وهذا الحديث ثابت في الصحيحين

Ким ўзини заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни, шу заҳар қўлида бўлади ва доим ичиб туради. Дўзах ўтида бўлади, дедилар. (Уламолар, бундай кишилар, кофирлар каби, абадий дўзахда қолмайди, дейишган, валлоҳу аълам.)

21. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْرَبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَارَى حَتَّى تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ وَلَا جُنْبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّى تَغْتَسِلُوا وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُم مِّنَ الْغَائِطِ أَوْ لَامَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا بِوُجُوْهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا
Нисо сураси 43 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Эй имон келтирган кишилар, деб, нидо қилаяпди. Маст қилувчи ичимлик Ислонда ҳаромдир. Маст қилувчи ичимлик ҳақида, учта оят нозил бўлди. Сураи Наҳлдаги ишора билан, тўртта оят нозил бўлди. Аллоҳнинг берган энг катта неъматни ақлни, йўқотадиган нарсани, ҳурматлик одамлар ҳам, пулга сотиб олиб, ичиши мумкинмикан, деб одам ўйланади. Аллоҳнинг берган энг катта неъматни, ақлни йўқотадиган нарсани, ҳурматлик одамлар ҳам, пулга сотиб олиб, ичишини кўрсангиз, одамларга нима деб, баҳо беришликни билмайсиз. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло маст қилувчи ичимликка ғарқ бўлган одамни, тозалашда, кўп нарсага муҳтож бўлмади. Учта оят тушди халос. Бу сўз Аллоҳнинг сўзи эди. Бошқаларнинг, унга қарши тарғибот воситалари, уни кўпайтиришга хизмат қилди, халос. Бу оятда, Маст қилувчи ичимликни, яхши ризқ эмаслигига ишора қилинди.

وَمِنْ ثَمَرَاتِ النَّخِيلِ وَالْأَعْنَابِ تَتَّخِذُونَ مِنْهُ سَكَرًا وَرِزْقًا حَسَنًا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ
Наҳл сураси 67 оят

Ва хурмо меваларидан сизлар, маст қилувчи ичимлик оласизлар ва яхши ризқ оласизлар.

Маст қилувчи ичимлик, яхши ризқ эмаслигига ишора бўлди. Маст қилувчи ичимлик, муқобаласига яхши ризқ қўйилди. Имон қалбларига кирган одамларнинг, қалблари уйғонди. Маст қилувчи ичимликни ичишлик дурустмикан ўзи? деб, сўраб бошлашди.

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ قُلْ فِيهِمَا إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنْعٌ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا أَكْبَرُ مِنْ نَّفْعِهِمَا
Бақара сураси 219 оят

Эй Муҳаммад алайҳиссалом сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади, деб, баён қиляпди, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сиздан хамр ва қимор ҳақида сўрашади. Сиз жавобига айтингки, катта гуноҳ бор денг. Ва одамларга манфаат ҳам бор денг. Лекин, гуноҳи, фойдасидан кўпроқдир денг.

Ҳозирда кўп файласуфлар борки, маст қилувчи ичимликни фойдаси бору. Томоқни қиздиришда фойдаланилади, дейди. Сиз унга айтингки, бизга унинг манфаатини, айтманг! Бизга унинг манфаатини, Роббимиз бир минг тўрт юз йил илгари айтган. Манфаати бўлса ҳам, ҳаром бўлади. Унинг зарари, манфаатидан кўп, деган Аллоҳу таоло. Мана бу нарсалар билан, қалблар қўзғолди. Гуноҳдан ўзини торта бошлашди.

Кейинчалик, намозга маст ҳолингизда яқинлашманг! деган буйруқ келди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقْرُبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا مَا تَقُولُونَ
Нисо сураси 43 оят

Эй имон келтирганлар, намозга маст ҳолингизда яқинлашманг! Ҳатто, сизлар нима ўқиётганингизни билмагунча, ояти нозил бўлди.

Демак, намозда нима деяётганимизни билиб қўймоқлик керак. Қуръонни маъносини билмасдан яшаётган кишилар ҳам, бир ўйлаб кўрмоғи керак. Нима ўқиётганингизни билинглар, деди Аллоҳу таоло. (Билмасанглар ўқиманг деди. Маст бўлиб, билмай қолган бўлса, то биладиган бўлгунча ўқимади. Демак, илмсизликдан билмаганлар ҳам, билиши керак)

Маст бўлган одам, бировни гапини эмас, ўзини гапини ҳам, билмай қолганда, дадасини ҳам сўкаверади. Энди у дадасини, хафа бўлиши ҳам, нотўғри, биродарлар. Ичгандан кейин, у сўкадида у. Йигирма тийинга атлас чиқмайди, биродарлар. Бўз чиқади. Маст бўлиб, қолган одамдан, дадасига ҳурмат вужудга келмайдида. Албатта, у ҳақорат қилишдан бошқа нарса чиқиши керак эмас. У дадаси ҳам, айтиши керакки, мана бу менинг тарбиямнинг бераётган меваси, дейиши керак. Чунки, дадаси бу билан фахрланган. Умринда отасига қилиб берганмас, шу маст қилувчи ичимликларни қўйиб, улфатларига қилган зиёфатни, отасига қилиб берган эмас.

Эй имон келтирганлар, намозга маст ҳолингизда яқинлашманг! Ҳатто, сизлар нима ўқиётганингизни билмагунча, деган оят, нозил бўлди.

Намоз пайдар пай келади. Беш вақт намоз. Маст бўлган одам, мастлиги тарқамасдан намоз вақти келиб қолади деб, кўп мўминлар бундан тийилди.

Кейин, эса, охирги Моида сурасидаги оят нозил бўлди. Бу оят, аввалги оятлар ҳукмини мансук қилди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Моида сураси 90 оят

Бу оят билан, қатор нарсалар ҳаром қилинди.

Эй имон келтирганлар, Маст қилувчи ичимликни ичишлик ва қимор ўйнашлик, бутлар, (Хоҳ сурат, хоҳ ҳайкал, хоҳ бошқа ибодат қилинадиган шаклни олган бутлар) фол очишлар, булар ҳаммаси рижс, нопок нарса, нажас нарса, шайтоннинг иши, бундан четланинглар! Шунда нажот топасизлар, деди.

Шу билан, маст қилувчи ичимликни ичишлик, қиёматгача ҳаром бўлди. Номи қанақа бўлишлигидан қатъий назар, арабчами, ўзбекчами, инглиз тилида бўлишлигидан қатъий назар, ҳаммаси ҳаромдир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўн кишига лаънат айтдилар: ичувчига, сотувчига, олиб келувчига, куйиб берувчига ва ҳаказоларга. Буларни аввалги дарсларимизда баён қилганмиз. Аллоҳнинг лаънати бўлсин деб, биз ҳам айтамыз. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам лаънат айтган кишиларга, бизнинг ҳам лаънат айтишимиз, суннатдир.

وَلَا جُنْبًا إِلَّا غَائِرِي سَبِيلٍ حَتَّى تَغْتَسِلُوا

Жунуб ҳолатда, намозга яқин бўлманглар. Масжидга жунуб одамни кириши мумкинмас. Мабодо, масжид йўлидан ўтиб кетадиган бўлса, мумкин. Ғусл қилмагунларинга қадар, мумкинмас.

وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنَ الْغَائِطِ

Агар, касал бўлсанглар, ва чўмилишликда касаллик зиёда бўладиган бўлса, таҳорат қилса, касали зиёда бўлади деб, табиб айтса, ҳамма табибмас, умрида намоз ўқимаган табибмас. Ислонни билган ва сувни зарар қилишини билган табиб, айтса, ғусл ва таҳорат сизга зарар қилади деса. Ёинки, мўмин киши сафарда бўлса, ёки, сизлардан кимдир ғоитдан келган бўлса, ғоит деб, чуқур жойни, араблар ғоит дейди. Бундан киноя, катта таҳорат қилган бўлсангиз, қуръони карим, ажиб бир назокат билан, латофат билан баён қилаяпди. Сизларнинг битталаринг, чуқурроқ жойдан келса, деяпди. Яъни, бу катта таҳоратдан киноядир.

أَوْ لَامَسْتُمُ النِّسَاءَ

Ё аёлларга теккан бўлсанглар, яъни, жимодан киноя.

فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

Покиза сув тополмасанглар, (ёки, сув бору лекин, касалликни зиёда қиладиган бўлса) таяммум қилинглар, покиза тупроққа, деди.

Мўмин киши мабодо, сув тополмай қолса, ё сафарда бўлди, ёки таҳорати синди, ёинки, ўзининг оиласи билан қўшилди ва ғусл вожиб бўлди. Таҳорат ё ғусл учун, сув топилмади. Таҳорат ё ғусл нияти билан, тупроқни қасд қилиб, таяммум қилади.

فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ

Шу тупроқни юзига ва қўлига суртади.

إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло афв қилувчи ва кечирувчи Зотдир!

Афв бўлса, бандалардаги нуқсонларни кечиришлиги ва Ғофур бўлса, гуноҳларни кечиришлигига хосдир бу.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам:

اللَّهُمَّ إِنَّكَ غَفُورٌ كَرِيمٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِّي

Эй Аллоҳим, сен авф қилувчисан. Авф қилишни яхши кўрасан. Мени авф қилгил, деб, кўп дуо қилардилар.

Мана бу оят, таяммум оятидир. Таҳорат қилишга қодир бўлмаган одам, таяммум қилади. Таяммум бу, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг мўминларга берган, неъматидир бу. Таяммум ҳақида ақлий фалсафага берилган тоифалар, бу тупроқ бўлса, қандай одам пок бўлади? дейишади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизни шунга буюрди. Бу нарса, тааббудий. (бандалик қилишлиқдир) Шунини қилсак, ўзимизни таҳоратлик деб, биламиз. Биз ғуслни қилдик деб, эътибор қиламиз, шу таяммум билан. То сув топилгунча. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг буйруғини бажаришлик билан, биз пок бўламиз. Аллоҳ пок деган одам, нопок бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ нопок деган одам, бир дарё сувга ювинсада, покиза бўлиши мумкин эмас. Ит дарёга тушиб, нариги тарафидан чиққанда ҳам, итлигича қолаверади. Аллоҳ пок деган одам, покизадир. Аллоҳ нопок деган одам, нопокдир! Мушриклар ширк келтиргани учун, нажасдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ

Тавба сураси 28 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мушриклар нажасдир, деди.

У ҳар қанча покизаланмасин, ширк амалини қилса, Аллоҳнинг шаҳодати билан, нажасдир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло таяммум қилган одамни, пок деяпти. Уни ғусл қилган одам, деймиз. Аслида, ғусл нима учун? Намоз ўқиш ва қуръон ўқишлик учундир. Энди у, Намоз ўқимаса ва қуръон ўқимаса, ғусл қилганию, қилмаганини фарқи йўқ. Шундай тушунмоқлигимиз керак! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, шу нидога амал қиладиган, кишилардан қилсин!

(Шу ерда саволларга жавоблар берилган.)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳамма, аҳли ислом, беморларга шифо берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло адашганларга ҳидоят берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга, амал қиладиган илм берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Фарзанд сўраганларга, фарзанд берсин ва фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсга бирини келган зиёли акаларни, исломга хизмат қиладиган зиёлилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, ҳақ йўлда барқарор қилсин! Шу дарсни тушуниб, амал қиладиган кишилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, Эй имон келтирган кишилар, деган нидога, имон келтириб, амал қиладиган кишилардан қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буюрган буйруқларни қилишликка ва қайтарган нарсалардан қайтишликка, тавфиқ берсин! Ўтган аждодларни ҳам, Аллоҳу таоло, Гуноҳларини мағфират қилсин! Фарзандларимизни солиҳ ва солиҳалардан қилиб, бахли саодатлик қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мусулмонларни офатлардан сақласин! Мусулмонларга Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баракот берсин! Ҳалол касб берсин! Ҳаромдан ижтиноб қилишликка, тавфиқ берсин! Макр ва алдовлардан, Аллоҳ Ўзи сақласин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломи ёрдам бераётганларга, ёрдам берсин! Зарар етказаётганларга, Аллоҳ кифоя қилсин! Дуо қилишликдан бошқа, бизда ҳеч чора йўқ, биродарлар. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ҳаққа амал қилишликка тавфиқ берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

76 Дарс

Эй имон келтирганлар нидоси 5 қисм

(Бу дарсда Нисо сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг тўрттаси тафсир қилинади. Бу дарс шу туркумдаги дарсларнинг, бешинчисидир. 90 та нидо оятидан, шу бешта дарсда, жами, 25 та оят ўрганилди. Бу дарс билан, шу туркумдаги дарслар ҳам, тугайди. Шунингдек, Душанба Дарслари ҳам, тугайди. Қолган иккита 77 ва 78 дарслар, саҳобалар қиссалари бўлиб, улар Душанба дарсига қирмайди. Улар жума кунларида, алоҳида дарс қилинган. Улар ақидавий дарслар жумласидан эмас.)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنُسْتَعِينُهُ ، وَنَسْتَغْفِرُهُ ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهِ أَنْفُسِنَا ، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلَّ لَهُ ، وَمَنْ يَضِلَّ فَلَا هَادِيَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Мазмуни: Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унга ҳамд айтамыз ва Ундан ёрдам сўраймыз ва унга истиғфор айтамыз. Ва нафсимиз ёмонлигидан ва ёмон амалларимиз зараридан Аллоҳдан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқ. Кимни Аллоҳ адаштиради, уни ҳидоятловчи йўқдир. Ва Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деб, гувоҳлик бераман. Ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули деб, гувоҳлик бераман.

Ундан кейин:

Ассалому алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Қуръони каримдаги, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг имон келтирган кишиларга бўлган нидосининг, йигирма иккинчисига келдик. Бу нидо, Аллоҳга ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш ҳақида, ва мусулмонларнинг танлаб олинган пешволарига итоат қилишни вожиблиги ҳақидаги нидодир. Бугунги дарсимизда, шу нидони ўрганамиз. Ва шу Аллоҳга ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишда, ўртада келишмовчилик чиққан вақтида, шу низони Аллоҳга ва Расулulloҳга қайтаришлик ҳақида, дарс қиламиз.

22. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

Нисо сураси 59 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Эй, имон келтирган кишилар деб, нидо қилаяпти. Такрор айтамыз, эй қадди қомати келишган инсонлар, демаяпти. Ёки, эй молу давлати кўп бўлган инсонлар, демаяпти. Чунки, бу нарсалар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурида, агар имон ва исломга хизмат қилмаса, қадр қийматда, искаб топарнинг қанотига ҳам, баробар бўлмайди.

وعن سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَوْ كَانَتِ الدُّنْيَا تَعْدِلُ عِنْدَ اللَّهِ جَنَاحَ بَعُوضَةٍ مَا سَقَى كَافِرًا مِنْهَا شَرْبَةً مَاءٍ رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ، وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Агар, дунёни Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурида, искаб топарнинг қанотиға баробар, қадри бўлганда, кофирга бир қултум сув бермаган бўларди. Аллоҳнинг йўлини инкор қилган кофирга, бир қултум сув бермаган, бўларди. Бу дунё, эътибори йўқ нарса бўлгани учун, кофиру мусулмонга берилаверадиған нарса. Мусулмон киши, молни Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилишлик билан ва Аллоҳ буюрмаган жойларга, сариқ чақаям сарф қилишга, Аллоҳдан қўрқишлик билан, ибодат қилиб олади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг ҳузурида, сариқ чақалик қадри йўқ нарса билан, ибодатни қўлга келтириб олади. Худди мана саҳобалар ва тобеъинлар, ўзларининг жойларини жаннатдан ҳозирлаб олишганга ўхшаб. Демак, биз қайси нарса билан, Аллоҳнинг ҳузурида мўътабар бўлдик? Имон билан!

قُلْ مَا يَغْبُوْا بِكُمْ رَبِّیْ لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُوْنُ لِزَامًا
Фурқон сураси 77 оят

Айтинг, эй Муҳаммад алайҳиссалом, Роббим сизларни мутлақо эътиборга олмайди. Агар, сизларни, дуоинглар, яъни, имонинглар бўлмаса, Роббим сизларни мутлақо эътиборга олмайди.

إِنَّ اللّٰهَ لَا يَنْظُرُ إِلَى صُوْرِكُمْ، وَلَا إِلَى أَمْوَالِكُمْ، وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوْبِكُمْ وَأَعْمَالِكُمْ

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларнинг қадди қоматингларга қарамайди. Қалбингларга қарайди.

وَإِنْ يَقُولُوا تَسْمَعُ لِقَوْلِهِمْ كَأَنَّهُمْ خُشُبٌ مُّسْنَدَةٌ وَإِذَا رَأَوْهُمْ تَعْجَبُ أَجْسَامُهُمْ
Мунофиқун сураси 4 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мунофиқларни сифатини айтганда, мунофиқларни кўрсангиз, ажиб бир қадди қомати бор экан, деб, уларнинг қомати, сизни ажалантиради, дейди.

Шунинг учун ҳам, куфр ва нифоқ ўзига пешво танлаётганда, унинг қадди қомати, биринчи масъала бўлади. Нима учун? Унда қадди қоматдан бошқа, фазилят йўқ. Унда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурида, фазилят бўладиган нарсалардан, йўқ бўлганлиги учун, биринчи, шу шакл танланади.

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга нидо қилаётган сабаб, биз Аллоҳ тарафидан қақирлишликка лойиқ бўлган сифатимиз, имон экан.

Эй, имон келтирган кишилар деб, нидо қилаяпди, Аллоҳу таоло. Бу нидога мўминларгина қулоқ солади. Чунки, Аллоҳ ва Расулига итоат қилиш ва мўминлардан бўлган пешвога итоат қилиш, бу ўзининг ҳавойи нафсидан воз кеча олган, Аллоҳ ва Расулининг ҳукми нима бўлса, шунга бўйсунаман деб, туришлик, қалбида имон, мустаҳкам ўрнаган кишиларгагина насиб бўлади.

Эй, имон келтирган кишилар, Аллоҳ итоат қилинглари ва Расулига итоат қилинглари. Чунки, Расул бу

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ
Нажм сураси 3.4 оятлар

Пайғамбар ҳавосидан гапирмайди. Пайғамбар гапирган сўз, Аллоҳ тарафидан ваҳй қилинган сўздир.

Шунинг учун, Пайғамбарга итоат қилаётган инсон, ўзини Аллоҳга итоат қилаётганини, ҳис қилади.

من أطاعني فقد أطاع الله، ومن يعصني فقد عصى الله
Рواه مسلم

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким менга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга итоат қилмаса, Аллоҳга итоат қилмабди, дедилар.

Пайғамбарлар ҳаммаси маъсум, хатодан сақлангандир, динни етказишлиқда. Шунинг учун, Пайғамбарга итоат қилмаган, Аллоҳга итоат қилмаган, ҳисобланади.

وَأُولَى الْأَمْرِ مِنْكُمْ

Нисо сураси 59 оят

Ва ўзинглардан бўлган, иш эгаларига итоат қилинг. Булар кимлар? Ислон пешволари, китоб ва суннат олимлари, шариат олимлари, мана шулар иш эгаларидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло буларга итоат қилишга, бизни буюряпти. Шундан кейин,

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

Нисо сураси 59 оят

оятини келишлиги, ҳаммамизни диққатимизни, ўзига тортади. Бу ерда айтиляпдики, агар бир нарсда келишолмай қолсанглар, бир нарсани ҳақ, ботиллигида, тўғри ва нотўғрилигида, ёмон ва яхшилигида ва ҳидоят ва залолатлигида, келишолмай қолсангиз, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга осон йўлланма берайпти. Аллоҳга қайтаринглар ва Расулга қайтаринглар. Аллоҳга қайтариш нима? Аллоҳга қайтариш, Аллоҳнинг каломига қайтаришдир. Аллоҳ китобини қиёматгача сақлашликка, Ўзи ваъда берди.

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

Ҳижр сураси 9 оят

Демак, Аллоҳнинг китобига қайтарамиз. Агар, Аллоҳнинг китобига ҳукмимиз тўғри келса, қабул қиламиз. Бўлмасам, деворга урамиз. Аллоҳнинг китобидан кейин, Пайғамбар суннатига қайтарамиз. Суннат сўзлари ва амаллари ва ҳузурида қилинган вақтда, тақрир қилиб, рад қилмаган амалларидир. Такрор айтамыз, ҳар қандай кишининг тарихида, бировнинг мартабасини, молу давлатини, қариндошлигини риоя қилиб, қайтаролмай қолганига, мисоллар топилади. Аммо, Пайғамбар ҳузурида, шариатга зид иш бўладиган бўлса, ер куррасидаги ҳамма одам, қарши бўлиб, Пайғамбар якка қолган бўлса ҳам, шуни рад қилади. Шунинг учун, Пайғамбар ҳузурида, бир амал қилинган вақтда, рад қилмаган бўлсалар, шу амал, тақририй суннат бўлиб қолади.

Холид ибн Валид араб тилида, Бот деган, қадимги туркий тилда, ботмунчоқ деб аталадиган, калтакесақдан кичикроқ ҳайвоннинг гўштини едилар. Бану Тамом қабиласи, ер эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни таклиф қилганларида, мен одатланмаганман, дедилар. Уларни ейишдан қайтармадилар. Шунинг учун, унинг гўштини ейишлик, мубоҳ ҳисобланади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Менга қуръон берилди ва қуръонча илм берилди.

وَأَنزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ

Нахл сураси 44 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Айтади: Биз сизга Зикрни туширдик. Одамларга баён қилиб беришлигингиз учун. Демак, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло баён неъматини берди. Ҳизирги вақтда шундай адашган тоифалар борки, мутлақо илмдан бебаҳра улар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини, эътиборга олмайдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига ғалат аралашган деб, эътиборга олмайдигани бор, булар ҳам адашган. Булар, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларию, деб эътиборга олмайдигани бор, булар ҳам адашган.

Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ривоят билан собит бўлган, ҳадис бўлса, жумҳур уламо, буни қабул қилади. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодотида бўлганлар, ҳадис саҳиҳ бўлса, қабул қилади. Тўрттала имомлар ҳам, агар ҳадис саҳиҳ бўлса, менинг йўлим шу, дейишганлар.

Ҳаммалари, агар менинг сўзимга зид, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ривоят билан собит бўлган, ҳадис бўлса, буни қабул қилинганлар ва менинг сўзимни деворга уринганлар, деганлар. Ҳаммалари ўзларидан соқит қилиб олганлар. Демак, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга қайтаришлигимиз, бу у кишининг суннатига қайтарамиз. У кишида, баён қилишлик фазилати бор. Аллоҳнинг шаҳодати билан.

Бу ерда, келишмай қолган вақтинларда, иш эгаларига қайтаринганлар, дейилмаяпди. Аммо, итоат, Аллоҳга ва Расулга, ва ўзинглардан бўлган пешволарга. Аммо, келишмай қолган вақтинларда, Аллоҳга ва Расулга, қайтаринганлар, дейилди. Аллоҳга ва Расулга, қайтаринганлар, дейилди. Ким қайтаради? Мана, китоб ва суннатни билган уламолар. Ҳамма олимлар эмас. Китоб ва суннатга моҳир бўлган уламолар, мана бу Аллоҳнинг ҳукми ва мана бу Расулининг ҳукми деб, ривоятлари билан, ҳар бир ҳукми исбот қилишган бўлсалар, биз авомуннос, буни қабул қиламиз. Чунки, улар қуръонни ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини билишмайди.

Аллоҳга ва Расулга, итоат қилиш ҳукми, мутлақдир.

Пайғамбарга итоат қилмаган, Атиу калимаси, Аллоҳ сўзининг олдида келаяпди ва расул сўзининг олдида ҳам, Атиу калимаси келди. Чунки, Аллоҳга ва Расулга, итоат қилиш ҳукми, мутлақдир. Пайғамбарлар маъсумдирлар. Уларга итоат мутлақдир. Пешвога итоат ҳукми, аслий эмас. Шунинг учун, уни олдида, атиу калимаси келмаяпди. У олдинги атиу калимасига атф қилинаяпди. Пешвога итоат, биринчи унинг мўминлардан бўлиши ва иккинчи, маъруфга буюриши билан, унга итоат қилинади. Демак, мўминлардан бўлган, Пешвога итоат, Аллоҳга ва Расулга, итоат қилиш бўлади. Шунинг учун, мўминлардан бўлган, Пешвога итоат қилиш олдида, атиу калимаси келмаяпди. Шунинг учун, Аллоҳу Субҳонаху ва таоло Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга,

وَلَا يَعْصِيَنَّكَ فِي مَعْزُوفٍ قَبَائِعُهُنَّ
Мумтахана сураси 12 оят

Агар мўмина аёллардан баъзилар, сизга байъат қилмоқчи бўлсалар, қатор шартлар зикр қилиниб, байъат шартларидан биттаси, маъруф нарсада сизга осийлик қилмасликка байъат қилишмоқчи бўлсалар, байъат қилинг, деди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам доим, маъруф нарсага буюрадилар. Мана бу, маъруф нарсада, сизга осийлик қилмасликка байъат қилишмоқчи бўлсалар, байъат қилинг, деган сўз, уламоларга ҳам, бир диққатлик сўзки, агар уламолар маъруф нарсага буюришмаса, уларга итоат мутлақо йўқ, деган маъно бор. Шунинг учун, биз мўминлардан бўлган пешво, маъруф нарсага буюрса, итоат қиламиз.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир тоифа аскарни, бир жойга жўнатдилар. Улар бир ерга борганда, уларнинг итоатларини синашлик учун, Лашкар бошлиғи, ўт ёқишга буюрди. Шунда, ўт ёқилди. Шунда, уларга ўзини ўтга ташлашга буюрди. Баъзилар амирга итоат қилишга маъмурмиз. Ўтга ташлаймиз, дейишди. Баъзилар, биз шу ўтдан қочиб, имон келтирганмиз, дейишди. Шунда, ҳаммасини тўхтатдилар. Ҳазиллашдим, дедилар. Бу воқеъани, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг олдида келиб, айтишганларида,

لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ

Холиққа осий бўладиган ишда, махлуққа итоат йўқ, дедилар.

فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

Нисо сураси 59 оят

Аллоҳга ва Расулга, қайтаринглар, агар Аллоҳга ва қиёмат кунига, имон келтирган бўлсангиз, деди.

Кўп кишига, ҳой, ҳавони қўйинг, Аллоҳга ва Расулга эргашайлик, десангиз, Йўқ, мен мана шу ота бобомиздан қолган нарсга, эргашаман, дейди. Наузан биллоҳ, уларни кўп гапини айтишга қўрқамиз. Куфр сўзлар у. Шунда қуръон, Аллоҳга ва Расулга, қайтаринглар, агар Аллоҳга ва қиёмат кунига, имон келтирган бўлсангиз, деди. Имон келтирмасанглар, бу гап сизларга эмас. Бу қиёматда Аллоҳни ҳузурига бораман дейдиган, одамларга бу гап. Сизларга эмас, хотиржам бўлинглар, дейилади.

ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا

Нисо сураси 59 оят

Бу яхшидир ва оқибати ҳам, гўзалроқдир, деяпди, Аллоҳу таоло!

23. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا خُذُوا حِذْرَكُمْ فَانْفِرُوا ثُبَاتٍ أَوْ بَعِيضٍ

Нисо сураси 71 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нидо қилаяпди, мўминларни, эҳтиётни ўзларига лозим тутишлигига. Уларнинг душманлари кўп эканлигидан, яҳуд ва насоролар ва мўминлар орасига кириб олган, мунофиқлар кўплигидан, бўлиб ҳам ақлини, фақат Ислоннинг зарарига ишлатадиган душманлари кўплигидан огоҳлантираяпди. Ниҳоятда хушёр бўлинглар, деяпди. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло жиҳодни, фарз қилган эди. Мўминлар ҳаммаси, тайёр эмас эди, жиҳодга чиқишга. Субат, кичкина жамоа, сарийя, шу кичик жамоа ва ёки катта жамоа бўлиб, жиҳодга чиқишга, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло чақирди, мўминларни.

Хузу хизракум, хушёрликни ушланг, дегани, хушёрлик ўзи маънавий нарса, лекин, гўёки, хушёрлик моддий нарсаю, уни ушлаб оладигандек, яъни, шу даражада хушёр бўлишга чақиряпди. Хузу калимасини, хизракумга манфий бўлишлиги, хушёрликни ушланг, дегани бўлади. Лекин, мўмин одамнинг душманидан хушёрлиги, моддий нарсаю, худди уни ушлаб оладигандек, яъни, шу даражада хушёр бўлмоғи керак. Мўминлар гўл, содда бўлади деганлар ҳам, бу нидони эшитсин. Мўминлар тарихда энг закий, энг зийрак ва энг хушёр бўлишган. Бошқалар, қўзиқорин ейишдан бошқа нарсани билмаган вақтда, булар шундай бўлишган. Чунки, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло уларни зийракликка чақирган. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳақиқий мўминларни, доим оз эканлигини, баён қилган.

وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّاكِرُ

Сабо сураси 13 оят

Бандаларим ичида, шукр қилувчилар жуда оз.

Шунинг учун ҳам, оз бўлган мўминлар, кўп сонли душманлардан, ўзининг сафида турган мунофиқлардан хушёр бўлмаса, у ниҳоятда кўп, панд ейди.

لَا يَلِدْغَ الْمُؤْمِنُ مِنْ جَحْرِ مَرَّتَيْنِ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мўмин одам, бир тешиқдаги илонга, икки марта чақирмайди, дедилар.

Яъни, бир марта алданади. Икки марта алданмайди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтдилар: мен бировни алдашликдан афзал одамман. Аммо, бировга алданишликдан олийман, дедилар. Демак, мўмин кишилар, бировни алдамайдиган бўлиши керак ва айна вақтда, бировга алданмайдиган ҳам бўлиши керак. Сизни биров урса, калтакласа, кейин, сизга Аллоҳ қувват берганда, уни йиқитиб калтаклаб бошласангиз, ҳой, мўминсан, ҳалимлик қилгин ахир, деса, ҳалимлик яхши бўлса сен қилавер, дейиш керак. Агар ҳалимлик яхши бўлса, у қилиши керак эди, ҳалимликни. Калтак еяётганида, ҳалимлик яхшилиги, эсига тушди уни.

Бир одам сизни уйингизга келиб, саховатдан гапириб берса, Хотамтойдан гапириб берса. Саховатни яхшилигида, Хотамтойни яхшилигида, шак шубҳа йўқ. Иттифоқо, уни уйига борганингизда, қаноатдан гапирса, қаноатдан ва кам таомликни улуғлигидан гапириб берса, бу сўзлар ҳақ, лекин, у ҳақ сўз билан, ботилни ирода қилаётган бўлади. У ўзининг бахиллик сифатини пардалаяпди. Уйингизда Хотамтой қиссасини ўқиб берган одам, ўзини таъмагирлигини саховат пардаси билан, бекитиб турибди. Зийрак мўмин у уйда, қаноатдан гапириб турганда, бир хотамтойни ҳикоясидан ҳам ўқиб беринг, дейди. Мўмин одам закий бўлиши керак. Фикран алданадиган бўлмаслиги керак. Мағлуб бўлган пайтда, унга ҳалимлик керак бўлиб қолади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, ҳушёрликни ушланглар, деди. Ҳушёрлик худди моддий нарсасдек, мўмин одамнинг рўбарўсида турмоқлиги керак!

Хузу, ушланглар! Нимани? Хизракум, ҳушёрликингни ушланглар! Ё Аллоҳ, бу ерда изофани қаранги, бу ҳушёрлик фақат сизларнинг сифатинглар, эй мўминлар. Бу бошқаларнинг сифатимас. Хизракум, фақат сизларнинг сифатинглар, деб, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло изофа қиляпди. Эй мўминлар деб, хитоб қиляпди.

Агар дадамиз сафарга кетаётганда, эй ўғлим, ҳушёр бўлгин деб, кетса, уни гапига қанчалик эътибор қиламиз? Бу ерда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, Эй мўминлар деб, хитоб қиляпди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا خُذُوا حِذْرَكُمْ فَانفِرُوا ثُبَاتٍ أَوْ بَعَادٍ

Нисо сураси 71 оят

Демак, мўминлар ҳушёр бўлиб, бутун молию жони билан, Аллоҳнинг йўлида, жиҳод қилишга маъмур бўлаяпди. Демак, Аллоҳнинг йўлида, ҳамма имконияти сарф қилишга, мўмин киши, тайёр бўлиши керак.

24. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا ضَرَبْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَتَبَيَّنُوا وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْفَى إِلَيْكُمْ السَّلَامَ لَسْتَ مُؤْمِنًا تَبْتَغُونَ عَرَضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فَعِنْدَ اللَّهِ مَغَانِمُ كَثِيرَةٌ كَذَلِكَ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلُ فَمَنْ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَتَبَيَّنُوا إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

Нисо сураси 94 оят

Эй, имон келтирган кишилар Аллоҳнинг йўлида, жиҳод қилсанглар, ё сафар қилсанглар, ўзингларни рақибларни, яхши текширинглар. Сизларга салом берган кишига, лапта мўминан, сен мўмин эмассан, деманглар. Мўмин киши сафар қилса, рўбарўсида турган кимсани душманми, дўстми, қандай билиб олади?! У ўзининг урфий либосида турибди. Мўминларнинг биринчи калимаси, асسالому алейкум. Асسالому алейкум калимаси, биродарлар, таржимаси бўлмади. (Ҳамма тилда, шу калима ишлатилади) Салом, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг исмидир. Демак, Асسالому алейкум калимаси, менинг тарафимдан сизга саломатлик бўлсин! Мен мўминман, деган маънони билдиради. У шундай деса, Сизлар унга, сен мўмин эмассан, деманглар.

تَبْتَغُونَ عَرَضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا

Ҳаёти дунё матосини истайсизларми?

فَعِنْدَ اللَّهِ مَغَانِمَ كَثِيرَةٌ كَذَلِكَ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلُ فَمَنْ اللَّهُ عَلَيْكُمْ فَتَبَيَّنُوا

Аллоҳнинг ҳузурида кўп ғаниматлар бор. Илгарилари сизлар ҳам, шундай эдинглар. Яъни, салом калимаси, калимаи тоййибадир. Инсоннинг саломатлигига сабаб бўлувчи. Бу калимани нутқ қилишлиги билан, ўзининг мўминлар сафига қўшилувчи калима, ва саломатлигига сабаб бўлувчи калимадир. Агар, у Ла илоҳа иллоллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳ деган бўлса, сен мўмин эмассан деманглар! Сизлар ҳам, илгари шу калимани нутқ қилишдан бошқа нарсани билмасдинглар. Аллоҳ сизларга марҳамат қилди, Исломнинг дунёқарашилини билиб, амал қилишни насиб қилди. Аниқлаб текширинглар.

إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

Аллоҳ сизлар қилаётган амаллардан, хабардордир.

عن ابن عباس قال : بعث رسول الله صلى الله عليه وسلم سرية ، فيها المقداد بن الأسود ، فلما أتوا القوم وجدوهم قد تفرقوا ، وبقي رجل له مال كثير لم يبرح فقال : أشهد أن لا إله إلا الله . وأهوى إليه المقداد فقتله ، فقال له رجل من أصحابه : أقتلت رجلا شهد أن لا إله إلا الله ؟ والله لأذكرن ذلك للنبي صلى الله عليه وسلم . فلما قدموا على رسول الله صلى الله عليه وسلم قالوا : يا رسول الله ، إن رجلا شهد أن لا إله إلا الله ، فقتله المقداد . فقال : " ادعوا لي المقداد . يا مقداد ، أقتلت رجلا يقول : لا إله إلا الله ، فكيف لك بلا إله إلا الله غدا ؟ " . قال : فأنزل الله : (يا أيها الذين آمنوا إذا ضربتم في سبيل الله فتبينوا ولا تقولوا لمن ألقى إليكم السلام لست مؤمنا تبتغون عرض الحياة الدنيا فعند الله مغانم كثيرة كذلك كنتم من قبل فمن الله عليكم فتبينوا) فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم للمقداد : " كان رجل مؤمن يخفي إيمانه مع قوم كفار ، فأظهر إيمانه ، فقتلته ، وكذلك كنت تخفي إيمانك بمكة قبل

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анху ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам Миқдод ибн Асвад бошчилигида, бир сарийя жўнатдилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари иштирок этган лашкар, ғазот дейилади. Ўзлари бормаганларини, сария дейилади. Улар борсалар, душман тарқалиб кетган экан. Шунда улардан бири, кўп моли билан қолди. У жилмадида, булар келганда, Ашҳаду алла илоҳа иллоллоҳ деб, калима айтди. Миқдод ибн Асвад қиличи билан, бу одамни ўлдирди. (Баъзилар, шу кишини ўлдирган Миҳлам ибн Жисома деган ва баъзилар Усома ибн Зайд деган) Шунда, асҳоблар айтишдики, сиз Ашҳаду алла илоҳа иллоллоҳ деб, калима айтган кишини қатл қилдингиз. Буни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга албатта айтамин, дедилар. Ва қайтиб келгач, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга хабар беришди. Миқдодни чақиринг, дедилар. Унга қараб, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасини айтган одамни қатл қилдингми? эртага қиёмат куни Ла илоҳа иллоллоҳ деб, келса, нима қиласан? дедилар. Шу вақтда, бу оят нозил бўлди. Миқдод ибн Асвад, Маккада, имонини яшириб яшаган эдилар.

كَذَلِكَ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلُ

Шунга оятда, сизлар ҳам илгари, имонингларни бекитиб юрардинглар, дейилди. Мушриклардан зарар етиб қоларми деб, имонингларни бекитиб юрардинглар, бу ҳам, бекитиб юрарди, уни қатл қилиб қўясизми? деган, таълими Илоҳий нозил бўлди. Демак, рақиб тарафидан, имон калимасини айтишлик ё, исломни қабул қилиб, бекитиб юрганига ё имонни, шу вақтда қабул қилганига, белги бўлади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг бизга берган Ислом неъматини кўрингки, Миқдод ибн Асваддек улуғ саҳобанинг ҳам, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан дашном эшитишига, сабаб бўлди, мана.

25. Нидо ояти

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِالْقِسْطِ شُهَدَاءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَى أَنْفُسِكُمْ أَوِ الْوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَاللَّهُ أُولَىٰ بِهِمَا فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَىٰ أَنْ تَعْدِلُوا وَإِنْ تَلَّوْا أَوْ تُعْرَضُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

Нисо сураси 135 оят

Эй, имон келтирган кишилар, адолатни барпо қилувчи бўлинглар. Аллоҳ учун, гувоҳлик берувчи бўлинглар.

Адолат нима? Китоб ва суннатга мувофиқ бўлган ҳукмлар, адолатдир. Аллоҳ учун, гувоҳлик берувчи бўлинглар. Агарчи, бу гувоҳликлар, ўзингларни зарарингизга бўлса ҳам, ота оналарнинг зарарига бўлса ҳам, қариндош уруғларнинг зарарига бўлса ҳам, адолатни барпо қилувчи бўлинглар. Аллоҳ учун, гувоҳ бўлинглар.

Мана бу гувоҳлик, фақат ислом тарихида барпо бўлди. Одамлар ўзининг зарарига бўлса ҳам, гувоҳлик беришди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида, фаҳш ишни қилиб қўйган кишилар, ўзининг зарарига гувоҳ бўлиб, мен бу ишни қилдим. Дунёда шуни жазосини олишни хоҳлайман деган зотлар, пайдо бўлди. Аёллардан ҳам, мен бу ишни қилдим. Аллоҳнинг олдида, покиза бўлишни хоҳлайман. Дунёда нима жазоси бўлса қилинг, деб, келганида, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, то ҳомилалик, аниқ ё ноаниқ бўлгунча қайт, дедилар. Агар ҳомила ҳолатда жазо берилса, Ислом турмуш қурган аёлни, фаҳш иш қилса, тош бўрон қилиб, ўлдиради. (Ҳомиласига зарар етиши мумкинлигидан, то туққунгача, жазо берилмасди) Ҳомиладорлиги аниқ бўлгач, қайт, то туққунгача, дедилар. Яъни, шу билан кетса, кетаверарди. Лекин, имони ўзининг зарарига шундай турдики, фарзанд туғилгандан кейин, яна келди. Боланг сутдан чиққунча кет, дедилар.

Яна кетиб қолса, бўлаверарди. У билан бировнинг, иши бўлмасди. Лекин, имони ўзининг зарарига шундай турдики, фарзанд нон ейдиган бўлганда, кўлига нон бериб, кейин етаклаб, яна келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳукми ижро қилдилар. Ҳамма тош отишлик шарт. Аллоҳнинг ҳукми ижро қилинаётганда, ҳеч кимнинг қалбида, меҳр қолмаслиги керак. Аллоҳнинг ҳукмини ижро қилишликдан, бош тортишга ўхшаб қолади. Холид ибн Валид ҳам тош отганди. Унинг кийимига қон сачради. Шунда, сўкиб юбордилар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, эй Холид тилингни тий, тавбаси мақбул бўлдики, Мағриб билан Машриққа тақсим қилса, етади, дедилар.

Исломдаги жиноятларни жазосини беришлик билан, инсон покланади. Аммо, бошқа низомларда бундай эмас. Ўтган даврларда, ҳатто ҳалол касб тижорат қилиб, маҳбус бўлган одамлар ҳам, бошқа мамлакатлар биноларини кўриб келишдан, маҳрум қилинганлар. У покланган эмас. У нопок деб, эътибор қилинган. (СССР адолатсиз тузуми назарда тутиляпти) Аммо, Исломда, жиноятни жазосини беришлик билан, инсон покланади.

إِنْ يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَآلَهُ أُولَىٰ بِهِمَا

Агар бадавлат бўлса, уни риоя қилиб, ёлғон гувоҳлик берманглар. Агар камбағал бўлса, унга раҳмларинг келиб, уни риоя қилиб, ёлғон гувоҳлик берманглар.

Инсонлар бойликни, Бут деб билади. Бойни ёнини олишлик ҳам, бутга сиғинишлик. Камбағалнинг ёнини олишлик ҳам, бутга сиғинишлик. Камбағалпарвар, йўқсилликни мақталган низомда ўсганлиги учун, йўқсилпарвар бўлиб кетишган.

У ҳақ бўладими, ноҳақ бўладими, фарқи йўқ, камбағалпарвар бўлиб кетишган. Бизнинг Ислом, бойпарвар ҳам эмас, камбағалпарвар ҳам эмас, Ҳақпарвардир. Ҳақ бойни ёнида бўлса, бойни ёнида туради. Ҳақ камбағални ёнида бўлса, камбағалнинг ёнида туради. Сизлар бойпарвар ҳам бўлманглар, камбағалпарвар ҳам бўлманглар, шу камбағал бечора, зарарланадими? деманглар. Ноҳақ бўлса, олсин жазосини. У бойга ҳам, камбағалга ҳам, Аллоҳ ҳақлироқ ва меҳрибонроқдир!

فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَىٰ أَنْ تَعْدِلُوا

Адолат қилишликни ўрнига, ҳавога эргашиб кетманглар!

وَإِنْ تَلَّوْا أَوْ تُعْرَضُوا

Агар бурилсанглар, ёки юз ўгирсанглар, инсон икки хил, адашади. Ҳақдан бутунлай юз ўгирмайди, секин ёнидан жилиб кетади. Бурилиб кетади. Ёки, бутунлай юз ўгириб кетади. Мана даҳрийлар, Аллоҳнинг каломи ва ҳадиси муборакни тушунтирсангиз, бутунлай юз ўгириб кетади. Аммо, мўминман деган, имони қалбида мустаҳкам бўлмаганлар, Аллоҳнинг каломи ва Расулининг ҳадиси гапирилса, улар сал бурилиб, ёнбошлаб кетишади.

فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا

Бурилсанглар, ёки юз ўгирсанглар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло, сизлар қилаётган амаллардан хабардордир. Билиб кўриб туради.

(Шу ерда қатор саволларга жавоблар берилади.)

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло толиби илмларга зеҳн берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ота оналари бетоб бўлган кишиларнинг ота оналарига шифо берсин!
Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, фарзандимизни амаллик олимлардан қилсин!
Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, гуноҳларимизни кечирсин ва ибодатларимизни, қабул қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло дарсимизни давомли қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Исломига ёрдам бераётганларга, ёрдам берсин! Зарар етказётганларга, Аллоҳ Ўзи кифоя қилсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло мустазъафини жаҳонга, Ўзи нажот берсин! Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло аҳли Исломларнинг беморларига шифо берсин!

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ
صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ
Фотиха сураси 6,7 оятлар

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни, ҳаққа амал қилишликка тавфиқ берсин!
Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

.....

76 дарс тугади

Хотима:



Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Расулига саловоту саломлар бўлсин! Устоз шаҳид аллома, Абдували қорининг Душанба Дасрлари туркумидаги тўртинчи китоб тугади. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бу китобни, бу уммат учун, қиёматгача, дарс қилиб, фойдаланидиган манфаатлик китоблар жумласидан қилсин! Ва саллоллоҳу таоло ало хойри холқиҳи, Муҳаммадин ва олиҳи ва саҳбиҳи ажмаъин! Омин!

Ўлмоқ афзалмиди устоз, сизга ёлғондан кўра,
Дину имонни бало фитнага солғондан кўра?!

Нега бу тоғут мараз изминда юрмай кетдингиз,
Хорлиқ афзалми, қиёмат кун уёлғондан кўра?!

Қанчалар шайху имом тоғутга хизмат қилдилар,
Қаро ер афзалмиди, бу сафда турғондан кўра?!

Бу дунёни молу — жонни, охират деб, сотдингиз,
Бу савдо афзалмиди ё динни сотғондан кўра?!

Ҳайбатингиздан ҳануз титрайди сохта салтанат,
Хавфингиз кўпроқ бугун, сиз бор бўлғондан кўра!

Барибир золим мараз дунёда мангу қолмади,
Ўлмоқ афзал тавқ ила лаънатга қолғондан кўра!

Саҳвий каби, неча минглар қалбидан жой олдингиз,
Ибрат кўрсатган буюқдир, ибрат олғондан кўра!

Саҳвий

22. 02.2022

Тўртинчи китоб мундарижаси

Шу ердан бошлаб Гуноҳи кабиралар ҳақида саккизта дарс бўлади.

60 Дарс -- 2 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида

1 қисм

(Тўртта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан дарс қилиб бошланади. Бундан кейинги дарслар то 76 дарсгача, шу китобдан бўлади. Демак, жами 8 та дарс мавзуси, шу гуноҳи кабираларнинг турларига бағишланади. Бу дарсда, кабира гуноҳлардан тўрттаси, алоҳида шарҳланади. Ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдиришлик, сеҳр қилишлик, намозни тарк этишлик, шарҳланади. Ширк келтиришлик гуноҳининг шарҳида, кичик ширкларга, доир қатор ҳадислар келтирилган. Улар ичида мавзуъ, тўқима ва заиф ҳадислар ҳам келган. Қори ака дарсни ичидаги, барча ҳадислар сиҳоҳи ситтадан келтирилганлиги таъкидлаб ўтганлар. Шунга қарамай, улар ичида, муҳаддислар мавзуъ деган, баъзи ҳадислар ҳам учрайди.)

61 Дарс -- 20 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида

2 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарс ҳам, аввалгиси каби, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар билан таништиришда давом этади. Бешинчи кабира гуноҳ, закот бермаслик гуноҳи олтинчиси, рамазонда, бе узр рўза тутмаслик ва еттинчиси, Ҳажга қодир бўла туриб, бормаслик, саккизинчиси, ота онага оқ бўлишлик ва тўққизинчиси, қариндошлар билан алоқани узишлик, каби катта гуноҳлар баён қилдинади. Олдинги дарсда тўртта ва бу дарсда бешта, жами тўққизта гуноҳ шу икки дарсда баён этилган.)

62 Дарс -- 32 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида

3 қисм

(Тўртта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, аввалгиси каби, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар билан таништиришликда давом этилади. Ўнинчи кабира гуноҳ, зинокорлик гуноҳи ўн биринчиси, баччавозлик, ва ўн иккинчиси, судхўрлик ва ўн учинчиси, етим молини ейишлик каби, катта гуноҳлар баён қилинади. Бу дарсда тўртта ва олдинги дарслардаги билан, уч дарсда, жами ўн учта гуноҳ ҳақида маълумотлар берилди.)

63 Дарс -- 43 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида
4 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, Имоми Заҳабийнинг кабоир номлик китобидан, гуноҳи кабиралар мавзусида навбатдаги тўртинчи дарс давм этади. Бу дарс аввалида, ўн тўртинчи гуноҳи кабира бўлмиш, Кизб, ёлғон сўзлашдан бошланади. Ўн бешинчиси, жиҳод майдонидан қочишлик ва ўн олтинчиси, Амирлар халқига соф бўлмаслиги ва зулм қилишлиги ва ўн еттинчиси, кибр қилишлик ҳақидадир. Ўн саккизинчиси, ёлғон гувоҳлик беришлиқдир. Бу дарс шу силсиладаги тўртинчи дарсдир)

64 Дарс -- 55 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида
5 қисм

(Бешта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, ўн тўққизинчи гуноҳи кабира бўлмиш, маст қилувчи ичимлик ичиш ва йигирманчи гуноҳи кабира, қиморвозлик қилиш ва йигирма биринчи кабира гуноҳ покиза, мўъмина аёллар шаънида, бўҳтон қилишлик ва кейингиси ғаниматларга хиёнат қилишлик ва Ўғирлик қилиш ҳақида дарс қилинади. Бу дарс шу силсиладаги бешинчи дарсдир)

65 Дарс -- 65 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида
6 қисм

(Еттита гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, йигирма учинчи кабира гуноҳ Ўғирлик қилиш ҳақида, яна қайта дарс қилинади. Бу мавзуни олдинги дарснинг охирида бошланганди. Йигирма тўртинчи кабира гуноҳ, йўлтўсарлик. Йигирма бешинчи кабира гуноҳ, Ёлғон қасам ичиш. Йигирма олтинчи, Зулм билан одамлар молини ейиш. Йигирма еттинчи, одамлар молини ноҳақдан олувчилар, Йигирма саккизинчи, Ҳаром ейишлик, Йигирма тўққизинчи, Ўзини ўзи қатл қилиш ва ўттизинчи гуноҳи кабира, Гапининг кўпида кизб гапириш ҳақида, дарс бўлади. Бу дарс шу силсиладаги олтинчи дарсдир)

66 Дарс -- 68 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида
7 қисм

(Саккизта гуноҳи кабира)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, ўттиз биринчи гуноҳи кабирадан то ўттиз тўққизинчигача, дарс бўлади. Ўртада хатолик бўлиб, битта ўттиз бешинчи сонли гуноҳи кабира айtilмай кетилган. (Имоми Заҳабийнинг китобида 35 чи гуноҳи кабира, аёлнинг розилигисиз мажбурлаб никоҳланиш» дейилган.) Қори ака 34 дарсдан кейин, 36 дарсга ўтиб кетганлар. Жами бу дарсда саккизта гуноҳи кабира, зикр қилинади. Бу дарс шу силсиладаги, еттинчи дарсдир)

67 Дарс -- 89 бет

Гуноҳи кабиралар ҳақида
8 қисм

(Қолган ўттизта гуноҳи кабирадан, йигирматаси қисқача дарс қилиб ўтилади)

(Бу дарсда ҳам, гуноҳи кабиралар давом этади. Бу дарс аввалида, Абу Фирос ал Ҳамадонийнинг арабча тўртлиги ўқилади. Шу рубоий 10 дарсда ҳам келган эди. Қирқинчи гуноҳи кабира, миннат қилишлик ҳақида, дарс бўлади. Шундан то 56чи гуноҳи кабирагача дарс қилиб бориб, кейин, ўнта ташлаб, 66 кабирага ўтилади. Кейин яна оралаб, охирги 70чи гуноҳи кабира, саҳобаларни сўкишлик ҳақида бўлади. Ўттизта гуноҳи кабирадан, йигирматадан кўпроғи, қисқача дарс қилинади. Имоми Заҳабийнинг китобидаги гуноҳи кабиралар сони 70 тадир. Қори аканинг саккизта дарсида, элликтадан кўпроғи, дарс қилинди.)

68 Дарс -- 105 бет

Рисолат неъматини ҳақида

(Бу дарсда, Рисолат инсоният учун катта неъматлиги ўқтирилади. Инсонларга Пайғамбарлар воситасида, ҳидоят йўли кўрсатилди. Бу дарс, Оли Имрон сураси 164 ояти тафсирига бағишланади. Рисолат неъматини буюклиги тушунтирилади. Рисолат инсониятни Роббиси билан боғловчи воситадир. Инсониятга, уни ким яратгани ва нима учун яратгани ва уни ер кулласидаги ҳаётда яшашликдан мақсади нимадан иборат эканлиги, шу рисолат воситасида тушунтирилади. Рисолат соҳиблари пайғамбарлар эса, шу инсонлар вакили эдилар. Улар ҳам, инсон эдилар. Ўзлари тўғри ҳаёт кечиришда, инсониятга намуна бўлдилар.)

69 Дарс -- 115 бет

Турли мавзуларда қисқача дарслар

(Бу дарс бошида, Ҳизбут таҳрир партиясининг ақидаси асосларига, қарши раддия берилади. Маълумки, ҳизбут таҳрир жамоаси асли, калом аҳли бўлмиш, Муътазиллийларнинг бугунги замонавий кўринишидир. Булар мутакаллимлар сингари, ақлни мезон қилиб, нақлни унга эргаштиради. Аҳли сунна эътиқодида, нақл бирламчи бўлиб, ақл унга эргашади. Бу ерда оддий авомга унча тушунарли бўлмаган илмий дарс бўлган. Дарсда акса уришга доир, намоздаги сафлар ва бошқа мавзуларга доир, қатор ҳадислар ўқиilib, мазмуни кенг суратда шарҳланади. Дарс охирида яна Ҳурмузон қиссаси ва Талха ибн Убайдуллоҳ маноқиби ўқилади. 56 дарсда Ҳурмузон қиссаси ва 31 дарсда Талха ибн Убайдуллоҳ маноқиби аввалтр зикр қилинганди)

70 Дарс -- 129 бет

Дажжол фитнаси ҳақида

(Бу дарсда қиёмат олдидан бўладиган, кўплаб фитналар ҳақидаги ҳадислар, шарҳланади. Шулар жумласидан Дажжол фитнаси ҳақидаги катта ҳадис ҳам, шарҳланади. Бу дарс мавзуси асосан, қиёматга яқин Ислом уммати устида бўладиган, фитналар ҳақидадир. Бу фитналардан баъзилар шу кунимизда, зохирдир. Яна баъзилари, келажақда бўлади валлоҳу аълам. Ислом уммати ўзининг имонини, эҳтиёт қилиши учун, уни келажақдаги фитналардан хабардор қилиб қўйдилар.)

71 Дарс -- 138 бет

Диний ихтилофлар чиққанда кимга эргашиш ҳақида

(Бу дарсда, динда ихтилофлар чиққанда, ечим топиш учун, нимага мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилади. Ва Аҳли сунна вал жамоа манҳаж, йўли, бошқа турли туман фирқалардан, нимада фарқланиши баён этилади. Дарснинг иккинчи қисмида, диндан чиқарувчи амаллар ва сўзлар ва эътиқодлар, зикр қилинади. Ва ибодат турлари қисқача айтиб ўтилади. Тавҳид ҳақида гапирилиб, дарс тугатилади.)

72 Дарс -- 149 бет

Эй имон келтирганлар нидоси: 1 қисм

(Бу дарсда, Эй имон келтирганлар деб бошланадиган 90 та нидо оятининг 7 таси кенг суратда тафсир қилинади. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг биринчисидир. Бу дарс тугамай қолган. Бу туркумда жами бешта дарс қилинган. Нидо оятининг охиргиси Нисо сурасининг 135 оятида тўхтаган. Агар у киши ўғирлаб кетилмаганда, 90 оятни тўлиқ тафсир қилганда, бу туркумдаги дарс 10 тадан ошарди. Валлоҳу аълам. Лекин, бешта дарсликда тугаган.)

73 Дарс -- 160 бет

Эй имон келтирганлар нидоси: 2 қисм

(Бу дарсда, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган 90 та нидо оятининг 4 таси, кенг суратда тафсир қилинади. Бу дарс аавалида, ўтган 72 дарс охиридаги еттинчи нидо, инфоқ қилиш ҳақидаги мавзу, яна қайта такрорланади. Кейин, саккизинчи нидо бошланади. Бақара сурасидаги 11 та нидо ояти, шу дарсда тугайди. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг иккинчисидир. Кейинги дарс, Оли Имрон сурасидаги, нидо оятлари тафсиридан бошланади.)

74 Дарс -- 170 бет

Эй имон келтирганлар нидоси: 3 қисм

(Бу дарсда, Оли Имрон сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг олтитаси тафсир қилинади. Олдинги икки дарсда, Бақара сурасидаги ўн битта нидо ояти, шарҳланган эди. Бу дарс билан жами ўн еттита, нидо ояти дарс қилинади. Бу дарс, шу туркумдаги дарсларнинг учинчисидир. Жами қуръонда, тўқсонга нидо ояти бўлиб, шундан 25 тасини дарс қилганлар. Охиргиси Нисо сураси 135 оятдир. Кейин, у киши сафарга чиқиб, Тошкент аэропортида, ўғирлаб кетиб, йўқ қилинди.)

75 Дарс -- 180 бет

Эй имон келтирганлар нидоси: 4 қисм

(Бу дарсда, Нисо сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг учтаси тафсир қилинади. Тафсирлар кенг суратда бўлганлиги учун ҳам, учта оят тафсири, бир дарс бўлган. Бу дарс шу туркумдаги дарсларнинг тўртинчисидир. Бундан кейинги дарс билан бу туркумдаги дарслар ҳам тугайди. Шунингдек, Душанба Дарслари ҳам тугайди.)

76 Дарс -- 189 бет

Эй имон келтирганлар нидоси 5 қисм

(Бу дарсда Нисо сурасидаги, Эй имон келтирганлар деб, бошланадиган оятнинг тўрттаси тафсир қилинади. Бу дарс шу туркумдаги дарсларнинг, бешинчисидир. 90 та нидо оятидан, шу бешта дарсда, жами, 25 та оят ўрганилди. Бу дарс билан, шу туркумдаги дарслар ҳам, тугайди. Шунингдек, Душанба Дарслари ҳам, тугайди. Қолган иккита 77 ва 78 дарслар, саҳобалар қиссалари бўлиб, улар Душанба дарсига қирмайди. Улар жума кунларида, алоҳида дарс қилинган. Улар ақидавий дарслар жумласидан эмас.)

Хотима: -- 198 бет

Мундарижа 199 бет